

ДУРДОНА

Озарбайжон ёзувчиларининг
ҳикоялари

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1979

С
ДЭЭ

Тўпловчи ва изоҳлар муаллифи
ҲУСАЙН АББОСЗОДА

Сўзбоши муаллифи ЭЛЧИН



70303—128
Доп. 79

© Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.
(Тарж.)

ОЗАРБАЙЖОН ҲИКОЯСИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳурматли ўзбек китобхонларига тақдим қилинаётган мазкур ҳикояларнинг муаллифлари ҳозирги озарбайжон адабиётининг турли авлодига мансуб ижодкорлардир. Булар романлар, қиссалар, пьеса ва сценарий муаллифлари бўлиш билан бирга, ҳозирги замон озарбайжон совет ҳикоячилигини ҳам яратган ва яратётган ёзувчилардир.

Шарқ адабиётида шеърят ҳамisha устунлик қилганлиги маълум. Низомий, Махсатий хоним, Хоқоний, Насимий, Фузулий, Шоҳ Исмоил Хатон каби жаҳонга машҳур сўз санъаткорларини берган бой ва кўҳна тарихга эга озарбайжон адабиётида ҳам поэзия насрга нисбатан хийла устун мавқега эга эди. Тўғри, Низомийнинг машҳур «Хамса»сидаги дostonларда шеърый усулда битилган ўнлаб мустақил, тугал ҳикоятлар, нақллар озарбайжон ҳикоясининг равнақида буюк роль ўйнаганди. Бу ўринда машҳур Чосер ҳикояларини эсласак бўлади. Улар фақат инглиз новелласининггина эмас, умуман, бутун Европа новеллачилигининг ривожида мустасно аҳамиятга эга бўлганди.

Шунингдек, озарбайжон адабиёти устоз Фузулийнинг насрда ёзган «Шикоятнома»си каби ўрта асрлар ҳикоячилигининг классик намунасига ҳам эгадир. XIX асрнинг ўрталарида буюк озарбайжон ёзувчиси, драматурги, файласуфи Мирза Фатали Охундовнинг «Алданган Кавокиб» номли юксак бадиий-эстетик савияли, ўз даврининг буюк сиёсий-ижтимоий масалаларини кўтарган насрий асари майдонга чиққан эди; айнаи ўша вақтда ёзилган Исмоил Қутқашинлининг «Саодат хоним ва Рашидбек» номли катта ҳикояси (ёхуд кичик қиссаси) бутун Европада, (асар XIX асрнинг ўрталарида Варшавада чоп этилганди) Россияда машҳур бўлган эди.

Лекин шунга қарамай, «Шикоятнома»дан бошланган наср анъаналари озарбайжон адабиётида поэзия эришган даражада равнақ топмади. Ҳикоя жанри тараққий эта бошлаган пайт озарбайжон адабиётида XX асрнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Чунки ўша даврда Жалил Мамадқулизода, Абдурахимбек Ҳақбердиев ижодида бу жанр, таъбир жоиз бўлса, ўша давр озарбайжон адабиётининг етакчи жанрларидан бирига айланди.

Жуда қадим ва бой шеърят анъаналарига эга бўлган озарбайжон адабиётини ҳикоясиз тасаввур қилиш мумкин эмас, албатта.

Бадиий жиҳатдан юксак бўлган бу ҳикоялар ўзларида даврнинг ижтимоий-ахлоқ юкини кўтарар, халқнинг умумий маданий тараққиётида, ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланишида муҳим роль ўйнар эди. Халқ ҳали ўрганмаган, ўзига сингдира олмаган бу жанр — ҳикоя халқнинг маънавий сирдошига айланиб, дарди-га шерик бўлиб, унга қувонч бахш этар эди.

Халқ бу жанрни ўз миллий адабиётининг факти сифатида дарҳол қабул қилди.

XX асрнинг бошларидаёқ озарбайжон адабиётида аста-секин қудратли ҳикоячилар насли етипиб чиқди. Ж. Мамадқулизода, А. Ҳақбердиевлар билан елкама-елка Юсуф Вазир Чаманзаминли, С. С. Охундов, Саид Ҳусайн, Қантамир, Жаъфар Жабборли каби бир қатор ёзувчилар энди озарбайжон совет ҳикоясининг ярати-

лиши ва тараққиёти учун мустаҳкам замин тайёрлаб бердилар.

Озарбайжон совет ҳикояси айнан шундай манбадан бошланиб, умумий адабий анъаналарга суянган ҳолда тагин ҳам конкретлаша борди.

Мен шу ўринда бир нарсани қайд қилишни истардимки, бугунги кунда умуман озарбайжон насри, яъни йирик романнавислик ҳамда қиссачилик ўзининг муваффақиятларида ҳикоя жанрига қарздордир. Бугунги озарбайжон совет насрининг алоҳида бир наср сифатида шаклланишида ва ташкил топишида ҳикоя жанрининг хизматлари жуда катта. Озарбайжон ҳикояси ҳам тарих эътибори билан, ҳам бадний-эстетик, ҳам сиёсий-ижтимоий кўлами жиҳатидан бугунги кунда машҳур бўлган озарбайжон романларига, қиссаларига, пьесаларига йўл очиб берди.

Озарбайжон ҳикояси кундан-кунга ўсиб, янгидан-янги чўққиларни эгаллаб борапти.

Бугунги озарбайжон новелласи мавжуд маънавий-ижтимоий масалаларни бундан ўн беш-йигирма йил аввалгига нисбатан тагин ҳам ҳар томонлама қамраб олмақда ва энг аввало, унинг бадний-эстетик савияси мазмунан юксала ва бойиб бормоқда.

Бугунги озарбайжон новелласи эришган улкан муваффақиятлар мавзу ранг-баранглиги, проблематика кўлами, ҳарактерлар галереясининг бойлиги ва санъаткорлигининг ошганлиги, шунингдек эстетик камолот ва шакл хилма-хиллиги билан боғлиқдир.

Энди умумсовет адабиётида рўй бераётган ҳар қандай ҳодиса озарбайжон ҳикоясида ҳам ўз аксини топмоқда ва озарбайжон ҳикояси наинки ёлғиз ўз сўзини айтибгина қолмасдан, у ўша ҳодисаларнинг билвосита иштирокчиси сифатида умумиттифоқ миқёсида тан олинмоқда.

Бугунги кунда озарбайжон ҳикояси умумиттифоқ матбуотида тез-тез кўзга ташланиб турибди.

Бугунги кунда Австралиядан тортиб Канадагача, Ҳиндистондан тортиб Швециягача дунёнинг ҳар тарафида озарбайжон ҳикоясининг довуғи таралгандир.

Бугунги кунда ҳам ўлкамизда, ҳам хорижда ҳозирги даврнинг энг яхши ҳикоя антологияларида озарбайжон ҳикояси тилга олинади.

Бугунги кунда озарбайжон ҳикояси фақат озарбайжондагина, фақат Совет Иттифоқидагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам саҳналаштирилаётир, экранлаштирилаётир, таҳлил қилинаётир.

Бугунги кунда озарбайжон ҳикоясининг ўқувчилар аудиторияси ҳам сон жиҳатдан, ҳам миллий таркиб эътибори-ла жуда кенгдир.

Азиз ва ҳурматли ўзбек ўқувчимиз! Биз яхши биламизки, сен буюк, қудратли бир адабиётга эга халқнинг намоёндасисан.

Биз ўз буюк устозларимиз қаторида сенинг ҳам устозларинг билан фахрланамиз, чунки биз икки қардош халқмиз. Сен улуг Фузулийни оригиналда ўқиганинг каби, биз ҳам улуг Навоийни оригиналда ўқиймиз.

Биз қардошлармиз.

Ушбу китобни ҳам бир қардош тухфаси сифатида қабул эт.

ЭЛЧИН

КЕЛИН ҚАЛЪА

Гулбаҳорнинг таърифи тилларда дoston. Тоғдаги чўпон-чўлиқларнинг оғзида, ошуқларнинг¹ ёниқ созида шу Гулбаҳор мадҳи. Атроф-теварақдаги қишлоқ йигитлари унинг висолига етмоқ орзусида уйига кетма-кет совчи қўйишди. Совчилар қатнайвериб, Жаннат амаки рад жавобини беравериб, тинкалари қуриди. Охири Жаннат амаки кампирини ёнига олиб, насихат қилди, қизингга бориб айт, бирор тенгини топиб, турмуш қилсин, бизлар ҳам шу машмашадан қутулайлик, деди. Она шўрлик ҳар қанча уринмасин, қизидан бирор тайинли гап ололмади.

Гулбаҳорнинг кўнгли эса Жамолда эди.

Жамол Пирим деган овчининг ўғли бўлиб, рўпарадаги тик қояда ёшлигидан отаси билан ов қиларди. Отаси оламдан ўтгач, унинг анжомларини олиб, касбини давом эттирди. Бора-бора Жамол уста овчи, моҳир мерган бўлиб танилди. У осмонда учиб кетаётган қушни бир ўқ билан уриб туширар, қишлоққа йўламоқчи бўлган йўлбарс, айиқ, бўриларнинг эса додини берарди. Жамол ўқидан қочиб қутулган йиртқич ҳайвонларни қўлбола тузоғига илинтириб қишлоққа орқалаб келарди. Жамолнинг довюраклиги тезда оғизга тушди. Отасининг довруғини ҳали унутмаган қишлоқ халқи уни Пирим овчининг ўғли Жамол, деб чақирадиган бўлди.

¹ Ош у қ — бахши.

Жамол гупиллаб қор уриб турган қиш кунларида ҳам овини канда қилмас, на кўчкию бўронлардан, на қоя атрофида изғиб юрган йиртқичлардан ҳайиқмасди. Гулбаҳорни мафтун этган нарса ҳам шу эди. Гулбаҳор кечаю кундуз шу Жамолнинг хаёли билан яшар, кечалари тушига кириб чиқар, Жамол билан бирга ов қилгандай, биргалашиб ўқ отгандай бўларди. Жамол ҳам бу туғённи сизди, бир жуфт шахло кўз йўлида ҳамиша нигорон эканини пайқай бошлади. Кейинги пайтларда бунчалик ови бароридан келаётганига ҳам шу кўзлар сабабчи бўлса ажаб эмас. У тошдан-тошга сакраб, чарчаш нималигини билмас, гоҳ булутга бош қўйган қояга тирмашиб, така қувса, гоҳ қуюқ ўрмонзорда кийик овларди. Гулбаҳорнинг уйига борган совчилар қуруқ қайтганини эшитиб, Жамол ичидан қувонарди. Гулбаҳордек бир нозанин уни деса, унинг дардида ёнса! Жамол бунини ўзи учун катта бахт деб билар, ўзи ҳам унинг ҳажрида ўтдек ўртанарди.

Бора-бора иккови тез-тез учрашиб турадиган бўлишди. Лекин ҳар гал бақамти келганларида тиллари айланмай, иккови ҳам қизариб-бўзарар, ўртадаги ҳаё пардаси дил розини айтишга халақит берар эди. Гулбаҳор бутун вужудидан куч ёғилиб турган Жамол сари талпинар, уни кўрган кунлари худди муқаддас маъбудни тавоф қилган кишидай, ўзида йўқ севинарди.

Шу зайлда кунлар ўтаверди. Улар бир-бирларидан ийманиб, юракларини очишолмади, бошқаларга ҳам сирларини айтишолмади. Жаннат амаки ҳар қанча қайтармасин, совчиларнинг кети узилмади. Нима қиларини билмай, бояқишнинг боши қотди.

Қишлоқ Оғалархон деган хоннинг қўлида эди. Бир куни у қизнинг отасини ҳузурига чақиртириб келди.

— Менга қараганда сенинг меҳмонларинг кўпайиб қолибдими? Бу қанақаси бўлди?— деб сўраб қолди.

Жаннат амаки бор гапни айтиб берди. Оғалархон шу кундан бошлаб Гулбаҳорга гойибона ошиқ бўлди. Овга чиққанида ҳам, овдан қайтаётганида ҳам атайлаб Гулбаҳорларнинг уйи ёнидан ўтишга ҳаракат қиларди. Уч-тўрт марта уни узоқдан кўришга муяссар ҳам бўлди. Лекин бекнинг қора ниятини тушунган Гулбаҳор ҳар гал ўзини ундан олиб қочар, шу тариқа Оғалархоннинг уринишлари зос кетар эди.

Гулбаҳор қанчалик ўзини олиб қочса, қанчалик бекнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилса, унинг ҳирси шунчалик ортиб борарди. Оғалархон баъзан соатлаб ўзини ойнага солиб кўрар, қават-қават ажинлари қариб қолганига ишора қилганида ёшлигини қўмсаб, ич-ичидан эзиларди. Кейин ўйланиб қолар, мен ёш бўлганимдаям шу ялангоёқнинг қизига уйланолмасдим, иснодга ботардим, деб ўзига-ўзи тасалли берарди. Лекин барибир қалбида гунча отган ҳирс илдиз ёйди, у кўчага кам чиқадиган, босиб-босиб чилим тортадиган бўлиб қолди. Хон ўйлаб-ўйлаб, охири қулай фурсат келишини кутишга қарор қилди.

Гулбаҳорнинг тоқати тоқ бўлди. Жамол билан неча бора кўришишган бўлса ҳам, бирор марта дил розини айтишолмади. Лекин икки ёшнинг кўзлари қалбларига мутаржим эди. Сарвқомат, барно Гулбаҳорнинг шахло кўзларидан Жамол қизнинг дилидаги туғённи англаб олди. Йигит танида жони бор экан, уни дейишини милтиғи билан қасамёд этди. Шу кўйи тил қолиб, дилларнинг ўзи топишди. Кўзлар бир-бирини тушунди, тил ожизлик қиладиган жойда нигоҳ устун келди.

Жамол онасига кўнглидаги гапни айтди. Онаизор уйида гир айланиб, интизорлик билан кутган куни келгани, бир фарзанди энди иккита бўлишини ўйлаб, суюнганидан кўз ёши ҳам қилиб олди. Шундан кейин у эл-юртнинг удумидан сўз очди, Оғалархоннинг олдига бориб, ундан тўйга фотиҳа олиш лозим эканини тушунтирди. Гап орасида қизнинг отаси тўйга рози бўладими, деб сўради.

— Отаси бутун ихтиёрни қизига берган.

— Қизнинг ўзи билан гаплашиб кўрдингми?

Жамол қизариб, мийиғида кулиб қўйди:

— Бўлмасам-чи, ойи? Гаплашмасам, айтармидим бу гапни?

— Ундай бўлса, Оғалархоннинг олдига бориш керак, ўғлим. Урф-одатимиз шунақа. Хон рози — худо рози.

Жамол бу таомилни яхши билади. Шунинг учун у булутга бош қўйган қоя томон йўл олди. Кечга яқин кийик боласини кўтариб, қишлоққа қайтди. Она-бола совғани кўтариб, хоннинг уйига жўнашди. Кийикчани кўриб, хон хурсанд бўлди, Жамолнинг маҳоратига таҳ-

син ўқиди, гап орасида ёшлигини эслаб, ўзиям жуда уста овчи бўлганини қистириб ўтди. Охири Жамолнинг онаси қўли билан тагидаги ғиламни пайпаслаб, муддаога кўчди, Гулбаҳорни ўғлига олиб бермоқчи эканини айтиб, ундан розилик сўради. Огалархоннинг ранги ўчиб, қоши чимирилди.

— Отасининг хоҳиши борми?— деб сўради у лабини тишлаб.

— Хонимизнинг иноятлари билан отаси бутун ихтиёрни қизига берибди, шу қулваччангизда қизининг кўнгли ҳам бор экан.

Огалархон бир сесканиб тушди. Унинг мақсади Гулбаҳорни турмушга чиқармаслик, чиқадиган бўлса, бадавлатроқ хонадонга келин қилишлик эди. Лекин қаршисида Жамол турибди! Тоғу тошнинг тилини биладиган, бирор ўқини хато қилмайдиган уста мерган, довюрак йигит! Бошини ҳам қилиб турган Жамол кўзини ердан олиб, хонга тикилди. Кўзлар тўқнаш келди.

— Хўш, тўйни қачон бошламоқчисиз?

— Хон хўп десалар, келаси ҳафтага.

— Келинга сарпо борми ё қарашворайми?

— Марҳаматларига қуллуқ, атаганимиз бор. Қизил кўйлак, рўмол — ҳаммаси тахт. Минг раҳмат сизга,— деди она хонни дуо қилиб.

Она-бола уйга қайтишди. Жамол йўл бўйи индамади, уйга келганида ҳам қовоғи очилмади, онаси нечоғлиқ суриштирмасин, сабабини айтмади.

Жамолнинг онаси ўзида йўқ хурсанд бўлиб, Гулбаҳорларникига совчиликка борди.

— Ёлғиз қизи, онасининг ўзи билади, мен чарчадим,— деди Жаннат амаки ўзини четга олиб.

Онаси қизининг раўйини сўради. Шунда Гулбаҳор бутун дилидаги гапларни онасига тўкиб солди. Жамолдан бошқасига асло рози эмасман, деб туриб олди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ она олдиниға роса ҳайрон бўлди, кейин эрини четга имлаб, воқеани тушунтирди. Совчилар келавериб жонига теккан Жаннат амаки фотиҳага қўл очди: «Илоҳим қўшақаришсин. Гулбаҳор битта фарзандимиз эди, Жамол билан иккита бўлди!»

Ҳафта ўтмай тўй бошланиб кетди. Пирим овчининг ўғли Жамол билан Жаннат амакининг қизи Гулбаҳорнинг никоҳ тўйига узоқ-яқиндан одамлар ёпирилиб

келаверди. Келин-куёв узукка кўз солгандай бир-бирига мос тушгани учун улар шаънига таърифлар ёғилди. Чақирилган ва чақирилмаган меҳмонларнинг ҳаммаси буларнинг тўйидан хурсанд. Ёлгиз Огалархон безовта кўринади. У Гулбаҳорга қизил кўйлак билан бир тўп ипакли мато юбориб, шуни кийсин, деб буюрибди. Хоннинг амри бажо келтирилди. Жамол сергакланди. Тоғу тошни сурнай овози тутди. Базм бошланди. Йигитлар қўл ушлашиб, давра ўйинига тушишди. Тўйга хоннинг ўзи ҳам етиб келди. Ўйин-кулги авжига минди. Таомил бўйича меҳмонлар келинни даврага чақаришди. Гулбаҳор хондан келган қип-қизил ипак кўйлакда товланиб, ўртага тушди. Рақс ҳаммага манзур бўлди. Огзининг суви қочган хон келиннинг бошидан роса танга сочди. Бир пайт у ёнидаги хизматкорига секингина шипшиб, уйдаги кийик боласини олдириб келди.

— Ҳов, халойиқ! — деди у тўйхонага жар солиб. — Фуқаро деган ҳам хонга тоқ нарса совға қиладими? Хоннинг ҳурмати шу бўлди? — У гапдан тўхтаб, важоҳатини ўзгартирди. — Ё бунинг шериги бўлсин, ё ҳозироқ буни олдингизда бўғизлаб ташлайман!

Пирим свчининг ўғли кўкрак кериб чиқди:

— Шеригиниям топса бўлади!

— Хўш, қачон?

— Хон қачон десалар шунда.

Огалархон овозининг борича бақирди.

— Мен шу бугун бўлишини истайман.

Тўйхонада ғала-говур бошланди:

— Бугун тўй-ку ахир, бошқа вақт қуриб қолганми?

Гулбаҳор ўйиндан тўхтади. Сурнайчилар жим бўлишди.

— Иккинчи кийик боласи менга шу бугун керак! — деб ўшқирди хон яна қайтариб.

Атроф энди сув қуйгандай эди.

— Қани, сизлар чалаверинглар! — жаҳл билан деди Жамол созандаларга қараб.

Онасининг қаршилигига ҳам қарамай, Жамол дарғазаб бўлган ҳолда қуролини олиб, тик қоя томонга отилди. Машшоқлар сукутга чўмишганди. Кун қайтди. Келинни Жамолнинг уйига олиб боришди. Қош қорайди ҳамки, Жамолдан дарак бўлмади. Хон тузоқ қурган эди. У хизматкорларини чақириб, Гулбаҳорни

ўғирлаб келишни буюрди. Х: зматкорлар хоннинг амрини бажо келтиришди. Чимилдиқда келин йўқлигини кўриб, янга кампир дод солган эди, хоннинг одамларидан бири:

— Келин қоя томонга кетди, ўзим кўрдим,— деб уни юпатган бўлди.

Бир зумда «Гулбаҳор Жамолни қидириб, қоя томонга кетибди», деган овоза тарқалди.

Гулбаҳорни хоннинг яширин уйларида бирига олиб келишди. Қоронғи тушиб, шамдонлар ёқилди. Қари хон йўталиб, ичкари кирди. Хон тилёғламалик қилиб, бундай чиройли кийимлар Гулбаҳордай гўзал қизга қанчалик ярашганини сўзлай кетди. Гулбаҳор бир оғиз ҳам жавоб бермади. Шунда хон жон-жаҳди билан ўзини унга ташлади. Гулбаҳор чап бериб, хонга тумшуғи аралаш бир мушт туширди-да, ўзини деразадан ўтлоққа отди. Тиши синган хон қон тупуриб, хизматкорларига фармон берди:

— Бу баччағарни ҳозироқ қоядан улоқтиринг!

Хоннинг малайлари Гулбаҳорни қувиб етиб, чодрага ўрашди, кейин отга ўнғариб, булутларга бош қўйган тик қоя томон йўл олишди.

— Хоннинг одамлари келинни қоя томонга олиб кетишди!

Бу гап бир зумда қишлоққа тарқалди. Хон ўзига ёқмаган одамларни қоядан улоқтиришини ҳамма биларди. Шунинг учун оломон ўша ёққа қараб югурди.

Орадан кўп ўтмай Пирим овчининг ўғли Жамол қишлоққа кириб келди. Воқеани эшитиб, тўғри хоннинг уйига борди. Кийик боласини бағридан олиб, ўтлаб юрган иккинчи кийикчага қўшиб қўйди. Зарб билан ўзини дарвозага урди, дарвоза очилмади. Ҳамма ёқ тақа-тақ ёпиқ эди.

Хоннинг малайлари қоя тепасига чиққач, Гулбаҳорни қўлидан олиб, пастга улоқтиришди.

Ҳамманинг кўзи Гулбаҳорда эди.

— Ана, ташлаб юборишди!

— Ана, дабдала бўлди!

— Увол кетди-да, шўрлик!

Ҳамма беҳос ўгирилиб, пастга қарашди.

— Ия, анави тутун нимаси?

— Хоннинг уйига ўт кетибди!

Пирим овчининг ўғли Жамол хондан садо чиқа-

вермагач, уйига ўт қўйиб, милтиги билан эшикда ўзини пойлаб турган эди.

— Тутунни кўряпсанми, тўғри қоя томонга келяпти!

— Гуриллаб ёнишини қара-я!

— Келин нима бўларкин?!

Гулбаҳорни гирдобига олган қизғиш шафақ қоя этағига қўнди. Одамлар ҳайқариб юберишди.

Гулбаҳорнинг нажоти шу шафақда эди...

ПОЧТАЛЬОН

I

Елкасига қора сумка осган, ушоққина бир одам йўловчию машиналар билан лиқ тўла сершовқин кўчалардан ўтиб, беш қаватли бино олдида тўхтади. Ёлгиз шу уй қолди, холос. Почтахонадан газета-журналлар, хат-хабарлар билан қаппайиб чиққан сумкасининг иккала кўзи энди бўшаб қолган: элликтача газета билан журнал, беш-ўнта хат эгаларига топширилса бас. Кейин почтага қайтиб дам олади, пешинлик қилиб олгач, яна тўпланиб қолган хат-хабарларни тарқатиб, уйига жўнайди.

Кундалик юмуши шу.

Сиртдан қараганда ҳамиша бир хил, зерикарли кўринган бу хизматни у қандайдир ички бир муҳаббат, жўшқин эҳтирос билан адо этади. Қорачадан келган, пастак бўйли бу одам эрта тонгдан ишга шундай шўнғиб кетадики, вақт қандай ўтганини, кеч кириб, уйига қайтадиган пайт бўлганини сезмай қолади. Уйида эса илк баҳор чечаги янглиғ шўх ва тароватли Гулар хоним ҳамиша унга мунтазир.

Гулар хоним деганимиз уйнинг катта бекаси эмас. Ёш келинчак ҳам эмас у. Эндигина ўн беш баҳорни кўрган бу қизалоқ почтальонга невара бўлади. Шунинг меҳри, шунинг қувончи уни уйига чорлаб туради.

Уйда эса икковлари ёлгиз туришади. Бундан йигирма йилча бурун хотини оламдан ўтиб, почтальон шу Гуларнинг онаси, қизи Сакина билан қолганди. Ўшанда Сакина ўн икки яшар қизалоқ эди. Уни катта қилиб яхшигина жойга узатди. Куёви агроном эди.

Ота-она автомобиль ҳалокатига учраб, Гулар сақ-
киз ёшида етим қолди. Буvasи ҳам ота, ҳам она ўрни-
да унинг пешонасини силади. Бевақт хазон бўлган хо-
тиним билан қизимдан қолган хотира деб, неварасига
қаттиқ меҳр қўйди, уни ардоқлаб катта қилди. Унинг
бахтига Гулар ҳам қўл-оёғи чаққон, эсликкина қиз
бўлиб етишди. Уқишлари яхши, уй ишларига қараша-
ди, овқат қилади, ўзи билганича бичиб-тикади. Кекса
почтальон эса уйига озгина ҳаяллаб қолса, неварам
нима бўлдикин, деб юраги типирчилаб туради. Гулар
ҳам буvasига қаттиқ ўрганиб қолган. Ҳар куни маъ-
лум вақтда у қучоқ очиб буvasини кутиб олади, ёш
боладай бўйнига осилиб, юз-кўзидан чўлпиллатиб ўпа-
ди-да, жойига ўтқазиб, дарҳол бир пиёла иссиқ чой
тутади. Шундан кейин ўзиям ўтириб дарсларига ун-
наб кетади. Бува билан невава ҳар куни алламаҳал-
гача чақчақлашиб, охири ўринларига ётишади. Лекин
ҳаётининг аччиқ ва ширин хотиралари оғушида чол
анчагина тўлганиб ётади. Ёнидаги невараси пишиллаб
ухлаб қолгандан кейингина унинг кўзи илинади...

Бугун ҳам вақтида уйига қайтса керак. Йўга, сал
эртaroқ боргани маъқул. Ахир бугун севикли набира-
си ўн беш ёшга тўлади-ку. Аслида туғилган кунни ни-
шонлаш бу оилада расм бўлмаган. Лекин бир ҳафта
бурун Гулар хоним ёрилиб қолди.

— Бувижон, — деди у эркалиниб — ҳов эсингизда-
ми, бундан икки ойча олдин ўртоқларимникига борув-
дим, Лайло билан Зухроникига. Ўзингиз рухсат берув-
дингиз. Ушанда бирам маза қилдимки... Менам ўртоқ-
ларимни чақира қолай, хўпми? Бир пас ўтириб кети-
шади. Дарсларни қилиб бўлганимиздан кейин... Пе-
ченье билан пирожное қиламан ўзим. Бошқа нарсан-
нинг кераги йўқ...

Гуларнинг раъйини қайтариб бўладими ахир?
Эриш туюлса ҳам, розилик берди. Битта қўғирчоқ со-
га қиламан, деб кўнглига тугиб ҳам қўйди. Чунки ўн
бешга киргани билан невараси қўғирчоққа ўч. Шу
хаёл билан кекса почтальон Карим беш қаватли бино-
нинг тагига жойлашган магазинга яқинлашди. Катта
витрина тўла ўйинчоқ. Бир-бир разм солиб чиқди. Кў-
кимтир кўйлак кийган, кулча юз, савлатлироқ қўғир-
чоқ кўзига иссиқ кўринди. «Гуларга шу маъқул келса
керак», ичида ўйлади у. Харид қилган қўғирчоғини

қўлига олганида чолнинг ўзиям ёш боладай суюниб кетди.

Дили яйраб, беш қаватли уйнинг ҳовлисига кирди. Янги режали ҳовлининг ўртасида болалар ғужғон ўйнашарди. Январь ои бўлишига қарамай қуёш чарақлаган, ҳаво сокин ва мулоим. Бундай пайтларда Боку ҳавоси кишига аллақандай ҳузур бағишлаб, руҳини тетик қилади, аъзойи баданига илиқлик таратиб, кўнглини яйратиб юборади. Одамлар ҳам ўз-ўзидан ҳаёт кучоғига отилгиси, кўча-кўйларга, хиебонларга, боғларга чиқиб, ҳаёт гаштини сургиси келади. Мана, ҳозир ҳам шундай. Болаларга қўшилиб, кексалар ҳам ҳовлига чиққан. Почтальонни кўриши билан ҳовлида айланиб юрганларнинг ҳаммаси бир зум тўхтаб қолди. Баланд бўйли, кўзойнак таққан, сочлари оппоқ бир киши эса унга пешвоз чиқди:

— Салом, Карим оға, ишлар қалай?— деди у одатдагидай сўрашиб,— Гулар хонимнинг аҳволлари нечук?

— Омонмисиз, профессор, раҳмат, яхши юрибди,— деди у йигирма йиллик қадрдони бўлмиш профессор чолга миннатдорчилик билдириб.

— Сизга хат бор. Газеталарни уйга элтиб берайми?

— Овора бўлиб нима қиласан, ҳаммасини беравер ўзимга. Ҳозир ўзим қайтаман.

Карим оға профессорга газеталарни олиб бермоқчи бўлиб, қоғозга ўроғлиқ қўғирчоқни чеккароққа суриб қўйди.

— Бу нима бўлди, Карим оға?— сўради профессор.

— Қўғирчоқ. Гулар хонимга олдим.— Карим оға бир оз ўйланиб тургач, қўшиб қўйди:— Бугун ўн бешга тўлади. Уртоқларини чақирмоқчи, қўғирчоқни кўрса хурсанд бўлади.

— Ажойиб, ажойиб, табриклайман, бахтли бўлсин!— деди профессор самимият билан.

Почтальон сумкасидан газета билан хатни олиб профессорга узатди.

— Менга қара, Карим оға, қўшниларникиниям беравер менга, ўзим тарқатаман.

Почтальон ёши бир жойга бориб қолган профессор уни «оға» деб чақиришига кўпдан кўникиб қолган, бунга сираям хафа бўлмас, аксинча, самимий ҳурмати учун ич-ичидан қувонарди. Айни бир пайтда ўзи ҳам

чолнинг ҳурматини жойига қўйиб, илк танишган кунларидан бери уни сизлаб, «профессор» деб мурожаат қиларди.

— Овора бўлманг, профессор, ўзим тарқатиб чиқаман.

— Овораси борми, Карим оға,— эътироз қилди профессор.— Ортиқча, беҳуда меҳнатга ҳеч ким, ҳеч қачон розилик бермаган. Акс ҳолда, озмунча вақтимиз бефойда сарфланган бўлармиди. Бу эса савоб иш.

Карим оға бари бир кўнмади.

— Нима, мени қарига чиқаряпсанми? Кўнглига келади ҳам демайсан-а...

Шу пайт икки бети анордай қип-қизил, бошланг, ёқа вайрон, 12-13 ёшлардаги бир бола тўпдан ажраб, чопқиллаганича почтальоннинг олдига келди.

— Салом, Карим оға,— деди у ҳаллослаб,— биринчи, иккинчи подъезднинг почтасини менга бера қолинг, ўзим тарқатиб чиқаман.

— Ана, кўрдингизми?— жилмайди почтальон профессорга.— Азамат ёрдамчиларим бор, сизни уринтиришга ҳожат ҳам қолмайди...

Чиндан ҳам Карим оғанинг кўнгилли ёрдамчилари кўп эди. Улар кекса почтальон берган газета-журналларни кўз очиб-юмгунча эгаларига тарқатиб чиқарди. Қаватма-қават югуриб-елишдан ўзлари ҳам завқ олишарди... Карим оға биринчи ва иккинчи подъездга тегишли нарсаларни ажратиб, икки юзи қип-қизил болага узатди. Профессор билан хайрлашиб ўзи учинчи подъезд томон йўл олди.

— Гулар хонимни сўраб қўйинг. Фақат «беш»га ўқисин, айтинг. Саломатлик бўлса, икки йилдан кейин университетда ўзим кутиб оламан уни!— деди профессор Каримни кузатаркан.

II

Гулар! Университет! Карим оғанинг ягона армони шу. Кўзининг оқу қораси бўлмиш шу биттаю-битта неварасини ўқишга жойлаб қўйса бас! Кейин ўлимдан ҳам қўрқмайди. Лекин унгача... Керак бўлса, ажал билан олишади, ёқа бўғишади, аммо таслим бўлмайди.

Карим оға подъездга кириб, иккинчи қаватга энди кўтарилган ҳам эдики, чап кўкрагида игна санчгандай қаттиқ оғриқ турди. У бир зум тўхтаб, ўнг қўли билан ўша жойини ишқади. «Профессор сезган эканда, юрагим хархаша қиялпти-ку,— кўнглидан ўтказди у,— ахир уям темирдан эмаски, ҳадеб чидайверса, бора-бора чарчайди-да...— Кейин ўзининг юрагига тасалли беришга ўтди.— Яна озроқ сабр қил. Гулардан тинчиб олайлик, кейин бирга дам оламиз!»

Гапи инобатга ўтгандай, кўкрагидаги санчиқ таққа тўхтади.

Карим оға хурсанд бўлиб яна зинадан кўтарила бошлади. Аслида бу бинода лифт йўқ. Лекин лифтининг бор-йўқлиги билан унинг ҳечам иши бўлмаган. Ҳар куни қушдай учиб тепага чиқар, кейин эса зингиллаб пастга тушарди.

Иккинчи қаватга кўтарилгач, ўн саккизинчи кватирага яқинлашди. Сумкасидан уч дона газета билан иккита хат олиб, эшикка қоқилган мовий қутига ташлади. Бу ерда икки киши туришини у яхши билади. Эр-хотин. Бирининг исми Рафиқа хоним бўлса, иккинчисиники Нодир. Нодир — инженер, Рафиқа хоним эса врач. Икковиям эрталаб кетиб, кечқурун қайтишади. Турмуш қуришганига ўн беш йил бўлган. Фарзандлари йўқ. Лекин буни катта бахтсизлик деб билишмайди. Турмушлари ширин, осуда. Икковининг ҳам шаҳарда бирорта хеш-ақрабоси йўқ, шунга кўра икки хонали бу кватирадан эртадан кечгача тиқ этган овоз эшитилмайди. Почтальон бу бинода турганларнинг ҳаммасини яқиндан танигани, уларнинг сирасоридан воқиф бўлгани учун ҳам Нодирнинг қишлоқда кампир онаси билан ёлғиз муаллима опаси қолганини яхши билади. Нодир онасини ёнига кўчиртириб келмоқчи бўлиб кўп уринган. Лекин кампир қишлоқни ташлаб, шаҳарга келишга сираям кўнмаган. Қизи билан яхши туришаркан. Рафиқа хонимнинг эса, фақат битта укаси бор, у ҳам бўлса Тбилисида, ҳарбий хизматда. Ўттизга кириб, ҳалигача уйланмаган. Сабабини ҳеч ким билмайди. Ҳатто тугишган опаси ҳам...

Карим оға Нодир билан Рафиқа хонимни аҳён-аҳёнда, ўшандаям фақат дам олиш кунлари учратиб қолади. Ростини айтганда, икковига қараб тўймайди. одам. Ҳа, беҳазил! Икковиям суқсурдай. Узукка кўз

қўйгандай бир-бирларига чунонам мос тушишганки... Агар уйда бўлишганида Карим оғалари келганини дарров пайқашарди, уни дастурхонга ўтқазиб, икки чеккадан обдон сийлашарди... Эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳрибончилигини, ўртадаги севги-муҳабни кўриб, Карим ога азбаройи таъсирланиб кетганидан кўзларига ёш қалққандай бўларди. Шундай кезларда у ўзи севиб уйланган хотинини фарзанд кўрмагани учун ҳақоратлайдиган ва ҳатто қўйди-чиқди қиладиган эркакларни эсласа, қони қайнаб кетар. «Шулар ҳам одам бўлдию», деб сўкиниб қўярди.

Карим ога газеталарга қўшиб «Озарбайжон хотин-қизлари» журналини энди қутига ташламоқчи бўлиб турган жойида иккиланиб қолди. Аслида бу журналга улар обуна бўлмаган. Лекин Рафиқа хоним: «Ўтган йилнинг 12-чи сонини топиб берсангиз, бирров кўриб, қайтараман», деб илтимос қилган эди.

Карим ога қайси газета ёки журналда кимни нима қизиқтиришини яхши билади. Лекин бу гал Рафиқа хонимни нима қизиқтираётганини аниқ билолмай қолди. Сўрагани тили бормади. Тўғри, сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин Рафиқа хонимни азбаройи ҳурмат қилганидан ортиқча гап-сўзни эп кўрмади. Агар унинг ўрнида бошқа бир одам, масалан, иккинчи подъезд ўн учинчи кваттирада истиқомат қилувчи қовоқлари салқиган, турқи совуқ хотин бўлганида тап тортмай сўраган бўларди-я, албатта. Лекин Рафиқа хонимнинг йўриғи бошқа. Мана, айтганини топиб келди. Иккиланиб туришига эса қути сабаб эди. Қути кичкина бўлгани учун журнални букламай илож йўқ. Рафиқа хонимдай нозик таъб, саришта ва назокатли аёлнинг қўлига ғижимланган журнал тегишига кўнгли бўлмади. «Яхши-си, ўзимда турсин, дам олиш куни берарман», деган фикрда газеталарни қутига солиб, энди қўшни кваттирага ўтмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ичкаридан тиқирлаган овоз эшитилди. «Бу пайтда уйда бўлишмасди-ку. Акс ҳолда, келганимни билишарди». Кейин юрагига ғулғула тушди: «Уйга бегона одам кириб олган бўлса-я?!» Секин бориб эшикка қулоқ тутди. Ичкари жимжит эди. «Турқи совуқ хотинга ўхшаб вас-вас бўлиб қолдимми, нима бало,— деб ўйлади у ичида.— Куппа-кундузи бўлса, тагин шаҳарнинг ўртаси бўлса. Ким кирарди бировнинг уйига?!»

Карим ога ҳар эҳтимолга қарши рўпарадаги қўш-
ниларга шипшитиб қўймоқчи бўлди-да, уларга тегиш-
ли газеталарни олиб, қўнғироқ тугмачасини босди.
Тўрт-беш ёшлар чамасидаги икки боланинг чопқилла-
гани эшитилди.

— Ким?— деб сўради қиз боланинг овози.

— Очавер, ойим!— буйруқ қилди ўғил бола.

Иккови эшикнинг тагида тортиша кетишди.

— Ойим ҳеч ким индамаса, эшикни очмаларинг,
деганлар,

— Қўрқоқ, қўрқоқ!— тегажаклик қилди ўғил
бола.

Карим ога беихтиёр жилмайиб қўйди-да, овозини
юмшатиб сўради:

— Гулшан қизим, ойинг қаерда?

— Ойим магазинга кетганлар. Сиз кимсиз?

— Карим оғанг бўламан, қизим, газеталаринг қу-
тида.

III

Карим ога шитоб билан юқорига чиқди. Газета би-
лан хатларни эгаларига топшириб, яна шоша-пиша
изига қайтди. Нодирнинг эшигидан яна ичкарига қу-
лоқ солиб кўрди. Ҳеч қандай овоз эшитилмагач, ҳов-
лига тушиб, тўртинчи подъездга кирди. Яна газета-
журналларни тарқатди, конверт сўраганларга конверт
берди. Қайтиб ҳовлига чиққанида бояги анор юзли
бола унга рўпара келди.

— Сизни чақиришяпти, Карим ога,— деди у ўн
учинчи квартирани кўрсатиб.

Почтальон турқи совуқ хотин йўқлаётганини эши-
тиб, дарҳол ўзига келди. «Бирор нимаси эсимдан чи-
қиб қолдимикин», деган хаёлгаям борди. Йўқ, ҳамма-
си жойида, керакли нарсаларини берибди. Мактуб-
ниям. Турқи совуқ хотиннинг феълени яхши билгани
учун ҳамиша у билан эҳтиёт бўлиб муомала қилади,
келган нарсасини дарров қўлига тутқазади. Аччиги
доим бурнида турадиган, қилдан қийиқ қидирадиган
серзарда, жанжалкаш хотин эди бу. Бирор баҳона то-
пиб, ҳафтада бир-икки марта жиқиллашиб олмаса

сираям кўнгли жойига тушмайди. Агар уришишга ҳечам баҳона тополмаса, соатига қараб: «Бугун газеталар ўн беш минут кечикди», деб Карим оғага осилиб қоларди. Унинг одамларга ишонмаслиги, ҳар нарсага шубҳа билан қараши, ўсмоқчилаб суриштиришлари Карим оганинг жон-жонидан ўтиб кетарди. Кўпинча, у буклоғлик газеталарни ола солиб, ичинги очишга ҳам улгурмай: «Фалон газета йўқ-ку», деб вайсаб қоларди. Бу гап ништардай ботиб, Карим оганинг иззат нафсига тегарди. «Икки тийинлик газетангни сотиб ермидим», деб жавоб бермоқчи бўларди-ю, лекин ўзини босиб: «Яхшироқ қаранг, хоним, мана-ку!» дея ўша газетани қўлидан олиб кўрсатарди.

Карим ога зинадан кўтариларкан, турқи совуқ хотин яна нима деб ишқал чиқаришини ўйлади. Бироқ жанжал кўтаришига ҳеч қандай сабаб йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, асабий равишда ўн учинчи квартиранинг қўнгироғини босди. Ичкаридан турқи совуқ хотиннинг шангиллаган овози келди:

— Ҳаммаси ўзига хон, ўзига бек... Шу исқирт газет ташувчиям билиб ишини қилмайди-я...

Турқи совуқ хотин эшикни очди. Карим ога, нечоғлиқ ғазаби қайнамасин, ўзини босишга қарор қилди. Семиз гавдасига торгина хитойча халат кийган хотинга салом берди. У тил учида: «Ваалайкум», дедию синовчан кўзларини Карим оғага тикди.

— Визга пул келиши керак, Москвадан...

— Ҳеч нима йўқ.

— Сумкангни яхшилаб қара. Менинг ҳисобимда шу бугун олишимиз керак.

— Келган бўлса, берардим.

— Айтдим-ку, сумкани қара деб. Тагига тушиб қолгандир балки.

— Йўқ, дедим, йўқ-да,— жавоб берди почтальон сумкасини очмай. У энди кетмоқчи бўлиб турган эди, яна турқи совуқ хотин гап қотди:

— «Советская Россия» борми сенда? Бериб тур, эртага қайтариб бераман. Лотереямни текширмоқчидим.

Шу газетага ёзилган одам ҳозир Бокуда йўқ, ўн кундан кейин келади. Демак, бериб турса бўлади. Лекин кимдир уни қўлидан тутиб: «Ҳа, бу шаллақига хушомад қиляпсанми, демак, қўрқар экансан-да!» де-

гандай бўлди. Карим оғанинг энсаси қотди, қовоқлари салқиган, турқи совуқ, дилозор хотинга қараб:

— Йўқ, хоним, бунақа газета йўқ! — деди-да шартта ўгирилиб пастга тушиб кетди.

IV

Анор юзли бола ҳовлида яна олдига югуриб келди.

— Карим ога, сизни Рафиқа хоним сўраяпти, бир кириб чиқаркансиз.

— Рафиқа хоним уйдами? — ҳайрон бўлиб сўради у.

— Ҳа, уйдалар. — Бола Карим огага яқинроқ келиб, секин қўшиб қўйди. — Рафиқа холанинг мазалари йўқ, бир нима бўлганга ўхшайди.

Карим ога шоша-пиша учинчи подъездга ўтиб, ўн саккизинчи квартирага кўтарилди. Тугмачани босган ҳам эдики, эшик очилиб, чеҳраси доим кулиб турадиган Рафиқа хоним остонада кўринди. Ранги ўчинқираган, табассумга ўрганган лаблари жиддий, ўзи безовтароқ эди. Карим ога нима воқеа юз берганини суриштириб ўтирмай, секингина сўрашиб, савол назари билан Рафиқа хонимга қаради.

— Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман, Карим ога, — деди у почтальонни ичкари таклиф қилгач, туғишган одамини учратгандай меҳрибонлик билан, — сизни овора қилмоқчи эмас эдим, лекин илож қанча. Ярим соатдан кейин Али Байрамлига бригада кетиши керак, врачлар бригадаси. Шерикларим мени автобус станциясида кутиб туришибди. Чунки автобус билетлари менда. Бошлиғимиз Шавкат хоним. У кишини танисангиз керак-а? — Почтальон «ҳа», дегандай бошини қимирлатиб қўйди. — Энди кетмоқчи бўлиб турувдим, телефон бўлиб қолди, ишхонада Нодирнинг бирдан мазаси қочиб, касалхонага тушибди. Иситмаси қирқдан баланд эмиш, ўзини билмай ётганмиш. Шу аҳволда уни қандоқ ташлаб кетаман? Ҳозироқ олдига бораман. Сиздан илтимосим шуки, станцияга бориб, Шавкат хонимга бор гапни айтсангиз. Мана билетлари, кетаверишсин. Нодир сал тузалиши билан дарҳол етиб бораман.

Буни эшитиб, Карим ога куюниб кетди. Лекин сездирмай, Рафиқа хонимни юпатган бўлди.

— Хўп бўлади, ҳозироқ бориб айтаман. Сиз сираям ташвиш тортманг, Нодир дарров соғайиб кетади, мана кўрасиз!

У орқасига қайтмоқчи бўлиб турганида лоп этиб бояги журнал эсига тушди, уни сумкасидан олиб, даҳлизда турган чорқирра курсичанинг устига секингина қўйди-да, эшикка қараб юрди.

V

Бокуда ҳаво тўсатдан айниб қолди. Шимол томондан қаттиқ шамол турди. Дов-дарахтлар қарсиллаб, одамларнинг бош кийими чирпирак бўлди. Сал ўтмай ёмғир томчилай бошлади. Дўлдай залварли ёмғир томчилари Карим оганинг юз-кўзини, бўйнини ўққа тутди. «Ёмғир ёққани маъқул, шамол пасаяди», деб ўйларди Карим ога гоҳ кўкраги, гоҳ кифти билан ўзига йўл очиб бораркан.

Китоб пассажига етганда яна чап курагига пичоқ қадалгандай бўлди. Пешонасини совуқ тер босди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. Қутурган шамол бир зарб билан уни йиқитмоқчи бўлди. «Эҳ, юрак касали ёмон бўларкан!» деганича, у букчайиб, деворга суяниб қолди. «Билетларни бир амаллаб Шавкат хонимга элтиб беришим зарур, кейин нима бўлса бўлар!»

Нафас олиши енгиллашди. Юрак ўйноғи тўхтади. Оғриқ ҳам босилди. Яна йўлга тушди.

Карим ога зўрға станцияга етиб келганида автобус энди қўзғалай, деб турган экан. У кўзлари жовдираб, бетоқат бўлиб турган Шавкат хонимга билетларни узатиб, Рафиқанинг омонат гапини етказди. Шавкат хоним почтальонни кўрдию бутун ташвишини унутди-қўйди. Дарҳол уни қўлтиғидан олиб, уч томони тўсилган пана жойга бошлаб борди-да, скамейкага ўтқазиб қўйди.

— Бир оз дамингни ол, Карим ога, ёв қувгандай намунча югурмасанг, ўпканг оғзингга тиқилиб қоптику!— деди автобус томонга юриб. Кейин қўшиб қўйди.— Рафиқа хонимга айт, Нодир тузалиб кетгандан кейин келсин. Ишни ўзимиз эплаб турамиз.

Рафиқа хоним, профессор чол, невараси Гулар — ҳаммаси бир-бир Карим оганинг кўз ўнгидан ўтди. Бугун ҳаммалари мендан рози, деб ўйлади у. Тўсатдан

бутун борлиги ором олгандай бўлди. Шу заҳотиёқ юраги булоқдай жўшиб, бутун аъзойи баданига илиқ бир ҳиссиёт таралди. Яна совуқ тер босди. Қўл-оёғи қақшаб, ўзи ҳолдан кета бошлади. Кўзлари беихтиёр юмилди. Зап яхши нарсда-да уйқу! Йигитлик чоғида кун бўйи ҳориб-чарчаган кезлари шунақа тез ухлаб қоларди. Аммо у пайтларда негадир бадани уюшмасди-я...

VI

Карим оға касалхонада, навбатчи врач хонасида ўзига келиб, кўзини очган заҳоти биринчи эслаган кишиси Гулар бўлди. «Ия, қўғирчоқ қани?» дедию, ён-верига аланглаб қаради. Сумка билан қоғозга ўроғлиқ қўғирчоқни кўриб, хотиржам бўлди. «Нима бало, кечикиб қолдимми? Йўғ-э, ҳали қоронги тушмабди-ку... Роса шамол бўлди-да ўзиям. Дарахтларни қўпориб ташлайман дейди-я... Гулар ҳозиргина мактабидан қайтган бўлса керак... Ширинлик пишираётгандир, эҳтимол. Пиширавер, қўзичоғим, пиширавер... Буванг албатта етиб боради!» Ташқаридан келган совуқ бир овоз унинг хаёлини бўлди.

— Жой йўқ! Қаёқдаги қаланғи-қасанғиларни олиб келишади нуқул! Нима, шаҳарда бошқа касалхона қуриб қолганми?— деб шанғиллаганича оқ халат кийган, тунд башара бир одам ичкари кириб келди.

Унинг муздан ҳам совуқ, дағал овози Карим оғанинг этини жунжиктириб юборди. Оқ халатли одам шу кўйи вайсаганича столга ўтириб, олдидаги қоғозларни титкилай бошлади. Карим оғанинг бош томонида турган оқ халатли қиз уни қаердан олиб келишганини, ҳозир жиддий муолажага муҳтож эканини навбатчи врачга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлар, у эса ҳадеб:

— Жой йўқ! Бўш каравот йўқ!— деб шанғилларди.

Карим оға умри бино бўлиб тақдиридан нолиган одам эмас, бировларнинг ғийбатиниям қилмаган. Лекин шуниси ҳам борки, бегона бир одамдан бирор марта аччиқ таъна эшитмаган, бирор кимса нафсониятига тегмаган эди. Навбатчи врачнинг бетамиз гапларини эшитиб, Карим оғанинг хўр-

лиги келди: «Мен ким деган одамманки, дарҳол жой топила қолса! Директор бўлмасам, раис бўлмасам... Менда мансаб нима қилсин, мени ким танирди... Шунақа қўланса гапни эшитгандан кўра уйимга бориб, тинчгина чўзилиб ётсам бўлмайдами? Ажалим етган бўлса, ўз уйимда ўларман». Хаёлига уйи келди. Невараси Гулар кўзига кўриниб кетди. Бувасини кутавериб, бояқишнинг кўзи тўрт бўлгандир... «Битта қарашининг ўзини ярим жаҳонга алмашмайман. Унинг кўзларидан ёғилиб турадиган меҳру шафқат мингта даводан, мингта доктордан афзал мен учун», — деди у хаёлини бир ерга тўплаб. Ва шу заҳотиёқ ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Мумкин эмас! Мумкин эмас! — деди олдида турган ҳамшира қиз нозик қўллари билан уни кифтидан босиб.

Карим оғанинг ёш боладай акслиги тутди.

— Жой йўқ бўлса, уйимга кетавераман! — алам билан деди у навбатчи врачга эшиттириб.

— Ия, тиллари чиқиб қопти-ку! — навбатчи врач у томонга бир сузилиб қарагач, кўзини яна бошқа ёққа олди. — Ўзим кал, кўнглим нозик экан-да. Сенга хархашани ким қўйибди, нодон! Иззатингга...

Шу пайт эшик очилиб, эғнига оқ халат кийган, ўзи барваста, хушсурат бир йигит ичкари кирди. Гапи бўғзида қолган навбатчи врач унга пешвос чиқди.

— Яна бир беморни олиб келишибди, — деди навбатчи врач ўта мулоиймлиқ билан, — бирорта ҳам бўш ўрин йўқ. Нима қилишга ҳайронман.

— Овора бўлманг, доктор, мен ҳозироқ уйимга кетаман! — Карим оға шундай дедию диванда ётган жойидан қўзгалди.

— Э, Карим оға, саломалайкум! — Йигит югуриб келиб, кўриша кетди. — Қаёққа кетасиз? Сизга жой топилмаса, кимга топилади?!

Шу ондан эътиборан унга бўлган муносабат ўзгарди-қолди. Бош врачнинг бу одамга бўлган илтифотини кўриб, навбатчи ялтоқланишга тушди. Карим оғани деразалари кунгай томонга қараган, уч кишилиқ, ёруғ палатага жойлаштиришди. Бош врачнинг ўзи беморни яхшилаб текшириб кўрди, керакли дори-дармонни берди, тепасида анчагача суҳбатлашиб ўтирди. Бу шинаванда, бу меҳрибон йигит Карим оғага таниш-

га ўхшаб туюлдию аммо қаерда кўрганини эслай олмади. Охири сўрашга мажбур бўлди.

— Визларни эсдан чиқариб юборибсиз-да, Карим ога,— деди бош врач кулимсираб.— Мен Чингизман.

У почтальон яна танимаётганини кўриб, қўшиб қўйди:

— Зайнаб хоним эсингиздами? Мен ўғиллари бўламан. Эски ҳовлимизга кўп келардингиз. Маҳалла болалари сизни жудаям ҳурмат қилишарди. Мен-ку сизга ўхшасам, дердим. Ойим катта бўлганингда ким бўласан, деб сўраганларида нуқул: «Карим огага ўхшаб почтальон бўламан», дердим. Ҳали-ҳали эсимда: энг қаро, энг бадбахт кунларнинг бирида сиз оиламизга мужда олиб келгансиз. Ўлгунимча унутмайман буни, Карим ога!.. Ўшанда даҳшатли уруш йиллари эди. Дадам Харьков фронтида жанг қиларди. Онам бир-биридан кичик уч бола билан ёлғиз қолган. Дадамдан бир куни қорахат келди. Бу қандай даҳшат эканини ўзингиз яхши биласиз. Жуда абгор эдик. Ўшанда бир куни сиз кириб келдингиз. Бўйнингизда қора сумка. Оҳ, ўша қора сумкангиз! Кимларга ғам, кимларга қувонч келтирмаган у... Ичидан бир хат олиб, ойимга узатдингиз. Очиб ўқидик, хурсанд бўлганимиздан бараварига йиғлаб юбордик. Дадам ҳалок бўлмаган экан, партизанларга қўшилиб кетган экан. Ана шунақа гаплар, Карим ога...— Бош врач хиёл тин олиб, кейин қўшиб қўйди:— Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам унутилмайди.

VII

Бош врачнинг гаплари Карим огани ўйлантириб қўйди. Ётган жойида хаёлга ботиб, эллик йиллик умр китобини варақлаб кўрди... Ҳа, умрининг кўпи кетиб, ози қолибди, энди ўтган йиллари, ўтган кунларининг бирор дақиқасини ҳам қайтариб бўлмайди. Қизиқ, оддий йўлнинг иккала томони очиқ, биров тўғрига юрса, яна бошқа биров орқага қайтиши мумкин. Ҳаёт йўли эса фақат олдинга қараб кетаверади. Ҳеч ким орқасига қайтолмайди... Шуни ўйлаб, Карим ога ўксиниб қолди. Ўксинганнинг боиси бирор хижолат иш қилганида эмас. Асло. Кекса почтальон ўтган умрни эслаганда дилни қийнайдиган, виждонни азоблайдиган,

ўзини-ўзи лаънатлайдиган бирор ножўя иш қилган эмас. Карим оға бирорта сатрини олиб ёки бирорта нуқта-вергулини ўчириб бўлмайдиган шу умр китоби-га асло доғ туширмаган. Бировларнинг пайини қирқиш, хиёнат қилиш ёки жосусга ўхшаб бошқаларнинг устидан думалоқ хатлар ўзиш унга мутлақо бегона бўлган. Унинг умр китобида бундай сатрлар йўқ. Лекин қилган ишидан пушаймон бўлган жойлари йўқ эмас, бор. Ўша турқи совуқ хотинни ранжитганига энди ўзи афсусланапти. «Ўзи-ку, сиркаси сув кўтармайдиган, жанжалкаш хотин бўлса... Ўша билан тенглашиб нима қилардим?!»

Яна Гулар эсига тушиб, таъби хира бўлди. «Лоақал шуни олий мактабга киритиб қўйсам бўлдийди!» Айтомоқчи, бугун унинг туғилган куни-ку! Мактабдан ўртоқлари келади. Ҳеч бўлмаса қўғирчоқни юбориш керак. Шуни ўйлаб, бошини кўтарди, ҳамширадан бош врачни чақириб беришни илтимос қилди.

— Сўраган экансиз, Карим оға!— деди Чингиз ичкари кириб. Лекин почтальон уни чақиртирганидан энди ўзи хижолат эди. «Қўй берибдию яна чилвир сўрайман-а!» Унинг тилига сўз келмай қолди.

— Карим оға, бир профессор танишингиз бор экан, ким ўзи?— деди бош врач.— Ҳозиргина телефон қилиб, аҳволингизни сўради. Гулардан хавотир олмас экансиз, бирга ўтиришганмиш. Ўртоқлари келишибди, роса ўйин-кулги авжида эмиш. Ҳозир шоферини юбораркан, қўғирчоқни берармишсиз. Қанақа қўғирчоқ ўзи?

Карим оғанинг кўзига ёш қалқди. Бош врачга бор гапни айтиб берди.

— Бу қандоқ гап, Карим оға?— деди Чингиз астойдил хафа бўлиб.— Шу гапни ҳали айтганингизда ўзим бориб Гулар хонимни табриклаб келардим. Гап битта энди: профессорнинг машинаси келиши билан ўзим қўғирчоқни олиб бораман.

— Доктор, яна битта илтимосим бор,— деди Карим оға истиҳола билан.

— Бош устига. Карим оға, айтаверинг.

— Рафиқа хонимдан хабар олсангиз. Нодир қалай экан, шуни билиб келсангиз.

Карим оға бош врачга уларнинг уйини тушунтириб берди. Бош врач чиқиб кетгач, кекса почтальон чуқур

хаёлга толди. Ёулар, профессор чол, Рафиқа хоним билан Нодир — ҳаммаларини аён кўрғандай бўлди. Буларнинг орасида турқи совуқ хотин ҳам кўзига ча-лингандай бўлди. Қизиги шундаки, негадир энди у Карим огага қараб жилмаярди...

МЕҲР

«Қизил байроқ» колхозининг йилқичилик фермаси яйловга кўчиш тараддудида эди. Чошгоҳ пайтида отлар ўтлоқдан келиб қишлоққа ёйилди. Йилқи орасида минишга ўргатиладиган бир печа бия ва айгирлар ҳам бор эди. Колхоз отхонаси қўрасида ҳуркибкишнаб турган отларга яқинлашишга ҳеч ким журъат этолмасди. Кулранг айгир қулоқларини чимириб одамларга тик ташланганда ҳеч ким унинг қаршисида туролмас, ҳайҳайлаб, дуч келган томонга ўзларини уришар эди.

Эгарга ўргатилиши лозим бўлганлардан бири бўз той эди. Ёл-думи бултур қиркилган жонивор онасидан айрилмас, тўриқ бия бўлса боласини қўриқлагандай. уни пинжига олар, у ҳам митти қулоқларини қисиб, думини хода қилиб одамлардан қочарди. Чеккада қараб турганлардан бири деди:

— Қорин қўймаган, боши кичкина, оёқлари ингичка отнинг садагаси кетсанг арзийди. Мана бу тўриқ бия югураётганда яхшилаб эътибор беринг-а, бошини тик тутиб чопади. Думини белига уриб, енгил учганида унинг орқасидан ўқ отсанг ҳам етмайди. Бундай от билан ҳар қандай сафарга қўрқмай чиқавериш мумкин.

Кўп тойларнинг бўйнига каманд ташланди. Аммо бўз той тутқич бермасди. Колхоз ёшлари ҳар қанча уринмасинлар, уни тўхтата олмадилар, суриб кетаверди. Жийрон бия қаттиқ кишнаб, кўк той унга жавоб қайтарарди. Кишнаган жийрон бия қулунлигида

тамгаланганди. У ҳар қанча семирса ҳам, қаригани учун жунлари ўсган бўлса ҳам, тамға ўрни билиниб турарди.

Узоқ уринишлардан сўнг бўз той ҳам қўлга тушди. Қишлоқларда асов тойларни ўргатишнинг ҳадисини олган махсус кишилар бўлади. «Қизил байроқ» колхозининг чапдаст чавандозлари Солмон билан Ниёз эди.

Солмон тойнинг бошига нўхта солиб, Ниёзни чакирди. Бўз той депсиниб, орқага тисарилди, кейин бирдан қоққан қозиқдек туриб олди. Солмон тойни қанча тортмасин, Ниёзнинг қанча жаҳли чиқмасин, барчаси зое кетди. Солмон нўхтани маҳкам ушлаб, бир сакраб тойнинг устига миниб олди. Той аввалига ҳеч нарса сезмагандек тураверди. Солмон чориғининг учи билан тойнинг қўлтиғини қитиқлади. Той ҳар қанча ирғиш-ламасин ҳеч нарса қила олмади. Солмон тойни икки марта қамчи билан «сийлади». Той лўкиллаб чопиб кетди. Солмон унинг бошини нари-бери буриб анча чоптирди. Колхоз ёшлари тўпланиб турган ерга етгач, тойдан тушди. Унинг ёлини сийпалаб, эркалади.

Солмоннинг ҳар бир ҳаракатини берилиб кузатиб турган ёшлар уни ўраб олишди. Ёшлардан бири сўради:

— Солмон амаки! Тойнинг юриши қандай бўларкин? Йўргалайдими, йўртадими?

Солмон Ниёзга кўз қисиб, деди:

— Униси чавандозга боғлиқ, иним.

Ёшлар бир-бирига қарашди. Солмон болаларга насихат қила кетди.

— Тўғри, от—от-да, уни парвариш қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ, дейишади. Аммо бу бекор гап. От жуда ҳам нозик, сезгир ҳайвон...— У шундай деб Ниёзга қаради:— Ҳов, бундан йигирма беш йил муқаддам бўлган воқеа эсингдами?

— У чавандозликда менинг биринчи сабоғим эди. Чавандоз отни севиши, қадрига етиши, аяши керак, ҳа!

Ёшларни ниҳоятда қизиқтириб қўйган ўша воқеани қогозга туширмоқчиман.

* * *

Кеч кириб қоронги тушганда Солмон аста юриб Ниёзларникига келди. Салом бериб, ўчоққа яқинроқ

тўшалган кўрпачага ўтиб, тин олди. Ниёз ҳали келмаган экан. Ниёзнинг онаси чироқни ёқди. Ёругда Солмоннинг сўлган юзию чўкиб кетган кўзлари яққол кўринарди. Солмоннинг қорни шишган, бўйни узайиб қолгандек эди. У шу қадар озиб-тўзиб кетибдики, бурнидан тортсанг йиқилгудек. Солмон зўрга нафас оларди. Ниёзнинг онаси ёстиқ олиб келиб берди. Ҳол-аҳвол сўраб, чой узатди.

— Сенга нима бўлди, Солмон? Мунча озиб-тўзиб кетмасанг, болам? Бу дард қаердан ҳам сенга ёпишди?

Солмон ёстиққа ёнбошлади, қув-қув йўталди. Унинг нафаси қисилди. Бир стакан аччиқ чой ичиб, ёстиқни тўшига тортди.

— Болли хола! Ниёз қаерда?

Кампир келиб Солмоннинг ёнига чўккалади. Чойнакни олиб, стаканга яна чой қуймоқчи эди, Солмон «ичмайман», деди.

— Районга чақиришган экан. Ҳали замон келиб қолар. Тушлик ҳам қилгани йўқ эди бечора болам.

Болли хола шундай деб, ўрнидан турди-да, Солмон учун овқат тайёрлашга уннаб кетди. Солмон эса ўз жонининг ташвишида эди. Унинг иштаҳаси бутунлай бўғилганди. Бир оз кутгач, Ниёзнинг келавермаганини кўриб, уйига қайтмоқчи бўлди. Ўрнидан турмоқчи ҳам эдики, ташқарида от кишнади. Келган Ниёз эди.

У Солмон билан кўришди, ҳол-аҳвол сўради. Бир оз ундан-бундан суҳбатлашиб ўтиришди. Ниёз Солмоннинг аҳволини кўриб, ич-ичидан эзилди. Икки йил аввал паҳлавон жуссали Солмон энди тўртта тақа, бир халта суяк бўлиб қолган эди. Унинг оғир-оғир нафас олишидан Ниёз ҳам қийналарди. Шунинг учун ундан шошиб сўради:

— Шундай паллада яхши бир гап билан келдингми, ишқилиб Солмон?

Солмон тутила-тутила жавоб берди:

— Лаънати дард мени қийнаб юборди, Ниёз! Иситма бутунлай тинкамни қурутди. Бу ердаги докторлар ҳеч чора қилиша олмади. Кеча Бокуга борасан, деб йўлланма беришди. Мен у-бу нарсани сотдим, бугун кечаси йўлга чиқмоқчиман...

Ниёз Солмоннинг сўзини бўлди:

— Бокуда кўп қоласанми?

Солмон йўталди, елкасини қисиб деди:

— Райондаги катта врач, уч ой даволанишинг керак, деярди. Мен уч ой эмас, уч йил бўлса ҳам ётаман, деб аҳд қилдим, ишқилиб тузалсам бас. Бўлмаса, бу дард мени гўрга тиқади.

Болли кампир сўзга аралашди:

— Оқ йўл, Солмон, соғ бориб, саломат қайт. Ленин уй-жойингни нима қиласан, болам?

Солмон яна ёстиққа ястанди, ўнг қўлини ерга тираб деди:

— Болли хола! Мен худди шу мақсадда, шу ҳақда сизлар билан маслаҳатлашай деб бу ерга келдим. Ҳовлидаги бор-будимни бир уйга тўплаб, қулфлайман. Кейин... сиз ҳам, Ниёз ҳам яхши биласиз, қишлоқда менинг сизлардан яқинроқ одамим йўқ.

Болли кампир унинг сўзини эшита туриб, мис чойгумни сувга тўлдириб, ўчоққа қўйди, қайрилиб ўғлига қаради, кейин кўзларини Солмоннинг юзига тикди:

— Ҳа, шундай қоқиндиқ. Сенинг биздан бошқа киминг ҳам бор, айланай!.. Тангрининг карамига шукур, лекин сен катта бир оиладан ёлғиз ўзинг қолдинг, энди бу кўйга тушдинг... ёлғизсан, бунинг устига касал...

Ниёз онасига кўз олайтирди. Болли кампир сўзини тўхтатди. Ниёз Солмондан сўради:

— Солмон, демак, худо хоҳласа, бу кеча Бокуга жўнайсан, шундайми?

Солмон ўксигандай бўлиб, жавоб қилди:

— Худо хоҳласа, жўнайман, Ниёз. Сенга бир илтимос билан келдим. Агар мумкин бўлса, йўқ дема...

Ниёз Солмоннинг аҳволига ачинарди. Унинг ёш жони бунчалик оғир дардга чалингани Ниёзнинг суяк-суякларини зирқиратарди. Шунинг учун ҳам Солмоннинг илтимосини рад этолмаслигини тушуниб сўради:

— Қандай илтимос, Солмон? Айтавер, қўлимдан келганини аямайман.

Солмон бўғиқ товуғида гапирэ бошлади:

— Ниёз! Болли хола ҳам менинг қиёматли онам. Яхши биласан, хотин, бола-чақамдан жудо бўлдим. Ўзим ҳам касалман. Энди менинг бор-йўқ умидим бўлиб фақат бўз отим қолди. Худога сир эмас, сендан нимани яширай, узоқ кетяпман. Ҳеч нарсага кўнглим ачимайди. Фақат жонимнинг ярми бўз от билан қоларди, келишимдан мақсад...

Солмон йиғлади. Ниёз ингради. Болли хола бурун тортиб пиқиллади. Чойгум қайнай бошлади.

— Ёш боламисан, Солмон! Шошма, нима демоқчисан?

Солмон ўнг қўли билан бурнини артди, сўзида давом этди:

— Келишимдан мақсад, бўз отни сенга қолдирсам. Мен кўп ўйладим. Сендан бўлак ҳеч кимга уни ишонмайман. Сенинг чавандоз эканлигингни яхши биламан, бунинг устига, ташвишинг камрەқ. Отимга яхши қарай оласан. Отнинг тўрт қоп арпаси бор. Яна сомонхонани тўлғазиб қўйганман. Беш-олти боғ яхши йўнгичқам ҳам бор. Мен келгунча отимга қараб тур. Яхшилигинг ерда қолмас. Бордию ажалим етиб ўлсам, бўз отни бегона қилма.

Ниёз унинг сўзини бўлди:

— Э... беъмани гапни қўй, ёш боламисан?! Яхши ният қил. Уч ой нима дегани? Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

Болли кампир стаканни арта туриб гапира бошлаганди, Ниёзнинг жаҳли чиқди:

— Худо ҳаққи, жим ўтирсангиз-чи, кампир! Ундан кўра чой қуйинг. Ҳадеб ҳуда-беҳуда гапларни гапираверасизми? — кейин Солмонга ўғирилди: — Бўлгани шуми? Капалагимни учириб юбординг-ку. Мен ҳам бу нима деркин, деб оғзингга қараб ўтирибман-а... Қўй, кўп қисилаверма...

Ниёз қасам мазмунида қўлини ўнг кўзининг устига қўйиб, давом этди:

— Отингни кўз қорачиғимдай асрайман, кўнглинг тўқ бўлсин. Яна қандай гапларинг бор?

Солмон нондан ушатиб оғзига солди-да, чайнай-чайнай деди:

— Агар соғ-саломат бўлсам, қайта кўришармиз. Яхшилигингни унутмасман. Яна, Ниёз, мендан хафа бўлма, шу от менинг биттаю-битта овунчоғим. Ўззукун, мушук ўз думи билан ўйнаганидек, мен ҳам от билан овораман. Мен отимни фақат сенга ишонаман. Агар отимни менга асраб беролсанг, сендан қиёмат қарз бўламан. Сен менинг отимни аясанг, мени аяганинг шу бўлади.

Ниёз Солмоннинг кўнглини кўтариш, қайғусини тарқатиш учун ҳазиллашди:

— Солмон! Отинг унчалик зўр эмас-ку. Намунча уни мақтамасанг!..

Солмон бу сўздан хафа бўлмади. Ниёзга бамайлихотир жавоб қайтарди:

— Ола қарғага бор, лочин боласини олиб кел, деб буюришибди. У бориб ўз боласини олиб келибди. Шунанча, Ниёз! Ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига!

— Ҳазиллашяпман, Солмон. Йигит отини мақтайди, кал эса олтин тарағини...

Солмон аста ўрнидан турди:

— Отнинг ташвишларига чида. Уни кунига икки марта қашловлаб, эркалаб қўйиш эсингдан чиқмасин. Ҳар емагида бир ғалвир арпа берсанг бўлгани. Отхона эшигини очиқ қолдирма. У ерга бегона одамларнинг кирмагани маъқул, от қировга чалиниб, томоғи оғриб қолиши мумкин.

Ниёз кулимсиради:

— Вой Солмон-эй, ўзинг-ку мени яхши чавандоз деяпсан. Яна менга от боқиш қоидаларини ўргатяпсан. Бу ёғи бўлмади...

— Йўқ, Ниёз! Мен отимга қандай қарашни ҳам сенга айтиб қўйишим керак. Айтишадики, феълини билмаган отнинг орқасидан ўтма, деб. Сенга гапим шу, Ниёз! Бўз отни сенга, сени эса худога топширдим. Бокуда ётадиган жойим аниқ бўлиши билан сенга хабар қиламан. Менга тез-тез хат ёз...

Шу сўзларни айтиб, Солмон чўнтагидан бир калит чиқариб Ниёзга узатди:

— Бу уй эшигининг калити. Отнинг арпаси қопларда. Болохонанинг калити эса ун қопининг устида турибди.

У оҳиста юриб Ниёзнинг ёнига келди. Ниёз ўрнидан туриб Солмоннинг қўлини олди. Болли хола келиб Солмоннинг юз-кўзидан ўпди.

Солмон эшикдан чиқаётиб деди:

— Ниёз! Солмон роса жавради, деб хафа бўлма, омонатим — бўз отимни эҳтиёт қил!..

* * *

Солмон Бокуға кетганидан уч кун ўтгач, Ниёз бўз отни ўз хонасига, арпа солинган қопларни эса уйига олиб келди. Бўз отни ўз оти билан оғилга ёнма-ён боғ-

лаб қўйди. Дастлабки кунлар Ниёз эшикдан кириши билан бўз от кишнардн, ёнига келиши билан кишнашдан тўхтаб, бегонасираб, Ниёзнинг юзига қарарди. Ниёз унинг охурига гоҳ сомон, гоҳ ўт ташлаб қўярди.

Ўн беш кун бўляптики, Ниёз Солмоннинг отини астойдил парвариш қиляпти. Тонг ғира-ширасида ўрнидан турарди-да, отхонага кириб, аввалига отлар остини кураб тозалар, супуриб қўяр, қуруқ гўнг сепарди. Кейин бўз отнинг жулини олиб баданини қашовлар, силаб-тараб, тагин жулини ёпиб қўярди. Ўз отини ҳам қашовлаганидан сўнг, икковининг думларини тугиб, ўз отига минганча, уларни суғоргани олиб борарди. Суғориб бўлгач, яна охурга боглаб, ҳар бирининг олди-га бир ғалвирдан арпа соларди. Отлар арпани еб бўлгач, Ниёз яна отхонага келар, отлар остини супуриб, ҳар бирига бир боғдан беда ташлаб кетарди. Кеч-қурун Ниёз яна отхонага кирар, отлар жулини олиб, яхшилаб қашовлар, сугориб келар, кейин арпа берарди. Ҳар сафар Ниёз эшикдан кириши билан бўз от инграгандай кишнаб қўярди.

Қиш кунларидан бирида Ниёз отхонага кириб, эшикни беркитди. Эски камзулини ечиб, ўрта устундаги михга илди. Енглари-ни шимарди. Бўз отнинг жулини олди. Қашовлай бошлади. Отга ҳар қашов тортганда юраги ҳаприқарди. Оҳиста ҳуштак чалиб, кейин минғиллаб куйлай бошлади. Отни қашовлаб бўлгач, бир оз ўтирди. Кейин отнинг жулини ечиб, бошини силаб қўйди. Ёлини таради, кўзларини авайлаб артди. Кокилини таради. Бўз отни парваришлаб бўлгач, ўз отининг ёнига келди. Уни ҳам қашовлади, силаб-сийпалади. Яна ўз отига миниб, Солмоннинг отини етаклади, суғоргани олиб чиқди. Қирларга етгач, отдан тушди. Ўз оти қўзичоқдек иргишлаб, йўргалаб борарди. Бўз от эса бошини кўтармай, Ниёзнинг орқасидан ғамгин борар, иштаҳасиз сув ичиб, отхонага қайтарди. Солмоннинг кетганига уч ҳафтадан ошди. Бўз от эса, ўнгланмасди. Бу аҳвол Ниёзни анча ташвишга солиб қўйди. Аввалига, отхона совуқлик қиляпти шекилли, деб гумонсиради. Бир куни эртадан-кечгача уриниб отхона эшигининг тирқишларига эски кигиз, латта-путта тиқиб чиқди. Отхонанинг уч туйнугидан иккитасини беркитиб, суваб ташлади. Орадан беш кун ўтди. Бўз от кундан-кунга қордай эриб, озиб борарди.

Ниёз от касалга чалинди, деган қарорга келди. Қишлоқда оқ-қорани биладиган синчиларга уни кўрсатди. Кейин райондаги мол докторини чақирди. Ҳамма отнинг ҳеч қанақа касали йўқлигини тасдиқлашди.

«Балки отни қиров қилиб қўйдим»,— ўйлади Ниёз.

У отнинг огзини очиб қаради. Қиров ҳам эмас. «Четдан кўрганлар мени отни оч қолдирыпти ёки вақтида парваришламаяпти, деб ўйлашса керак. Шунча меҳнатим бекор кетса-я. Отга нима қилди? Балки қирон келгур товуқлар ичкари киришгандир. От сомони-га товуқ ахлати аралашдимикин?! Ё сомоннинг ичида нина-пина бормиди?! Арпани бўлса ҳар куни тозалайман, яна икки бор ғалвирдан ўтказаман, чанг-тупроқ аралашмасин, деб. Бу қандай сир? От нега семирмаяпти? Ё отнинг оёқлари тақаланмаганмикин?»

Шарт ўрнидан туриб, отхонага борди. Бўз отнинг оёқларини кўтариб қаради. Ростдан ҳам бўз отнинг нағали йўқ экан. Эртасига тақачини чақирди. Бўз отни тақалатди. У отни ичкари киритиб энди боғлаган ҳам эдики, Солмон юборган хатни беришди. Солмон хатда ёзганди:

«Ниёз! Мени касалхонага ётқизишди. Жуда яхши даволашяпти. Ўзимни яхши ҳис қиляпман. Томоғимнинг шиши анча қайтди. Битта нарсадан кўнглим тўлмаяпти, у ҳам бўлса бўз отим! Келаётганимда роса эзмаланиб тайинладим, энли бўлса ёзяман. Худди жонимнинг ярми бўз от ёнида қолгандай бўляпти. Агар менинг тез соғайиб қайтишимни истасанг, отимни эъзозла, эҳтиёт қил. Омонлик бўлса тезда кўришамиз. Ҳар ҳолда, бўйнимда катта қарсинг бор. Ўлимга чап берсам, яхшилигингни қайтараман. Ниёз, омонатим — бўз отимни эҳтиёт қил».

Ниёз хатни ўқигач, ўз-ўзига деди: «Энди мен нима қилай, бошимни қаерга урай? Парвариш шунчалик бўлар, эҳтиётлаш шунчалик бўлар... Балки от дарё сувини ёқтирмаётгандир? Эҳтимол... Балки Солмон отни булоқ сувига ўргатгандир. Мен каллаварам, илиқ сувга ўрганган жониворга трөг-саҳарлаб дарёнинг муздай сувида ичириб, уни шу аҳволга туширгандирман...»

Бу гумонларини онасига айтган эди, Болли кампир ҳам, балки шундайди, деди. Шу кундан бошлаб Ниёз отларни суғургани алоҳида-алоҳида олиб борадиган бўлди. У бўз отни етаклаб борарди. Ҳар қанча

эркаламасин, от нўхтасини ҳар қанча бўш қўймасин, бўз от бошини кўтармасди. От огзини булоқнинг тош новига қўйиб, қултиллашиб сув ичар, нохуш-нохуш бошини сувдан кўтариб, Ниёзнинг юзига қарарди. Ниёз эса ичида отга аччиқланиб дерди:

— Бу от қирчанғи жинсидан бўлса керак. Чунки қирчанғининг еган арпаси этига юкмайди. Қанча боқсанг ҳам бир пул. От бўлмай қуриб кет. Дўстим олдида юзимни ерга қаратдинг!

Бўз отни отхонага боғлаганидан сўнг, ўз отини ечиб олиб чиқарди. Отни бўш қўйиб бўлмасди. Отининг жировини сал бўшатсанг, бас, у ўйчоқлар, ирғишлар, нақ осмонга сапчийман, дерди. Ниёзнинг қўлини, белини тишлашга уринарди. От кундан-кунга тук ташлаб семирар, сағрини кўтариларди.

Дарёдан қайтаётганда Ниёз отга зўрға минарди. От бўйин бермай суриб кетарди. Ниёз жировини маҳкам тутганда, от бошини кўтариб, олдинги оёқлари билан ер тепинарди. Қишлоқ этагига келишлари билан отининг кишнашидан қишлоқ титради. Ниёз отни боғлаётган пайтда от бошини унинг қўлига, елкасига сўйкар, Ниёз эса унинг бошини силаб қўярди. Шунда бўз от аста кишнар, унинг кишнаши кўпроқ инграганга, хўрсинганга ўхшарди.

* * *

Солмон касалхонага ётганининг қирқ иккинчи кечаси эди. У кўзларини касалхонанинг ёруғ деразасидан далага тикиб, ўзини ғалати бир оламда ҳис қиларди. Мана, у отхона эшигини очиб ичкари кирди. Бўз от кишнади. Солмон унга яқинлашиб бошини силади, кўзидан ўпди. Жулини олиб, қашовлади, силаб-сийпалади. Кейин далага олиб чиқди. Устига сакраб минлиқ сувга караб ҳайдади. Бўз от Набининг¹ оти сингари кўзларидан ўт сочарди. Бўрига ўхшаб оғзини очиб, юганни семирар, оёқларини енгил ташлаб қушдай учарди. Йўл қиялик ерга келганда Солмон отдан тушиб, уни етаклаб олди. Бўз от ўйноқлаб, оёқларини баланд кўтариб борарди. Солмон ҳам унга қўши-

¹ Қ о ч о қ Н а б и — эрк учун курашган тарихий шахс. Унинг балодан қутқарган учқур бўз оти бор эди.

либ сакрай бошлади. Бўз от қаёққа юрса, Солмон ҳам ўша ёққа юрарди. Бўз от бирдан тўхтади. Қулоқларини диккайтириб дарё томонга қаради. Қамишзорда бир сурув асов от бор эди. Бўз от кишнаб, ер депсина бошлади. Бўз от кишнаган сайин, Солмоннинг юраги тўлқинланарди. Кейин бўз от бўйнини буриб, бошини Солмонга қараб чўзди. Унинг қўлини тишламоқчи бўлди. Кейин бошини Солмоннинг елкасига сўйкай бошлади. Солмон бўз отнинг бўйнини қучоқламоқчи, кўзларидан ўпмоқчи бўлди... шунда қўли қағавотнинг совуқ темирига тегиб кетди ва у хушига келди.

Бу аралаш-қуралаш хаёллардан унинг боши оғриди, кўнгли айний бошлади. У ҳозирги ширин, нашъали хаёлларидан, калрдон бўз отидан ажралганига ачинди. Сабрсизлик билан тезроқ тонг отишини кутди. Тонг отгунча унинг хаёлидан нелар кечмади: «Наҳотки, бўз от касал бўлиб қолган бўлса? Ёки Ниёз ўз отига арпани кўпроқ бериб, бўз от ҳақини камайтирганмикин? Балки бўз отнинг жули тўзигандир?»

Тонг отиши билан Ниёзга бўз от ҳақида телеграмма юборди. Кейин доктордан бир-икки кунга жавоб беришни қайта-қайта илтимос қилди. Доктор ҳар қанча маслаҳату насиҳат қилса ҳам, Солмон ўз айтганидан қолмади ва қишлоққа жўнади.

* * *

Чашмадан суғорилаётганига қарамай, бўз от кундан-кунга озиб-тўзиб борарди. Бир куни Ниёз ўз отини эркалаб, кўзидан ўпганидан сўнг бўз отнинг инграганини эшитди. Қайрилиб қараса, бўз от бошини қуйи солганича гўё чуқур ўйга толгандек турарди.

— Қани эди, шу отнинг дарди не эканини билсам? — дея хўрсинди Ниёз.

* * *

Солмон қишлоққа келган заҳоти бўз отини суриштирди. Ниёз хижолатдан қизарди. Тутила-тутила жавоб қилди:

— От каттиқ оғриди. Лекин ҳозир анча дуруст.

Улар биргаликда отхонага киришди. Бўз от Солмонни кўрган заҳоти «тилга кирди» — кишнаб юборди.

Унга узоқ тикилиб, гўё кечирган изтиробларию тортган азобли дамларини тушунтирмоқчи бўлгандек кўзлари намланди. Солмон отнинг бошини қучоқлаб, кўзларидан ўпди. Ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Отига тўйиб қараб олгач, энтикиб-энтикиб деди:

— Ниёз! Одам ҳам омонатга хиёнат қиладими? Мен кетаётиб нима дегандим? Хатда ҳам ёзгандим. Ахир сен ҳам бир йигит сингари менга сўз бергандинг-ку!

Ниёз, унинг олдида гуноҳкор одамдай бош эгиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб деди:

— Солмон, агар мен отингнинг арпасини, ўтини, сомонини ўз вақтида бермаган бўлсам, ўз отимдан яхши парвариш қилмаган бўлсам, умримда барака топмай. Отим душманимга буюрсин. Ўзим ҳам бу сирни тушунолмай, ҳайрон бўлиб турибман. Қўлимдан келганини аямадим, отингга яхши қарадим, лекин меҳнатларим зое кетди. Сенинг олдингда тилим қисқа бўлиб қолдим. Албатта, менга нима десанг ҳам ҳақинг бор, чунки сен кетаётганингда отинг ҳозиргига нисбатан анча дуруст эди.

Солмон отининг бошини қучоғидан қўйгиси келмасди. У бўз отнинг юз-кўзидан ўпар, бошини силар, ёлини тарар, уни эркаларди. Бўз от эса, иягини Солмонга суркаб, кўзларини ундан узмасди. Ниёз бир чеккада қараб турар, бутун меҳнати бекор кетганига ичидан ачинарди.

Солмон отни қўйиб, Ниёзга юзланди. Чуқур уҳ тортиб, деди:

— Бор-йўғим битта от бўлсаю у ҳам шу аҳволда... Ҳали мен ўлганимча йўқ...

Ниёз унга далда бермоқчи, тинчлантирмоқчи бўлди. Аммо Солмон ўзини тўхтата олмасди:

— Ниёз! Йигит жонингга онт ичиб айт, нима қилдинг, бўз отни нега бу қўйга солдинг?

Ниёз яна қасам ичди:

— Солмон! Шу ерда еган ҳалол нонимизга қасам ичиб айтаманки, ҳар куни ўрнимдан турган заҳоти отхонага келардим. Аввал сенинг отинг жулини олиб, уни парваришлардим, кейин ўз отимга қарардим.

— Бошқа ҳеч нарса қилмаганмисан?

Ниёз ўйланиб қолди. У бўз отга ҳеч бир ёмонлик қилмаганди. Эсига бир гап тушиб, деди:

— Мен фақат ора-сира ўз отим бошини силаб, юз-кўзидан ўпиб қўярдим.

Солмон йиғи аралаш деди:

— Эҳ, Ниёз! Бўз отни бу кўйга солган нарсa — унинг ёнида сенинг ўз отинг бошини силаганинг, юз-кўзидан ўпганинг бўлган.

* * *

Кекса Солмон олдиларидан ўтиб бораётган колхоз йилқисига фахр билан тикилиб деди:

— Қаранглар, энди бизнинг қанча бўз отимиз бор. Биз энди бу отларнинг ҳаммасини барабар парвариш қиляпмиз.

УЧРАШАДИГАН ЖОЙ

Рота командири телефон орқали батальон командири билан алоқа боглаб, сўнгги кунлар давомида олиб борилаётган кузатишлар ҳеч қандай ижобий натижа бермаётганини айтди. Шу билан бир қаторда, разведкага одам чиқариш учун унга рухсат беришларини ва ёрдам кўрсатишларини талаб қилди. Чунки разведкачилар «дот»ларнинг¹ жойлашган ўринларини аниқламагунча ва уларни яқсон қилмагунча, кутилмаган талафотлар давом этиши ва ҳатто ҳужумга ўтиш тўғрисида кўрилаётган тайёргарлик ҳам ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин эди.

Рота командири бир мунча вақт диққат билан телефонга жим қулоқ солиб турди-да, сўнг яна давом этди:

— Мен бир жангчини биламан... У бу ерларнинг баланд-пастидан хабари борга ўхшайди. Мен у билан яна бир марта атрофлича суҳбатлашай. Сўнг сизга хабар қиламан. Ўзингиз ҳал қиларсиз!..

Рота командири қўним топган бу ертўланинг шифтларига йўсн-йўгон темир тўсинлар ётқизилган бўлиб, у унча-мунча снаряд ва миналар билан портлашиб бўлмайдиган даражада мустаҳкам эди. Бир чеккада консерва банкасидан қилинган лампамоё чироғи ертўла ичини бемалол ёритиб, ёниб турарди. Чироқ яқинига ўрнатилган чўян печкада мўйловдор бир киши овқат иситарди. Рота командирининг телефон билан сўз-

¹ Дот — узоқ муддатли ўт очиш нуқтаси.

лашган ерида сўри ўрнатилган бўлиб, сўри тепасига бинокль, дала қопчиги ва битта тўппонча илиб қўйилганди. Ертўла пойгагига ўрнаштирилган кичкина стол орқасида эса рота котиби бир нималарни ёзиб ўтирарди.

Командир телефон орқали гаплашиб бўлгач, бояги мўйловдор киши унинг олдида овқат қўйди. Командир овқатини еб бўлар-бўлмас, бир жангчи ичкарига кириш учун рухсат сўраб келиб қолди.

— Ҳа, шербачча, келдингми?— деди командир остонада бамайлихотир турган жангчига диққат билан қараб.

Командирнинг телефон орқали: «Мен бир жангчини биламан» деган йигити — мана шу жангчи эди. У, ротада душман «дот»ини портлатиш ҳақида гап борганда, журъат-ла олдинга чиқиб, мен бораман, деганди. Шу ваздан командир уни, атрофлича суҳбатлашиш мақсадида, команда пунктига чақиртирганди.

Ниҳоят, командир: «Хўш, жангчи Алим, эшитаман» дегунга қадар, жангчи йигит қўлини пешонасига қўйиб, ҳарбийча салом берди-да:

— Ўртоқ рота командири, мен у душман «дот»и томонга олиб борадиган ер ости махфий йўлни яхши биламан!— деб айтди.

Командир яна жангчи Алимнинг боздан-оёғига-ча разм солиб чиқар экан, Алим гапида давом этди:

— Шундай, мен яхши биламан.

— Қаёқдан биласан?— деди командир унга ва қўли билан ўтиришга ишора қилиб, ўзи ҳам унинг ёнига келиб ўтирди.— Хўш, қаёқдан биласан?

Алим ҳаяжонланиб, ранги ўзгарди. Гапирадиган гапларини унутиб қўйди ва ютина бошлади.

— Нега энди индамайсан, Алим? Ёки, қорнинг очми, сувсадингми?..

Алим бирмунча ўзини босиб олгач, тилга кирди:

— Ахир, у ерлар, билсангиз... У ерлар бизнинг қишлоғимизнинг чеккаси. Мен у ерларни...

Айни вақтда ертўлага яна бир жангчи кириб келди-да, ижозат олиб, командирга мурожаат эта бошлади:

— Ўртоқ командир, ҳар куни оқшом тушди дегунча душман ҳамон автоматлардан ва пулемётлардан

кучли ўт очишни давом эттиряпти. Ўнг ва сўл томонларимиздан оқ ракеталар отишяпти.

— Булар, энди эски маълумотлар. Қандай янги хабарлар бор?

Кузатувчи жангчи қўлидаги кузатув дафтарига қараб олиб, илова қилди:

— Оқшомдан бошлаб тепалик ёнбағридаги уйларнинг атрофларидан темир белкурак ва метин-чўкичларнинг овозлари эшитиляпти.

Рота командири сўнгги сўзларнинг Алимга қанчалик таъсир этганини сезмоқ учун унга қаради. Алим дарҳол тасдиқ этиб, бошини қимирлатди:

— Тўғри айтяпти, ўртоқ командир. Мен ҳам бунни сездим. Душман у томонни яна мустаҳкамлашга киришяпти,— дер экан, у энди ҳаяжонланиб давом этди:— Лекин мен бунга йўл қўймайман!

Командир кузатувчи жангчига лозим кўрсатмаларни бериб жўнатгандан кейин, телефон орқали яна сўнгги маълумотларни штабга хабар қилди.

Ҳамон ҳаяжонини босиб ололмаган Алим энди қатъият-ла туриб деди:

— Ўртоқ командир, мен, ахир, ўша қишлоқданман. Менинг ота-онам, борим-йўғим — ҳаммаси ўша ерда қолган, биласизми? Менинг у ерда...

* * *

Алим шу оқшом команда пунктида қолиб, эрта саҳар билан оёққа турди. Ёнига ҳамроҳ олмади — ёлғиз жўнади.

Кўк юзида бўзарган булутлар сузиб юрарди. Узоқ-узоқлардан — денгиз томонлардан ҳар замон-ҳар замонда тўпларнинг гумбурлаган саси эшитиларди. Фурсат ўтиши билан бу товушлар фронтнинг бу томонига қараб яқинлашиб келаётганлиги сезиларди. Тўпларнинг гумбурлашлари тинган пайтларда эса, гоҳ-гоҳ, қушларнинг чирқиллашлари чалинади қулоққа.

Алим секин-аста юришда давом этарди. Аҳён-аҳёнда сидирғасига осмонга қараб узилган автомат ўтларининг ёлқинлари, гумбирлашлар Алимга таъсир ҳам этмас ва пинагини ҳам бузмасди. Чунки у бу ерлардан кўзини боғлаб қўйсанг ҳам — йўл топиб юра оларди.

Унинг бутун фикри-ёди душман жойлашган тепаликда — етти ойдирки, ўй-хаёлларини банд этган ўша ерда эди... Бу ер — уни онасидан айириб, вақтинча душман қўлида қолган туғилган қишлоғи, баҳор фаслларида чечаклар атрини пуркаб эсадиган, куз кезлари, қишларда ҳам тиним билмайдиган шимол сабоси макони эди. Бу ер — унинг учун ҳеч қачон унутиб бўлмайдиган, висол оқшомлари севимли қизи билан учрашиб турадиган шундай бир муқаддас жой эди.

Алим ҳамон эҳтиёткорлик тўғрисида ўйламай илгарилаб борар, осмон тамомила нурга тўлиб, дара устига чўкмагунча, у ўзининг севимли қизи билан учрашадиган жойига гўё кечикиб қолишдан чўчигандек шошиларди.

Алим яна бир оз юриб боргач, дарага туша бошлади. Дара тубидан оқаётган анҳор соҳилига етгач, ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. У чуқур-чуқур тин олар, энди юраги гурсиллар, ҳаяжонланар эди. Ниҳоят, дам олиб ўтирар экан, ўз-ўзидан сўради:

«Ёки қўрқяпманми?»

Лекин бу қўрқув эмасди. У қаттиқ чарчаган эди. Уни хотиралар чарчатганди. Бири билан бири қоришиб кетган, бир-бирига қарши — узоқ-яқин, аччиқ-чучук хотиралар қалбида туғён уриб, уни обдон ҳоритган эди. У, энди, бу хотиралар ҳақида кўз ўнгидан оқиб ўтаётган сувга, дарахтларнинг шохларида учиб-қўниб юрган қушларга, осмони фалакда бирин-кетин сўниб битаётган юлдузларга эртақ сўзлашни ва шу йўсинда бир оз енгил тортишни истарди. Яна, юлдузларнинг титроқ шуъласини ўзида акс эттириб, жимирлаб оқаётган сувга қараб: «Сен менинг болалигимни ва бу ерларга ким билан бирга келишимни яхши билардинг. Ҳар гал менга ҳамроҳ бўладиган у қиз сенда неча бор юз-қўлларини ювар ва ойнаи жаҳонга тикилган каби сенга тикилиб, томоша қилар ҳамда сочларини силаб тароқларди...» деб роз айтмоқчи бўларди...

Алимнинг севимли қизи билан алоқадор бўлган хотиралари унинг ёш боши, ҳаяжонли қалбида шундай бир ғулғула уйғотдики, у оний лаҳзада бирдан, наҳотки шундай масъул дамларда ногаҳоний ҳиссиётларга берилиб кетиб ва яна қандайдир алоҳида бир нарсаларни унутиб қўйиб, топшириқни бажара олмай қолсам ва мақсадларимга эриша олмасам, деб қўрқиб

кетди. Шунинг учун у энди севимли қизини ҳам ва у билан боғлиқ бўлган илк хотиралари, сўнгги учрашувларини ҳам, шунингдек, душман қўлида бўлган севимлисининг фавқулодда бошига тушиши мумкин бўлган даҳшатларни ҳам бирмунча фурсатга унутишни жуда-жуда истаб қолди. Истарди-ю... лекин шундай қилолмасди. Чунки севимли қизи Ҳанифа ҳечам унинг кўз ўнгидан нари кетмас эди. Алим ҳамон хаёлан ҳали эриб битмаган қорлар тагидан бош кўтарган бинафша гулларини териб, қизга тутар ва гоҳ унинг анҳор сувига тўлдирилган кўзасини кўтариб, юқорига кўтариларди. Лекин у пайтлар сув асло ҳозиргидек лойқаланиб оқмасди. Аксинча, шалолалар каби кўпикланиб, мавж уриб, тип-тиниқ бўлиб оқарди. Қизлар билан келинчаклар тепасида ғужғон ўйнаган қушлар каби тўпланишиб, ювиниб-таранишар, қўшиқлар айтишарди. Аммо энди-чи?.. Энди бўлса... тиниб-тинчимас қушларнинг бетиним чугурлашлари барҳам еган, сарв оғочларнинг бўйни узилган, шамшод дарахтларнинг шох-бутақлари қирқилиб, барглари тўкилган ва душман ўқларининг касофати туфайли бутунлай яланғочланиб қолган эди.

Бундай ўқларнинг визиллаган товушлари Алимнинг қулоқлари тагидан ҳам чийиллаб ўтиб турар ва сира тиним биладиганга ўхшамасди.

Ниҳоят, Алим ўзининг муқаддас ички сирларини энг яқин дўсти билан дардлашган каби, анҳор соҳида ўтириб, юрагини бўшатиб олгач, қалбига аллақандай ҳузур-ҳаловат ингандек бўлди. Фикрлари равшан тортиб, тушунчалари тиниқлаша бошлади. Чува-лашган хотиралари ҳам, тушида кўргани каби хаёлини тарк этиб, уни ортиқ таъқиб этмай қўйди. Энди Алимнинг қизгин ва ҳаяжонли хотиралари ўрнини унинг душман учун омонсиз бўлган қатъий фикрлари эгаллаб олди. Ҳамда унинг бирдан-бир мақсади — командири буйругини сўзсиз адо этиб, душман «дот»ини портлатиш ва шу муносабат билан ажал оташидан омон сақлаб қолинган бутун ротасини ҳужумга кўтариб, жилла қурмаса ватан тупроғининг бир қисмини душмандан озод қилиш бўлиб қолди...

Шундан кейин у ҳаракат режасини фикран таҳлил қилиб чиқди. Режа бўйича, дарадан бошлаб тепаликка — душман «дот»и ўрнашган жойга қадар чў-

зилган масофани ер ости махфий йўл орқали ўтиб бориш, режани эса тепаликда — ер ости махфий йўлнинг юзага чиқадиган ерида душман «дот»и яқинида амалга ошириш кўзда тутилганди. Алим шу ердан туриб граната боғлами билан душман «дот»ини портлатиши ва кейин ракета отиб, ротасининг ҳужумга кўтарилиши учун сигнал бериши керак эди.

Алим дарадан бошланадиган ер ости махфий йўлнинг оғзи қаерда эканлигини яхши биларди. Шундоққина йўл ёқасида, анҳор соҳили бўйлаб ўсган мажнунтоллар орасида бир туп йирик дуб оғочи бўларди. Осмон тамомила бўзариб, тонг отиб қолгани учун, Алим бу дарахтни тезлик билан топди-да, сўнг энгашиб, унга тикилиб қолди. Ва дарҳол... бундан бир неча йил аввал севимли қизи Ҳанифа билан биргаликда келиб, унинг танасига пичоқ, билан ўйиб ёзишган эсдалик ёзувлари ўрнига кўзи тушди. Афсуски, севгилари тарихидан нишона битилган бу дуб танасига шу қадар кўп ўқ теккан эдики, ундан Алимнинг исмини ва эсдалик ўйилган у тарихий кунни хатосиз аниқлаш жуда амримаҳол эди. Фақат Ҳанифанинг исмини, ҳар қалай, қийналмай аниқласа бўларди...

Алим аччиқ бир заҳарханда билан юзини буриштирди. У, дуб танасига битилган ўзининг исми отишмалар туфайли шилиниб, тилиниб, қарийб бутунлай ўчиб кетган ерга бирмунча фурсат тикилганча турди-да, ўз-ўзича сўзлаган бўлди.

— Майли, зарари йўқ. Лекин мен бу исмларни янгидан шундай қилиб ёзайинки, шундан кейин уларни бир умрга, на тўп отишмалари, на яшин ва на тўфон ўчира оладиган бўлсин!..

Шундан кейин Алим тиз чўкиб, ўзига таниш бўлган ер ости махфий йўлнинг оғзини метин чўкич билан қазимоққа киришди. Бу ерларда умуман шундай ер ости махфий йўллар ва ғорлар жуда кўп эди. Лекин ҳарбий қисмларимизнинг чекиниш пайтларида бизникилар уларнинг кирадиган ва чиқадиган оғзиларини вақтинча беркитиб кетишганди.

Алим бу ҳақда командирига ахборот берар экан, бу йўлларнинг душман учун ҳамон махфий бўлиб қолаётганига уни қаттиқ ишонтирганди.

У, ер ости махфий йўлга тушиб олгач, тезлик билан илгарилай бошлади. Энди душман тўплари-

нинг товуши эшитилмас эди. Лекин, анча-мунча юриб борганидан кейин эса, яна эшитила бошлади.

Ёш жангчи олдинга қараб қанча илгарилаб борар экан, тўпларнинг гумбурлаган товушлари шунча аниқроқ эшитилиб турарди. Ниҳоят, йўл охирига яқинлашиб қолганини сезгач, у ўзининг ҳаяжонини бир оз босиб олмоқчи бўлди. Лекин қалби унга қулоқ солмасди. У хаёллари ҳамон тўзғиб, йўл-йўлакай ранг-баранг ёшлик жилolari билан банд бўлганича борар эди. Ва қадамини яна ҳам илдамроқ босарди. Тўғри, у ўлимга кетаётганини яхши биларди. Шунинг учун ҳам бир ёнига қараб — Ҳанифани ҳис этса, бир ёнига қараб — ўлимни ҳис этарди. У, шу алфозда борар экан, гоҳо-гоҳо, Ҳанифанинг сурати унинг кўз ўнгидан узоқлашиб, бойқушлар уя қурган тепалик томон кўтарилиб кетарди. Шундай пайтларда у хаёлан Ҳанифага мурожаат этарди:

«Ҳанифам, севгилим, фариштам! Мен душмандан интиқом олиш учун кетяпман! Ватанимиз тупрогини душманлардан озод этиш учун кетяпман! Сени бойқушлар чангалидан қутқариб, ўз уйимизга олиб келиш учун кетяпман! Яна бир неча соатлардан кейин қуёш сенинг юзларингга кулиб боқади ва сени беҳад хурсанд этади!..»

Қадам-бақадам ўзи билан бирга кетаётган ажалга эса, у шундай деб хитоб қиларди:

«Сендан эса қўрқмайман! Сенга нафратларим бўлсин! Тўғри, кўриб турибман: сен мен билан бирга, ёнма-ён келяпсан, мендан ҳеч айрилмаяпсан, қошим билан кўзим ўртасидасан. Лекин шундоқ бўлса ҳам мен сендан қўрқмайман. Агар мабодо ўлсам ҳам Ҳанифани сенга бермай яна юзларча Ҳанифаларни сенинг чангалингдан озод этиб ўламан!..»

Алим яна озгина юргандан кейин, ер ости махфий йўлнинг охирига етганлигини ҳис этди ва товуш чиқармаслик учун, эҳтиётлик билан унинг оғзига қаланган тошларни аста-секин бир чеккага олиб қўя бошлады. Сўнг ётиб, қулоқ солди. Ҳор оғзи атрофидан автомат ўқларининг товушлари, ёт кишиларнинг Алим тушунмайдиган тилда гаплашаётган гаплари, гоҳо-гоҳо эса, баҳор нафаси билан уйғонган дарахтлар орасидан чўчиган қушларнинг чуғур-чуғурлари эшитилиб турарди.

Алим секин қаддини ростлаб, буталар орасига яширинган «дот»ни чамалади. У, янглишмаганди. Ҳақиқатан ҳам «дот» ундан йигирма-ўттиз қадам нарида ўрнашган эди. Унинг мудҳиш оғзидан иккита дастгоҳли пулемётнинг стволи ажал каби аниқ қорайиб кўриниб турарди. Алим ўртадаги масофани яна бир марта кўзи билан мўлжаллаб олгач, «дот» оғзига қарата устма-уст икки марта граната боғламини улоқтирди. Ёутилмаган тасодифдан шошиб қолган душман ўзини ўнглаб олишга ва ўт очишга улгурмай, Алим ўз қисмларимиз томонга қараб икки марта оқ ракета отиб, сигнал берди. Ва дарҳол бу орада бирдан портлаган душман «дот»и томонга қаради. «Дот» усти оловланиб ётар, ортиқ ўт очмас ва бир умрга яксон этилгани аниқ эди. Ўзини йўқотиб қўйган душман кучлари эса, тўғри келган томонга қараб сидиргасига ўқ ёғдирарди. Бу вазиятдан фойдаланган Алим, ўз ротаси етиб келгунча, бирмунча фурсат кутиб турмоқчи бўлди ва шу мақсадда ён тарафидаги — салгина нарироқ ерда бўлган чуқурга томон сурина бошлади. Лекин орадан бир нафас ҳам ўтмай, шиддатли пулемёт товушини эшитиб қолди. Қараса, шу вақтга қадар ҳеч қачон ўт очмаган ва ҳар эҳтимолга қарши махфий сақланган душманнинг иккинчи «дот»и эндиликда ҳужумга кўтарилган ротаси устига ажал ёғдирыпти. Алим бундан даҳшатга тушди. Чунки бу оташ унинг бутун режаларини кўкка совурибгина қолмай, ҳатто ротасини ҳам тамомила маҳв этиши мумкин эди. Зеро, шу вақтгача номаълум бўлган бу «дот» ўрни ҳали аниқланмагани учун, унга қарши ўт оча бошлаган тўпларимизнинг ўқи ҳам унга тегмас ва бенаф кетарди. Ҳолбуки, бу вақт ичида душманнинг у ерга ўрнатилган дастгоҳли пулемётлари ўз ишини қилиб, ротани қийратиб улгурарди.

Алим қандай қарорга келишини ва нима қилишини билмай, шошиб қолди. Лекин дарҳол қатъий бир фикрга келиши, нимадир қилиши ва бунинг олдини олиши керак эди. Ниҳоят, Алим тезлик билан олдинга интила бошлади. Тепасидан дўл каби ёғиб турган душман ўқларига ҳам аҳамият бермади. У энди югуриб эмас, учиб борарди, ҳисоби. Устига ёғилиб турган ҳисобсиз ўқларнинг ўзига тегмаслигига бўлган ишонч бутун ротасини ажал пуркаб турган «дот» оғзидан

омон сақлаб қолиш истаги ва муқаддас ватан тупроғининг ҳеч бўлмаса бир қисмини душмандан озод этиш иштиёқи билан ёнган қалби унга интиҳосиз бир ғурур ҳамда қанот бағишлаган эди...

Ҳа, бир вақтлар бу ерга у ўзини севган ва севиқлига айланган қизга совга сифатида гуллар билан, чечаклар билан ошиқарди. Энди эса... бу ерга у кучли отишмалар билан, ҳужум билан, ўлимга қарши, ўлим билан юзма-юз учрашгани келганди.

Орадан бирмунча фурсат ўтгач, душман уни пайқаб қолди ва дарҳол унга қарши кучли ўт очди. Унинг устига ёғилган бу ўқлар ҳам осмондан, ҳам дарахтлардан ва ҳам уларнинг бутун шох-бутоқларидан ёғилаётган каби беҳисоб эди... Ёш жангчи йигитнинг бошига ҳам кўкдан, ҳам чор атрофидан ёғилаётган бу ўқлар унинг бир оёғини яралади ва бошидан каскасини учириб юборди. Лекин у шунда ҳам пинагини бузмади. Ётиб олганича, қўлларини бошига пана қилиб, ҳамон олдинга — «дот» сари суруниб интиларди. Ниҳоят, «дот» оғзига яқинлашиб боргач, қулай фурсат топиб, унга граната боғламини улоқтирди. Граната портлаб, олов кўтарилди. Бироқ, у «дот»дан сал берироққа тушган эди. Шу сабабли, «дот» яна Алимнинг устига ўт ёғдира бошлади. Алим яна белидан ва оёғидан яраланди. Аммо на жароҳатларининг оғриғи ва на улардан оқаётган қон арслон йигитнинг иродасини буқолмади. У яна бир оз суруниб борди. Сўнг, қулайроқ фурсат топиб, энди граната боғламини улоқтирай, деб турганда, ўнг қўлидан ўқ еди. Яраланган арслон ғазаб билан дарҳол граната боғламини чап қўлига олиб улоқтирди. Шундоққина «дот» оғзида яна кучли портлаш юз берди. Бу портлаш унга куч-қувват бағишлаган каби, у яна граната боғлами улоқтирмоқчи бўлар экан, чап қўлидан яна ўқ еди...

«Дот» яқинидан узилган бу ўқ уни жуда ҳолдан тойдирди. У энди бир муддат ҳушсиз ётиб қолди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Шу пайт бирдан Алим боши устида Ҳанифанинг қичқирган товушини эшитгандек бўлди:

«Алим! Алим! Тур ўрнингдан, мен келдим! Наҳотки, шундай пайтда ўлсанг!..»

Алим чўчигандек, кўзларини очди... ва тепасидаги дарахт бутоғига қўнган бир қушни кўрди. Қуш ҳам

ўзича чуғур-чуғур қилиб, гўё Ҳанифанинг ўғитларини такрорлаётгандек туюларди:

— Алим, Алим, тур ўрнингдан!..

Бу ҳол унга янгидан куч-қувват бағишлади. Алим тамомила ҳушига келиб, ён-атрофига диққат қила бошлади. Осмон узра барқ урган қуёш, зўр отишмалар орасидан ҳам ҳаёт нафасини уфуриб турган илк баҳор ёш жангчининг қалбига шуур бағишлаб, уни жонлантириб юборди. Ногаҳон, унинг қулоқлари остида яна бояги: «Наҳотки, шундай пайтда ўладиган бўлсанг?..» деган савол такрорлангандек ва бу гал у бунининг ўзининг уйғоқ шуури билан аниқ эшитгандек бўлди. Энди, келгуси унинг кўзига атрофида қулф уриб яшнаётган илк баҳор каби аниқ кўриниб кетди. Шу сонияда у голиб идрок билан ҳамон ўз мақсадига эришишни ва Ҳанифа билан қовушишни истарди. У ўзида шунга яраша куч, ғайрат сезар ва қалбан бунининг ўзича яхши ҳис этарди.

Лекин унинг ҳаётга талпинган қалбини, иродасига тўлиқ бўйсунди, дейиш мумкинмиди ҳеч? У энди, айниқса ҳозирги оғир аҳволида, нима ҳам қила оларди дейсиз? Лекин шунга қарамай, у ўзининг матонатли иродаси билан ён-атрофига қунт-ла разм солиб чиқди ва... ҳужум бошлаб, душман мудофаасини ёриб кирган ротаси отишмаларини ҳамда дўстларининг голибона қийқириқларини аниқ эшитди.

Афсуски, фақат шундан кейингина у душман «дот»ининг ротаси — дўстлари ва қардошлари устига ҳамон ўлим ёғдираётганини пайқаб қолди. Пайқадими, дарҳол яна олдинга — «дот» томон сурила бошлади. Орадан салгина вақт ўтгач, бошидан ва аъзойи баданининг бир неча еридан ўқ еб, қизил қонига бўялган шер йигит ажал уфураётган «дот» оғзига етиб борди. Тўғри, у эндиликда бутунлай дармонсизланиб, қолдан тойган эса-да, аммо ҳозирча тирик эди. Шу аҳволда, унинг шуури ва метин иродаси ўз ротасининг жангчилари бу ерга ёриб киргунча ва дўстларининг «Ур-а-а!» деган товушларини эшитгунча ҳам уни ушлаб турди.

Алим «Ур-ра-а!» садоларини эшитиб, зўр-базўр кўзларини очар экан, душман солдатларининг қочаётганларини кўриб, қонсиз лабларида аллақандай табассум ўйнади. Сўнгра бу табассум ўрнини ҳаётдан

тўймай кўз юмиб кетаётган ҳазин бир ғусса қоплади... Ва бу ғусса секин-аста унинг қалбида ёнаётган ҳасрат-надомат ўти билан туташди..

— Ҳанифа, севгилим!.. Энди келсанг бўларди... Кўзларим сенга интиқ бўлиб қолди, Ҳанифа!..

* * *

Фронтнинг бу қисмида энг муҳим жойдан ёриб кирилган эди. Витта ротанинг муваффақияти бутун батальон ҳаракатини ривожлантириш учун катта имконият туғдириб берди. Унг ва чап томонлардан батальоннинг иккинчи эшелони ҳужумга кўтарилиб, икки соат давом этган шиддатли жанглардан кейин, душман ўзи маҳкам ўрнашиб олган қишлоқни бўшатиб, хийла кейинга чекинишга мажбур бўлди.

Душманни қишлоқдан қувиб чиқаришда маҳаллий аҳолининг иштироки ҳам кам бўлмади. Ҳарбий қисмларимизнинг шиддатли ҳужумларидан руҳланган қишлоқ аҳолиси яшириниб ётган қоялар тепасидан, ер ости махфий йўллардан ва ғорлардан чиқиб, пастликка тушиб кела бошлашди, ҳамда қўлларида бор бўлган қурол-яроқлари билан қочиб боришаётган душман кучларини таъқиб этишга киришишди. Бу ўринда, айниқса, хотин-қизлар катта иш кўрсатишди. Улар, хусусан, чекиниб бораётган душман кучлари қишлоқни талон-тарож қилиб, тамомила ўт қўйиб кетмасликлари учун алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Бундай хотин-қизлар орасида Ҳанифа ҳам бор эди. У, бир гуруҳ дугоналари билан ўн йиллик мактабга тушган ёнғинни ўчирганларидан кейин, душманни таъқиб этиб бораётган жангчиларимизни томоша қилиш учун югурди. Қиз бечора бўй-басти, кийган кийимлари, ҳатто тақдирлари ҳам севган йигити Алимга ўхшаган ёш жангчиларни кўриб, дардини ёзмоқчи, ўзи каби юзлаб, минглаб қизларни ёвузлар чангалидан қутқарган жангчи йигитларимизга миннатдорчилик изҳор этмоқчи эди. У, шу мақсадда қишлоқ чеккасидаги дубзорда саф-саф бўлишиб йиғилишаётган қўшинларимиз томон борарди. Чунки бу дубзор унинг ҳаётдаги энг ширин, энг лаззатли дақиқалари, қанотсиз ўй-хаёлларининг бирдан-бир гувоҳи бўлиб, шунинг

учун ҳам у неча ойлардан бери кўрмагани бу ерга ҳаммадан аввал етиб келишга ошиқарди. Ва йўл-йўлаккай ватан фарзандларига ғурур билан суқланиб қараб, баъзан эса ҳол-аҳвол сўраб: «Яша, ўғлон!», «Яша, ўғлон!» деб қўлини силтаб олқишлаб борарди. Лекин Ҳанифанинг фахр тўла ўтли кўзларида қандайдир бир чуқур интизорлик дарди изларини ҳам кўриш мумкин эди. Шунингдек, бу ғолиб жангчилар орасидан ўз ошигини қидириб топиш орзусида ёнган ёш қизнинг ҳаяжондан безовталанган кўзлари жангчилар учун ҳам сир бўлиб қолмади, албатта. Улардан баъзилари самимият билан кулишиб: «Яхши қиз, кимни ахтар-япсиз?» деб сўраб ҳам қолишарди. Сўнг бирдан қўшиқ бошлаб юборишар ва уларнинг тўлқин-тўлқин нафаси ёш қизнинг нақ юрагига келиб қуйилиб, бундан унинг Алимни соғинган қалби яна ҳам оловланиб ёна бошларди.

Шу тарзда, қўшинларимиз саф-саф бўлиб ўтиб боришар, бундан эса Ҳанифанинг интизор юрагига яна ҳам ўт туташарди. Энди унинг бир кўзи жангчиларда бўлса, бир кўзи ҳадеб дубзорга қараб тикиларди. Назарида, ошиқ йигит ўша ерда турганга ўхшаб туюларди. Ҳақиқатан ҳам бир неча дақиқалар илгари севимли йигити ўша дубзорда эди. Буни унга дубзорга ошиқаётган ва у ерга етгунича ҳам сабри чидмай, ҳаприқиб ураётган қизлик юраги айтиб турарди.

Дубзорга яқинлашиб қолган Ҳанифа, у ерда йиғилишиб турган жангчиларни кўрди. У яна бир оз юриб, олдинроқ ўтар экан, қандайдир бир командирнинг нутқ сўзлаётганини эшитди:

— Она-Ватанимизнинг бундай қаҳрамон ўғилларига шон-шарафлар бўлсин!..

Ҳанифа издиҳомни ёриб ўтиб, қаҳрамоннинг кимлигини кўрмоқчи бўлди. Унга йўл очиб беришди. Қиз бир-икки одим илгарилаб, аввалига уни танимади. Кейин эса, бирдан... қандайдир бир ногаҳоний куч, ҳистуйғу билан уни таниб қолди. Алим илгарилардаги каби алвон-алвон гуллар, чечаклар қўйнида эмас... қип-қизил қонга беланиб ётарди. Қиз қайлиғининг боши узра тиз чўкди. Унинг боши шонли қаҳрамон устига ол байроқ каби эгилди. Сўнг, сукунатга чўмган дубзор бағрида унинг шундай деб қичқирган товуши эшитилди:

— Алим, Алим! Наҳотки, шундай пайтда ўлсанг! Мен сен билан дийдор кўришиш учун келдим. Тур ўринингдан, Алим!..

Командир уни суяб ўрнидан турғизар экан, оёқ-қўли қалтираб, овози титраб шундай деди:

— Синглим, сингилжоним!.. У ўлгани йўқ... Ўлмайди ҳам! Ёш наслимиздан тортиб то кексаларимизга қадар — бу буюк ўлкада кимки бўлса — ҳаммаси: аёлларимиз ҳам, қизларимиз, ота-оналаримиз ҳам уни ҳеч қачон унутмайдилар ва қалбларида мангу сақлайдилар! Сен унинг шарафли номини ҳар қадамда эшитадиган бўласан!.. Алим ўлгани йўқ, синглим, ўлмайди ҳам!..

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ ЧУЧИМАС

Мен ўйнаб келиш учун эмас, иш юзасидан кўп ерга, ўлкамизнинг катта шаҳарларига тез-тез сафар қилиб тураман. Бу гал Ленинградга бордим.

Бир оғайнимга саломатлигимдан нолиб қолган эдим, у мени таниши кекса докторникига бошлади. Кабинетда, оқ халат кийиб турли-туман қоғозларни олдида ёйганча, ёзиш-чизиш билан машғул бўлган кекса доктор бизни худди яқин кишисидай қарши олди ва курси қўйиб, ҳурмаг билан жой кўрсатгач, келишимиз боисини суриштирди. Мен ҳам доктор олдида тортиниб-ийманиб турмадим. Саломатлигим ёмонлигини гапиришга тушдим. Овқат ҳазм қилолмаслигимни айтганимда, у бирдан сўраб қолди:

— Сиз Бокудан келдингизми?

— Ҳа, Бокудан.

Доктор кўзойнагини олиб ёнига қўйди, менга синовчан бир қаради-да, кулимсираб:

— Азизим, сиз томонларда ажойиб мевалар бўлади,— деди.

Доктор, Губа олмасидан, Боку ҳусайнисию Ганжа узумидан гап очса керак, деб ўйладим.

— Тўғри, доктор, бизнинг ерлар ширин-шакар мевалари билан машҳур. Бог-роғ дегани бизда сероб.

Доктор мени эшитмагандек, яна кўзойнагини тақди ва синовчан назар билан қатъий оҳангда деди:

— Сизларда антиқа тут бўлади-да, балх тути! Тўғрими?

— Тўғри, балх тути ҳам бизда мўл топилади.

— Қани энди бир пайти келиб насиб этса, балх тутидан тўйиб-тўйиб есам кўп ноёб мева-да бу, бир роҳат қилардим.

— Доктор, фурсатингиз бўлса тут пишиғида, марҳамат қилиб, бизга меҳмон бўлинг. Тут нозик мева, тез уринади, шунинг учун уни узоқ ерга олиб келиб бўлмайди. Марҳамат, меҳмонимиз бўлинг. Сизни бир тутга боқайлик.

— Гап меҳмон бўлишда эмас.

Доктор бир оз сукутдан сўнг, давом этди:

— Мен докторман, касалларга турли хил рецептлар ёзаман, очигини айтсам, ўзимизнинг зияворлару ўт-алафлар, хуллас, табиий дориворларга етадигани йўқ.

Доктор шундан сўнг шогирдига гап уқтираётган муаллимдай, тантанавор равишда деди:

— Сиз-чи, сиз тутни яхши кўрасизми?

— Ҳа, мен тутни жуда яхши кўраман.

— Яхши кўришнинг ўзи камлик қилади, уни тўйиб-тўйиб ейиш керак, ҳамиша тут еб туриш керак.

— Қўлимиз теккан пайтларда еб турамиз, доктор.

— Тут еб юрган кишининг меъдадан, жигардан шикоят қилишига ўрин қолмайди, мен буни шунчаки айтаётганим йўқ, муттахассис доктор сифатида жиддий айтаётирман.

— Тўғри-ю, доктор, лекин биласизми, бунга ҳамиша фурсат бўлавермайди-да.

Доктор сўзимни охиригача эшитмай кўзойнагини яна кўзидан олди, икки қадам илдам юрди-да, курсисини менга яқин суриб ўтирди.

— Азизим,— деди у,— тут бизнинг тайёрлаган рецептларимизга асло ўхшамайди. Унинг ўз рецепти ўзи билан, одамзотга табиатда тутдан ортиқ эҳсон бўлмайди. Ундаги ширани, мазани, шифобахшликни ҳе, айтган билан адо қилиб бўлмайди. У меъда, жигар, буйракнинг ҳам, қоражигарнинг ҳам, борингки, овқат ҳазм қилиш аппаратининг ҳам жуда яхши беминнат дорисидир. Мен буни муолижа китобларимда, музокараларда бир неча бора таъкидлаганман, энди алоҳида ёзиб чиқмоқчиман. Бу неъматни бутун шаҳарлардаги шифохоналарга татбиқ этиш истагим бор. Бизнинг табобат оламимизда ўзимиз билган, лекин бутун тафсилоти билан эълон қилинмаган фикрларимиз кўпдир.

Доктор бу сўзларни айтганда, яна ўрнидан турди. У гўёки, ёдига тушган янги бир фикрни таъкидламоқчи бўлганга ўхшарди.

— Энди мен сизга нима ҳам ёзиб берардим, азим?

— Албатта балх тути-да!

Доктор гапимни тасдиқлаб кулди.

— Мен эса сизнинг ерларингизда битадиган ажойиб бу неъмат ҳақида албатта бир мақола ёзиб, нашр этираман,— деди у.

Мен докторнинг бу яхши ниятини олқишладим.

— Доктор, ўша мақола нусхасини бизга ҳам юборасиз, деб умид қиламиз.

Мен кейинчалик бир даврада бу суҳбатни журналист ўртоқларимга оқизмай-томизмай гапириб бердим. Аини пишиқчилик пайти эди. Узум, тарвуз дейсизми, анвойи мевалар дейсизми — ҳаммаси фарқ пишган эди. Аммо бу даврада балх тути мақталди. Менинг мақтовларимга шерикларим қўшилишди.

— Биродар, биз томонларда балх тутни табиатнинг эҳсони деб эъзозлайдилар, унинг мевасини сотмайдилар, ёгочини муқаддас билиб ёқмайдилар,— деди бир дўстимиз.

Газетачи Оғали унинг фикрини қувватлади:

— Бизнинг боғларда тутнинг ҳар хил навлари бор: оқи ҳам, қораси ҳам, марвартаги ҳам, чағири ҳам. Саранжом-сариштали аёллар уни йиғиб тутмайиз солишади, қуёшнинг тигида қуритиб олишади. Тутмайизни биз байрам кунлари чўнтакларимизга солиб, майиз каби еб юардик.

Гапга гап уланиб кетди.

— Турган-битгани фойда бу меванинг.

— Табиблар кўп хасталикларни тут билан даволайдилар...

Оғамуҳаммад муаллим тутнинг шаънига айтилган бу мақтовлардан илҳомлангандай, ҳаяжонда сўз қотди:

— Модомики шундай экан, модомики, тут ҳақида шундай таърифлар бор экан, мен сизнинг олдингизда ўзимни қарздор, деб ҳис қиламан. Сизнинг барчангизни келаси йил тут пишиғида меҳмонга таклиф этаман.

Оғараҳим луқма ташлади:

— Тутнинг ёнига қўчқор гўштидан кабоб қўшилса, ёмон бўлмасди.

Оғакарим эътироз билдирди:

— Тутнинг ўзи етади, кабоб ортиқча.

— Бу ёғини огирлаштириб юбормайлик.

Оғараҳим қаддини ростлаб, журъат билан деди:

— Бу нарсанинг огирлиги йўқ. Ўн кило қўй гўшти, ўн кило помидор, унча-мунча тут ароғи менинг бўйнимга.

— Ҳой, ўртоқлар, бу тутхўрлик эмас, катта банкет-ку! Банкетнинг эса бир олам харажати бўлади. Оғараҳим катта кетди, бунинг ўзи инсофдан ҳам эмас... Йўқ, Оғараҳим ўз оғайнимиз, уни қийнаб қўймайлик. Тут кифоя. Ҳа, бизга тут кифоя.

Оғараҳим жавоб қилди:

— Мен қурумсоқ эмасман. Мен учун бундай ишлар чўт эмас.

— Ўша вақтда сени топиб бўлармикин?!

Оғараҳим жаҳли чиққанидан ўрнидан туриб кетди.

— Менга қара, биродар, қачон мен зиёфатдай қочибман?— деди Оғакаримни силталаб.

— Майли, вақт кўрсатади...

— Бўлмагур гапни қўйсанг-чи!..

— Хўп-хўп. Ортиқча баҳсинг ҳжати йўқ.

— Гап тамом. Келаси йил мен ўзим ҳаммангизни тутхўрликка чақираман.

— Бўпти. Бизнинг борғанимиз бўлсин.

Кун ўтди, ой ўтди, тут пишиғи ҳам келиб етди. Оғакарим аҳду паймонни эслаб юрадиган одам эди. Бир куни кечга бориб у Оғараҳимга сим қоқди:

— Оғараҳим, мана, тут пишиғи келди, оғайниларинг қачон тутхўрлик қиламиз, дейишяпти. Ваъда эсингдами?

— Нима?

— Тутхўрлик...

— Э, саломат бўл-ей...

— Биродарларингга нима дей?

— Мендан ҳаммасига салом айтиб қўй.

— Тутхўрлик бўладими ёки йўқми?

— Қуюнни кўрмайсанми, бу ҳавода тут еб бўлармиди?

— Қуюн бугун бўлмаса эртага ўтар-кетар. Тут бўлса, менимча, ҳали қуриб-битганича йўқ!

— Сенинг гапинг жуда қизиқ бўлди-ку, Оғакарим?
— Э, сен шамолдан нега қўрқасан?
— Бу йилгиси жуда зўр. Бутун тут тўкилиб кетди.
— Унда балки тутхўрликни келгуси йилга қолдирармиз.

— О, жуда яхши бўларди.

— Ҳар қалай, иссиқ жонман, келаси йили умрим вафо қилмасдан мабодо ўлиб кетсам, тутхўрлик пайтида мени ҳам ёдга оларсизлар. Ош бўлсин...

Мана, тут пишиғи ҳам охирлаб бораётир. Огараҳимдан ҳам, бу тўғрида баҳс юритган бошқа биродарларимдан ҳам дарак йўқ. Улар энди на кўриниш беришади, на қўнгироқ қилишади.

Шу алфозда кетаверсак, бу йил ҳам тутхўрлик қила олмаймиз, деб қўрқяпман.

Ҳа, майли. Боболаримиз таомдан ҳам умид яхши, деб айтган эканлар. Огараҳимдек дўстлар омон бўлишса бир кун эмас, бир куни ноумид бўлиб қолмасмиз!..

ЧОР ДЕВОР

Фирангиз театр примъераси, шов-шув кўтарган роман ёки янги бир тасвирий санъат кўрғазмаси, деса ўлиб қоларди. Бундай воқеалар унинг учун ҳамма вақт байрам бўларди. У киноюлдузларнинг, машҳур рассомларнинг, доврўгли ёзувчиларнинг исму шарифларини ва таржимаи ҳолларини сув қилиб ичиб юборган эди. Очиғини айтганда, у буларнинг санъатларидаги нафосатни илғаб ололмасди. Бу ҳақда ўйлаш унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Лекин у ўзига жозибали туюлган бу санъатдаги янги руҳни (бордию шу нарса бўлса), янги услубни пайқарди. Шу жозиба шарофати билан гўё камолот чўққисига кўтарилаётгандай қалби шодлик ҳисларига тўлар, таърифига тил ожиз тошқин ҳаяжон нашидасидан масрур бўларди. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ машҳур рассом ёки Жорж Санд сингари адиба бўлишни орзу қиларди.

Бироқ Фирангиз мактабни битириши олдидан ўзидан на рассом, на бастакор, на ёзувчи чиқишига амин бўлди. Балки ундан... актриса чиқар. У соатлаб ўзини ойнага соларди. Кўҳлик, нозикниҳол...

У ота-онасининг норозилигига қарамай санъат институтининг актёрлик факультетига ариза берди ва... ўтолмади. Имтиҳон олган домла унга ётиги билан сизда актёрлик қобилияти йўқ, деб тушунтирди.

Фирангиз диққинафаслик ва бекорчиликдан бир неча ой изтироб чекди. Ахир, ҳар куни янги кино картина ёки янги томоша кўрсатилавермайди-ку.

Фирангизнинг отаси йигирма беш йилдан бери статистика бошқармасида ишларди. У, бекор лақиллаб юрма, ўзимизнинг бошқармадан сенга ҳавойироқ иш топиб берай, деб қулогига қуярди. Онаси ҳам отасининг гапини маъқулларди.

— Ҳар ҳолда, бир йилдан кейин ишлаб чиқариш стажи асқотади,— дерди у.

Фирангиз чор-ночор ота-онасининг айтганини қилди. Эҳ, бу статистика бошқармаси... рақамлар... саргайган қоғозлар... Сийқа бўлиб кетган соққали чўтлар... Даққиюнусдан қолган бухгалтерларнинг кўзойнак остидан совуқ боқишлари... Оनावоши кампирларнинг сири кўчган чойнак-пиёлаларию уларнинг арзон колбаса еб, чой ичишлари... Сочини бўяб юрадиган бошлиқнинг ўнгиган эски галстуги.

...Келаси йили Фирангиз университетнинг филология факультетига ариза берди. Ўзига у, ҳар қалай, бу санъатга яқин-ку, деб тасалли берди... Ким билсин, балки у замонавий, машҳур танқидчи бўлиб кетар... Надоматлар бўлсинки, Фирангиз грамматикадан чархпалак бўлди. Грамматикани у мактабда ўқиб юрганидаёқ ёмон кўрарди...

Қўққисдан, уни ўз тақдири ваҳимага сола бошлади. Унинг вужудини ноумидлик ҳисси қамраб олди. Ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлди. Шунга қарамай, у ўзини бообрў хонадоннинг қизидек сипо тутди. Ҳақиқатан ҳам ота-онаси обрўли, инсоф-диёнатли одамлар эди.

Совчилар келишар, йигитлар телефон қилишар эди. Лекин ҳаммаси қуруқ кетарди. Бундан айниқса ойиси жиғибийрон бўларди. «Ёшинг ўтиб кетяпти...» — дерди онаси пўнғиллаб. Фирангиз эса яккаш бир сўзни такрорларди: «Ўқишни тугатмагунимча эрга тегиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас».

Бироқ аслини суриштирганда унинг совчиларга рўйхуш бермаганининг боиси бошқа нарсада эди. Гап шундаки, куёвлик даъво қилаётганларнинг биттаси экономист, бошқаси бош бухгалтер, учинчиси математик, тўртинчиси алламбало эди. Буларнинг ҳаммаси унинг дидига ўтиришмасди. Улар орасида хушрўйлари, обрўлилари ҳам бор эди, лекин бари бир булар унинг кўнглидаги одамлар эмасди.

...Алсҳа Фирангиз ота-онасининг қистови билан

юраги безиллаб халқ хўжалиги институтининг кечки бўлимига ариза топширди. Буни қарангки, ўтиб кетди. Эндиликда у кундузи ўзи ёмон кўрадиган статистика бошқармасида ишлар, кечқурун ўзи ёқтирмайдиган институтда ўқир ва кўнглига яқин санъат оламида бирор йигитни учратишни орзу қилар эди.

У ҳамон янгиликларни кузатиб борарди, янги томошалар ва кўргазмаларни кўрар, адабий кечаларга, артистлар, рассомлар билан учрашувларга қатнаш эди.

Фирангизнинг бир армони бор: ҳамонки санъатга ўзини бағишлаш насиб қилмаган экан, жилла қурмас унинг қаллиғи санъаткор бўлсин...

Ниҳоят, бахт қуши бошига қўнди. Бир тўй пайтида у олтин узук таққан кишини кўриб қолди. Ёнида ўтирган қиздан шивирлаб сўради: «Ким у?» Қиз сочи елкасига тушган кишига кўз қирини ташлаб, бу тўй мутасаддиларининг қариндоши, рассом Муршид, деб жавоб берди.

Гарчи бу рассом элга танилмаган бўлса-да, газета мақолалари ва хабарларида номи тилга олинарди. Фирангиз кўргазмаларда унинг баъзи суратларини ҳам кўрган эди. Лекин булар унда ҳеч қандай тассурот қолдирмаган эди. Нима бўпти, деб ўйлади Фирангиз. Пикассони ҳам кўплар тушунишмаган. Балки Муршиднинг суратларида ҳам унинг ақли етмайдиган теран маъно яширингандир.

Муршид Фирангиздан йигирма ёш катта эди, бироқ бунинг унга заррача аҳамияти йўқ эди. Ахир, машҳур драматург О' Нилнинг қизи Уна олтмишни уриб кўйган Чарли Чаплинга турмушга чиққан-ку. Бу ёқда Пикассонинг хотини ҳам ундан анча-мунча ёш бўлган...

Муршид чиройли эмасди, аммо рассомлик касби қизнинг назарида уни беқиёс юксакликларга кўтарарди. Ақиқ кўзли оқ тилла узук. Рангдор кўйлак ва галстук. Яшил духоба шим, қўнғир сахтиён куртка уни ғайриоддий одам қилиб кўрсатар, кишида катта тассурот қолдирарди. У коньяк ҳўплаб, сигаретани бурқситганича Фирангизга тикилиб ўтирарди. Башарти унинг ёнида ўтирганлар унга мурожаат қилгудек бўлишса, у илтифот ила табассум қиларди. Бу ҳам Фирангизни лолу ҳайрон қолдирар эди. У рассомнинг

маҳлиё боқишидан ҳузур қиларди. Гарчи у рассом билан кўз уруштиришга ботинмаса ҳам унинг фикру хаёли Муршидда, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирар эди.

Кейин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иш бўлди. Тўй тугаб, меҳмонлар тарқалишаётганда, унинг ёнига рассом келди-да, томдан тараша тушгандек шивирлади:

— Илтимос, телефон қилинг менга...

Бироқ телефон номерини бермади. «Телефон номерини қидириб топиш қийин эмас, дегандир-да»,— ўйлади Фирангиз.

Ўша куни Фирангиз анчагача ухлолмади. Эртаси эрталаб эса у шуурсиз ҳолатда Муршидга қўнғироқ қилди ва роппа-роса икки ойдан сўнг уларнинг тўйлари ўтди. У рассом тўғрисидаги хабарларни энди зориқиб кутадиган бўлди, ёрининг исму шарифини матбуотда, радио ва телекўрсатувларда учратишни орзу қилиб, уларни синчиклаб кўздан кечирадиган бўлди. Бордию унинг номини учратиб қолса, боши осмонга етиб, ота-онасига маълум қиларди. У эрининг устахонасида тартиб ўрнатмоқчи бўлди. Устахонага электр чойнак, бежирим тарелкалар билан стаканлар, кумуш чой қошиқлар, момиқ сочиқлар, атир совунли совундон олиб кирди, столчага оҳори тўкилмаган дастурхон ёзди. Бу нарсалар Муршиднинг дидига тўғри келмади, ярим соат ичида устахонани илгариги бетартиб ҳолига келтирди. Бироқ у нима қилмасин, Фирангиз чурқ этиб эътироз билдирмасди. У ўзини бахтиёр ҳисобларди. Тўғрироғи, у эрининг ижоди билан шундай андармон бўлиб қолган эдики, ўзининг бахти тўғрисида ўйлашга фурсати йўқ эди... Фирангиз эрининг ишлашига худди сеҳрлангандек қарар, навбатдаги суратни тугатишини сабр-тоқат билан кутиб турарди. Кунлардан бир кун у эрига статистика бошқармасидан кетажаклигини хабар қилди.

— Нега?— деди Муршид ҳайрон бўлиб.— Бир юз ўн сўм кўчада ётмайди.

Фирангиз бу сўзни юрагига яқин олмади. У хоҳ уйда, хоҳ ишхонада бўлсин, оғиз кўпиртириб эридан гапирар, тингловчиларнинг чеҳраларидаги кинояни ҳатто сезмасди ҳам. Бир куни у устахонада эрининг ишлашига қараб туриб, шундай деди:

— Бугун қизлар бараварига Наримонзоданинг су-
ратларини мақташди.

— Қайси қизлар?

— Ўша, ўзимизни қизлар-да... Нармина, Турож,
Шафиқа... (Булар унинг дугоналари, мода кетидан
қувадиган ва Фирангизга ўхшаш санъат шайдолари
эди. Муршид уларни танирди.)

— Мақташаверади-да...— деди эри қуруққина,
мольбертдан кўзини олмай. Фирангиз унинг сўзида
кесатиқ борлигини сизди. Бу унга оғир ботди.

— Дидлари ёмон эмас уларнинг,— деб Фирангиз
биринчи марта эрига эътироз билдирди.

— Дидда ҳам дид бор,— деди эри заҳарханда би-
лан.

Бу сафар Фирангиз ҳеч нарса демади.

...Кунлар исиб, ҳаво дим бўлиб қолди. Келин-куёв
дала ҳовлига кўчиб чиқишди. Фирангиз қувончидан
терисига сигмасди, у умри бино бўлиб бундай салқин
ва сўлим оқшомни кўрмаган эди. Дала ҳовлининг ям-
яшил дов-дарахтлари нарисидаги денгиз сатҳи ва кенг-
ликлар уни ром қилиб қўйди. Лекин Муршиднинг дала
ҳовлиси денгиздан олисда, баланд ғишт девор билан
ўраб олинган эди. Фақат қумлоқда бетартиб чувалиб
ётган ток новдаларида, олмаларнинг ва анорларнинг
айқаш-уйқаш шохларида, анжирларнинг шапалоқ-ша-
палоқ япроқларининг ажиб кўланкаларида, дарахт-
дан-дарахтга учиб-қўниб чуғурлаётган қушларнинг
жонсарақ ҳаракатларида қувонч ва эркинлик бор эди.
Фирангизга дала ҳовли бамисоли жаннатдек ту-
юлди.

Муршиднинг онасидан бошқа биронта яқин киши-
си йўқ эди. Турли-туман хўжалик муассасаларида
хизмат қилган отаси бир неча йил олдин қазо қилган
эди. Онаси ёлғиз яшар, илгари устки кийим-бош атель-
есига мудирлик қилган, бултур пенсияга чиққан эди.
Бу аёл баланд бўйли, сарвқомат, тетик эди. Бироқ
йиллар ўз асарини кўрсатган, ҳозир олтмишга кирган-
да пардоз-андозга зўр берадиган бўлиб қолган эди.
Гарчи Фирангиз қошини териб, лабини бўйядиган кам-
пирларни жинидан баттар ёмон кўрса-да, дугоналари-
га қайнонасининг ораста юришини мақтаб гапирар,
унинг пардоз қилишига тил текжизишни хаёлига ҳам
келтирмас эди.

Бир куни оқшом пайти чой ичиб ўтиришганда, Наримонзоданинг янги кўрғазмаси очилганини, томошабинлар унинг «Икковлон» деб аталмиш сурати олдида анча туриб қолишлари тўғрисидаги хабарни телевизордан эшитиб қолишди...

— Эшитдингми, Муршид?— деди Фирангиз қувончга тўлиб.— Биз ҳам борамиз-а? Эртагаёқ.

— Шундай иссиқда-я...— деб ланж жавоб қилди эри унга қиё боқиб.— Салқин тушсин, борамиз.

— Йўқ, йўқ, эртагаёқ борамиз. Мана, очилишини ҳам билмай қолибмиз. Энг кейин боришни ёмон кўраман.

— Биринчи кун бординг нимаю ўнинчи кун бординг нима, қанақа фарқи бор?— деди Муршид зарда билан.

Қайнонаси қошини чимириб, заҳарханда қилди:

— Ахир, биринчи куни томошабин кўп бўлади-да. Қолаверса, машҳур одамларни кўриш ҳам мумкин.

Фирангиз эрининг зарда билан жавоб берганига парво қилмай қизишиб такрорлади:

— Эртагаёқ борамиз!

Кўрғазма зали ғиж-ғиж одам эди. Фирангиз чиндан ҳам гавжум ерни хуш кўрарди. Лекин ҳаммадан ҳам уни одамларнинг чеҳраларидаги севинч ифодалари қувонтирарди. Рассом «Икковлон» суратида янги туғилган севги учқунларини тасвирлаган эди. Фирангиз бутунлай ўзини йўқотиб, ҳатто эри ёнида турганини пайқамай суратга маҳлиё бўлиб қолган эди. У дунёда гўзаллик билан ошна бўлишдек бахт борлигидан шодланар, айни чоқда бу завқу шавқ ҳисси қалбида мунг уйғотганини сезар эди.

Муршид қўлтигидан олиб: «Кетдик!»— деганда у дарҳол суратдан кўзини узмади, алаmidан хўрсиниб қўйди. Эрининг бўғриққан, терчираган юзи бир лаҳза унга мутлақо бегона туюлди. Беихтиёр ножўя иш қилганини фаҳмлаб, эрини ўзи қўлтиқлаб олди. Кейин Фирангиз бошқа суратларни кўришга истак билдирганида Муршид энсаси қотиб тўнғиллади:

— Сен кўравер, мен фойеда чекиб тураман.

Шундай деб у чиқиб кетди.

Фирангиз унинг орқасидан чиқмоқчи бўлди-ю, бироқ суратларни охиригача кўриш истаги ғолиб келди.

У салондан чиққанда, эри тажанг бўлиб турган эди.

Улар дала ҳовлига қайтиш учун «Жигули»га ўтиришганда Фирангиз жилмайиб, илтимос қилди:

— Энди менга бер, мен ҳайдай.

— Тек ўтир!— деб силтаб ташлади эри.

Эрининг зарда қилишидан у ҳайрон бўлди. Хийла вақт улар чурқ этмай боришди.

— Нима бўлди?— деб сўради Фирангиз хиёл ўтгач.

— Ҳеч нарса...

— Нимадандир хафасан...

— Нимадан хафа бўлар эканман...— деди эри жаҳл билан.— Қизиқсан-а. Санъат кўчасидан ўтмагансану оғзингга келганини қайтармай валдирайверасан.

— Мен бу хусусда ҳеч нарса деганим йўқ.— У эрига таажжуб билан боқди.

Чамаси эри қўполлик қилганини англаб қолди шеклли, гўё алланарсадан қўрққандек мулойим гапирди:

— Бу ерда ҳаракат зўр. Тинчроқ ерга етиб олайлик, ўшанда ҳайдайсан.

Фирангиз машина ҳайдашни эсидан ҳам чиқарган эди. Нафсиламб, машина ҳайдашни унга Муршиднинг ўзи ўргатган эди... Илиққина куз туни... Кимсиз соҳилдаги пляж...

Фирангиз лом-мим демасди. Бу эрининг қўрслигидан аччиқлангани боисидан эмасди, шунчаки бир зумда машина унинг учун арзимас ва бегона бўлиб қолган эди. Назарида у «Жигули»да эмас, таксида кетаётгандек, Муршид эса тўсатдан ожиз ва аянчли, нотаниш бир кимсага айлангандек туюлмоқда эди...

Кечқурун ҳеч кимдан сўрамай, дала ҳовлига келишганидан бери биринчи марта стулларни ва столни ҳовлига олиб чиқиб, дастурхон ёзди у.

— Нима кераги бор бунинг?— деди қайнонаси.

— Уйда димиқиб нима қиламиз?

— Шамол турса, юз-кўзимизга қум уради.

— Шамол турса, уйга қайтиб кирамиз,— деди Фирангиз қайнонасига ўчакишиб.

Қайнонаси энсаси қотиб, қошини чимирдию индамай қўя қолди.

Фирангиз дастурхонга чой, мураббо, торт, ҳўл мевалар қўйди. Кечки Апшерон салқини тушди. Анжир, анор, олмалар, ҳамси илиқ қум устида чувалиб

ётган новдалар сарин шабададан баҳра олиб ҳузур қйлаётганга ўхшарди. Узоқдан денгизнинг шовуллаши қулоққа чалинади. Шуниси ёмон эдики, денгизнинг ўзи кўринмасди: тош девор денгизни ва атрофдаги қум уюмларини тўсиб қўйган эди. Мана, осмон юлдузлардан чаман бўлиб кетди. Гўё бу юлдузлар милтилар экан, завқу шавқдан париираётгандек бўларди.

Дастурхон устида у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришиди. Кўргазма ҳақида Муршид ҳам, Фирангиз ҳам оғиз очишмади. Қайнонаси ҳам ҳеч нарса сўрамади. Бироқ барибир бу ҳамманинг кўнглига ғашлик соларди. Сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда Фирангиз ҳам бу ғашликни сезиб турарди. Очиғини айтганда бу ҳақда ўйлашга унинг кўнгли йўқ эди.

Афсус-надоматлар бўлсинки, тош девор роҳатбахш тунги салқинни ичкарига ўтказмасди.

— Ҳозир сўнгги ахборот эшиттиришади. Радиони қўй, эшитамиз.

Фирангиз радио қулоғини бураб, дикторнинг овозини тутди:

— Ҳар бир ҳақиқий санъаткорларникидек Наримонзоданинг суратларида... Янгилик аломатлари, халқ руҳи, она табиатнинг ранг-баранг бўёқлари бағоят назик, узвий қўшилишиб кетган... Унинг суратлари асил санъат намуналаридир, уларда сохталиқ ва зўракилик йўқ...

Муршид зардаси қайнаб чойли стаканини ташлаб, дастурхондан туриб кетди, Фирангизнинг қайнонаси ҳам қошини чимирганча ўгли кетидан юрди. Фирангиз тунги салқин оғушида ором олаётган дарахтларга тикилиб, элас-элас қулоққа чалинаётган денгиз гувиллашига қулоқ тутганча, шошилмай, чойини ҳўплаб-ҳўплаб ичди. Баланд чор девор уни денгиздан ва йироқ-йироқларда қорайиб кўринаётган қум уюмларидан ажратиб қўйганига ачинди. Нима қилганда ҳам бу чор девор ва баҳайбат темир дарвоза ҳар томондан одамни сиқувга олар, нафасини бўғар эди. Кошки эди, ҳозир ёнида Нармина, Турож ва Шафиқалар бўлса... Қани энди, шу юлдузли поёнсиз осмон тагидаги тунги илиқ денгизга тўш урса. Фирангиз шуларни ўйлаб... йиғлаб юборди...

...Шу куни Муршид даҳшатли туш кўрди.

Тушида мудҳиш ботқоққа ботиб, аллақайёққа суд-

ралиб кетаётганмиш. Кейин у баногоҳ анави... «Икковлон» сурати олдидан чиқиб қолибди. Суратда йигит қўлидан ушлаб турган қиз Фирангиз эмиш! «Менинг хотинимни бегона киши билан бу тахлит тасвир этишга рассомнинг нима ҳаққи бор?»— деб бақириб юборибди. Бироқ у ҳар қанча бақирмасин, ўз овозини ўзи эшитмасмиш... Шунда у ердан бир қисим лой олибдида, суратга отибди. Шу заҳотиёқ суратдаги йигит ромдан чиқибди-да, унинг томоғидан ғиппа бўға бошлабди...

Муршид илондек тўлғанди ва уйғонгач, ҳақиқатан ҳам нафаси бўғилаётганини ҳис этди. Ёнида деворга қараганча осойишта ухлаб ётган Фирангизни кўриб, кўнгли жойига тушди ва чеккани балконга чиқди...

Эрталаб Фирангиз, шаҳарга кетмоқчилигини айтди.

— Шундай иссиқда шаҳарда нима қиласан?— деб сўради Муршид.

— Консультацияга боришим керак,— деди Фирангиз. У ҳомиладор эди.

Фирангиз пича сукут сақлаб турди-да, ошкора ўкинч билан илова қилди:

— Кейин... зерикапман бу ерда.

— Бог деса қувончдан терингга сиғмасдинг-ку,— деди Муршид тиржайиб.— Энди нима бўлди?

— Ҳеч нарсa. Юрагим сиқилипти.

Муршид уни қўлидан тутди-да, илгаригидек тил-ёғламалик билан сўради:

— Ёки бир нарсадан... аразладингми?

Мана шу тилёғламалиги ва хавотирли тиржайиши билан (қаердан бунини ўрганган бўлса) эри яна кўзига аянчли ва ожиз кўриниб кетди. Ожиз... Нотавон... Фирангиз қўлини унинг қўлидан шартта тортиб олди-да, чўрт кесиб деди:

— Ҳечам аразлаганим йўқ!

Юраги туздек ачишиб турган бўлса ҳам у шундай деди. Боз устига, манави баланд девор, баҳайбат темир дарвоза, қалъасимон бадқовоқ уй, қайнонасининг терилган эгик қошлари жигар-бағрини хун қиларди, энг ёмони шу эдики, эндиликда у буларнинг ҳаммасидан илгаригидек кўз юмолмас, афсус чекиб қўя қолмас эди. Унинг бу ердан қочгиси келарди.

Гавжум шаҳар, ёзги кинотеатрлар, деразалардан кўзга чалинадиган денгиз ҳам қалбини энди тегирмон

тошидек босиб ётган ғашликни тарқата олмасди. Муршид дала ҳовлига чиқмай қўйди, шаҳарда унинг, ёнида қолди, ҳомиладор хотинининг атрофида гирдикапалак бўла бошлади. Бу меҳрибонлик ва итоатгўйлик кўрсатиш билан у қандайдир айбини ювишга уринарди. Чамаси Муршид ҳамма вақт алланарсадан хавотирланарди. Бу эса Фирангизнинг жиғибийрон бўлишига сабаб бўларди.

Энди у эрининг устахонасига қадам босмас, умуман, унинг нима иш қилаётганига сира қизиқмас эди. Таажжубки, хотинининг бепарволигини сезса ҳамки, Муршид бунинг сабабини суриштирмас эди. Тўғрироғи, суриштиришга юраги дов бермасди.

Фирангиз дераза олдида туғилажак фарзанди ҳақида соатлаб ўй суриб ўтирарди.

...Чақалоқ орадан бир неча ой ўтгач, дунёга келди, у соғлом, бўлиққина эди. Бола туғилиши билан гўё Муршид ҳам онадан қайта туғилгандек бўлди. У устахонасини ҳам, тилёғламалигини ҳам батамом унутди, дилкаш бўлиб қолди. Унинг илгариги писмиқлиги йўқолди.

Бироқ ёш, соғлом боланинг дунёга келиши Фирангизнинг қалбига янги ташвиш солди. Ёш она фарзандига қарашга, унинг кимга ўхшашлигини аниқлашга чўчирди. Мана бир куни уйига ясан-тусан дугоналари кириб келишдию уни пайдар-пай табриклашиб, бола ётган беланчакни ўраб олишди.

— Вой,— деб хитоб қилди Нармина.— Қуйиб қўйгандек отасининг ўзи.

— Ҳа,— деб унинг гапини тасдиқлади Турош.— Бурни, лаби худди отасиники.

— Кўзлари эса,— деб хулоса чиқарди Шафиқа.— Сеники.

— Рост... рост...— деб қўшилишди бошқалар унга.— Кўзлари онасиники. Тиниқлигини қаранг.

Фирангиз гўё уйқудан уйғонгандек бўлди. У ҳарислик билан ўглининг кўзларига тикилди, шунда дилбандининг сиймоси унга доғ тушмаган янги бир муҳаббатнинг тўла-тўкис нашоу намосини армугон этди.

ОЙДИН КЕЧАДА

Кекса бахши Валех юқоридаги қишлоқдан тўйдан қайтмоқда. У ғилофга солинган созини елкасига осганча, ҳассага таяниб, секин-аста юриб келмоқда эди. Валех узоқ ўтмишни, ёшлик чоғларини эслади, ўшанда у хоҳ отда, хоҳ пиёда юрмасин, чарчаш нималигини билмас, ҳамиша шод-хандон бўлар эди.

Бахши бутун баҳор бўйи қишлоғидан илк дафъа чиқиши. У уч кечаю-кундуз муттасил куйлаб, соз чертди. Мана энди азбаройи ҳолдан тойганидан қадамини базўр босарди. Ҳолбуки, авваллари ҳафталаб қишлоқларда қолиб кетар, узоқ яйловларга борар, тўй-томошаларда кечаю-кундуз соз чертиб, кўшиқ айтар, бошқа донгдор бахшилар билан мусобақалашарди. Ўша вақтларда унинг садаф қадалган сози одамларни сеҳрлаб қўяр, ўзи ҳам илҳом қанотида парвоз қиларди. Деҳқонлар уни нафасларини ичларига ютиб тинглашарди. Қўшиғининг даромадини бўсағала бошласа, авжини уйнинг тўрига етганида оларди. Кейин қулоғини созга қўйганча бошини эгарди, кўксидан даврага рақс куйлари қуйиларди. Тўй-ҳашамлар неча кун давом этмасин, бахши Валех ҳеч қачон чарчамасди. Унинг қўшиқлари тоғдаги чашма янглиғ қайнаб тошгани-тошган эди.

Ҳозир соч-соқоли окарди. Ёшлиги ўзи мадҳ этган соҳибжамоллар билан ўтди-кетди. Овози бўғиқроқ бўлиб қолди. Э, йўқ, ҳаёт йўлида чашмалаб ёнида учратиб пича ҳордиқ чиқарган, ўтиб кетаётиб тахта деворлар ортидаги ҳовлиларда кўзи тушган гўзалларнинг

ҳамма-ҳаммаси унинг шеърларида, қўшиқларида, эртакларида яшаб, мудом ёш, кўҳликлигича қолди. Вақт уларнинг сарвдек қадларини буколмади, чарос кўзларидаги ёлқинни ўчиролмади. Ақиқ лабларидаги нафис табассумни йўқотолмади.

Бахши Валех шу фикрлар гирдобиди йўлда кетяпти. У ўзининг суюкли шогирди, бахши Жалолни эслади. Шогирдини кўп вақтдан бери кўрмаган, кейинги пайтларда фақат унинг номини тез-тез эшитиб турар эди. Чолнинг Жалолни бориб кўргиси, янги қўшиқларини эшитгиси келиб қолди.

У дарё соҳилидан бурилди-да, кўчани кесиб ўтди ва ям-яшил тепаликлар этагига жойлашган қишлоққа тиккасига йўл солди. Қишлоқда чироқлар ёнганда, Валех дастлабки уйлар олдига етиб келди.

Бахши Жалол устозини қучоқ очиб кутиб олди. У устозининг иккала қўлидан ушлаб, лабларига босди. Чол елкасидан созини олди, гиламга ўтириб, ёстиққа ёнбошлади. Бахши Жалол устозини камоли ҳурмат қилгани боисидан унинг рўпарасидаги гиламчага чўкди. Улар алламаҳалгача чой ичиб суҳбатлашиб ўтиришди. Кейин бахши Жалол янги қўшиқларидан куйлади. Мўйсафид кўзларини ярим юмган кўйи уни тинглади. Қалби ифтихор туйғуларига лиммо-лим тўлди: устоз шогирдидан мамнун бўлди.

Очиқ деразадан учиб кираётган капалаклар чироқ шишасига уриларди. Яшил, кўк, сла-була капалаклар ўтда куйиб, чироқ атрофида сочилиб ётарди. Куз ва ёз оқшомлари бу чироқлар қурбонлик қилинадиган жойни эслатарди. Гўёки янгидан-янги капалаклар чироқ нурига интилиб, ўтда ёниб битиш учунгина ҳар кеча бу ерга учиб келадигандек туюларди.

Бахши Валех уларга қараб туриб, ўзининг ёшликдаги фараҳли ўйларидан кулди-да, паст, ҳазин оҳангда кўйлай бошлади. Бу қўшиғида у ўз севгисини шу куйиб кул бўлган капалакларга қиёс қиларли.

Қишлоқда саҳархез хўрозлар қичқирганда бахшилар чироқни ўчириб ётишди. Ой ёгдуси деразадан кекса бахшининг тўшагига қуйиларди. У кўзларини очиб ётарди. Аллақаерда тунги қушлар қийқирди. Жалол боши ёстиққа тегар-тегмас уйқуга кетган, энди тинч, бир текис нафас олар эди. Чолнинг кўзига ҳуркак уй-

қу қўнмоқчи бўлар, лекин шу заҳоти худди қумридек учиб кетарди.

Чол узоқ вақт у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ётди, бироқ барибир ухлосмади. Балки бунга, сал нарида бахт яширинган, деб сеҳрли овози билан авраётган «қурмагур баҳор» айбдордир. Ниҳоят бахши Валех: «Эҳ, қарилик қурсин, қарилик!» деб ғудранди-да, ўрнидан турди ва девордан созини олиб, ҳовлига чиқди. Кекса бахши дарахтлар тагидан юриб, ой шуъласига ғарқ бўлган сўқмоққа тушиб олди ва бамайлихотир кета бошлади. Сўқмоқ уни тикан тўсиққа олиб келди. Тўсиқ ортида нокзор водий ястаниб ётарди. Бахши тўсиқдан ҳатлаб ўтди-да, тўхтаб атрофга кўз югуртирди. Кейин бир-биридан айри ўсган иккита терак ёнига келди. Бу ерга нима учун келганини унинг ўзи ҳам билмасди. Фақат у қариликдаги уйқусизликдан қочган, баҳорги тун уни аллақайёққа чорлаган эди.

Бахши Валех тераклар тагида тўхтаб, тошга ўтирди. У ой ёғдусидан кумуш рангга чўлганган дарахтларга боқди. Чолнинг назарида узоқ интиқ бўлиб кутгани — бахт ёнгинасидан ўтиб кетгандек, унинг жаранг садоси худди ёшлик эпкини янглиғ эшитилгандек бўлди: «Чал!»

Кекса бахши созини бағрига босди. Кўҳна соз бу баҳор кечаси аллақайёқдан учиб келган афсонавий қуш каби хониш қилди. Чолга бир лаҳза ўзи фақат мана шу тунни кўриш, унинг ҳавосидан нафас олиш ва унга сингиб кетиш учунгина узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтгандек туюлди. Соз унинг қўлида сайраб, водийга жарангдор куй оқди.

Салатин ҳамма ёқни саранжом-саришта қилди-да, қишлоқликлар одатига кўра жуда эрта ётди. Вақт ўтиб борар, бироқ унинг кўзи илинмасди. У юраги орзиқиб, тунги шитир-шитирга интизор қулоқ тутарди.

Баҳор гўё дераза тагида кутиб турган ёш бахшига ўхшар ва севги қўшиғининг мисраларини шивирлаётгандек бўларди. Бу қўшиқда шундай ёрқин, нозик нафосат бор эдики, у худди тоғ чечакларидан тўқилганга ўхшарди. Лекин Салатин унга қулоқ тутаетгани йўқ эди. Баҳор кечасида у бошқа бир нарсани тинглашга муштоқ эди. Тун қизни нурафшон юлдузлар ча-

рақлаб турган осмон тагига чорларди. Бироқ Салатин туннинг бу нидосини ҳам эшитмасди. У зориқиб фақат бошқа бир овозни кутар ва тунни бедор ўтказишга ўзини мажбур қилар эди.

Тун қишлоқ узра қуловичини керган, бутун борлиқ уйқу оғушида эди; хўрозлар қичқириб, яна жим бўлди. Аммо нима учун у кутган товуш эшитилмаётир, таниш куй таралмаётир экан? Ахир, шу паллада ўша куй Салатинни ҳамиша оҳанрабодек ўзига тортардику! Наҳотки, бахт ундан юз ўгирди? Қиз худди ой ёғдусидан аччиқлангандек шартта ўзини дераза ёнидан нари олди.

Баногоҳ у чўчиб тушди. У ўзи кутган овозни эшитиб, кўзлари чакнади. Апил-тапил ой ёғдусига боқди. Юраги гупиллаб уриб кетди.

Сознинг осуда майин овози аниқ-тиниқ эшитила бошлади: Жалол ўз Салатинини чақиряпти. Ёш бахши ҳар кеча қишлоқ уйқуга кетгач, соз торларини чертиб водийга тушар ва маҳбубасини кутар эди. Салатин соз овозини эшитиб, ўрнидан турарди-да, севгилиси томон йўл оларди. Бироқ бу кеча бахши Жалол нимагадир Салатинни узоқ интизор этди. У севгилисидан аразлади, бир кўнгли, олдига бормаيمان, оппоқ тонг отгунча сози билан ёлғиз қолиб, жигар-бағри хун бўлиб ўтираверсин, деб ўйлади. Бироқ соз шундай гиря қилдики, Салатин ўзини тўхтатиб туролмади.

У чопганча ҳовлидан ўтди-да, этагини йиғиб, тўсиқдан лип этиб сакраб ўтди. Салгина пастлаб, сўқмоққа тушиб олди ва таниш тераклар томонга юрди. Уларнинг барглари ой ёғдусида балиқ тангаларидек товланарди.

Салатин қадамини секинлатди ва теракларнинг орқасига яширинди. Кейин ҳарир булутлар сузиб юрган ёруғ осмонга тикилганча, теракларнинг кўланкасида ўтириб соз чалаётган севгилисининг кишини сархуш этувчи куйига қулоқ сола бошлади.

Чалаверсин, оҳ чекаверсин, Салатин ҳозирча чурқ этмайди. Кутиб, йўлига нигорон тикилиб бир қийналсин, Салатин хумордан чиқади...

Бироқ ҳузур-ҳаловат бутун вужудини чулғаб олди. Юлдузларга термилган кўзларидаги шодлик ўрнини таажжуб эгаллади. Севгилисининг ҳеч вақт бундай

қалбларни ром этувчи меҳру муҳаббат билан куй чалганини у эшитмаган эди.

Кўзлари хуморланиб, бутунлай куй ихтиёрида қолди.

Кекса бахши эса, дунёдаги ҳамма нарсани — қарликни, уйқусизликни унутиб, тўлқинланиб чалгани чалган эди. Унинг ушалмаган орзулари, барча ташвишлари, армонлари мана шу шаффоф шодумонликнинг мавжларида эриб, йўқ бўлиб кетган эди.

Ой булут орасида чўғдек ёнарди. Салатиннинг сояси энди кекса бахшига тушиб турарди. Шамол кучайганда қизнинг тўзиган сочлари чолга тегай-тегай дерди. Кекса Валех бу ссяларни кўрар, улар гўё мозийдаги соҳибжамолларнинг соялари каби унинг олдида липиллар, титрар, уларнинг ҳаммаси бу кеча шу ерга тушиб, унинг боши узра эгилгандек эдилар...

Ниҳоят, Салатин ўз Жалолини елкасидан қучмоқчи бўлиб олдинга юрди. Бироқ у дарахтдан узоқлашиши билан унинг сояси ҳам чўзилди, шунда кекса бахши гўё уйқудан уйғониб кетгандек чўчиб тушдию орқасига қаради. Унинг рўпарасида ойнинг жимир-жимир нурида рўмоли елкасига тушган, сочлари шамолда тўзгиган гўзал қиз турарди. Қизнинг катта очилган чарос кўзларида шундай ҳайрат бор эдики, гўё у ҳозиргина ерга тушган бир қуш эдию нимадан-дир чўчиб, яна осмону фалакка парвоз этишни ихтиёр этганди... Бир лаҳза бахшига рўпарасида ўз қўшиғи ёхуд яқинлигини кўпдан сезиб юрган бахти тургандек, мана, алоҳида йўқлаб келгандек кўринди...

Салатин ойдинда кумушдек товланаётган чолнинг соқолига кўзларини катта очганча, ҳанг-манг бўлиб тикилганди. Ниҳоят унинг қалбидан бир таажжубли нидо отилиб чиқдию ўзини чеккага отди ва орқа-ўнгига қарамай нишабликка югурди.

Кекса Валех ҳайратга тушиб кўзларини ишқалади. Йўқ, туши эмасди бу! У кимнингдир маҳбубаси, баҳор тунида ўз севгилиси ёнига келган, мўйсафидни кўриб қочишга тушган эди.

Кекса Валехнинг юраги ўртанди. Бу уни батамом тарқ этган бахтли ёшликнинг тимсоли эди. Эндиликда ёшлик ундан қочади, унинг дармонсиз қўли чўзгани билан етмайди. У ҳозирги ҳузурбахш аснони яна бир лаҳзага узайтириш учун созини бағрига босди. Унинг

бармоқлари торга тегиб кетди, улар назарида қизиб кетгандек туюлди; қалбидан соғинчга тўла маъюс куй отилиб чиқди. У гўё кўз ўнгида лип этиб, ундан қочиб қолган ёшлигини қайтармоқчи бўлгандек куйлади.

Қиз эса тобора шиддат билан қочиб, ой ёгдусига сингиб кетган, энди уни кўриб бўлмай қолган эди. Кекса бахши кўзларини юмди. Худди бу воқеа тушида бўлгандек туюлди. Қиз ғойиб бўлган, аммо унинг кўнглига қўшиқ тўлиб келганди. Шу аснода гўё ёшлик кезларидаги тетиклиги ва завқу шавқ яна қайтгандек, бахшининг овози бардам, навқирон янграб кетди. Кекса бахши шу баҳор кечаси аҳтимол ҳаётида энг гўзал қўшиғини ижро этди...

ФЛАМИНГО

Мен денгизнинг бўрон пайтидаги тўлқинланишларини кузатишни ёқтираман. Тўлқинлар қирғоққа дамбадам бош уришганида, улар денгиз бағрида қоялардек юксалишганида, денгиз айниқса қудратли, ҳайбатли кўринади.

Шундай бўрон турган кунлардан бирида эрталаб қирғоққа бордим. Қўзиқоринга ўхшаш қизил чодирлар хира қуёш нурларида товланар, улар бўш ва кимсасиз эди. Сувда сузадиганларнинг баланд курсили, тахта вишкасида ҳам ҳеч ким кўринмасди. Вишканинг ўткир учи найза каби оппоқ осмонга санчилиб қолгандайди. Соҳилнинг катта бир қисмини эса сув босганди. Соҳил менга қандайдир маҳзун кўринди.

Қумлоқ ёқалаб қоялар томон илгарилаб борардим. Қоялар орасида қисилиб қолган тўлқинлар ғазаб билан тошларга уриларкан, устимга сачраган сув томчилари этимни жунжиктира бошлади. Орқамга қайтмоқчи бўлдим. Аммо шу сонияда бирдан йигирма қадамча наридаги тепаликда бир ажойиб қушни кўриб қолдим: у денгизнинг саёз ерида узун патларини қайириб, ўткир тумшуги билан егулик ахтарарди. Қуш мени кўриб қолди шекилли, тезда қанот ёзиб учигша ҳозирланди. Оппоқ патлари бирдан зангори рангга бўялди. «Бу қуш, фламинго-ку!» — деган фикр хаёлимдан ўтди, тезда ўзимни қоя панасига олдим. Бир оз кутдим. Сўнгга ўзимга янада қулайроқ жой танлаб, икки қоя орасидан яширинча уни кузата бошладим.

Янглишмаган эдим. Ҳақиқатан ҳам у фламинго эди. Бизнинг овчилар бу қушни қизил ғоз деб аташади. Бу ерлар учун у жуда ноёб қуш ҳисобланади. Фламинго одатда қатор-қатор бўлиб учарди. Шундай экан, нима учун у танҳо?

Қуш ўзининг биздаги қушлардан фарқ қиладиган хусни билан кишини мафтун этарди. Таҳликанинг йўқолганини сезгандан сўнг, у қайтадан қанотларини бўшаштириб, денгизнинг саёз соҳили бўйлаб юра бошлади. Юрганда шамолдан шундай чайқалардики, гўё ҳозир қанотлари юлқиниб кетадигандек эди. Бу шундай бир ажойиб манзара эдики, атрсфда чағиллаб учиб юрган қушлардан бирортаси ҳам унга яқинлашишга журъат этолмасди. Мен бир нарсани сездим. Қуш ҳар сафар учушга ҳозирланар экан, бир ёқ қаноти кўтарилмасдан осилиб қоларди. Шубҳасиз, у яраланган эди. Қайси бир жаллод овчи бу гўзалликка ўқ уздийкин?! Мен ўз хаёлим билан банд эканман, фламинго бирдан силкиниб осмонга кўтарилди. У нима кўрдийкин, уни ким ҳуркитиб юбордийкин? Атрофга қарадим. Ўнг томонда ёшгина бир қиз қоянинг устига кўтарилаётганини кўрдим.

Ўтирган еримдан қўзғалмасдан, вазоҳат билан қизга ўшқирдим:

— Сиз нима қилиб қўйдингиз?

Овознинг қайси тарафдан келганини сезмаган қиз бирдан сесканиб, турган ерида тўхтаб қолди. Мен уни жуда қўрқитиб юборгандим. Қоядан тушганидан сўнг, узор сўрагим келди:

— Кечирасиз, — дедим, — мен уни анчадан бери кўраётган эдим.

Тоҳминан 20—21 ёшлар чамасидаги қиз қўрқиб кўнгандан аввалига ҳеч нарса демади. Сўнгга гуноҳкор одамлардек бўйнини қисиб, зўрға кулимсираб:

— Мен уни яқиндан кўрмоқчийдим. Уни ҳуркитиб юборишим мумкинлиги хаёлимга ҳам келмабди, — деди.

Қиз гулли уй халати кийганди. Кўйлакнинг юқори тўқмаси кадалмаганлиги учун ички чўмилиш кийими кўриниб турарди. Унинг чўмилгани келгани аниқ эди. Йирик чарос кўзларию елкаси узра ёйилиб турган сочлари унга ажойиб бир чирой бахш этганди. Шамол

қизнинг сочларини ўйнар экан, ҳар дамда унинг гўзал чехрасини яшириб қўяр, қуёш нурлари остида қорайган оёқлари нам қумга ботиб борарди. Ростини айтсам, шу ерда якка-ёлғиз бир қиз билан учрашганимга ҳеч ишонгим келмасди. У билан бирга чўмилишга келган одамлар қоянинг орқасида бўлишса керак, деб ўйладим ўзимча. Аммо атрофда ҳеч ким кўринмасди. Иккимиз ёлғиз эдик. Мени ўйлантирган нарса қизнинг ёлғиз айланиб юриши эди. «Мен ундан шундай совуқ ҳавода ҳам чўмилгани чиқдингизми?» — деб сўрагим келарди. Балки у сузувчидир! Лекин мен ҳеч нарса деёлмасдим, гўё сеҳрланиб қолгандайдим. Ниҳоят, қизнинг ўзи гап бошлади:

— У қанақа қуш эди?

Юзидаги ифодадан ана шу ажойиб қушни яқиндан кўролмаганига афсусланаётгани яққол сезилиб турарди.

— Менимча фламинго эди, — дедим. — Бу ерларда бундай қушнинг бўлиши кутилмаган ҳодисадир. Яна якка ўзи... Менимча, қаноти яраланган эди.

Қиз бошини аста эгиб, ерга қараркан, узун киприклари юзига соя солиб қўярди. Шамол халатининг этагини кўтарар экан, у қўллари билан аста тушириб қўйиб:

— Сиз ҳам мени кечиринг, — деди. — Унинг бундай нодир қуш эканлигини мен билмабман... Яна қайтармикан?

— Бунга айтиш қийин, балки қайтар. Якка ўзи узоққа учолмаса керак.

Атрофда одамлар пайдо бўлишиб, яқин-йироқдан турли овозлар эшитила бошлади. Қиз хайрлашиб, кетишга ҳозирланди.

Мен ундан: «Нега? Чўмилмайсизми?» — деб сўрадим.

У лабларини буриб, нозик бир табассум билан:

— Йўқ, — деди. — Уйдан чиқаётганимда денгизнинг бундай тўлқинланиб турганини хаёлимга келтирмагандим, чўмиладиган ҳаво эмас экан.

Мен уни бир оз гапга солиш мақсадида саволга тутдим:

— Ўзингиз ёлғиз бу ерга келгани қўрқмадингизми?

Қиз хахолаб кулиб юборди:

— Нимадан қўрқаман, денгизданми?

— Масалан, денгиздан дейлик. Ахир бундай ҳавода денгиз қўрқинчли бўлади-ку.

Қиз кула-кула, бундай деди:

— Агар ўзингиз қўрқмасангиз, денгиз қўрқинчли эмас.

Қиз шу гаплардан сўнг, тепадан пастга сакради. Соҳилдаги кўлмакчалар узра сакраб-сакраб, қумли машина йўлига чиқиб олди. У темир йўлдан кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлгунича, кетидан кузатиб турдим. Ғаройиб бир ҳиссиёт ичида қолгандим. Қаршимда оқ ва зангори ранглар мулойим товланиб хаёлимга кўчишганди. Фламинго ҳам, эндиликда темир йўлнинг у тарафида кўздан ғойиб бўлган қиз ҳам шу сонияда худди бир хил рангларга эга туюлар эди. Мени умидсизлик ва паришонлик чулғаб олганди. Аввалига фламинго, сўнгра эса ҳозиргина кўздан ғойиб бўлган шахло кўзли қиз мени ёлғизлик қўйнига ташлаб кетгандилар. Соҳилда танҳо қолгандим. Бир денгиз ва бир мен. Кўнглимда сархуш, ҳазин туйғулар тошар, денгиз ҳам тўғонли, нотинч эди. Гўё ҳозиргина кўрганларим хаёл ва сароб эди.

Қизнинг фақат қумда оёқ излари қолганди. Бир оздан сўнг у ҳам сувда эриб кетди. О, нақадар оғир ёлғизлик! Ҳолбуки, бу ҳис менга ёт эмасди. Хаёлларга чулғанганимда олдинлар ҳеч қийналмасдим. Танҳоликда мен осойишталик ва ёқимли бир сукунатни ҳис қилардим. Хаёлларим рассом палитрасидаги алвон буюқлар каби тошар ва яна тинарди. Сўнгра эса денгизнинг жўшқин тўлқинларидек бир-бирини қува-лаб мени рангин ва ялтироқ бир оламга элтарди. Ҳозир эса мен танҳоликдан қийналардим. Менга нима бўлди ўзи?.. Яқинликда сасиган балиқ ҳиди келиб турарди. Туленнинг қора ёглиқ териси эса қуёш нурида ойнадек ялтирарди. Атрофимдаги ҳамма нарса менга ғамгин, тартибсиз ва маҳзун кўринарди. Шуниси яхши эдики, фламингодан хаёлимда қолган таассуротгина кўнглимни илитарди. Назаримда қиз ҳам энди фламингога ўхшар эди. Зангорилик унинг ёшлик нафссатига, шуъла таратувчи ёноқларига, нозик лабларига ҳам қўнганди. Зангори ранг шафақ рангида эди. Денгиз узра отган тонгнинг ранги одатда шунақа бўлади.

Орқага қайтдим. Рельсинг у тарафига қараб йўл олдим. Деворлар устидан қум босган ҳовлилар кафтда тургандек яққол кўзга ташланарди. Шамолдан анжир туплари деворлар панасига ўзини яшираётгандек туюларди. Шира тортган анорлар қизарган кўздек ёлқинланарди. Каҳрабо рангли наъматак, тоифи, буваки узум бошлари кўриниб турарди. Баъзи ҳовлиларда чарос узумлар сўрига қараб бўй чўзганди. Яшил ранг, айлана айвонли уйнинг олдидан ўтиб борарканман, қулогимга бир овоз чалинди. Худди куй янграётганга ўхшарди. Қулоқ солиб турдим. Чап томонда девор ёқалаб кетган қум тепаликда бояги қизни кўрдим. Кўзларига у қора кўзойнак тақиб олганди. Билакларини орқасига қилиб олиб, узала тушиб ётарди. Кулимсираб:

— Фламинго қайтдими?— туйқусдан сўради у.

— Йўқ, қайтмади,— дедим.

— Отамларнинг айтишича, бу ерларда фламинго бўлмас экан, бояги кўрганимиз ғоз эмиш.

Мен унинг отаси кимлигини билмасам ҳам, таассуротимни бузмоқчи бўлган кишига нисбатан аччиғим келди.

— Фламинго эди,— дедим.

Қиз кулимсираб:

— Ёмон чўрткесар экансиз,— деди. Сўнгра юзи жиддий ифода олди.

— Арзимаган бир қуш учун бунча ғуссага берилмасангиз?

У жуда кўп гапирди, лекин мен унинг гапларини эшитолмасдим, шунчаки бошимни қимирлатардим. Шамол унинг товушини яхши эшитишимга йўл қўймасди. Тепалик устидан сакраб, ҳовлига яқинлашдик.

— Эшитяпсизми?

— Энди эшитяпман.

— Марҳамат, бизнинг ҳовлига.

У ҳовли эшигини очиб, мени ичкарига таклиф қилди.

— Келинг, келинг,— деди.— Отам уйдалар. Ана ўзлари сизга айтсинлар...— кутилмаганда у мени қўлимдан ушлаб, ичкарига тортди. Кейин бир он қандайдир хаёлларга берилиб, секингина пичирлади:

— Гап билан овора бўлиб, танишиб ҳам олмадик. Менинг исмим Нурлан. Сизники-чи?

— Қоя.

— Ў-ҳў, жуда мустаҳкам исмингиз бор экан-ку.

Биз айвоннинг пиллапояларига яқинлашганда қиз менинг қўлимдан яна тортди. Кенг айвонга тўқима креслолар қўйилган эди. Нарироқда эса диван қўйилган бўлиб, унинг устида кимнингдир узала тушиб ётганини кўрдим. Нурлан ҳовлидан туриб отасини чақирди.

— Ота, мана Қоянинг ўзи ҳам келди. Сен менга ишонмаган эдинг. Ана Қоянинг ўзи айтсин қушни қачон ва қаерда кўрганлигимизни.

Унинг овозига айвонда ётган одам ўрнидан қўзғалди. У ўрта бўйли, афтидан эпчил бир киши бўлиб, чакка сочлари тамомила оқариб кетганди. У ҳам мени қизи каби очиқ чеҳра билан қарши олди.

— Қани... марҳамат, марҳамат, тўрга чиқинг! — деди.

Айвонга чиқдим. Чол креслолардан берига ўтиришга таклиф қилди. Мени таажжублантирган нарса Нурланнинг ҳаракатлари эди. У ўзини шундай тутардики, гўё у билан мен бир неча йиллик дўстдек. Ота-си мени бир дақиқага ёлғиз қолдириб, уйга кириб кетди. Ичкарида ов милтиғи осийлиқ турарди. Унинг қушлар билан қизиқиши энди менга аниқ эди. Ҳеч қанча вақт ўтмаган ҳам эдики, у елкасига ташланган енгил кийимда қайтиб айвонга чиқди.

— Бу лаънати шамол, бизга бундоқ суҳбатлашишга ҳам йўл қўймайдиганга ўхшайди, — шамол қақида гапира кетди у. Сўнгра менга мурожаат қилиб:

— Сиз совқотмаяпсизми? — деди.

— Йўқ. Йўқ...

— Қани энди айтинг-чи, қушни қаерда кўрдингиз?

Мен қушни қаерда кўрганлигимни ва қандай кўринишда эканлигини таърифлаб бердим.

— Аммо у менимча яраланган эди, — дедим. — Бир қаноти яхши кўтарилолмасди.

У киши ўйланиб кетди. Қалин қошлари бир-бирига туташ эди. Унинг мардларча боқиши менга яхши кайфият бағишлади.

— Тўгри, Нурланнинг гапига ишонмаган эдим. — У ўйчан менга тикилиб қолди. Энди барча кўрганла-

рим ҳақиқат эканлиги аниқ эди. У соқоллари ўсиб ётган иягини силаб: — У сиз айтгандай яраланган бўлса, узоққа уча олмайди, — деди.

— Мен эртага эрталаб яна соҳилга бораман, — дедим. — Мен уларнинг қаторлашиб учганини бир маротаба яқиндан кўрганман. Улар кеманинг устидан учиб ўтгандилар. Шундай пастлаб учгандиларки, оёқлари, тумшуклари аниқ кўриниб турарди. Бошимиз узра бир ажойиб соябон ҳосил қилишганди... Гўзал қушлар-да. Бизнинг яйловларга тез-тез келиб туришади улар, лекин бу ерларда ҳеч учратмагандим. — Нурлан қўлида дастурхон билан бизга яқинлашди. Уни стол устига ёзмоқчи бўлганди, отаси рухсат бермади.

— Қўй, бу ерда шамол ўтиришга қўймайди. Нарёқ тарафга ўтиб ўтирамиз, — деди.

Айвоннинг диван қўйилган тарафига ўтиб ўтирдик. Мен ўзимни нақл дунёсида ҳис қилардим. Бундан икки-уч соат олдин тамомила нотаниш бўлган бу кишилар мени энг яқин дўстларим каби ҳурмат қилишарди. Тўғриси, бу самимият ва меҳрибончиликдан мен ҳаттоки хижолат чекардим. Икки соатдан кўпроқ вақт уларникида қолиб кетдим. Уйга қайтганимда онам қаттиқ хавотир олиб ўтирардилар.

— Ҳа, болам, қаерларда қолиб кетдинг? — деди у киши. — Одам шу маҳалгача ҳам денгизда қоладими? Боядан бери ич-этимни еб ўтирибман.

Онамнинг ич-этини еб ўтиришига нима бор-а?! Ҳар доимгидек мен уни маҳкам қучоқлаб, бағримга босдим.

Эртасига саҳардан соҳилга келдим. Шамол эсарди. Ҳолдан тойган денгиз эса, аста-секин гувилларди. Кечаги жойда, қоянинг орқасида ётиб, атрофни кузата бошладим. Денгиз узра тонг отмоқдайди. Бир оздан сўнг тонгги шафақ нурлари денгиз узра ёйилиб кетди. Кейин қуёш тарвуз тилими каби денгиз ортидан кўрина бошлади. Катталашди, янада катталашди. Чўғда товланган гардиш каби катталашгандан сўнг, денгиз узра олов ёнгандек бўлди. Қоялар узра оқ қушлар чиғиллашарди. Мен қимир этмасдан кузатардим. Бир соатча вақт ўтди, Фламингодан дарак бўлмади. Умидимни узиб кетмоқчи бўлиб турувдим ҳамки, қумли йўлда Нурланнинг келаётганини кўрдим. Эғнида

яна ўша уй халати. Бу сафар у қояларга суяна-суяна эҳтиёткорлик билан менга яқинлашди.

— Салом,— дея секингина пичирлади.— Бирорта хабар борми?

— Йўқ. Менимча қайтмаса керак. Соҳилга одамлар кела бошлашди. Бундай гавжумликда ҳар қандай қуш ҳам ерга қўнмаслиги аниқ.

Нурлан кўзимга бир оз хафaroқ кўринди.

— Сизга нима бўлди?— сўрадим.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Қуш учун афсусланяпман.— Мен кечаги учрашувни ўйлардим. Кечаги мулозамат ва меҳрибончиликдан ҳали ҳам ўзимга келолмагандим.

— Отангиз менга жуда ёқиб қолдилар. Аммо...

Гапни нимадан бошлашни ўйлардим, мақсадим қизни хафа қилиб қўймаслик эди.

— Нима, аммо?

— Ахир отангиз мендан кимман, нега келдим? Сизни қаердан танишимни ҳам сўрамадилар.

Нурлан кулиб:

— Отам сизни менинг институтдаги дўстларимдан деб ўйладилар. Мен сизга энди ҳаммасини айтиб бераман. Ёзда эрта саҳарлаб денгизда чўмилишни жуда яхши кўраман. Отам эса бир ўзимга рухсат бермайдилар. Шундан сўнг отамга институтдаги дўстларим билан бирга чўмиламан, улар мени ўша ерда кутишди, деб айтдим. Шундан сўнггина рухсат бердилар.

— Шундай денг-а! Демак, мен сизга тайёр далил бўлибман-да.

— Ҳм!— Нурлан секингина кулимсиради.

— Онангиз-чи! Онангиз бунга рози бўлдиларми?

Қиз бу саволимдан сўнг жим бўлиб қолди. Чехрасидаги табассумдан асар ҳам қолмаганди. Бошини қуёи солиб олди.

— Онам йўқлар,— деди,— уларни эслолмайман. Мен икки ёшлигимда оламдан ўтганлар. Отам ҳам ота, ҳам она менга.

Берган саволимдан ёмон хижолат чекардим. Қизнинг қалб ярасини янгилаб қўйгандим. Шундай пайтларда тасалли беришга бирорта ҳам сўз тополмайсан киши... Жимлик. Ҳар ҳолда мен ўртага тушган ноқулай вазиятни даф этишим керак эди. Чунки, бу менинг айбим эди. Ҳазиллашиб дедим:

— Ажабо, курсдошингиз эмишман-а... қайси институтда ўқишингизни ҳам билмайман-ку.

Қизнинг чехраси бир оз очилгандай бўлди. Ҳатто лабларида табассум ҳам қалқиди.

— Политехниканинг тўртинчи курсида ўқийман,— деди.— Архитектура факультетида. Отам эса капитанлар. Ҳазарда сузадилар. Ҳозир отпускарлар.

— Тунов куни отангиз институтдан гап бошлаганларида мен нима қилардим?— дея яна ҳазиллашиб сўрадим.— Бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми?

— Сизни ҳар ҳолда уялтириб қўймасдим. Мен иш билан машғул бўлсам-да, қулоғим сизлардайди. Институтдан гап очилган заҳоти бориб суҳбатга аралашган бўлардим.

— Демак, қиладиган ишингизни аввалдан белгилаб қўяркансиз-да?

У жавоб бериш ўрнига кулимсираб қўя қолди. Сўнг тутила-тутила сўз қотди:

— Балки менинг ҳақимда ёмон фикрдадирсиз, шундайми?

У шаҳло кўзларини менга тикиб жавоб кутарди.

— Қатъиян йўқ,— дедим.— Аксинча мен...

Гапимни охирига етказмадим. Тўғрироғи, очиқ айтишдан чекиндим...

Кейин бутун бир ҳафта давомида уни кўрмадим. Отпусмага кетгандим. Лекин хаёлларим Нурлан билан банд эди. Юрагимда ҳам, хаёлимда ҳам у эди. Орқамга қайтишга шошилардим. Бир кун бир ойдек узун кўринарди.

Саккизинчи куни эрта саҳарда шошилишча уйга қайтдим. Уйдагилар эндигина уйғонишганди. Кичик укам Қундуз сўрида ўтириб янги қамишдан сават тўқирди. Онам кўзимга хафароқ кўринди.

— Нима гап, нима бўлди?— деб сўрадим.

Сўрини супураётган онам бошини кўтармай супурги билан укамга имо қилди:

— Нима бўлганини ана ўзидан сўра?.. Худо уни бизга бир қайтиб берди-да.

Қундуз ўз иши билан машғул, ўзини онамнинг гапини эшитмаётганга солиб ўтирарди.

— Ахир нима бўлди ўзи, бундоқ тушунтириброқ айтишлар.

— Нима бўларди, денгизга чўкиб кетишига оз қолди... Бугун шамол, бормай қўя қол дедим мен унга. Лекин деворга гапиргандек қолавердим. Менинг жиғимга тегиб қўшни болалар билан кетаверди. Денгизда тўфон кўтарилиб, гўё ер-кўк қўшилиб кетгандек бўлибди. — Онам Қундузнинг индамай ўтирганини кўриб яна аччигланди. — Ана, ўзинг ҳам кўриб турибсан, мен гапиряпману бу сўзларнинг гўё унга дахли йўқдек... Мен унга, анави сузувчиларга бир сават узум олиб бориб бер, уларнинг яхшилигини қайтар, десам, бу кишининг гапларини кўр, уялармишлар. Хўш, сен, у одамларнинг эсини тескари қилиб юборганда, нега уялмадинг?..

— Бу воқеа қачон бўлди? — сўзини бўлдим онамининг.

— Сен кетган куннинг эртасига. Қаттиқ шамолда.

Ҳали йўл чарчоғи баданимдан тарқалмаган бўлса ҳам, сузувчилар ёнига бориб уларга миннатдорчилик билдиришни ўз бурчим деб билдим. Қундузни узум узишга кўндирдим.

— Ишкомнинг тепасидаги оқ даройидан ол. Бир оз қора чаросдан ҳам ол.

Очигини айтсам, Нурланни кўришга ошиқардим, Қундуз саватни узум билан тўлдиргандан сўнг соҳилга қараб йўл олдик. Биз денгизга сдатда боғлардан ўтиб, қисқа йўлдан борардик. Бугун эса Нурланларнинг эшиги ёнидан ўтмоқчи бўлдим: «Зера уни ҳовлиларида кўриб қолсам».

Қундузга эса мендан олдинроқ бориб, темир йўл ўтадиган ерда кутиб туришини тайинладим.

У кетгандан сўнг мен яна орқага қайтиб, қумли машина йўлига чиқдим ва бир оз юргандан кейин Нурланлар уйи томон бурилдим. Яқинлашган сарим юрагим гупиллаб ура бошлади. Улар кетиб қолишмаганмикан, деб қўрқардим. Ҳовлида ҳақиқатан ҳам ҳеч ким кўринмагач, хафа бўлдим. Майда қумли тепа, соя-салқин доира айвон уларсиз маъюс кўринарди?! Сўнги марта девор тепасидан қараб, йўлга равона бўлдим. Уч-тўрт қадамча юрмаган ҳам эдимки, қизнинг овози эшитилиб қолди:

— Салом!

Назаримда бутун дунё бешқача бўлиб кетгандайди.

— Бир сўз шунчалик кучга эга эканлигини қаранг-а!

— Яна фламинго учун кетяпсизми?

— Йўқ, сузувчилар ёнига кетяпман.

— У ерда нима қиласиз?

Яширишнинг ҳожати қолмагани.

— Укамни ўлимдан сақлаб қолишиёди,— дедим.— Мен бу ерда йўқлигимда чўкиб кетишига сал қолибди.

— Ааа!.. Сиз қаерда эдингиз?

— Отпусқада эдим. Ҳозиргина келдим... Сузувчиларга миннатдорчилик билдириб, тез қайтаман.

Илдам одимлаб кетдим. Қундуз мени темир йўл ёқасида кутиб турарди. Соҳилда одам кам эди. Тахта миноралар ёнида сузувчилар моторли қайиқларини ремонт қилиш билан банд эдилар. Уларга нима учун келганимни айтдим. Кўринишига қараганда бошқаларга нисбатан новчароқ сузувчи кулимсираб, назокат билан деди:

— Узум ерканмиз-да. Шундоқ узумдан юз ўтириб бўладими. Лекин олқишингизга қолган киши бошқа, узумни бизга эмас, ўша кишига беришингиз керак.

— Кимга?

— Ҳозир...

У қўлини оғзига тутиб, бошини юқорига кўтариб, минора тепасидаги сузувчини чақира бошлади:

— Сафтер, манави боланинг халоскорини кўрмадингми? Ҳали келмадими?

Сафтер пастга қараб, Қундузни таниди. Кейин бутун соҳилга аланглади.

— Йўқ, бугун келмаганга ўхшайди.

Кекса сузувчи афсус билан:

— Ҳар доим бу вақтда шу ерда бўлар эди, бугун эса кечикадиганга ўхшайди. Бир оз кугиб турсангиз...

У сўзини тугатмаган ҳам эдики, ана келяпти, деб қичқирди сузувчи.

— Ана, келяпти.

Ўтириб, халоскорни кутмоқчи бўлдим. Қундуз жишлолатдан ҳали ҳам бошини кўтара олмасди. Бирдан Нурланнинг қоялар томон кўтарилаётганини кўрдим. Чақирдим. У йўлини буриб, биз томонга қараб кела бошлади. Кекса сузувчи яна назокат билан деди:

— Энди бизнинг керагимиз ҳам йўқ шекилли.—

Ў саватни Қундузнинг қўлидан олиб, ичкарига кир-моқчи бўлди.

— Нега, керагингиз йўқ бўларкан?

— Чуики укангизнинг халоскори билан ўзингиз таниш экансиз.

Мен ҳайрат билан қизга қараб қолдим.

— Нурлан?!

Нурлан таажжубланиб сўради:

— Бу сизнинг укангизмиди?

На Қундуз бошини кўтара оларди, на мен бир сўз дея олардим. Яна Нурланнинг ўзи мени бу вазиятдан қутқарди.

— Кетайлик,— деди.— Балки фламинго қайтган-дир.

Мен унинг лабларида табассум сездим. Бу табас-сумдан кўра кўпроқ нозик бир истеҳзога ўхшарди. Қояларнинг ёнига келдик.

— Сиздан миннатдорман,— дедим.

У индамади. Кейин кўзларини менга пастдан ти-киб, қаради.

— Энди бирга бир бўлди,— деди ва тўсатдан ша-рақлаб кулиб юборди.— Мен сизнинг олдингизда гу-ноҳкор эдим. Энди ҳиссаси чиқди.

— Сиз нега гуноҳкор бўласиз?

— Фламингони ҳуркитиб юборганим учун. Сезиб турибман, ҳанузгача унга ачинапсиз.

Бу жасорат менга қаердан келди, билмайман, Нур-ланнинг қўлларини кафтларим орасига олдим.

— Йўқ, мен фламингони топдим,— дедим.

Нурлан макрли бир адо билан кўзларини пирпи-ратиб:

— Мен сизга тушунмадим,— деди.— Ахир, фла-минго қайтмади-ку?

У халатини ечиб ўзини денгизга отди. Тўлқинлар бағрида ажиб бир мовийлик сузаётгандек эди. Борлиқ ҳам энди гўё мовий рангга бўялганди. Сув ҳам, боши-миз устидаги само ҳам...

Нурлан эса бу мовийликда худди фламингонинг ўзгинаси эди.

Ўйга қайтганимда онам менга: «Болам, мен учун Қундузнинг халоскорини ўпиб қўйсанг бўларкан», деди. Кулимсирадим.

Ўзимча шундай дердим: «Шошилманг, ойижон...»

ГУБКИН ВА ЮСУФ

Иван Михайлович сафарда бўлган кезларида бепоян мамлакатимизнинг турли шаҳарларида яшайдиган дўстларига, юртдошларига, институтдаги ўртоқларига мунтазам равишда хат йўллаб турарди. Айниқса, хотини Нина Павловнага хат ёзганда ҳордиги чиқарди ва бениҳоя завқланарди. Ўзи яшаб турган шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, ўзи билан бирга юрган одамлар ҳақида батафсил маълумот бериш унинг учун одат тусига кирганди.

Мана, ҳозир ҳам юзидаги терни дам-бадам артганича — минг тўққиз юз ўн учинчи йилнинг диққинафас август кунларидан бири эди — Иван Михайлович хотинига ёзган хатида ёрдамчиси Қули Ризо тўғрисида ҳикоя қилиб, унинг ажойиб сўзларини келтирди: «Бунақа инженер билан меники қайга деса боради. Меники бундоқ инженерии кўрмаган. Бошқа инженер бўлса арзимаган ҳар нарсага: нима гап ўзи? — дейди. Бундаймас, ундай бўлади, деб бақиради. Нима гап ўзи? — дейди. Сеники билан мен Сумгаит боради, қайга десанг бораверади...»

Иван Михайлович Қули қайси оҳангда гапирган бўлса шундоқ ёза туриб мийиғида кулди ва давом этди: «Бу жудаям уддабурон, ишни дўндирадигап озарбайжон. У ўзи билан ўн беш ёшли Тоғи деган жиянини ҳам олиб келган. У менинг қўлимда коллектор бўлиб ишлайди. Мен унга тоғ жинсларини ўрашни ва рақам ёзишни (ҳа, ёзишни!) ўргатдим. Энди уни ўқишга ўргатапман. Зеҳни ўткир. Дин ва тил жиҳатидан

Менга бегона бўлган бу одамлар билан даштда бемалол кезаман ва ўзимни бутунлай хавфсиз сезаман. Улар менинг ҳар бир истагини бажонидил бажариб, мени мамнун этмоқдалар. Қули катта кўза сотиб олди. Ҳар куни эрталаб уни чучук сув билан тўлдиради-да, даштда тезак ёқиб чой қайнатади. Шундай қилиб десанг, бу йил менинг иссиқ-совуғимдан хабар олиб турадиганлар бор... Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳрода мен ва Тоғи ўзимизча нималарнидир хиргойи қилиб борамиз. У ўз тилида тушиниб бўлмайдиган қандайдир қўшиқлардан бирини куйлайди. Мен ҳам ўзимнинг қадрдон поздняковча қўшиқларимдан бирини хиргойи қиламан. Ўз қўшиқларимиз билан сокин саҳродаги тулки ва қуёнларни тез-тез ҳуркитиб турамиз, қўшиғимизни эшитган заҳоти улар жуфтакни ростлаб қолишади»¹.

Иван Михайлович ёзганларини ўқиб чиқди-да, кўзойнагини олиб, ўзини курси суянчиғига ташлади. Бу ўрта бўйли, кўк кўз, серғайрат, чарчаш нималигини билмайдиган одам маҳаллий халқнинг катта ҳурматини қозониб, нефть қидириш соҳасидаги муваффақиятлари билан ҳатто мутахассисларни ҳам ҳайратда қолдирарди. Губкиннинг номи Бокуда кун сайин машҳур бўлиб борарди. У кечаю кундуз дам олмай, тиним билмай ишларди. Уни Сангачала ва Дуваннада, Сальяна ва Путеда учратиш мумкин эди. Ширвоннинг порлоқ келажагига беистисно ва қизгин ишонарди.

Иван Михайлович мактубини тугатиб, адрес ёзаётганида эшикда Қулининг жияни қорасоч Юсуф кўринди. У ҳам Губкиннинг қўлида коллектор бўлиб ишларди.

— Жуда вақтида келдинг-да, Юсуф. Намуналарни олиб келдингми?

— Аъло даражадагисини олиб келдим, Иван Михайлович. — Қорайиб кетган, ўзи ҳам қорақош Юсуф, бир парча латтага ўралган тоғ жинсларини столга қўйди.

— Раҳмат, сени қийнаб қўйдим-да?

— Нега қийнар экансиз, — эътироз билдирди Юсуф, — биз учун сиз хайрли иш қиляпсиз — нефть қидирыапсиз, бизнинг кўзимизни очяпсиз — савод ўр-

¹ И. М. Губкин архивидан.

гатапсиз. Худди отамиздек бизга ғамхўрлик қиялсиз. Йўқ, Иван Михайлович, сиздан биз умримизнинг охиригача қарздормиз.

Губкин Юсуфнинг соф кўнгилдан бундай сўзларни айтаётганидан ҳайратга тушиб, унинг беғубор юзига тикилди.

— Сен нималар деясан? Нима, сизлар ўзларинг аксинча менга ёрдам бермаяпсизларми? Нима иш бўлса, тезликда, чин юракдан бажараяпсизлар-ку. Бу ерда сизларсиз бир кун ҳам ишламасдим, яшамасдим ҳам, буни тушуняпсанми, йўқми, Юсуф?

— Тушунаман, Иван Мухайлович,— Юсуф кўзларини муғамбирона қисди-да, тўсатдан қўшимча қилди: — Сиз туғилиб-ўсган жойларингиз ҳақида бизга кўп гапиргансиз. Россияга кетяпганингизда мени бирга олиб кетмайсизми?

— Поздняковогами? Жоним билан,— деди Губкин, сочларини силаркан.— Мана кўрасан, вақти келсин ҳали, албатта...

— Демак, сиз мени бундай меҳмонга таклиф қилаётганингиздан кейин, менинг қишлоғимда азиз меҳмон бўлишдан ҳам бош тортмасиз, деб ўйлайман!

— Юсуф, сен жуда айёр экансан-ку,— кулди Губкин,— оғзимдан чиқиши билан ёқамга ёпиштирасан-а.

— Ёизнинг Навагимиз бу ердан унча узоқ эмас. Қасам ичиб айтаманки, ҳамқишлоқларим сизни бир кўриш орзусида юришибди.

— Наҳотки?

— Ҳамма сизни билади, Иван Михайлович, рост, сиздан илтимос, қишлоғимизга бир келинг, бизнинг нон-тузимизни ҳам татиб кўринг. Кўпдан буён сизни таклиф қилмоқчимиз, қўй сўямиз, бизнинг одатимиз бўйича меҳмонни шундай кутиб олиш керак...

— Қовун сўясанми?— ҳазиллашиб сўради Губкин?

— Олдин қўй, кейин қовун сўямиз.

— Бунчалик исрофгарчиликнинг нима ҳожати бор? Балки қўйдан воз кеча қолармиз?

— Воз кечадиган бўлсак, яхшиси қовундан воз кечамиз.

— Йўқ, Юсуф. Мен сизларнинг атрофга шухрати кетган навагинча чурекларингизни яхши кўраман. Уйда тайёрланган пишлоқ билан нондан лаззатли нарса

борми? Кейин қовун ейиш мумкин... Қўй сўйиш эса шарт эмас, ортиқча исрофгарчиликнинг нима кераги бор? Мана шу йиллар ичида мен сенинг халқингни жуда яхши билиб олдим: меҳмоннинг кўнглини олиш учун бор-будингизни аямайсиз. Эртанги кунингизни ўйламасдан охирги бурда нонингизни ҳам бировга бериб юбораверасиз,— Губкин ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.— Бир қишлоқда мени кулбага киргани мажбур қилишди, тушуниб турибман: кирмасам — хўжайин хафа бўлади. Кирдим. Аввал, одат бўйича чой билан меҳмон қилишди, сўнг-ра бозбаш¹ олиб келишди. Юсуф, таомларингиз ҳаммаси бир-биридан лаззатли. Айниқса, зираворларингиз ҳақида-ю, сўз йўқ, қойил!

— Яхши гапларингиз учун раҳмат сизга. Демак, розисиз-а? Бизни битта қўзичоқ сўйишга қурби етмайди, деб ўйлаяпсизми?..

— Нечта қўйинг бор ўзи?

Юсуф ўйланиб қолди.

— Нечта? Уттизтача бор.

— Шундайми? Демак, бадавлат экансан-ку.

Юсуф қизариб кетди. Унинг аслида ҳаммаси бўлиб бештагина қўйи бор эди, аммо агар ростини айтса, Иван Михайлович келишга сираям кўнмаслигидан қўрқарди.

— Дўстларимни ҳам таклиф этаман. Эртага, жумага...

— Яхши, таклиф қила қол.

Юсуф хурсанд бўлиб хонадан чиқди-да, ўйланиб қолди: «Агар инженер қўйларимни кўргиси келиб қолса нима бўлади? У шунақа синчков одамки, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, балки қўшниларнинг қўйларини бир кунга сўраб, қўрада сақлаб турарман».

Губкинга тез-тез зиёфат-зарофатларда қатнашишга тўғри келарди, чунки бокулик нефть ишлаб чиқарувчи миллионерлар уни йирик мутахассис, истеъдодли геолог сифатида билишарди. Унинг номи Бокуда машҳурлигини бекорга қайд этишмасди. Бундай одамдан улар доим ишга фойдаси тегадиган маслаҳат

¹ Б о з б а ш — озарбайжон миллий таоми.

олишлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири уни ўзига огдиришга ҳаракат қиларди — бу худди рақобатга ўхшаб кетарди. Губкин ўзини қандай мақсадда давраларга таклиф этишларини жуда яхши тушунарди. Иван Михайлович мақтанчоқ бойларнинг бино қўйиб, лекин дидсиз безатилган хонадонларига борганида ўзини жудаям ноқулай сезарди. У бу бойликлар қандай жабр-зулмлар эвазига қўлга киритилганини жуда яхши биларди. Поздняководай чекка қишлоқлик деҳқоннинг ўғлига оқсуяклар хонадонидаги ҳамма нарса бегона ва дабдабали кўринарди. Бриллиантларнинг ялт-юлтидан кўзи қамашарди; баъзан ҳатто музиканинг шовқин-сурони ҳам уни толиқтирарди. Иван Михайлович ишчилар орасида ўзини жуда яхши ҳис қиларди, тўғриси у Навагига, Юсуфнинг уйига бажонидил меҳмон бўлиб боришга тайёр эди...

У иш столи ёнига эндигина ўтирган эди ҳамки, уни яна ишдан қолдиришди. Идорага башанг кийинган йигит кириб келди. Унинг юзи худди шляпаси сингари ялтирарди. У Бокудаги йирик нефть магнатларидан бирининг ишбошиси эди.

— Жаноб Губкин, тўсатдан бостириб, кирганим учун кечирасиз,— деди йигит назокат-ла,— сизга хушхабар олиб келдим. Менинг шефим эртага сизни уйига таклиф қиляпти. Келиб «Мерседес»да олиб кетаман. Жуда антиқа зисфат бўлади. Шундай меҳмонлар келишадик...

Губкин босиқлик билан гапни бўлди:

— Шефингизга айтингки, агар мен унга иш юзасидан керак бўлсам, идорасига кираман. Афсуски, эртага кечқурун бандман, мени таклиф қилишган...

— Ҳм... Шу ердан қўнғироқ қилишга рухсат берадими?

Ишбоши жавобни ҳам кутмай, қўнғироқ қилди-да, шефи билан қисқагина сўзлашиб, трубкани Губкинга узатди. Иван Михайловичга хотиржам, ўзига бино қўйган овоз эшитилди:

— Азизим, бизларни назар-писанд қилмай қўйдингиз-а? Яхшимас-е!

— Таассуф, лекин боролмайман, эртага кечқурунга таклиф қилишган.

— Шундайми! Кечирасиз, ким экан менинг рақибим? Мендан бадавлатроқ эканми?

— Бўлиши мумкин...

Тўсатдан трубкадан ноз-карашмали қизнинг овози эшитилиб қолди:

— Вой, Иван Михайлович, наҳотки менинг туғилган кунимга келмайсиз?

— Афсуски, иложим йўқ, ойимқиз, сизга соғлиқ ва бахт тилайман...

— Раҳмат, жаноб Губкин. Аммо ким экан у сизни ўзига оғдирган. Агар айтмасангиз, дадам кечаси билан ухламасдан чиқадилар.

— Тинчгина ухлайверсин. Мени Юсуф таклиф қилган.

— Ким? Қанақа Юсуф?

— Миллионер Юсуф. Уни сиз танимайсиз. Хайр, ойимқиз, менсиз вақтихушлик қилаверинг.

Ишбоши хонадан чиқиб кетгач, Иван Михайлович завқ билан кулиб қўйди. Миллионер Юсуф. Улар бу Юсуф ким экан, деб энди роса бошлари қотади.

Ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ эди. Жазирама қуёш тиккага келган, йўлда йўловчилар оҳиста кетиб боришар эди, қимир этишга уларнинг мажоли йўқ, юзларидан тер қуюларди. Қора файтон эса чанг-тўзон кўтариб, учиб борар, унда ўтирганлар юз-кўзига ҳам иссиқ ҳаво уфурарди.

Губкин ва Юсуф Навагига кетишаётганди.

Юсуф инженерни меҳмонга олиб кетаётганидан хурсандлигини яширолмасди. Юзидан табассум аримасди.

— Иван Михайлович, охири сизни тутиб олдим-да. Худди олтин балиқни тутгандек.

— Юсуф, ажойиб йигитсан-да. Ҳамқишлоқларинг ҳам сенга ўхшаганми?

— Борганда кўрасиз.

— Қишлоқ каттами?

— Юздан ертиқ хонадон бор.

— Вой-бў! Менинг Поздняковсидан анчагина катта экан-ку. Бизда ҳаммаси бўлиб қирқтача оила яшайди.

— Иван Михайлович, бизнинг қишлоғимиз Шпрвоёдаги энг қадимги қишлоқлардан бири.

— Каспийга яқинми?

— Ўттиз беш чақирим келади. Наваги пастликка жойлашган, у ерда ичимли сув йўқ, чунки шаҳардан келадиган Пирсагат дарёси саёз, уни бемалол кесиб ўтиш мумкин, боз устига у тез-тез қуриб қолади.

— Худди бизнинг Теша дарёсига ўхшаган экан,— деб хотирлади Губкин.

— Хуллас, ҳамқишлоқларим темир йўл станциясидан бочкаларда, ҳатто челақлаб сув ташишга мажбур бўлишади. Барибир қишлоқни яхши кўришади улар. Айтишларича, бу ернинг ўз сири бор экан...

— Қанақа сир экан, Юсуф?

— Сир шундаки, бутун Озарбайжонда Наваги бугдойидан яхши бўғдой йўқ экан. Таърифи фақат ўзимиздагина эмас, қўшни водийларга ҳам кетган.

— Шунинг учун ҳам чурак лаззатлимикин?

— Шундай бўлса керак. Биз фақат шу билангина мақтана оламиз.

— Унчалик эмас. Сизларга яқин бир жойда катта сир яширинган. Гап шундаки, тахминимча, сизнинг даштингиз қора олтин — нефть конидир.

— Бундан бизга нима фойда,— деди Юсуф хафа бўлиб.

— Шунақа давр келадик, бу нефть ҳамқишлоқларингга фойда ва шон-шухрат келтиради. Бу яқин орада бўлади. Ўз кўзинг билан кўрасан...

— Кўрармикинман? — деди Юсуф ишонқирамай. — Менга йўл бўлсин. Саводимни чиқариб олай. Қишлоғимда биронта саводхон одам, биронта доктор йўқ...

— Бунга сиз айбдор эмассиз, замона айбдор. Тўзатса бўладиган хато. Бизнинг Поздняковода ҳам саводхонлар кўп эмас. Менинг отам ҳам мавсумий ишчи бўлиб, саводсиз эди, лекин хотираси кучли эканидан узундан-узоқ ҳисобларни охириги рақамигача ёдида сақлаган. Сен озгина бўлса ҳам ёзиш ва ўқишни биласан-ку, кейин кўрармиз... Вақт-соати билан ҳаёт ўзгариб, ишчилар синфи қудратли кучга айлангач, сен ҳам инженер бўласан!

— Инженер деяпсизми? Бўлиши мумкинмас, Иван Михайлович! Инженермиш-а! Менинг ёшим йигирма еттига бориб қолди.

Губкин кулиб юборди.

— Мен Петербургдаги тоғ институтига кирганимда ўттиз икки ёшда эдим. Ҳечқиси йўқ, хафа бўлма, ул-

гурасан... Ўзингам ўқийсан, бошқаларни ҳам ўқитасан.

Қишлоқнинг илон изи, жин кўчалари кўринди. Губкин кичкина-кичкина баққоллик дўкончаларига ва дарахтлар соясида ўтириб, синчков нигоҳ билан тикилиб турган одамларга ҳарислик билан қараб қўярди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас Навоига «кўзойнакли ўрис» келганини ҳамма эшитди. Йиртиқ-ямоқ кийимли, оёқ яланг болалар Юсуфнинг уйи олдига, фойтон тўхтаган жойга тўпланишганди.

— Сизларни худо болалардан сиқмабди,— деди Губкин.

— Ҳар бир оилада беш-олтитадан бола топилади.

— Менинг бувим Федосьянинг ҳам қирққа яқин набиралари бор.

— Демак, ҳамма камбағаллар болаларга бой эканда!

Губкиннинг ёдига миллионернинг қизи билан бўлган суҳбат тушди.

— Бир жойда мен сени бадавлат киши, деб юбордим.

— Иван Михайлович янглишмабсиз. Бугун мен чинданам бойман. Кўрмайсизми?— деди Юсуф ҳовлини тўлдириб турган қўни-қўшниларига ишора қилиб.

Қули билан Тоғи ҳурматли меҳмоннинг қўлига сув қуйгач, унга айрон узатдилар.

— Бу ташналикни қондирадиган энг яхши ичимлик, Иван Михайлович, ичинг,— деди Қули.

— Биладан, биладан. Фақат ташналикни қондирмайди, балки кўпгина дардга ҳам даво.— Губкин айронни қултумлаб ича бошлади-ю, лекин шу вақт Салъанов даштида, нефть қидириш вақтида рўй берган даҳшатли бир воқеа ёдига тушди. Юсуф билан кўп вақт жазирама саҳрони кезиб юришганди. Худди ўша ерда кунларнинг бирида балиқ еб, заҳарланиб қолди у. Аҳвол ёмон, ён-атрофда бирон тирик жон кўринмасди, қишлоқ бўлса анча узоқ. Фалокат рўй бериши мумкин эди. Шунда Юсуф жазирама саҳродан нафаси огзига тиқилганча, тиканларга ва тошларга қоқилиб-суқилиб югуриб кетди, қишлоқ ўн чақиримча келарди, бу масофани бир соатдан ортиқроқ вақтда босиб ўтса бўларди. У ниҳоят айрон олиб келди. Ҳолдан тойган, ҳушини йўқотаёзган Губкин халқ яратмиши

бўлган шифобахш айронни, худди ҳозиргидек қултумлаб ичган эди. У шу воқеани хаёлидан ўтказаркан, ҳовлида уймалашиб юрган халоскори Юсуфдан кўз узолмасди. У Юсуфдан миннатдор бўлганча, айрон ичарди ва мана шу оддий, меҳрибон кишиларни чин юракдан севиб қолганини ҳис этарди.

Шу вақт ҳовлида шовқин-сурон тобора авжга ми-на бошлади. Худди қишлоқда тўй бўляпганга ўхшарди. Юсуф меҳмонни мевазорга бошлаб кирди. Олча-лар кўкимтир тусда товланарди, олхўрилар қорая бошлаган эди, анор ҳам қизара бошлаганди. Губкин беҳи дарахтининг олдига келди.

— Ажайиб беҳи экан. Афтидан, сизлар фақат чу-рак билан донг таратмагансизлар. Ҳовлингизга терак эксангиз қандай бўларкин?

— У ўрус оғочи, Иван Михайлович.

— Мен ҳар ҳолда теракларни станцияда кўрган эдим. У тез ўсади, сояси ҳам қалин, мана шунақа иссиқда жуда-жуда фойдали-да.

— Келинг, ҳозироқ терак эка қолайлик бўлмаса. Ўз қўлингиз билан ўтқазасиз,— деб маъқуллади Қули ва болаларга қараб қичқирди.— Қани, станцияга — кўчатга кетдик!

Орадан бир оз вақт ўтгач, Иван Михайлович ҳов-лида, айвоннинг олдгинасига чуқур қазиб, терак кў-чатларини ўтқазди. Бирдан қўйларнинг маъраши эши-тилди, Юсуф қўра томонга қўрқа-писа қаради, ишқи-либ меҳмон унинг подасига аҳамият бермасин-да. «Жин ургурлар, бегонасираб маърашяпти. Яхшиям-ки, қўйларнинг тили йўқ». Дабдурустдан, Иван Ми-хайлович атайлабдан қилгандек:

— Қўйларнинг маърашини хуш кўраман-да,— деб юборди.

Шу вақт Қули уни улкан тут дарахтининг соясига олиб ўтди. Кабобнинг хушбўй ҳиди димоққа урилди. Зиёфат бошланди.

Қишлоқ оқсоқоли Иван Михайловичга вино узат-ганди, у бошини чайқади:

— Йўқ, дўстлар, мен, ичмайманам, чекмайманам. Менинг отам ҳам ҳеч ичмаган, чекмаган.

— Демак, сен ҳақиқий мусулмон экансан-ку!— деди қишлоқ оқсоқоли. Бу унинг энг мақтовли сўзла-ри эди.

Меҳмоннинг дилкаш ва соддадиллиги туфайли мароқли суҳбат бошланди. Ҳатто энг тортинчоқ одамларгача суҳбатга аралашиб кетишди. Губкин навагилик ёшларнинг туриш-турмуши ва келажакка умидлари билан қизиқди, қишлоқ кексаларидан эса суҳбатдошларига унчалик тушунарли бўлмаган, лекин ўзи учун зарур бўлган нарсалар тўғрисида, яъни ўтмиш, қишлоқнинг тарихи, тупроғи ва рельефи ҳақида сўраб-суриштирди.

У мўсафид ҳофиздан кўзини узолмасди. Ҳофиз Фузулийнинг ғазалини куйларди. Ғазал соф ва даҳлсиз севги ҳақида бўлиб, асрлар оша ёқимли оҳанги билан халқимиз орасида яшаб келган мусиқа меҳмоннинг дилини ром этиб қўйганди. Русчани анчагина дуруст биладиган Юсуф ғазал сўзларини Иван Михайловичга қўлидан келганча таржима қилиб турди, у эса буларни ён дафтарчасига ёзиб олди. Меҳмонга шоир Собирнинг «Эй, ишчилар, сен ҳам инсонсан!» шеъри айниқса маъқул бўлди.

— Ажойиб шеър. Жуда ўткир ёзилган. Мен уни Балаханаҳда эшитганман.

Озғин, баланд бўйли йигит гапга қўшилди.

— Мен ҳам Балаханаҳда бўлганман. Кўнда ишламоқчийдим. Хўжайин озғинсан, кучинг етмайди, деди. Мен ишлашни хоҳлаганимдан кейин кучим етди-да, десам ҳам, кўнмади.

— Сен уни тўғри гирибонидан олмабсан-да, ўшанда ишонарди.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Эртага Юсуф билан бирга олдимга қелгин, Сенга иш топиб бераман... — деди Губкин.

Яна қўшиқ бошланди. Қули қадимий «Етим сегоҳ» қўшиғини куйлади, унга Тоғи ўзининг ингичка овози билан жўр бўлди.

Қоронғи тушаётганда, қишлоқ аҳли тарқала бошлади.

Юсуф каттагина гулхан ёққан эди, тутуни бутун ҳовлини қоплаб олди.

Губкин завқ билан оқимтир тутунни ҳидлади:

— Чивинларни даф қиладиган нарса, улар ўзи Поздняководан тортиб мени таъқиб этиб келишади. Умр бўйи қайга бормаин, илашишади...

Уни афтидан меҳмонларга мўлжалланган катакдек хонага бсшлаб киришди. Темир каравотга оппоқ чойшаблар солинган эди. Хонанинг деворлари яқиндагина оқлангани билиниб турарди. Деворда нозик дид билан тўқилган гиламча осиглиқ. Юсуфнинг буви си машхур гилам тўқувчи бўлганлиги Губкиннинг ёдига тушди... Қизиқ, оми кампир шу даражада санъаткор бўлганига ақлинг бовар қилмайди.

Токчада керосин лампаси ёниб турарди, унинг ёнида ажойиб ўймакорлик билан безалган кўза бор эди.

Хона ёруғ ва тартибли эди. «Сув танқис жойда озода яшаш учун анча азият чекиш керак-ку»,— деб ўйлади Губкин ва ҳовлига қараган дераза олдида келди. Ҳаммаёқ қоронғи бўлиб, атрофдаги сукунатни қора чигиртканинг чириллаши-ю, итларнинг ора-сира акиллаши бузиб турарди.

«Ҳамма жойдаги меҳнаткашлар ҳам бир-бирига ўхшайди, табиат ҳам бир хил»,— ўйлади Губкин ва ўзининг Поздняковосини ҳам шу сонияда зимистон қоронғилик қоплаганини тасаввур қилди. «У ерда ҳам чигирткалар чириллаяпти, итлар вовуллаяпти. Теша дарёси ҳам Пирсагатга ўхшаш. Фақат бу ерда ўрмон йўқ, сеvimли ўрмон, қўзиқоринлар, Окадаги сингари балиқ ови...»

Кўнглини хурсандлик ва озгина маҳзунлик чулганди.

У ён дафтарида узоқ вақт нималарнидир ёзди, кейин ечиниб ётди.

Иван Михайлович уйда тоғ жинсларининг намуналарини кўраётган эди, тўсатдан эшик тақиллади. Бу идора хат ташувчиси бўлиб, мактуб келтирганди.

Губкин хатни ўқиётиб, ранги оқариб кетди ва креслога суяниб қолди, лекин дарров қайтиб, ўрнидан сапчиб турди.

Юсуфни оғир аҳволда Михайловскийдаги касалхонага олиб келишгани ҳақида хабар қилишганди. У жарроҳлик палатасида ётарди. Губкин югуриб чиқдида, биринчи дуч келган файтонни тўхтатди.

— Михайловскийга!

У жарроҳлик бўлимининг мудирини хонасига отилиб кирганча:

— Сизда менинг хизматчим — Юсуф ётибдими? Унга нима қилган? — деди.

Доктор қўлларини ёзиб:

— Янглишмасам, жаноб Губкинсиз, шундайми? Яширмайман, унинг аҳволи чатоқ... — деб жавоб қилди.

— Худо ҳаққи, айтинг-чи, уни қутқаришнинг иложи борми? Қанақа дори-дармон керак бўлса...

— Кеч, жаноб Губкин. Жарроҳлик ҳам ёрдам беролмади. Аммо сиз шу ерда бир оз сабр қилинг-чи...

Доктор чиқиб кетди.

Иван Михайлович ўзини қўйишга жой тополмасди. У дам ўтирарди, дам сакраб ўрнидан турарди, унга ҳаво етишмасди.

Ярим соатлардан кейин жарроҳ бошини қуйи эгган ҳолда кириб келди.

Губкинга қарамасдан, секингина:

— Хизматчингиз оламдан ўтди... — деди.

Иван Михайлович юзини даструмоли билан беркитди...

Кейин, қишлоқда бу воқеа қандай содир бўлганини унга гапириб беришди.

Қули Аджикабулга отига ем олгани кетган экан. Юсуф билан Тоғи уни кутишдан тоқатлари тоқ бўлиб, бекорчиликдан ҳовлида турган эски эман столидан сакрашни машқ қила бошлашибди. Бу иш Юсуфнинг болаларча табиатига хос нарса эди. Аммо Юсуф сакраш пайтида столга қоқилиб, қўлига шикаст етади ва қорнига тош қирраси санчилади.

Юсуфнинг тақдири ҳақида ҳисобот бергандек, Губкин ўн учинчи йилнинг сентябрь ойида Нина Павловнага хат ёзди:

«...Унинг хотини тўрт боласи билан қолди. Энг каттаси етти ёшда, энг кичиги эмизикли. Тоғи шаҳарда, Юсуфнинг ўлганини унга айтмадик, лекин сезяпти, кечаси билан йиғлаб чиқади. У бақариб йиғламайди, инграб, зорланиб йиглайди, ўртаниб, азоб чекаётгани сезилиб турибди... Бу ўлим мени гангитиб қўйди. Юсуф шундай мулойим ва ёқимтой одам эдики... Кичик бир эҳтиётсизлик оқибатида содир бўлган бемани бу ўлимга ақлим бовар қилмайди. Менимча, ўша заҳоти операция қилишганда, у тирик қолган бўлар-

ди. Мудҳиш ва машъум тақдир натижасида тўрт норасида отасиз, яъни қарамсиз қолишди!..

...Юсуфнинг жасадини ўзининг қишлоғи — Навагига жўнатдим, ўша ерда дафн этишди. Етимларга пул жўнатдим...»¹ Шуларни ёзаркан, Губкин кўз ёшларини зўрга тийиб турарди... У кийиниб, хатни жўнатиш учун кўчага чиқди. Кўчада бораркан, кўз олдида Юсуфнинг кулиб турган сиймоси кетмасди. Иван Михайлович яна ўша Юсуф ўзини ўлимдан сақлаб қолган кун билан Навагида меҳмондорчилик бўлган кунни хотирлади.

Кузнинг салқин шабадаси эсарди. Лекин Губкинга ҳаво етишмасди.

Орадан узоқ йиллар ўтди...

Бир минг тўққиз юз етмишинчи йилнинг ёз кунларидан бирида мен Навагига келдим.

Худди ўтмишдагидек, бу ерда ҳамон жазирама ҳукмрон, лекин бир вақтлар сувсизликдан қақраб ётган қишлоқ, эндиликда кўм-кўк яшнаб ётар эди. Мен Юсуфнинг уйини топдим, эшиги олдида бундан олтинчи йил илгари Иван Михайлович эккан теракларни кўрдим. Юсуфнинг кўпгина туғишганлари билан танишдим. Унинг ўғиллари ва набиралари — у ва дўсти — академик Губкин номини ҳурмат билан эслашди...

Қачонлардир чекка қишлоқ бўлган Навагида битта ҳам саводхон одам йўқ эди. У буткул қашшоқ ва аламзада эди.

Эндиликда эса бу қишлоқ ўзининг нефтчилари, олимлари, донгдор колхозчилари билан фахрланади, навагинлик шоир — нефтчи инженер Али Ҳасан Нажафаров ёзган шеърда ҳам мана шу ифтихор акс этади:

Боботог, сен жўшқин сувларинг билан

Тўлдириб оқасан Ҳазар денгизин.

Далаларинг гулшан, боғларинг чаман...

Маҳлиё қиласан бутун ер юзин.

¹ И. М. Губкиннинг архивидан.

Уйларинг чироги юлдуздек порлар
Солиб водийларга нурафшон бир йўл.
Наваги пойида асрий чинорлар
Таъзим-ла меҳмонни этишар қабул.¹

¹ А. Ҳосимов таржимаси.

ТУМАНЛИ ТУН

У суянчиғининг ранги ўчган креслони дераза томон сурди. Қалин жун рўмолни белигача тортиб, тиззаларини яхшилаб ўради. Хонага қоронғилик чўккан бўлса-да, чироқни ёқмасдан нигоҳини деразага тикди. Шивалаб ёмғир ёғарди. Кўча бўйлаб ғиз-ғиз учаётган машиналарнинг ғилдираклари шалдир-шулдир овоз чиқарарди. Орқа томондаги қизил чироқлари намиққан йўлларда милтиллаб кўзга ташланарди. Деразанинг форточкаси очиқ эди. Супада шовуллаган дарахтларнинг тилларанг япроқларини ёмғир резалари безовта титратади. Уларнинг бир маромдаги товуши рўпарадаги богча хазонларининг шитирлашига қўшилиб, хонага оқиб кирарди. Ичкарини ҳўл, намиққан япроқларнинг рутубати чулғаб олган эди.

Қария дераза ойналаридаги томчилардан нигоҳини узолмасди. У нозик заррачаларнинг гоҳ бирикиб, гоҳ ажралиб кетиши ва бу томчиларнинг сиргалиб ойна узра тарам-тарам излар қолдираётганини мушоҳада қилиб тўймасди. Гўё боғдаги дарахт барглари ювиб шивалаётган ёмғирнинг секин шилдираши унга таскин бераёттандек. Чол бундай пайтларда соатлаб ўтирар, сал бўлмаса деразадан ичкарига кирай деб турган баргларнинг учидаги алдармон томчиларга, ювилиб топ-тоза бўлиб кетган ойна чизиқларига, шудрингдай ҳамма ерга қўнган оқимтир сув заррачаларига қараган сайин унинг вужудида қандайдир тароват, асабларида эса кишини аллаловчи осойиш бир туйғу ҳукмрон эди.

У толиққан эди. Эллик йилдан ортиқ олий мактабларда маъруза ўқиган, илмий конференциялар, музокараларда қатнашган, жилд-жилд асарларнинг муаллифи бўлган бу кекса олим сўнгги йиларда гўшанишин бўлиб қолганди. Танасида ажинлар кўпайган, оёқлари дармонсизланган эди. У илгаригидек дарс бера олмаслигини чуқур ҳис этганди. Маъруза пайтида тез-тез тўхтаб, нафасини ростлар, одатга хилоф равишда курси олиб ўтирмоқчи бўлар эди. Борган сайин унинг дарс ўтишга майли сусая борарди. Ҳар нарсанинг меъёрини билмоқ, мезон туйғусини йўқотмаслик буюк қобилият. Ўз вақтида сахнадан кетишнинг уддасидан чиқиш, кўнгилдагидек, шалола каби жўшиб яшамоқ ҳам бир санъат. Профессор бу сўзларни неча марта-лаб такрорлаганди, судралувчилар билан келиша олмаганлигини ҳаммага билдирган эди. Хўш, энди-чи? Хўш, ўзи-чи?

У ариза берди. Пенсияга чиқди. Дастлабки ойларда унинг ҳузурига маслаҳат сўраб келувчилар, кўрсатмаларига муҳтож кишилар кўп бўлди. Лекин борган сайин остонада оёқ товушлари, қўнгироқ жаранглари камайди, қатновчилар сийраклашди, бир йил ўтгач эса, уларнинг қадами тамоман узилди. Ёшлиқдан ўз фарзандидек ёнида асраган жияни ҳам уни ташлаб кетди. Чол ёлғиз қолди. Дастлабки пайтларда у бунинг учун суюнди. Ҳайҳотдек жимжитлик ичра ўтириб олди китобларни йиғиб олди, кечаю-кундуз ёзаверди, ёзаверди. Ҳарқалай, бу машғулоти зериктирмаса керак, китоблар қаритмайди, дейишади-ку, деб ўйлади. Бир-икки ой ўтди. Қария буларнинг ҳаммаси шунчаки бир тасалли эканлигини даҳшат ила ҳис этди. Уни ёлғизлик тобора эзиб, хонани, қалбини борган сайин оғир бир ғам-андух қамрай бошлади, кўнгил ёзиш учун тез-тез ҳовлидаги боғига чиқиб турди, ҳассасига суяниб денгиз қирғоғига йўл олди, бир чеккада ўтириб, соатлаб тўлқинларни томоша қилди. Бу ҳам кўпга чўзилмади. Оёқларининг зирқираши зўрая борди, юриши қийинлашди, ниҳоят, уйдан ташқарига чиқишда ҳам эҳтиёт бўлишига тўғри келди...

Уйдаги ашёлар: шипгача чўзилган китоб жавонлари, бурчакдаги катта ёзув столи, хона сахнини у бошидан-бу бошигача қоплаган сернақш гилам, сал бўлма-са, хонанинг ярмини эгаллаган диван, қоронғилик

ичра хижолатда қолган шипдаги қадимий шокилал қандилдан иборат эди. Баъзан машиналарнинг чироги дераза ойнасига ялтираб тушар, гоҳ деворнинг бир қисмини, гоҳида шифтни, баъзан эса китоб жавонларини ёритиб турарди. Чироқ нурлари баъзан чолнинг қиёфасида сарғиш излар қолдирарди. Унинг ўтиришидан, манглайдаги ажинларнинг қуюқлашишидан, кўзларининг узоқ масофа ва замонлар мобайнида ниманидир излагандек сокин ва ҳорғин боқишидан қариянинг толиққанлигини сезса бўларди. Саксон йилдан ортиқ умр кўрган кекса олим қалбан, руҳан сокинлик ва осойишталик изларди.

Чол сал қимирлади. Қўлини чўзиб, овқат столи устида турган қатиқ идишини олди. Тамадди қилмаганлиги эндигона ёдига тушганди. Аслида сўнгги пайтларда қатиқдан бошқа нарса истеъмол қилмасди. Зотан врачлар: эрталаб қатиқ, тушда қатиқ, тунда ётиш олдидан ҳам қаттиқ ичиш керак, дея маслаҳат беришган.

Креслони орқага тортди. Титроқ қўллари билан столни сийпалади. Нимадир гурсиллаб ерга ағдарилди. Чол креслодан оёққа қалқди. Қўлини тиззасига қўйиб, сал эгилди. Гилам устига сочилиб кетган қоғозларни йиғиштириб олди ва дафъатан қўлидаги қоғозларнинг пул эканлиги ёдига тушди. Жарақ-жарақ пуллар ерга сочилганди. Қўллари осилтирди. Дармонсиз ҳолатда ўзини креслога ташлади. Ёғжимланган пулларни стол устига ирғитди. Унинг лабларида гурур аралаш аччиқ ва истеҳзоли бир табассум ўйнади. Унинг чеҳрасида таассуфни эслатувчи надоматдан кўра кўпроқ дунёнинг галати ишларига қарши жангга чорловчи бир ифодани ўқиса бўларди.

Роппа-роса бир соат олдин, ҳали қош қораймасдан, унга пул келтиришганди. Ўйлаб хаёлига сиғмайдиган даражада катта пул. Унга сизнинг қайдадир, қачондир китобингиз босмадан чиққан экан, дегандилар. Катта тиражда. Ҳатто асарнинг номини ҳам айтишганди, ўзини ҳам кўрсатишганди. Профессор китобни олиб, лоқайдлик билан кўздан кечирди. Пулларга тегади. Унинг бу асарни ёзганидан буён анча вақт ўтган, сал бўлмаса бу асарга муаллифлигини ҳам унутаёзганди.

Ёмғир яна шивалар, ғилдираклар ғизилларди.

Эшик томонда катта кафтгирли соат жаранглади. Тўлқинланиб хонага таралган бу овоздан чол сесканиб кетди. У ниманидир эслаб, шитоб билан креслодан турди. Деразага яқинлашиб, пештахтага ястаниб олди. Бўйинини слдинга чўзиб, бос томон кўз ташлади. Бир ҳафтадирки, бир жуфт ёш қоронгилик тушди дегунча, чолнинг деразаси олдидаги боқчага келишар, девор томонга ўтишиб, дарахтлар кўланкасидаги скамейкада бошларини қуйи солишганча, алламаҳалгача оҳиста пичирлашиб ўтиришарди. Чол оқшомлари нимқоронғи кўланкалар остида қучоқлашувчи ёшларни ёқтирмасди. Уларнинг гоҳ қаққаҳа уриб кулишлари, гоҳ беҳаё овозларини эшитганда деразани ёпиб, хонанинг ичигига чекинади. Лекин бу ёшлар унга ёқарди. Улар оҳиста келиб, оҳиста ўтиришар, хийла вақт ўтгач, оҳистагина туриб кетишарди. Улар босиб ўтган япроқларнинг шитирлаши тинди деганда, чол ҳам тинчгина ўз ўрнига чўзиларди. Лекин буғун у нотинч эди. Шивалаб ёғётган ёмғир унинг кўнглига қутқу соларди. Орадан олтмиш йил ўтганига қарамай, у шивалаб ёғётган ёмғирдан қўрқарди...

У Қозон университетида ўқирди. Фалсафага қизиқарди, онда-сонда шеър ҳам ёзарди. Қадимги юнон ёзувчиларидан бири ўз асарларини ёзганда узоқ бир ғорда узлатга тушаркан, деб эшитганди. Рим нотиқлари сўзга чиқишдан олдин денгиз қирғоғига келар, бутун тун бўйи, наҳоргача сувга юзланиб, ўз-ўзича гапирар, бепреён денгизни ҳаёт аталмиш уммонга, ғазабкор тўлқинларни эса, нотиқ сеҳри билан чайқалаётган оломонга ўхшатаркан. Ўшаларга ўхшашни истарди. Дарсдан сўнг ёинки имтиҳондан олдин ўртоқларидан ажралар, ўзини танҳолик бағрига, хилватга отарди. Волга соҳилга бориб, кўздан чеккароқ хилватгоҳ бирор жойни топарди. Ўқир, гапирар, баланд бир ерга чиқиб, кўкрагини керар, тўлқинларга қараб шеър ўқир, қадимги нотиқларнинг нутқларидан лотинча парчаларни ёддан такрорларди. У ҳаммани сеҳрламоқ, бўғиқ овоз чиқариб гудок чалаётган кемалар овозини ўчирмоқ, уларни сузишдан тўхтатмоқ, палубадаги кишиларнинг диққатини жалб этмоқ, уларга ўз нутқини эшиттирмоқ истарди. У истардики, ҳамма: соҳилдаги оломон ҳам, узоқ сафар тадоригини кўрувчилар ҳам, соҳилга яқинлашаётган кемаларни кўприкда туриб қарши олув-

чилар ҳам уни тингласин, унга қулоқ оссин. Баъзан палубада соҳилга томон қўл силкирдилар, шляпалар ҳавода ҳилпиллаб кетарди. Унга, гўё овози кемадагиларга етиб, тингловчилар уни олқишлаётгандек туюларди. У борган сайин жазавага тушиб кетар, қўлларини силтаб-силтаб оларди. Лекин бир гал...

Қиз бўйнини эгиб, пастдан туриб унга қараб қўйди. Сарик сочини ўртадан иккига айириб катта бир ўрим қилган эди. Эғнида узун бўйни ва қўлларини сиқиб турадиган, ёқасига гуллар тикилган гимнастёркаси бор эди. Оқ клеёнкадан қилинган фартугининг ҳали қати бузилмаганди. Қўнжлари узун тик пошнали туфлиларининг боғичи йилтироқ илгакларига дид билан ўтказилган эди. Қиз китобларини кўкрагига босиб турарди. Йигит ўзини йўқотди. Қўли ҳавода, кўзлари қизда эди. Сўзини охирига етказишини ҳам, ўлда-жўлда қолдиришини ҳам билмасди. Қиз жилмайди. Қўлидаги гулни қоянинг устида ҳайкалдай турган йигитга иргитди. Қиз тезда ундан узоқлашди. Қаердадир қоянинг нариги томонида қизлар кулишди...

Бир ҳафта кўринмади. Уялгандан у томонларга йўламади. Лекин кўнгли Волга соҳилида эди. Кечалари кўзига уйқу келмасди. Бирга яшовчи дўстлари жим бўлишгач, у ётган ерида қотиб қолди, кўзини шифтга тикиди, дераза томон қараб олди. Қаерга қарамасин, сарик сочи қиз кўз ўнгида турарди, у бўйнини эгиб, баландга қараган, жилмайган, қўлидаги гулни баландга, қоянинг устига иргитганди. Қарангки, ростдан ҳам унинг шеър ўқиши қизга ёқиб қолганга ўхшарди! Наҳотки, ўзининг ёқимли нутқи билан бутун оламни асир этмоқчи бўлган ёшни дарҳол оддий бир қиз мафтун этган бўлса? Балки бу бир ҳақиқатдир? Балки қиз ростдан ҳам унинг нутқига ошиқ бўлгандир? Балки буларнинг барчаси пуч хаёл, қалбида янги ҳислар тугилаётган бир ёшнинг юрагида тугён урган орзулар, истаклар уйдирмасидир? Балки, балки...

У чидай олмади. Жасоратини бир жойга тўплади. Қўрқа-писа, эҳтиёткорлик билан атрофга олазарак қараб олди-да, соҳил томон қараб кетди. Дўнгликка кўтарилганда кўзларига ишонмади. Қиз тиззаларини қучоқлаб ўтирганди. Нигоҳини оқаётган сувга тикканди.

Улар бир-бирларидан ҳеч нарса сўрашмади. Қиз унинг қизариб кетган қулоқларига қаради, у ҳам қиз-

нинг қоматига жуда ярашиб турган кўйлагия титроқ сийнасига кўз ташлади. Жилмайишди. Эски танишлардек бир-бирларига қўл узатишди. Исмларини айтишди:

— Лабиба.

— Даниял.

Қўлни қўлга бериб, пастга, соҳилга томон чопиб кетишди. Йигитга шу он хоҳлаган жойидан кечиб ўтадигандек, қизни қўлига олиб, кенг Волганинг тўлқинлари ила одим ташлаётгандек, худди самодаги тўда-тўда оқ булутлар қатламининг оғушига отилиб, чексизлик сари кўтарилаётгандек туюларди. У дарё бўйлаб сузган кемаларнинг тўхташини, соҳилга ёндашиб уларнинг олдига келишини, уларнинг палубага, сўнг эса безатилган шинам каютага таклиф этилишини истарди. Қани энди улар ойлаб Волга бўйида бирга юрсалар, кечалари палубанинг орқа томонидаги панжарага суяниб қўшалоқ бўлиб турсалар, гилдирак ортида кўпираётган сувларга, тўлқинлар оғушида чайқалаётган ойга, сув сатҳида тарқалган чироқ нурларининг кумуш жилосига завқ билан тикилсалар. Соҳилда мудраган ўрмонларни, қишлоқларни, яшил сайхонликларни томоша қилсалар. Қизнинг хаёли ҳам худди шундай эди. Нозиккина қўлларини йигитнинг қўлларидан олмасди...

Чол деразадан узоқлашди, кўринмасликка интилди. Қиз келган эди. Дарахт кўланкасида туриб, безовта бўлиб, атрофга алангларди. Майин ёмғир аввалгидек бир маромда томчиларди. Йигит кечикаётган эди. Қиз эса гоҳ дарахтларнинг кўланкасида нари-бери юрар, гоҳ йўлга чиқиб, кузатарди. Балки кетмоқчи бўлгандир? Чол сал бўлмаса панжарадан эгилиб, қизнинг қўлидан ушлаб, унга: «Йигит келгунча кетма, кут, балки бирор сабаби бордир?», «Севган киши учрашувга бесабаб кечикмайди, биласизми, қизлар?» — деб пичирламоқчи бўларди. Ахир унинг ўзи ҳам олтимиш йил бурун шундай ёмғир ёққанда учрашувга кечикканди...

Унинг пули йўқ эди. Севган қизини бирор ёққа олиб бориш, унга бирор совға олиш, уни меҳмон қилиш нарийёқда турсин, ҳатто учрашувга бориш учун трамвай пули ҳам йўқ эди, беш-ўн тийиннинг асири бўлиб қолганди. Кўп уриниб, дўстларидан умидвор қарз сўраган-

ди, бироқ ҳеч ким бермаганди. Балки уларнинг ҳам пули бўлмагандир? Студентликда чўнтак бўш қолган пайтлар оз бўлади дейсизми? У пиёда юриб, тезроқ қизнинг висолига етиш учун кўчаларни кўндалангига кесиб ўтиш, кўнкалар, фойтунларнинг йўлини шитоб билан қирқиб, Лабибанинг ёнида бўлишни қанча орзу қилмасин, кечикиб қолганлигини англаганди.

Ёмғир шивалаб ёғмоқда эди. Тош тўшалган кўчалар ҳўл бўлиб қолганди. Тарновлардан шалдираб сув оқарди. Даниял зерикди, чорпоя устида юз тубан ётиб олиб, ёстиқни титкилай бошлади...

Хонада тўсатдан оёқ товушлари эшитилди. Қадамлар тобора яқинлашиб, кимдир унинг елкасига тегиб кетди. Қайрилиб, боши узра турган студент дўстини кўрди. Бу улар билан бир курсда ўқийдиган энг ювош, энг камтарин ва энг камсуқум студент эди. У кўзойнагининг тагидан жимгина қарарди. Бу қарашлар шу даражада гамхўр, маъюс ва айни пайтда ачиниш билан тўла эдики, Даниял жим туrolмади. Ундан ёрдам учун эмас, енгил тортмоқ, кўнглини ёзмоқ учун дардини баён қилди. Кўзойнакли йигит жилмайди, қўлини чўнтагига тиқиб, уч сўм чиқарди. Секингина дўстига узатди. Даниял аввал индамади, дўстига ҳайрон бўлиб қаради ва бирдан пулни юлиб олиб, пастга қараб чопа кетди, пиллапояларни учталаб, бешталаб босиб, кўчага отилди. Бекатдан узоқлашаётган кўнканинг ортидан етиб олиб, зинасига чиқиб олди. Орқада турмай, масофани қисқартирмоқчи бўлгандек, одамларни ёриб, илгарига ўтди, кўнканинг бекатга етганини кутиб ўтирмасдан, тоқатсизлик қилиб ерга сакради, учрашув жойига етиб олди.

Лабиба кетмаганди. Ёмғир тагида қолиб, кутган эди. Даниял қувонди, кўришиш учун қўл узатмоқчи ҳам бўлди. Аммо қизнинг совуқ нигоҳи уни қимирлашга қўймади. Тўхтаб қолишди. Жим қолишди. Бирдан Лабиба товони устида гир айланиб, тескари бурилди. Даниялнинг чақирганини эшитмади, унинг гап-ларига қулоқ солмади. Туманли тунда эски шаҳарнинг тор кўчаларидаги муюлишлардан бирида кўздан ғойиб бўлди, бир умрга йўқ бўлди...

Қиз соатига қараб қўйди. Чол унинг кетиб қолишини кўрмаслик учун, кечиккан йигитнинг ҳаяжонланганига гувоҳ бўлмаслик учун деразадан узоқлашди.

Қатиқ идишни қўлига олди. Лекин тоқат қилолмади. Энгашиб олиб билдирмасдан, деразадан қарай бошлады. Бирдан унинг юзи ёришди. Йигит келган эди. Улар одатдагидек девор томондаги деразанинг тагида турган кичкина скамейка ёнида, дарахтларнинг нимқоронги кўланкасида туришарди. Ёмгир шивалаб ёғмоқда эди. Томчилар йириклашиб япроқлардан пастга сизиб тушарди. Улар ёмгирдан ўзларини панага олиш учун япроқлар зич бўлган томонга ўтмоқчи бўлишди. Бироқ қуруқ жой топилмади. Оёқ тагидаги барглар шитирларди. Йирик томчилар хазонлар устига тирсиллаб тушарди, лекин улар кетишмади. Бир бурчакка биқиниб, бошларини плаш билан ёпиб олишди. Томчилар энди плашни саваламоқда эди.

Чол бадани жимирлаб кетганини ҳам унутиб, деразани сал очиб қўйди. Туманли тунда ҳўл япроқлар орасидан узоқ юлдузлардай кўринган хира чироқларга қаради. Оҳиста нафас олиб, креслога ўтирди, жун рўмолни тиззасига тортиб олди.

Машиналарнинг ғилдираклари намиққан йўлларда шалдир-шулдир овоз чиқарарди. Шивалаб ёғаётган ёмгирнинг нозик томчилари дарахтларнинг баргларига урилиб, бир маромда ғалати ун ҳосил қиларди. Деразанинг очиқ жойидан ичкарига рутубат аралаш ҳаво кирарди. Ташқарида хазон барглари, ичкарида эса стол устида ва хона ўртасидаги сернақш гиламда сочилган пуллар шитирларди.

ЧАҚМОҚ ТОШ

Эрта баҳордан кеч кузга қадар тин олмаган серқат-пав йўл чўпонлар кўчиб кетган яйловга ўхшаб қолган.

Йўл ишчиларининг темир дарвозали, шинамгина ўйи дарё бўйида, дара ёқасидаги ёнгоқ соясида эди. Даранинг ҳар икки тарафидаги баланд қоялар бағрида қишлоқлар жойлашганди.

Асрлар бўйи оққан дарё тоғни худди арра билан иккига бўлиб ташлаганга ўхшар, йўл ишчилари турган уйдан ташқарига қараганда тирсакдай қайрилиб кетган йўл, дағал қоялару қурилиш материаллари, асфальт қиладиган машиналар, грейдер, бульдозер, темир-терсаклар, қорамой кўзга ташланарди.

Кузнинг охирги кунларида ҳаво ўзгариб кетди. Дарани ёқалаган дарё тоғлардан сурунган бутун шагал-тошни ўзи билан олиб келганга ўхшарди. Ёши номаълум кекса ёнгоқнинг шохлари ерга тегай-тегай дорулар эгилиб-букилиб изғириндан фарёд чекарди. Телефон симлари нотинч ғувиллар, қандайдир даҳшатдан дарак бераётганга ўхшарди. Еру кўкда гирдибод уриб ёғаётган қор йўللари, сўқмоқларни қоплаб, ўнгирларни кўмиб ташлаганди. Шинам уйчадаги тошкўмир билан иситилган печка ёнида, темир каравотларда йўл устаси Шохимардон билан унинг шогирди — сариқ мўйловли, юзини сепкил босган, озғингина Жавоншир гоҳ мудраб, гоҳ гаплашиб ўтиришар эди.

— Қўлимиз ҳар томондан узилиб қолди, уста.

— Чойгум қайнаяпти, чой дамла!

— Ейдиган нарсамиз ҳам қолмаяпти.

— Чой дамла, дедим сенга!

— Чойми, ҳозир, уста.

— Энди овқатни исит.

— Буни ҳам бажарамиз, бош устига.

— Ҳа, айтгандай, ўрнингдан туриб бирор нарса билан сувнинг жўмрагини ўраб қўй, музлаб қолса ўзимизга қийин бўлади.

— Хўп, уста,— деди Жавоншир. У нари-бериға қараб, жўмракни ўрашға ҳеч вақо тополмади. Шунда михда осиклик фуфайкаға кўзи тушди, ўнг енгини тортиб йиртди.

Уста Шоҳимардон унга ўгирилиб қаради:

— Сен одам бўлмайсан ҳечам, бутун кийимни йиртдинг-а?!

Жавоншир бир енги йўқ фуфайкани михға илиб қўйди.

— Сизнинг сувингиз музламаса бўлди, уста. Йўл очилганда шаҳардан янги фуфайка олиб келаман.

Йигит эшикни очганида ёқимсиз шамол ичкариға гув этиб кирди ва бирпасда уйни совитиб юборди. Устанинг эти жунжикди.

Жавоншир ичкариға қайтиб кирганида оқ айиққа ўхшар эди — мўйлови, сочлари, қўллари оппоқ қор эди. Бир дақиқа остонада тўхтаб, устаға жилмайди.

Устанинг жаҳли чиқди.

— Уст-бошингни қоқ, шамоллайсан.

— Изғириннинг ҳаққи йўқ менға таъсир қилишға, уста. Барибир ҳамма ёқ совуқ, қочиб қутулолмайсан; қор тагида қолиб кетмасак эди.— У силкинди, этикларини полға урди, полнинг у ер-бу ери ҳўл бўлиб қолди, бир енги йўқ фуфайканинг астарига юз-қўлини артди Жавоншир.

— Уста, аҳволлар қалай?

— Кўришмаганимизға анча бўлгандай сўрайсан-а?

— Умуман сўраяпман-да, сиз совуқ билан қалайсиз деб?

— Кел, чой қуй, ичамиз.

Жавоншир идишларни иссиқ сувға чайиб, чой қуйди, овқатни ковлаштириб, сўнг ўрниға ўтирди.

— Уста, ёшлигингизда ҳам шундай камгапмидингиз?!

— Кўп гапирмай, чойингни ич!

— Уста, ҳозир ёшингиз нечада?

— Тур, овқатни сузсанг-чи!

Жавоншир тарелка, қошиқ келтирди.

— Шоҳимардон амаки, менинг раҳматли бобом: «Сувнинг лойқасию одамнинг ерга боққанидан қўрқ», дер эдилар.

— Раҳматли бобонг, эзманинг қўлига тушган одамнинг ҳолига вой, демаганмиди!

Жавоншир кечагидан қолган овқатни сузиб, нон ушатди, қошиқларни артиб, ўртага қўйди.

— Уста, қурбонингиз бўлай, тўйгунингизча енг!

— Кечадан бери орқам огрияпти, ҳеч иштаҳам йўқ.

— Хавотир бўлманг, уста! Икки юз грамм ароқ дардингизга дармон бўлади.— У жавоб ҳам кутмай қоғозга ўроғлиқ шишани каравот тагидан олиб, столга қўйди. Стаканларни тўлдирди.

— Отинг, устажон, менинг соғлигимга ҳам кўтаринг, ўзингизнинг ҳам касал-пасалингиз даф бўлсин.

— Эҳ шайтон, сен пайғамбарни ҳам йўлдан урасан.— Устанинг қалин лаблари учди, мўйлови бир оз юқори кўтарилди, ароқ сувдай кетди.

— Ана шунақа... олинг, пиёздан тишланг.

Шоҳимардон ўрта бармоги билан мўйловини силади, пиёзга қарамай папирос тутатди. Икки-уч марта тортиб, кулдонга қўйди. Шавлали тарелкани олдиға суриб озгина еди. Кейин мўйловини силаб, папиросини ёндирди.

Жавоншир ароқнинг қолганини яна иккига бўлди. Шавлани ҳам охиригача еб қўйишди. У тарелкаларни йигиштириб, чой қўйди.

— Шоҳимардон амаки, аҳволингиз боягидан яхшироқми?

— Оғриқ озгина камайди. Кеча терлаб туриб совуқ сув ичган эдим, шамоллаб қолибман.

— Истасангиз куракларингизни уқалаб қўяман.

— Ёмон бўлмасди,— дея уста ечиниб каравотга чўзилди.

Жавоншир ўзининг забардаст қўлларини ишга солди. Устанинг суяклари қирсиллади, нафаси сиқилди, аъзойи баданини тер босиб кетди.

— Ёқаяптими, уста! Жонингиз кираётганидан бундай гапирингиз ҳам келмайди.

Уста нафасини бир оз ростлади.

— Ўлдирдинг мени, айиқдай эзғилаб ташладинг.

— Ўлиш осонми, тезда тузалиб кетасиз, яна нима хизмат бор?

Уста керишиб олди, букчайиб зўрга ўнг томонига ўгирилди:

— Одамнинг дабдаласини чиқардинг, хумпар.

— Балки банка солиш керакдир?

— Нимани соласан? Спирт ҳам, банка ҳам йўқ.

— Соғайтириб қўяман. Олтмиш даражали арогимиз бор, стаканларимиз ҳам бор.

— Томирларимни эзиб юбординг, бир оз дамимни олай.

— Майли, ўзингиз истаганда айтарсиз.— Жавоншир искана билан чўқморни олиб, чақмоқтош йўна бошлади...

— Эй уста, ухладингизми?

— Ухлашга қўймаяпсан-ку?

Қулоғингиз шовқинга ўрганган-ку, устажон.

— Чақмоқ тошни текислаб бўлмайди, жиннивой.

— Бўлади, қаловини топсанг бас.

— Сенга бу нимага керак?

— Кейин кўрасиз, уста. Дарёдан олиб текислаган тошларим кам эмас, бу ҳам уларнинг биттаси бўлади.

— Бу қаттиқ, уни текислаб бўлмайди.

— Мен ўзим осонликча текислаб бўлмайдиган, шунақа қаттиқ тошни қидириб юрган эдим, топдим. Ленин агар сизга шовқини ёқмай, ухлолмаётган бўлсангиз, тўхтатай?

— Бусиз ҳам уйқум қочган. Қизимдан хавотир оляпман.

— Қизингиз касал отасини хаёлига ҳам келтирмай, иссиқ ётоқда роҳатланиб ўтирибди.

Шоҳимардон хўрсиниб чуқур-чуқур нафас тортди, кейин йўталиб жойига ўтириб олди.

— Кеча келиб бу томондаги қишлоққа ўтган эди, бугун орқага қайтиши керак эди у.

Жавоншир болғани, исканани тошга қўйиб, устанинг олдига келди, совуқ қўлини унинг чўғдай пешанасига босди.

— Иситмангиз бор, уста! Шунинг учун ҳам нотинчсиз. Терговчи Мунаввар Шоҳимардон қизи шу

палла қайси жиноятчини ёқасидан ушлаб, жиноят кодексининг қайси моддасини айтиб бераётган бўлса?

— Ахир, сен ўзинг ҳам унинг қўлига тушгансан-ку? Бу тўғрида гапириб нима қиласан?

Жавоншир икки бармоғи билан устанинг пешанасини уқалаб, кейин ўтирди.

Бир пайтлари чайир бўлган, гўзаллик яратган устанинг қўлларида энди олдинги куч-мадор йўқ эди. У, Жавоншир каравотига ўтиб ўтиргач, кўнгилсиз, изғиринли оламни унутиб, хаёлга чўмди.

Уйдан сал нарироқда, йўл четида бўлган кранни уста Шоҳимардон билан Жавоншир рўпарадаги ўрмондан ўтказиб келишган эди. Улар бу ерга сув олиб келгунча анчайин азият чекишганди; уста Шоҳимардон ҳам шогирдига фақат маслаҳат бериб турмай, обдон ишлаганди.

Шундай қилиб йўл четига кран ўрнатилганидан кейин бу ерда ҳаёт жонланиб кетганди. Севишганлар, келинчаклар, қўллари қабарган колхозчилар, машина ҳайдовчилар йўл устида шу ерга етгач, бир тўхтаб нафас ростлашарди. Буларнинг ҳаммаси, сув очган инсон соғ бўлсин, раҳмат унга, дейишарди. Гап шундаки, дарё теранликда эканидан, ундан сув олиб бўлмасди...

Ёз кунларидан бирида сувбошида машиналар йиғилиб, одамлар навбат кутиб қолишди. Ғала-ғовур эди; ишдан бўшаган Жавоншир ҳам юз-қўлини ювмоқчи бўлиб навбатга турди. Шу палла қандайдир қора «Волга» келиб яқингинада тўхтади. Кабинадан оқ кийган, истараси иссиқ, афтидан обрў-мавқели бир йигит тушди. У навбат кутган одамларга эътибор ҳам қилмай, крандан сув олмоқчи бўлди.

— Навбатга туринг, ўртоқ!— дейишди унга.

— Сувга ҳам навбатми? Нарироқ тур, кўряпсанки, мен шошиляпман.— У сув олаётган бир қизни нари суриб термосини кранга тутди; ҳайдовчилардан бири уни билагидан ушлади.

— Шоҳимардон амаки, отасига минг раҳматки, бу сувни фақат сен эмас, халқни ўйлаб очган, билдингми...

— Шоҳимардонингга менинг неча пулли ишим бору сенларга нима ишим бор... Билагимни қўйиб юбор, сен ўзинг биласанми мен кимлигимни...

У сўзини ҳали тугатганча ҳам йўқ эдики, Жавоншир уни бир туширди. Обрў-мавқели йигит учиб кетиб, уст-боши қоп-қора лой бўлди. У ётган жойида Жавонширга ҳам бир-икки мушт туширишга улгурди, холос. Синган тишини кафтига тупуриб, машинага ўтирди ва тўғри районга томон кетди.

Бу можаро юзасидан ишни терговчи Мунаввар Шоҳимардонова олиб борди.

«Мен ўзимни ҳақли деб билардим, қўрқмасдим. Мен эзгуликни ҳақорат қилган одамни ургандим. Мунаввар сўроқ қилганда, шундан ҳам, айбиман деб бўйнимга олмадим. Моддаларнинг ҳаммаси ишга туширилди, варақ-варақ протоколлар тўлдирилди.

Мунаввар мени сўроққа чақирганида мен ҳатто бир оз суюнганман. Унинг расмий саволларига шошмасдан жавоб беришни, гапни айлантириб вақтни чўзишни истардим. Мунаввар менинг ўзига эрк берган қўлларимга муаллима сингари қалам билан туширса, рози эдим, ундан ранжимасдим. Аммо у мени шунчаки сўроқ қиларди. Мен эса унинг овозига маҳлиё бўлиб ўтирардим.

— Сиз, гражданин Жавоншир Жавонширович, районнинг энг катта одамларидан бирини, ўртоқ Хондамировни уриш билан Озарбайжон ССР жиноят кодексининг...

— Муҳтарам терговчи, катта одам, дейсиз... Мен умрининг ўттиз йилини тоғлар, ўрмонлар орасидан йўл ўтказишга бағишлаган, аллақерлардан сув олиб келган инсонни ҳақорат қилган кишини урганман, холос...

— Шундай масъул шахсни ҳам уриб бўладими?

— Менинг бошқа сўзим йўқ, қандай жазо берсангиз ихтиёрингиз.

— Сиз қонун олдида жавобгарсиз.

— Обрў-мавқели одамлар-чи? Улар қонунга бўйсунишмайдими?..»

...Уста ўрнидан турди, қўлида папирос. Жавонширнинг хаёли бўлинди, у тошдан ўт чиқариб, устанинг папиросини ёқди.

— Энди тузукроқман денг, устажон?

— Мунаввар менинг интиқлигимни билармикин?

— Отасининг касал экани унинг хаёлига келмаса керак...

— Йўқ, кеча мазам бўлмай гурганини унга айт-гандим, шунинг учун ҳам унинг йўлига интизор бўлиб ўтирибман.

— Масъулиятли иш билан кетган бўлса, отасини ҳам эсидан чиқариб қўйиши мумкин.

— Қизим мени жуда яхши кўради, сен уни айблама!

— Ундай бўлса нега менинг борамда сизнинг илтимосингизни ерда қолдирганди?

— Қонун-қонун-да, бола.

— У сизнинг ҳар бир сўзингизни ерда қолдираве-радим, уста?

— Кун ботаётганга ўхшайди. Балки сен ташқарига чиқиб атрофга кўз югуртирарсан, қулоқ солиб кўрарсан?

— Ақли бор одам бу ҳавода умуман йўлга чиқмаса керак.

— Бўрон ҳозир бошланди... Қулогимга аллақандай товушлар келяпти.

— Сойлар шовуллаяпти уста, қоялар увиллаяпти.

Шоҳимардон ўрнига бориб ётди, томоғи хириллади, кўзини юмди. Жавоншир яна хаёлга чўмди.

«Мунавварнинг қарорига биноан менга жазо бе-ришди...»

— Юрагим санчяпти,— эшитилди устанинг овози.

— Уста, агар аҳволингиз енгиллашмаётган бўлса, келинг, ҳалиям белингизга банка қўя қолай.

— Яхши бўларди, бир маҳоратингни кўрсат-чи,— уста орқасига ўтирилди.

Жавоншир чой ичиладиган икки стаканни артиб ёнма-ён қўйди, шкафдан пахта олиб, уни чўпга ўради, ароқли идишга ботириб олди, сўнг уни ёндирди. Қизиган стаканлар устанинг белига елимдек ёпишди.

— Тортаяптими, устажон?

— Маҳкам ушлади... Устимни ёп...

— Шоҳимардон амаки, Мунаввар яхши қиз-а?

— Гапирмасанг туropolмайсанми?

— Ҳам чиройли, ҳам илмли.

— Нима, уни бозорга соляпсанми?..

— Худо ҳаққи, зўр қиз...

Уста жаҳл билан ўрнидан сапчиб у ёқ-бу ёққа назар ташлади, зум ўтмай кўрпани устидан улоқтириб кара-вотдан тушди. Деярли ярмигача гўшт тўлган стаканлар

унинг белига ёпишиб турарди. Шоҳимардон Жавоншир томон отгани ҳеч нарса топмай худди шу стаканлардан бирини юлқиди. Жавоншир нима қилишини билмай беозор кулимсирарди.

Шоҳимардон стаканни деворга урди.

— Ўтиб ётинг, устажон, устингизни ёпиб қўяман, бўлмаса яна шамоллаб қоласиз.

Шоҳимардон ўрнига қайтиб чўзилди, Жавоншир унинг устини ёпиб қўйди.

— Энди мен сизни қандай муолижа қилдим, стакан ҳам битта қолди?

— Ҳеч нарсанинг кераги йўқ, йўқол, овозингни эшитмай!

Жавоншир ҳамон нима қилишини билмай, эшик олда қолдирган чақмоқ тошни йўна бошлади.

Дир-дир, тақир-туқур орасида бирдан от кишнагани эшитилди. Йигит пўстинини кия солиб, ташқарига югурди. Шом тушиб, изғирин авжига чиққан, депсиниб турган отнинг ёнида эгаси йўқ эди. Ёллари ҳам, бадани ҳам музлаб қолган от тўхтовсиз кишнарди. «Терговчининг оти!»

Йигит ичкарига отилди. Хириллаб нафас олаётган устани уйғотиб юбормасликка уриниб электр фанарини кўтарганча, қайтиб ташқарига чиқди.

Мунавварнинг қайси қишлоққа кетганини устадан у эшитган эди, «Шамолли» довонидан ошиб, ўрмон орқали асфальт йўлга чиқиб олиши керак эди Мунаввар.

Жавоншир отни етаклади, қор остида кўмилган йўлни зийраклик билан топиб илгарилади. «Шамолли»га олиб борувчи тепаликдан ўтганида, от бошини чап томон ўгириб кишнади.

Ўрмон йўли оғир, отни юргизиш мумкин бўлмай қолганди. Жавоншир уни бир четга боғлади. Тепаликни яна зийраклик билан топди, фанаридан ёруғ тушира-тушира илгарилаб кетди. «Му-нав-вар!»

Унинг овозига қоялар гумбурлаб акс-садо қайтарди. От турган жойида депсиниб кишнади. Жавоншир яна илдам босди, изғиринда ёлғиз ўзи илгарилаб борарди. «Қаердасан, Мунаввар?!»

Шамол тўлқини ўнг томонда булут сингари қалқиб турган қор уюмини ўрмонга урди. Жавоншир чап тарафдаги тошлар қиррасига оёқ тираб қоқина-суқина

илгариларди. У нафаси бўғзига тиқилиб, боши айланса ҳам кетаверди. Тўхташ қўрқинчли эди, дарҳол музлаб қолиш мумкин. У яна куч тўплаб фонарни у қўлидан-бу қўлига олганича, овоз берди: «Терговчи?...» Шунда бирдан инграган товуш эшитилди. «Қаердасан, ҳой қиз?» У фонарини ёққанда бир ерда қор тўпини кўриб, ўша томонга борди. Қорни нари-бери сурди, юзтубан ётган терговчини кўрди.

— Мунаввар, бормисан?— қизни қордан тортиб чиқарди у, кўксига қулоқ тутиб, нафас олиб-олмаётганини билмоқчи бўлди.

— Гапирсанг-чи, Мунаввар!

Пўстинининг этаги билан қизнинг юз-қўлини артди. Кейин уни қучиб, кўтариб олди ва орқага қайта бошлади. «Сизнинг ётиб ухлаб қолганингиз яхши бўлди, ҳеч гапдан хабарингиз йўқ, бўлмаса ёлғиз қизингиз не аҳволга тушганини кўриб, юрагингиз чидаш бермасди, уста!»

— Бу менман, Мунаввар, Жавонширман!..

— ...

— Станг ҳам шу яқин ерда, яхши қиз!

— ...

— Бўйнимга осил, ҳозир уйга етамиз.

— ...

Жавоншир қоматини адл кўтариб, пўстинининг тугмаларини ечди. Мунавварнинг ҳам пальтоси ёқаларини очиб, уни маҳкам бағрига босди, нафаси билан қизнинг баданини жилла иситгиси келди. Фонарни унинг юзига тутиб, музлаган узун-узун киприкларига меҳрибон қаради.

— Кўзингни оч, Мунаввар!

Қизнинг киприклари сал кўтарилгандек бўлди.

— Сен... қаердан келдинг?.. Кимсан?..

— Мен... мен... айбланувчиман, ўртоқ терговчи!

Жавоншир юзини қизнинг муз қоплаган сочларига босаркан, бўйнидан совуқ томчилар ичига оқиб тушди. Мунаввар яна ҳушидан кетди. Йигит қизни кўтариб, илдам босди. Унинг тиззалари қалтирарди. «Золимлар» — кимларнидир кўнглида қойиб қўйди Жавоншир.

У отга яқинлашаркан, буткул кучдан қолаётганини сезди.

— Шафқат қил, Мунаввар. Бардам бўл...

Аллақаёқ, олисдан келгандек бир овоз эшитилди:

— Менинг отам қани?..

— Уйга яқинлашяпмиз, ўзингни қўлга ол...

Йигит қизни эгарга ётқизди, нафасини бир оз ростлаб, отни йўлга етаклади.

...Уста ухлаб ётар эди. Ҳозир қулогининг остида тўп отилса ҳам уйғонмайдиган эди. Жавоншир Мунавварни уйга олиб кирди. Унинг пальтосини, ўзининг пўстинини ечиб, печканинг олдига қуритгани қўйди. Кейин отни машиналар турадиган жойга боғлаганча, олдига озгина пичан солиб, устига адёл ташлади-да, қайтиб келди, чой дамлади. Қизнинг кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. Йигит кўрпани қайириб, қизнинг иссиғини текширди.

— Балки чой ичарсиз, ўртоқ терговчи?

Қиз кўзини очди, унинг қўлини баданидан олиб ташлади.

— Сен кимсан?

— Қўрқма, терговчи, бу мен...

— Мени бу ерга ким олиб келди?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Сенинг отанг ҳам шу ерда.

Мунаввар кўрпани четга суриб, атрофга таажжуб билан тикилди. Ниҳоят, Жавонширга кўз тикди. Нима воқеалар бўлганини эслай бошлади шекилли...

— Раҳмат сенга, айбланувчи. Отамнинг ҳеч воқеадан хабари йўққа ўхшайди, шуниси дуруст.

— Чой қуйиб берайми?

Қиз индамади.

Жавоншир стаканни чайиб чой қуйди, икковлари галма-галдан чой ичишди. Мунавварнинг ҳоргин кўзлари тагин юмилди.

Тонг отиб, қуёш кўтарилди. Қор билан қопланган дара, қорга бурканган дарахтлар ҳамон ҳорғин мудраётгандек кўринарди. Аёз худди қуёшни ҳам музлатганга ўхшарди. Жавоншир болга билан кўрсаткич бармоғини уриб олиб, оғриғига зўрға чидаб ўтирарди.

Ота-бола уйғонишган эди. Шоҳимардон қизининг эсон-смонлигига суюнди, ўзича чимдиб унга бир оз кўйиниб ҳам қўйди:

— Келардинг-да, қизим. Кеча бўлмаса, бугун ё эрта...

— Келдим, ота. Шуниси муҳим. Ҳавонинг бундай ўзгарганини кўрмайсизми? Бу ердан районга қандай бораман, от бу қалин қорда юролмайди, деб йўлга чиқ-

қунча пайсалландим. Кейин қарасам, телефон ҳам ишламайди...

Жавоншир қўлидаги оғриқни унутиб, уларни тингларди.

— Турган гапки, шамол симёғочларни ағдариб юборган, қачон бу чириган симёғочларни қайта тиклаймиз экан,— пичирлади у.

— Сен бармогингни нега боғладинг?— сўради ундан уста.

— Болға билан озгина уриб олдим, шунга. Ўтиб кетади...

— Сен бекорга қўлингни ўраб юрмайсан, биламан. Қани, менга кўрсат-чи...

— Ҳа, йўқ. Арзимаган нарса...

— Ҳеч тушунолмаيمان, чақмоқ тош сенга нимага керак ўзи, ҳар куни йўнганинг йўнган.

— Бекорчиликдан, уста, зерикмаслик учун. Сиз менинг отамни билардингиз-ку, бинокор наққош эди у киши. Болалик пайтимда мени тош йўнишга ўргатганди. Қаттиқ гадир-будир тошларни текислашни ўзим ҳам жуда яхши кўрардим. Тошга юрагингдаги сўзни нақш қилсанг, дунё тургунча туради.

— Мендек кекса бир уста, сени йўниб одам қилло-маяпман-ку, сен чақмоқ тошдан бир нарса чиқара олармидинг?

— Менга сизнинг кўп меҳнатингиз сингди, уста, одам бўлолмади, деб билсангиз, демак айб менинг ўзимда, сизда эмас.

Устанинг кўзларида ёш қалқди.

— Мен сенга доим қаттиқ гапириб келаман, ўғлим. Лекин аслида мен сени Мунаввардан кам яхши кўрмайман, сен оёқ-қўлли, жасоратли йигитсан, болам... Энди сендан илтимос, машинани юргизиб, қизимни раёonga олиб бориб қўйсанг!

Жавонширнинг эзилган бармоғи зирқираб оғрирди... У грейдерни ишга солмоқчи бўлганида музлаб қолган моторнинг овози чиқмади. У уйдан ўзининг қўйлагини олиб чиқди. Нефтга чилади. Устига ўтин қўйиб, ўт ёқди. Олов ловуллади; мотор қизиди. У яна пўстинини кийди.

Грейдернинг кабинасига Мунаввар билан ёнма-ён ўтиришди. Грейдер мудраб ётган қояларни уйғотиб юборди. Ўрмонларни тилга киритди. Ҳар томондан мо-

торнинг гуриллаш акс-садоси эшитиларди. Машина соатига атиги икки километр тезликда йўл босарди. Учинчи километрга етгунча жим кетишди. Жавоншир муолишда машинани секинлатиб:

— Совқотмаяпсанми, ўртоқ терговчи? — деди.

— Йўқ, ҳайдайвер!

Машина бир муддат секин юрганидан кейин, яна одатдагидек тарзда йўл боса бошлади.

— Бармогим ёмон оғрияпти.

— Ҳечқиси йўқ, ҳайда!

Тўртинчи километрдан район маркази кўриниб турарди.

— Бир километр қолди.

— Тезроқ ҳайда, кун ботяпти!

Моторнинг овози пасайди, машина ғилдираклари қорга сирпаниб тўхтади. Жавоншир Мунавварга бир нарсa демоқчи бўлиб юзини ўгирди.

— Ҳозир гапнинг вақти эмас, машинани ҳайда!

Жавоншир қизга чимирилиб қаради. Машина наъра тортиб юриб кетди. Район марказига юз-юз эллик метр қолганда, Мунаввар буюрди:

— Тўхтат!

Машина тўхтади.

— Нима бўлди?

— Бу ёгига ўзим кетаман, овора бўлма, орқангга қайт, қоронғига қоласан.

— Ҳеч овораси йўқ, етдик-ку. Шоҳимардон амакига дори оламан, бармогимни ҳам докторга кўрсатарман.

— Отам дорини ёқтирмайдилар. Сен ҳам паҳлавон йигитсан, қўлингга ҳеч нарсa бўлмайди. Қайтганинг маъқул.

Терговчи буйруқ оҳангида гапни бундай давом эттирди:

— Кечаги воқеани, мени машина билан районга олиб келганингни ҳеч кимга гапирма. Мен ҳар қалай районнинг масъул кишилариданман. Гап-сўз кўпаяди. Сенинг фидокорлигинг албатта мукофотга лойиқ. Лекин агар мени яхши кўрсанг, бу тўғрида биров билмагани яхшироқ. Ҳа, дарвоқе, сен ҳали нима демоқчи эдинг?..

— Хавотир бўлманг, ўртоқ масъул ходим, буйруқ берсангиз, ҳозироқ изимга қайтиб кетавераман...

— Сен хафа бўлдинг-а?

Жавоншир индамади.

Баҳор келди, қорлар, музлар эриди, ёғинлар бошланди. Ёз ҳам яқинлашди...

Бир куни тоғдаги қишлоқдан қайтаётган Мунаввар таниш дара ёқасидаги сув бошида тўпланган одамларни кўрди. Аммо ҳеч ким сув олмасди. Ҳамма тўхтаб ҳайронлик билан кран томон қараб турар эди. Қиз ҳам отини ўша томонга бурди... Мармар каби сайқалланиб, краннинг устига ўрнатилган чақмоқ тошга «Уста Шохимардондан ёдгорлик», деб ёзиб қўйилган эди.

БИЛЛУР СИЁҲДОН ВА БИНАФШАРАНГ «ЖИГУЛИ»

Қоқ пешин пайти. Бекатда туриб автобус кутардим. Ўн минутдан бери кўзларим йўлда, лекин ҳамон ундан дарак йўқ эди. Сентябрьнинг ўрталари бўлса ҳам салқин тушмаган, шаҳарда ростмана ёз иссиги ҳукм су-
рарди. Аксига олиб, қиздириб турган қуёшдан асрай-
диган биронта дарахт ҳам кўринмасди. Чунки бекат
ҳам, унинг атрофидаги бинолар ҳам янги эди. Бизнинг
ўзимиз ҳам бу Аҳмадли маҳалласига янги кўчиб кел-
гандик. Маҳалламиз ҳали янги уйлар сиёғини сақлаб
турар, у ер-бу ерларда қурувчилардан қолган ортиқча,
чиқинди материаллар уюлиб ётарди. Кўчалар ҳам ҳали
тўла асфальтланмагани учун баҳордан бери ёмғир
кўрмаган тупроқ йўлдан машиналар ўтганда чанг
кўтариларди. Сариқ, қуюқ чанг.

Бугун шанба кунидан фойдаланиб, бир дўстим би-
лан унинг таниш дурадгорига учрашмоқчи эдик. Мақ-
садим, балконга дераза ишлатмоқчи эдим.

Вақт ўтар, дўстимнинг олдига кечикардим. Аксига
олиб, боядан бери такси ҳам кўринмасдики, миниб кета
қолай десам. Шу пайт бинолар орасидан бир бинафша-
ранг «Жигули» чиқиб, тезлик билан ўтиб кетди. Аммо
кутилмаганда нарирқдан орқага бурилди. Худди
ўшандай тезлик билан бекатга қайтиб келиб, йўлнинг
чеккасига шунақанги тақалиб тўхтадики, эшиклари
билан тиззамга урилиб кетай деди. Бекатда турганлар-
нинг ҳаммаси хотинлар эди, қўрқиб кетиб ўзларини ор-
қага ташлашди. Ғазабим қайнади. Сездимки, ҳайдовчи-
нинг кайфи бор. Бир-икки аччиқ гап қиламан, деб энди

илгарилагандим, машинанинг эгаси, ёш, келишган йинг бўйнини чўзиб:

— Йўл бўлсин, Ҳасан! Ўтир, оббориб қўяман!— деди.

Қарасам, Жаби! Болаликдаги ўртоғим, ота-боболаримиздан тортиб ёнма-ён турадиган минг йиллик қўшним Жаби.

Бу учрашув, Жабининг машинага ўтиришни таклиф қилиши ўта кутилмаган воқеа эди. Чунки у билан ўн-ўн бир ёшлигимиздан бери мана йигирма йил ўтибдики, юз кўрмас бўлиб кетгандик ва бу юз кўрмаслик шунчаки болалик инжиқлиги эмасди. Биз у билан уришмаган, солишмаган, сўзимиз чап келиб қолишмаган эдик. Агар солишган бўлганимизда бир пастда ярашиб кетган бўлардик. Йўқ, бу шундай бир воқеа эдики, у туфайли Жабини бир дақиқа ҳам кўришга тоқатим қолмаганди. У туфайли Жабини мен жуда яхши билиб олгандим.

Жанжалимиз сиёҳдон устида келиб чиққанди. Менинг узунчоқ, қадимий биллур бир сиёҳдоним бўларди. Унинг қаердан келиб қолганини, кимдан мерос эканини билмасдим. Эсимни танибманки, биламан, у уйимизда эди. Мен ота-онамнинг тўнгичи эдим. Биринчи синфга борганда онам менга шу сиёҳдонни ҳам тақдим этганди. Мактаб ёшига етганимда отадан етим қолгандим, ҳали унинг йили ўтмаганди. Отам нефть қазишда ишлар ва бошига вишкадан қандайдир огир нарсанинг тушиб кетганлиги сабабли ҳалок бўлганди. Онамнинг зорланиб, бечора отанг сени биринчи синфга қўлингдан етаклаб олиб боришни кўпдан орзу қиларди, дегани, бувимнинг эса, худо ҳеч қайси бошни папоқсиз қолдирмасин экан, деганлари эсимда.

Бошқа одамлардек янги чарм жанта олишга бизнинг пулимиз бўлмагани учун, бувим отамнинг эски пиджагидан менга жилд тикиб берганди. Мактаб лавозиматларим ичида энг қимматли нарса, ҳалиги қадимий сиёҳдон эди. Мен уни кўз қорачиғимдек асрар, йўқотиб қўйишдан қўрқиб, ҳатто мактабга ҳам олиб бормасдим.

Жаби мендан бир синф юқорида ўқирди. Икковимиз ҳам Қосим Исмоилов кўчасидаги ўн тиққизинчи мактабга қатнардик. Одамлар бу мактабни «Сулаймон Соний мактаби», дейишарди. Айтишларича, биздан хийла

илгарироқ шу мактабга ёзувчи Сулаймон Соний Охундов мудирлик қилган экан.

Эрталаб уйдан Жаби билан бирга чиқардик. Урушининг иккинчи йили эди. Мен учинчи синфда ўқирдим, Жаби тўртинчида.

Бир куни мактабдан келиб, ҳовлида чиллак ўйнадик. Ўйинга шунчалик берилиб кетибмизки, кекса бир кишининг келиб:

— Ҳов, болалар, Болами Оружев қаерда туради,— деган саволини ҳам яхши эшитмабмиз. Ўйинни тўхтаиб, уни ўраб олдик.

— Оти ким, амаки?

— Ким дедингиз?— саволга кўмиб ташладик ҳар томондан.

Биз болалар, аввал қариянинг кимни сўраётганини анчагача англай олмадик. Ҳовлимизда Ҳазар Кемачилигида ишлайдиган бир Болами деган киши бўларди. Бўйдоқ эди. Одамлар Болами матрос, дейишарди. Бунга шундай ўрганиб кетишгандики, уни бошқача айтганда кўплар танимасди ҳам.

Мен Болами Оружев шу ерда яшашини, уйда кам бўлиши, ойнинг йигирма беш кундан кўпини денгизда юриб ўтказишини, кемада Красноводск ва Астраханга қатнашини айтдим. Қария аввал бизларга ишонмади. Ичкарига кириб хотинлардан аниқлаштириб чиққач, ёнимизга қайтди. Болами Оружевга чақириқ қоғози келганини, уни биронтамиз қўл қўйиб олиб қолишимизни илтимос қилди. Яна таъкидладики, имзо сиёҳ билан қўйилса яхши бўлади.

Мен тезгина уйга кирдим-да, онам мактабга кетаётганимда совга қилган сиёҳдонни олиб чиқдим. Бу ишни бунчалик тез бажарганимга яна бир сабаб: сиёҳдонимни болаларга кўрсатиб, мақтанмоқчи ҳам эдим.

Қўлимда сиёҳдон билан ҳовлига чиққанимда бирдан лиқ тўла сумкалар билан бозордан қайтаётган онамни кўриб қолдим. Сиёҳдонни Жабига бердим-да:

— Ма, сен ана у киши айтаётган варақча қўл қўйиб юбор. Мен онамларга ёрдамлашай,— деб олдиларига югурдим.

Онамга ёрдамлашиб, уйга кириб то сумкаларни бўшатиб қайтиб чиққунимча анча вақт ўтиб кетди. Ҳовлида на Жаби, на ҳалиги киши кўринарди. Ҳамма тарқалиб кетганди.

Эрталаб мактабга келганимда, Жаби менга айтдики, Ҳасан, хавотир олма, сиёҳдонинг менда, кейинроқ қайтариб бераман.

Лекин сиёҳдон Жабининг қўлида шу қолганча қолди. Ёз таътили бошланди. Жабилар ўзларининг Шувалангдаги боғлариға чиқиб кетишди. Орадан уч ой ўтиб, куз келди. Сентябрнинг биринчи кунида у билан мактабга кетаётганимда атайлаб, қалам, дафтар, сиёҳдондан гап очдимки, сиёҳдон Жабининг хотиридан кўтарилган бўлса, эсига тушадию менга қайтаради, деб. Бўйнимга олишим керакки, ўзимга зарар бир одатим бор. Бировга бир нарса ёки қанча бўлмасин пул қарз берсам ҳам, то ўзи қайтармагунча қистамайман.

Лекин Жабини кўп кутдим. Ундан ҳеч бир сас-садо чиқмади. Худди унда менинг ҳеч қанақа сиёҳдоним йўқдек. Охири тишимни тишимга қўйиб, худди бировдан қарз сўраётгандек оҳангда мулойимлик билан унга дедим:

— Жаби, сиёҳдонни қачон қайтарасан?

— Қанақа сиёҳдон?— деди у ўзини гўлликка солиб.

— Менинг сиёҳдоним сенда қолган-ку, ёдингдан кўтарилдими дейман?

— Менда ҳеч қанақа сиёҳдон қолмаган. Бор, қаерда йўқотган бўлсанг, ўша ердан қидир!

— Нега сенда қолмаган бўларкан? Ҳув, Болами матросга бир киши чақирув қоғози олиб келганида, сенга бергандим-ку!

— Сен менга сиёҳдон бермагансан. У киши повестка олиб келганида, мен ўзимнинг сиёҳ-ручкамда қўл қўйганман.

Таажжубдан оёқларим ерга ёпишиб қолгандек бўлди. Эшитганимга ишонмай, Жаби ҳазил қилаётгандир, деб ўйладим:

— Ҳазиллашма, Жаби. Мен жиддий гапиряпман.

— Мен ҳам сенга жиддий гапиряпман. Менга ҳеч қанақа сиёҳдон бермагансан! Оғайнисига бунақа туҳмат қилиш айб бўлади.

Жаби менга таъна билан яна алланималардир деб, инжиган қолда нари кетди. Мен эшитган гапларимдан қарахт қолда қотиб қолдим. Бу илгариги мен таниган, мен яхши кўрган Жаби эмас, бутунлай бошка, мен мутлақо билмайдиган бир бола эди. Ахир Жаби, сиёҳдо-

нинг менда қолган, кейинроқ уни сенга қайтариб бераман, деганди-ку. Бу эса бундай даббаланади?!

Сиёҳдонни қайтариш у ёқда турсин, бу Жаби менга уялмай-нетмай тухматчи, бўҳтончи деб кетди-ку! Ахир сиёҳдонни Байрам, Билол, Асад, Чингизларнинг кўз олдида берганимни яхши эслайман-ку! Улар тасдиқ қила оладилар-ку, ундан кейин Жаби нима деркин?

Мен аввал ўзимизнинг ҳовлида яшайдиган Асаднинг уйига келиб, уни чақирдим. Афсуски, у уйда йўқ экан. Онаси чиқиб, Асад кинога кетган, деди. Чингизникига йўл олганимда, болаларни бу масалага тортишнинг бефойдалигини тушундим. Балки улар Жабининг кўзидан ўтолмай гувоҳ бўлишни истамаслар. Ёки, борингки, улар шоҳид бўлдилару Жаби менга сиёҳдонни қайтариб берди. Нима ўзгарарди?! Энди масала у сиёҳдонда эмасди. Сиёҳдонни ҳеч қандай гувоҳ-пувоҳсиз ҳам қайтариб олишим мумкин эди. Бунинг учун Ғуломга ёки Тавадга бир огиз сўз айтишим кифоя эди. Улар Жабининг ота-онаси катта одамлигига ҳам қарамай, оёқлари остига олиб бир тепкилардики, сиёҳдон яна меники бўларди.

Бир соатча ўз ёғимга ўзим қоврилиб, алам ичида нима қилишимни билмай турдим. На Жабини, на сиёҳдонни эсимдан чиқара олардим. Бир нарсани ойдинлаштириб ололмасдим, мени ўртаган нарса нима: биллур сиёҳдонни йўқотганимми ёки Жабининг хатти-ҳаракатими? Ахир Жаби келиб, сиёҳдонингни менга бер деса, ўзим берворган бўлмасмидим!

Уйга келдим. Онам ишда эди. Бувим қўлида нинаип, чордона қуриб ўтириб, кўрпачаларимизнинг йиртиқларини ямарди. Индамай келиб, пружиналари бўшаб кетган диванимизнинг болишига бошимни қўйиб, кўзларимни юмдим. Жабининг гирромлиги мени кесмиранди.

* * *

Эртаси кун эрталаб ҳовлида Жаби билан дуч келиб қолиб, юзимни буриб ўтдим. У ҳам ўзини кўрмасликка олди. Мактабдан қайтиб майдончамизга ўйнагани чиққанимда, негадир, Жаби йўқ эди. Тахминимча, ўртоқларимиз орасида уялтиришимдан, сиёҳдонни олиб келиб берсин, дейишимдан қўрқарди. Мен эса, аксин-

ча, унақа фикрда эмасдим. Болаларга бу ҳақда бир оғиз ҳам гап очмадим. Балки, ҳали умидимни узмай, Жаби қилган ишига пушаймон еб сиёҳдонни ўзи қайтариб берар, деб ўйлаган бўлсам керак.

Орадан йил ҳам ўтди. Биз Жаби билан ҳамон гапиришмасдик. У сиёҳдонни қайтариб бермади. Энди мен мактабдан қайтиб уй вазифаларимни бажараётганимда, биллур сиёҳдоним турадиган жойга қараб, уни кўрмаганимда, ҳар доим бир хил бўлиб кетардим.

Ёзув столим дераза олдида турарди. Авваллари, ташқаридан тушадиган қуёш нурлари кўзимни қамаштирса-да, пардани беркитмасдим. Кун шуълалари сиёҳдонимнинг қиррадор шишаларида минг жилога тушиб туришидан мароқланардим. Бир кўзимни юмиб, унинг қирралари орқали кўчани, осмонни томоша қилишни яхши кўрардим. Қалин шишанинг орқасидан ҳамма нарса катта-катта кўринарди. Деразамизнинг тўғрисида ўсадиган чинорнинг япроқлари челақдек-челақдек бўлиб туюларди. Биллур сиёҳдонимнинг жилолари туйфайли деразамизга ора-сира қушчалар ҳам қўнарди. Улар яқинроқ келиб тумшуқларини қалин шишага уриб-уриб кўрардилар. Ундан ҳеч нарса чиқмаслигини кўргач, пир этиб учиб кетардилар.

Энди эса, деразамизга кун тушди дегунча, пардани тортиб қўярдим.

Сиёҳдонимнинг йўқолгани онам назаридан, албатта, четда қолмади. Унинг қаердалигини сўраган эди, Жабига совға қилиб юбордим, дедим. Онам норози бўлдилар:

— Жабига нима кам, у сенга бир нарса совға қилса бўларди.

Онамдан бошқа жавоб кутмагандим. Ҳайрат билан боқишларимни кўрибми ёки бошқа нарсаданми, онам дарров ўзгарди:

— Майли, майли, ажаб қилибсан. Лекин, болагинам, у сиёҳдон отангдан қолган ёдгорлик эди, раҳматлик айтардики, унга бобосидан қолган экан.

* * *

Мен ҳеч кимга ҳеч нарса демасам ҳам болалар бўлган воқеадан хабар топдилар. Балки Жабининг ўзи мени қоралаб, ўзини покиза қилиб кўрсатмоқ учун ол-

диндан гап тарқатгандир, билмадим. Ҳар ҳолда, унинг сўзига ишонган ҳам бўлди, ишонмаган ҳам. Мен эса бу масалани кавлаштирмадим.

Орадан бир неча йиллар ўтди. Бу орада Жаби ўртоқликни тиклаш учун кўп уринди. Лекин мен ҳеч юмшамадим. Баъзан шундай бўларди: мабодо, мен бибон-бир масалада болаларга савол берсам, ҳаммадан аввал унга Жаби жавоб қайтарарди. Мен эса ўзимни эшитмаганга олиб тураверардим. Бу билан на бир хайрихоҳлик, на бир гина-кудурат кўрсатардим. Аввалги Жаби менинг учун нақадар қадрли бўлса ҳам, унинг яхшилиги қалбимдан тамомила чиқиб кетганди. Балки шу пайтларда Жаби келиб ўзининг яхши иш қилмаганлигини бўйнига олганда, мен сал юмшаб, болаликда нима ҳам бўлмайди, деб кечириб юборган бўлардим. Лекин Жаби билганидан қолмасди, мен ҳам...

Биз ўрта мактабни битирдик. Мендан бир йил илгари етуклик аттестатини олган Жаби ўша йили халқ хўжалиги институтига кира олмай, енгил саноат техникумига жойлашди. Кейинроқ болалардан эшитдимки, Жаби уйланди деб. У ҳовлимизда камроқ кўрина бошлади. Яна дедиларки, у хотининикига кўчиб кетган, тўртта боласи бор, қайнотаси билан туради, деб. Тўғриси айтганда, Жабининг кўчиб кетганига ҳаммадан кўпроқ мен севиндим. Энди бир-биримиз билан юзма-юз келганда, худди бегона одамлардек салом-каломсиз индамай ўтиб кетаверардик. Уни билмадим-ку, лекин мен бу аҳволдан кейинчалик хижолат чека бошладим...

Бинафшаранг «Жигули» кетганига анча бўлганди. Унинг кетидан йўлда кўтарилган чанг ён-атрофда битган ва қуриб қолган буталар ва ёвшаңларга қўниб босилганига ҳам анча бўлганди.

Ёнимда турган қарироқ хотин менинг шаҳарга шошилиб турганимни сезган шекилли, шундай деб қўйди:

— Ҳай болам, машинага бекор ўтирмадингиз. Бу автобус қурғур ҳали-вери келмайди. Шошиб турган экансиз, кеч қоласиз.

Ниҳоят, биноларнинг ичидан кўк чироги ёқилган бир такси чиқиб келди. Қўл кўтариб тўхтатдим, шошиб миниб олдим. Бекатда турганлар таажжуб билан елка қисиб бир-бирларига қарадилар. Менинг бояги бинафшаранг «Жигули»га минмай, бу қадар тоқатсиз-

ланиб таксига ўтирганим уларга жуда ғалати туюлди.

Таксида йўл бўйи Жаби борасида ўйлаб кетдим. Ҳамон кўз олдимдан бинафшаранг «Жигули» нари кетмасди. Бир томондан боя Жабининг машинасига ўтирмаганимдан пушаймон ҳам қилдим. Балки ҳақиқатан ҳам яхши иш қилмагандирман?! Миниб кета қолсам осмон ағдарилиб тушмасди-ку... Ахир сиёҳдон воқеасидан кейин анча вақт ўтиб кетди. У пайтда биз бола эдик. Энди иккимиз ҳам оила бошлиқларимиз. Эски гина-кудуратни титкилашнинг нима кераги бор? Балки Жаби ҳозир болаликда қилган ишидан хижолатдир. Балки бу воқеани тамомила унутиб юборгандир. Хўш, нега мен унута олмайман?!

Заводда (айтмоқчи, мен нефть машинасозлиги заводида инженер бўлиб ишлайман) ёки бошқа жойда бир қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлсам, ёки бир муваффақиятсизликка учрасам албатта, кечқурун хотинимга айтардим. Икковимиз маслаҳатлашиб бир иложини топардик. Завқли нарса бўлса бирга завқланардик. Ҳозир эсимга келдики, ҳовлимизда Жабининг бўлганлигини, қадимий сиёҳдоним воқеасини уйда гапирмаган эканман...

* * *

Шу воқеадан кейин бир куни кечқурун оқшом олдидан заводдан қайтаётиб, автобусдан тушдим-да, «Бокку» газетасини олиш ниятида уйимизнинг ёнидаги дўкончага яқинлашдим. Бир кун аввал «Нефтчи» Тошкентда «Пахтакор» билан ўйнаб ютқазганди. Шунинг учун ўйиннинг тафсилотини билишни истаган футбол мухлисларига дўкончанинг олди тўлиб кетган, газета талаш эди. Навбатим етай деб қолганда дўконча қаршисида бинафшаранг «Жигули» тўхтаб, унинг ичидан Жаби тушди. Газета олиш ниятида у ҳам шу томон юрди. Одамнинг кўплиги унга ёқмай, бенавбат олмоқчи бўлди. Йиғилганлар ҳаммаси бир оғиздан бир нарсалар, деб жеркиб беришганди, сал тоб ташлади. Навбатда турганларни кўздан кечириб, афтидан ўзига газета олиб берадиган бирор кимсани қидирарди. Кўзи менга тушиши билан гапни чўзиб ўтирмасин, деб ҳотиржам бўл, сенга ҳам оламан, деган ишорани қилдим.

Газетани Жабига бераётганимда у мен билан жуда севиниб сўрашди. Аҳволимни суриштирди, кейин 28 Апрель кўчасидаги пойафзал магазинида ишлашини айтди. Боргин олдимга, модний оёқ кийимлар керак бўлса, хотинларникими, эркакларникими, барибир, тўғрилаб бераман, деди. Кейин шод-хуррам хайрлашиб, машинасига ўтириб жўнади. Газетани буклаб чўнтагимга солдим. Негадир энди ўша куни Жабининг машинасига ўтирмаганимга пушаймон эмасдим. Нега? Бунинг сабабини ўзим ҳам билмасдим. Уйга келиб, овқат-повқатга ҳам қарамай газетани кўздан кечири бошладим. «Нефтчи» сафарда ўтказган икки ўйинда ютқазгани иштаҳамни хиппа бўғиб қўйди. Команда илгаритдан ўзга майдонларда яхши ўйнай олмасди. Ўз майдонида рақибларининг курагини доим ерга тегизарди-ю, четга чиқдими — тамом, бўшашарди-қоларди.

Ўйин жадвалини кузатар эканман, мудроқ босаётганини сездим. Жадвалдаги командаларнинг номлари ўрнига кўзимга гоҳ йўқотган биллур сиёҳдоним, гоҳ эса бинафшаранг «Жигули» кўринарди. Қизиги шунда эдики, бирдан сиёҳдон «Жигули»га айланиб қоларди... Сўнгра унга ғилдирак ҳам битарди, ичида Жаби ҳам пайдо бўлиб, сиёҳдонни худди машинадек ҳайдаб кетарди. Нима бало! Туш кўряпманми ўзи? Нега энди сиёҳдон «Жигули»га айлана қоларкан?

Жабининг: «Ҳасан, кел ўтир. Қаерга десанг олиб бораман сени», «Модний оёқ кийимлари керак бўлса, кел магазинимга. Сен учун топиб бераман»,— деган гапларини эсладим. У менинг кўнглимни олишни истарди. Гўё мен бир замонлар қилган яхшилигимга жавоб қайтармоқчи эди. Ниманинг эвазига? Ҳа, топдим! Бу ўша пайтда, Жаби сиёҳдонимни йўқ қилганда, бор овозим билан маҳалламиздаги ҳамма болаларга айтмаганим, уни ер билан битта қилмаганим эвазига эди.

Сиёҳдон воқеасини мен тамомила унутгандим. Уни Жабининг ўзи янгилади. Аҳмадлида бўлиб ўтган ўша кунги воқеа янгилади. Унгача мен Жабини машинада ҳеч кўрмагандим.

* * *

Кейинги пайтларда буйрақларим мени кўп безовта қила бошлаганди. Анчадан бери Ессентукига путёвка

олишнинг ҳаракатини қилиб юрардим. Кўп кутганимдан кейин, ниҳоят, путёвка топилди. Бориб даволаниб келдим. Муолижа жуда самарали ўтиб, уйга кайфим чоғ қайтиб келдим. Болаларим атрофимни ўраб олишди. Мен уларга муолижалардан, Ессентукидан олган таассуротларимни гапириб ўтиргандим, бирдан кўчадан машинанинг сигнали, ғилдиракларнинг асфальтга сирганиб ғийқиллаган товуши эшитилди. Ҳаммамиз ўрнимиздан гур этиб туриб, деразадан ташқарига қарадик. Йўлнинг ўртасида автобус, ундан сал нарида бир такси турарди. Иккаловининг ҳайдовчиси ўртада туриб олиб, қўлларини пахса қилиб силтаганча, бири-бирига бақирарди. Униси буни айбларди, буниси уни. Икковини одамлар ўраб олишганди.

— Яхшиям, тўқнашиб кетишмабди,— деди қизим, деразани тарк этиб жой-жойимизга ўтирганимизда,— ана у кун шундай тағимизда битта нон ташийдиган машина билан бинафшаранг «Жигули» тўқнашиб кетиб, «Жигули» анча пачоқланди. Мен кўрмадим-ку, лекин хотинлар айтишди, ҳайдовчиси ҳам шикастланганмиш. Автомобилини кўтарма кранда юк машинасига солиб олиб кетишди.

Қизимнинг бу гапини эшитиб безовта бўла бошладим. Чунки бинафшаранг «Жигули»нинг аварияга учрашига мен сабабчи эдим.

Шу кундан бошлаб, шахримизнинг кўчаларидан бинафшаранг «Жигули»ни ахтара бошладим. Саҳарлаб ишга кетаётганда, кечқурун қайтаётганимда ҳам кўзларим йўлда бўларди. Бир куни ишдан қайтаётиб йўлимни 28 Апрель кўчасидаги оёқ кийимлари магазини ёнидан солдим. Магазин ёнида бир бинафшаранг «Жигули» турарди. Унинг бир неча жойи қорага бўялганди. Машина Жабиники эмасмикан, деган фикрдан юрагим орқага тортди. Шу жойда ҳайдовчисининг чиқишини пойлашга қарор қилдим. «Ишқилиб Жабига бир кор-ҳол қилмаган бўлса бас».

— Оҳ-ҳо, Ҳасан, салом! Бу ерда нима қилиб турибсан?

Жабининг қувноқ овози хаёлимни бўлди. Кўп йиллардан бери Жабини кўрганимда бунчалик севинч билдирмагандим. Уни сог-саломат ва қувноқ кўрганимдан юрагимнинг безовталиги бирдан йўқолди.

— Сени кутаётгандим, Жаби!

У бирдан ўзини жиддийликка солди:

— Ҳа, бирон нарса керак бўлиб қолдими? Оёқ кийим олмоқчимисан? Ҳозирча янги мол йўқ. Келаси ойга олмоқчимиз. Ўшанда келасан. Ўзи охириги пайтларда бизга ҳеч тузукроқ нарса беришмаяпти. Ўзинг биласан, берганда ҳам бекорга беришмайди.

Жаби машинасининг қора лак суртилган жойларини сийпаб, деди:

— Кўриб турибсан, машинамнинг не қолга тушганини. Ремонти ҳам ўзи икки минг уч юз сўмга тушди. Ҳа майли, шуям пулми...

Жаби гапидан тўхтамай машинасига ўтирди:

— Ҳасан, хафа бўлмайсан, дўстим. Ҳозир бир иш билан кетаётгандим. Бўлмаса уйингга обориб қўярдим.

— Бе-е, қўйсанг-чи, Жаби, саломат бўл. Мен ҳали бир оз шаҳар айланмоқчиман.

Бинафшаранг «Жигули» кенг йўлга чиқиб машиналар оқимига қўшилиб кетди. Магазиннинг ёнида турганча унинг кетидан қараб қолдим. «Жигули» узоқлашган сари ранги тобора қораяётганга ўхшарди. Тим қора. Ўша узоқликдан мен болалигимда йўқотган сиёҳдонимга жуда ўхшаб кетарди. Ичида қора сиёҳи бўлган йирик сиёҳдонга. Мен умримда бунақа қора сиёҳни ҳеч учратмагандим.

МЕТАМОРФОЗА

Доктор Нозим қабулига келган мактабдоши Фарзандни диққат билан текшириб кўргач:

— Касалинг невроз экан,— деб диагноз қўйди.

— Бу нима дегани, доктор?

— Касалликнинг бир тури, асабийлик.

Фарзанд докторга қараб оқ ғилоф қопланган курсида ўтирганча узоқ мингирлади. Ниҳоят, ўрнидан туриб қадини ростлади. Беморнинг бўйи нақ шифтга етай дерди. Доктор унга пастдан-юқорига разм солганди. У беморнинг гавдасига ҳайратланганди. Во ажабо! Яқин орада бундай баҳайбат гавдани кўрмаганди. Доктор уни цирк майдончасида ўзини намоиш қилиб турган филга ўхшатди. Унга биргина хартум етишмасди, холос. Фарзанд нима жин уриб, бундай аҳволга тушиб қолди экан-а?! Қовоқлари ҳам анча салқибди. Биров унинг шалпанг қулоқларини орқадан ёпиштириб қўйгандек. Юзи, боши сип-силлиқ. Қошларининг сийраклиги бирдан кўзга ташланарди. Япасқи бурни дўрдоқ лабларини босиб турганга ўхшарди.

— Демак, менинг тинчимни бузаётган шу невроз экан-да?!

— Ҳа, шунга яқинроқ. Қон босиминг ҳам ошиб кетибди.

Фарзанд бошини тебратди:

— Бўлиши мумкин... Ишим бошимдан ошиб кетди. Агар ишимни танқид қилишмаганида эди, аҳвол бу даражага бориб етмасди.

— Э-ҳа...— деди-да, доктор фенендоскопининг ре-
зина учларини қулогидан чиқарди:— Невроз ўзи ма-
на шунақа пайдо бўлади, дўстим.

— Бунинг давоси нима, доктор?

— Давосими?.. Ҳар нарсани юракка олмаслик ке-
рак. Буни бажариш мушкул иш албатта...

— Нега?

Доктор столи ёнига келиб, кўзойнагини тақди. Сўнг
Фарзандга қарамай, гапира бошлади:

— Шунинг учунки... инсон жуда ҳам таъсирчан-
дир. Ўз атрофидаги нарсаларга лоқайд қаролмайди:
кўради, эшитади, тушунади. Нимадандир хурсанд бўл-
са бошқасидан хафа бўлади, асабийлашади. Шундан
кейин бош огриб, юрак санчийди. Ҳатто... баъзан ин-
фаркт, баъзан бунданам даҳшатли ҳол рўй бериши
мумкин, азизим. Афсуски, бош, юракни кўричакдек
кесиб ташлаш мумкин эмас. Иккови ҳам инсон учун
керакли аъзо.

— Булардан қайси бири кўпроқ зарур, доктор?

— Одамига қараб.

Қабулхона озода, шинам эди. Паркет пол, дори
шкафлари ярақ-юруқларди. Қабулхонада шундай со-
кинлик ҳукмрон эдики, ҳатто докторнинг шитирлаб
ёзиши ҳам эшитилиб турарди.

Фарзанднинг эсида... Икковлари вақтида бир ма-
ҳаллада истиқомат қилишарди. Баъзан мактабга ҳам
бирга бориб, бирга қайтишарди. Нозим ундан икки
синф юқорида ўқирди. Фарзанднинг зеҳни пастроқ эди.
Унга тез-тез дакки бериб туришарди. Бир нарсани би-
либ олгунича тихирлик қилавериб, тинкани қуруттар-
ди, аммо уни «фаросатсиз», деб ундан кўп аччиқла-
нишмасди.

Ҳаммалари мактабни битириб кетишди. Орадан
йиллар ўтди... Фарзанд ўртоқларидан эшитса, Нозим
мана энди доктор бўлиб районда ишлаётган экан...

Тақдир тақозоси билан бугун тасодифан учрашиб
қолишди. Фарзанд ўзини паст тутгиси келмай, калон-
думоглик билан ўзини таништирди. У: «Менам сендан
кам эмасман...»— деб кўнглидан ўтказиб қўйганди.
Шунинг учун ҳам мактабдошини тўғридан-тўғри Но-
зим, деб ўтирмай «доктор», дея мурожаат қилганди.

Доктор бошини кўтариб сўради:

— Нечага чиқдинг?

Фарзанд дўппайган қорни устидаги қайишини ушлаб, у ёқ-бу ёққа тортиб қўяркан:

— Қирқ бешга!— деб жавоб берди.

— Йигит кишининг айна қирчиллаган палласи бу! «Қирқ ёш — ёшликнинг камолоти, эллик ёш — кексаликни ёшлигидир». Бу ҳикматли сўзни Виктор Гюго айтган. Сен ҳозир ёшликнинг навқиронлиги билан қариликнинг бошланишида экансан.

— Доктор, агар хўп десанг, ўшангайм ўзимни бир кўрсатсам.

— Кимга?

— Виктор деганингга-да. Зўр докторми у?

Доктор узоқ вақтдан бери кўрмаган дўстининг савия даражасини дарҳол пайқаб олди.

— Мутахассислигинг нима?

— Олимман.

— Олимман?!— ажабланди доктор ва тезда ҳайратланганини билдирмасликка тиришиб:— Жуда яхши... Эл учун керакли одам экансан,— деди.

Фарзанд гапига озгина ўзгартиш киритди:

— Биласанми... Олим деганим... неча йилдирки, диссертация ёзиш тараддудидаман. Ҳатто яхши бир мавзу ҳам топиб қўйганман. Лекин ҳали ишни бошлаганимча йўқ, доктор. Катта бир совхозда агрономман.

Доктор ўрнидан туриб Фарзанднинг ёнига келди-да:

— Витаминдан йигирмата укол оласан. Уколни ҳар куни қилдирасан. Яна дори ёзиб бераман. Овқатдан олдин уч маҳал ичасан,— дея муолижа қогозини унга узатди.— Тез-тез тоза ҳаводан ҳам фойдаланиб тур. Сўнг яна бир келарсан, кўриб қўярман.

Фарзанд афтини бужмайтириб:

— Доктор, уколдан қўрқаман-да. Ҳечам қилдирмаганман. Агар асабийлашмасам, бош огриғи ўтиб кетади,— деди.

— Айтганимни қилолмайсан-да.

— Ҳаммасини дўндираман.

Доктор қўлини оқ халатининг чўнтагига солиб, елкасини қисди.

— Нимаям дердим?.. Қирқ беш ёшда асабийлашмаслик?! Бу тиббиёт оламида ғалати бир янгилик бўларди.

— Дунёнинг дарду ғами менинг бошимга тушиб қо-

либдими!— эзмалик қила бошлади Фарзанд.— Эртадан бошлаб беғамлик йўлига ўтиб оламан. Юрағимга ҳеч нарсани олмайман. Менам дунёнинг бир гаштини сурай. Менга деса дунёсига ўт тушиб кетмайдими! Дунёга икки марта келармидим...

— Ҳа, буни оғизда гапириш осон-а, азизим, лекин ҳаёт эса бунинг тамоман акси. Бу дунёда ғам-ташвишсиз яшаш асло мумкин эмас.

Фарзанд докторга ажабланиб қаради.

— Жуда мумкин-да! Мен шундай яшайки, сен томоша қилгин!

— Яшашдан мақсадинг нима?

— Менга аввало жон керак! Мақсади билан неча пуллик ишим бор. Худонинг даргоҳи кенг.

Доктор ётиғи билан тушунтира бошлади:

— Хўп, яхши азизим! Аммо ҳар нарсага лоқайд қаралса, киши одамгарчиликдан чиқиб қолади-ку!

— Ўлмайди-ку лекин!

— Рост, жисман ўлмайди, лекин ҳиссиз бир кесакка айланади.

— Менга худди шундай ҳаёт керак. Худо ҳаққи!..

Фарзанд энди кетишга чоғландию остонада яна тўхтаб қолди.

— Доктор, мен ҳам бир савол берсам майлими?

— Марҳамат.

— Сен ўзинг асабийлашмаслик учун нималар қиласан?

Доктор кўзидан кўзойнагини олиб қўяркан, оппоқ мўйлови остидаги лабида кинояли табассум пайдо бўлди.

— Ғалати савол бердинг-ку! Инсон ҳеч вақт ташвишсиз яшай оладими? Ҳузуримга келган беморнинг ташвиши менинг ташвишим эмасми?— деди-да, қўллари билан оппоқ сочини силади.— Бўлмаса бу сочлар барвақт оқармаган бўлармиди, оғайни!

Фарзанд докторга тикилиб қаради.

— Тўғри... Сочларинг жудаям оқариб кетибди. Кўрган одам сенга отамнинг ёшини беради.

— Баракалла... Мен беғам, кишиларнинг ташвишсиз яшай олмайман.

Фарзанд эски костюмига мос тушмаган шляпасини бошига қўндириб, аста-секин эшикка одимларкан:

— Яна келарман, доктор. Ҳозирча... Сен ҳам ўзингга эҳтиёт бўл. Биз халқ учун керакли одамлармиз,— деди.

* * *

Фарзанднинг текширган мактабдоши Нозим оддий докторлардан эмасди. Рецепт қоғозига қора ҳарфлар билан «Тиббиёт фанлари доктори, профессор Н. Мамадзода», деб ёзиб қўйилганди. Ўзиям доктор Фарзандга жуда меҳрибонлик билан қаради-да... «Ҳар нарсани юрагингга олма», «Сен халқимизга керакли одамсан!» Қаранг-а, бу гапларни нақ профессорнинг оғзидан эшитди-я!

Фарзанд то уйига етиб боргунча ўйланиб кетди: «Шу пайтгача ўз қадримни билмаган эканман. Иш шу даражага бориб етибдики, невроз деган касалликка мубтало бўлибман. Бунга бош ва юрак чидайдими?»

Эртаси куни Фарзанд совхозга ишга чиққач, аввало, идорадаги машинистка қизнинг ҳузурига кирди. Тортмадан бир варақ оқ қоғоз олиб унга узатаркан:

— Қани, манавини машинкангга сол-чи! Икки оғиз сўз ёзасан!— деди.

Қиз буйруқни бажариб:

— Мана, ҳозир,— деди.

— Ёз! Катта-катта ҳарфлар билан ёз! «Ҳар нарсани юрагингга олма, Фарзанд!» Ундов. «Сен халқимизга керакли одамсан». Яна ундов. «Профессор Н. Мамадзода».

Қиз қоғозни машинкадан чиқараётиб, Фарзандга узатаркан, унга ажабланганча тикилиб қаради:

— Ҳеч нарсани тушунмадим. Бу нима ўзи?..

— Э, ҳали сенинг тушунишингга етти қовун пишиғи бор, қизча,— деди у.— Невроз касали бошингга тушганда биласан!— У гап билан ҳам қизни лол қолдиргандек бўлди.

Ана шундан кейин... Фарзанд докторнинг сўзларини ёздириб олган қоғозни худди тумордек ўзи билан бирга олиб юра бошлади. Асабийлашган пайтларида дарров қоғозни ёнидан олиб, кўзининг рўпарасига қўйиб қўярди. Халққа керакли одам эканлигини эслаб, анча ҳовридан тушарди.

Фарзанд илгаригидек жонини жабборга бериб иш-ламасди. Ўзига қарашли совхозда тоза ҳавонинг гаш-тини суриб, дўппини яримта қилганча юраверди. Бир куни директор уни ўз хонасига чақириб, бошдан-оёқ разм соларкан:

— Ўртоқ агроном, бу қанақаси бўлди, экинларга вақтида сув берилмаяпти. Сувсизликдан экинлар қов-жираб қоляпти-ку! Сен бўлсанг эртадан-кечгача ялло қилиб юрибсан. Шуюм ишлаш бўлдимиз?— деб даш-ном берди.

Директор кўп гапирди. Агроном бўлса пинагини бузмади. Ғиқ этмай ўтираверди. Ён чўнтагидан қоғоз-ни чиқариб, ичида ўқиди: «Ҳеч нарсани юрагингга олма, Фарзанд! Сен халқимизга керакли одамсан. Профессор Н. Мамадзода».

Ой охирида совхоз плани бажарилмади. Фарзанд-нинг ҳам обрўси туша бошлади. Унинг роса пўстагини қоқишди. Бироқ у парво қилмади. Яна ёнидан қоғозни олиб, унга тикилди...

...Фарзанднинг ишини текшир-текшир қилдилар. Ҳайфсан бердилар. Ҳатто, мансабини пасайтирдилар. У яна пинагини бузмади.

Унинг бош оғриги бир оз қолганди. Юраги эса тош-дек қотганди. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмасди. Кинояли сўз дейсизми, ширин гап дейсизми, кесатиқ-ми, барибир, унга ҳеч нарса таъсир қилмасди.

Фарзанд иштаҳа билан овқатни паққос тушириб, девдай пишиллаб ухларди, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Қоғоздаги сўзлар унга дунёдаги ҳамма дори-дармондан ҳам кучли таъсир этарди.

* * *

Фарзанд бу гал докторнинг ҳузурига келиб, тек-ширтирганда соппа-соғ чиқди.

— Уколларни олдингми?— сўради доктор.

— Бе, йўғ-е!

— Дориларни ичдингми?

— Бе, жинни бўлибманми ичиб!

— Ия, бўлмаса нимадан тузалдинг?

Фарзанд чўнтагидан қоғозни чиқарди-да, докторга кўрсатиб деди:

— Мана бундан. Ҳеч нарсани юрагимга олмадим, холос.

Доктор ҳайрон бўлиб қолди. Фарзанд бутунлай ўз-ғариб кетганди. Ташқи қиёфасида аллақандай совуқ ва лоқайд ифода намоён эди.

— Профессор, хоҳласанг бақиргин, уришгин мени!

— Нега?

— Чунки шундай ҳолда олдингга келганлигим учун. Қотиб қолганман. Ҳеч қанақа сўз менга таъсир қилмайди. Синаб кўр.

Бундай одам устида тажриба ўтказишга доктор рози бўлмади. Фарзанд яна гапида давом этди:

— Ўқувчилик давримизда менга нималар демасдинг! Энди сенга нима бўлди?

Доктор дам жаҳли чиқиб, дам жаҳлдан тушиб:

— Кўп минғирлайверма!— деди.

Фарзанд яна қўлидаги қогозга тикилди.

— Беғам! Фаросатсиз! Тепса тебранмас!

Бу сўзлар худди деворга айтилгандек эди. Докторнинг рўпарасида қирқ беш ёшга кирган нотаниш бир одам турарди!

— Профессор, энди менда невроз-певроз деган касаллик бўлмас-а?— деди Фарзанд имтиҳондан муваффақиятли ўтган ўқувчидек.

Доктор қатъий фикрини айтди:

— Илгариги суҳбатимизни бир эслагин-а!

— Инфаркт-минфарктни айтяпсанми?

— Ҳа, ўлма, биродар! У касалдан энди мутлақо халоссан.

* * *

Фарзанднинг фақат ишдамас, ҳатто уйдаям, кўча-даям, бозордаям бепарволик йўлига ўтиб олгани кўзга яққол ташлана бошлади.

Эридаги бу тепса тебранмасликни кўрган хотини безовта бўлиб қойиди:

— Ҳой, қандай одамсиз? Уй-рўзгорни, бола-чақани ҳеч ўйлайсизми? Қачонгача уйга сапиллаб кириб, сапиллаб чиқасиз? Гап гапирса, парвойи фалаксиз! Иш шу зайлда кетаверса, сизнинг кимга керагингиз қолади? Халққа нима нафтингиз тегади?..

Фарзанд хотинига жавоб қайтариш ўрнига, ёнидан қоғозни олиб уни ўқий бошлади: «Ҳар нарсани юрагингга олма, Фарзанд! Сен халққа керакли одамсан! Профессор Н. Мамадзода!»

Орадан ойлар ўтди...

Қўшинининг уйига ўт тушиб кетди, аммо Фарзанд ақалли ташқарига ҳам чиқмади. Кўчада машиналар бир-бирига урилиб, урён-сурон бўлди, лекин Фарзанд яна пинагиниям бузмади. Узоқ-яқин ўлкаларда урушлар бошланди, қон тўкилди, бироқ бу воқеалар ҳам Фарзандга заррача таъсир этмади...

Кунларнинг бирида унинг онаси қазо қилди. Аммо у шунда ҳам кўзидан қатра ёш чиқармади. Кампирни қариндошлари дафн этишди. У асабийлашмаслик учун марҳумага расму русум ўтказиладиган жума кунлари уйдан чиқиб кетишни одат қилди. Ниҳоят, кўп ўтмай ўз ҳисобидан отпусқа олиб, курортга жўнаворди.

Фарзанд доктор ҳузурига учинчи маротаба алланечук ташвиш билан келди.

— Жон профессор, менга ёрдам қил! Мен бошқа бир касалга чалиниб қолганга ўхшаяпман.

— Ҳа, тинчликми? Нима қилди?

— Нима бўлганига ўзимам ҳайронман. Назаримда... қулоқларим ўсиб, менга оғирлик қилаётгандай... бошимни пастга тортиб кетяпти, қулоқларим...

Доктор унга ачинган ҳолда тикилди:

— Тушунарли!.. Метаморфоза!

— У нима дегани, профессор!

— Метаморфоза, юнонча сўз бўлиб, биологик томондан олиб қаралганда, одам бўлиб одамга ўхшамаслик, дегани.

— Тушунмадим, очиқроқ гапирсанг-чи!

Докторнинг очиқ гапиргиси келмади.

— Кўнглингга оғир ботади, деб қўрқаяпман!

— Бу ёгидан хотиржам бўлавер, профессор, менга ҳеч қандай сўз кор қилмайди.

— Демак, тўғриси айтсам хафа бўлмайсан-а?

— Асло!

— Бўлмаса қасам ич!

Фарзанд семиз қорнига шапатилаб уриб қўйди-да:

— Шу азиз жоним ҳаққи-ҳурмати кўнглимга олмайман,— деди.

— Ундай бўлса эшит,— дея сўзлай бошлади доктор.— Ҳов, бирда ёнимга келганингда, сенга айтгандим-а, боқи бегамлик, лоқайдлик инсонни одамгарчиликдан чиқаради, деб тўғрими?

— Тўғри, профессор.

— Бунақада одам жисман яшаса-да, ҳиссииз бир кесакка, айланади, деганимдими?

— Айтгандинг, профессор.

— Сен бўлсанг, ана шундай аҳволга тушиб қолибсан. Мени кечиргин, дўстим, лекин мана энди қулоқларинг кунба-кун узаяверади.

Фарзанд одамгарчиликдан чиққанини профессорнинг огзидан эшитганида асабийлашгандек бўлди, лекин тезда қогозни олиб: «Ҳар нарсани юрагингга олма, Фарзанд. Сен халқимизга керакли одамсан...» деган ёзувни ўқигач, кўнгли бир оз таскин топди.

— Хўш, бунинг давоси нима?— дея доктордан сўради у.

— Афсуслар бўлсинки, энди мен сени даволай олмайман. Бу соҳада асло тажрибам йўқ.

Фарзанд гапга тушунмади.

— Хўш, энди мен нима қиламан? Дардимга ким шифо топади?

Доктор индамай қогозга алланимани ёзиб, Фарзандга узатди:

— Ўзингни манави докторга кўрсат. Тажрибали муттахассис.

Фарзанд доктор хонасидан чиққач, у айтган жойни излаб топди. Профессор уни мазах қилганди. Эшикдаги лавҳачада «Руҳий касалликлар доктори», деб ёзиб қўйилган эди.

«ДАЛА ЧУЧВАРАСИ»

Пахта теримининг илк палласи эди. Деҳқонлар баҳор ва ёз бўйи чеккан заҳматларининг қувончли якунидан баҳра олиб сўнгги ҳужумни бошлаб юборгандилар. Инсонларнинг хуш кайфиятига ҳамоҳанг ўлароқ, ғўзалар ҳам оғиз очиб, ғўё мамнун жилмаяётгандай бўларди.

Оламни чароғон этмоқ ва мовий самога мутлоқ ҳоким бўлмоқ илинжида тоғ ортидан бош кўтарган қуёш ҳали айтарли баландламай туриб, пахтазорни ёнлаб ўтган йўл бошида бир одам қораси кўринди. У — колхоз раисининг ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги ўғли — пайкалга яқинлашиб отасини излади. Шийпондан тополмай, дала адогидаги қатор дарахтлар томонда кўринаётган одамлар сари юрди. Отасига кўзи тушгани ҳамон, салом беришни ҳам унутиб, ҳовлиққанича гапир кетди:

— Дада, меҳмон келди. Тезда борар экансиз.

— Меҳмон? Оббо... Бемаврид келган меҳмон ким бўлди экан? — деди раис ўзига ўзи. Сўнг ўғлига қаради: — Сен нимага мактабга бормадинг?

— Меҳмон амаки мени мактабдан чақириб олиб, бу ёққа югуртирдилар.

— Меҳмонни танимадингми? Қаердан келибди?

Бола кўзларини қисганча нималарнидир хотирлагандай бўлди. Кейин бир нарсадан кеч қолаётгандай шошиб жавоб берди:

— Ўзи пакана, семиз киши экан. Мўйлови сап-сарик. Қоши билан киприклари ҳам сарик. Бошида шля-

паси бор. Қўлида каттакон портфель. Машинада келибди. «Шаҳардан вакилман», дейди.

— Ҳа... тушунарли. Вакил бўлсалар қадамларига ҳасанот. Шаҳарлик биродарларимизга раҳмат, қизгин паллада ёлғизлатиб қўймайдилар... Вакил экан, нимага бошлаб келавермадинг?

Бола жавоб беришга улгурмай, бригадир ота-боланинг суҳбатига аралашди:

— Ҳориб қолгандир-да, ахир шаҳардан келгунча озмунча йўл босадими? Ўзингиз пешвоз чиққанингиз дурустмикин, ҳар ҳолда бизни деб келган.

Раис яримлаган этакни ерга қўйишини ҳам, қўймасликни ҳам билмай турган хотинига қаради:

— Уйда егулик бирон нарса борми ўзи?

— Тайёр таом йўқ. Шу пайтда меҳмон келиши тушимга кирибдими?

— Оббо... энди нима қилдик?

— Янғамиз ҳам бора қолсинлар, сиз идиш-товоққа қарайсизми, меҳмонни кўнглини овлайсизми?

Бригадир раиснинг дилидаги гапни айтган эди. У хотинини олиб колхоз марказига қараб кетди. Қишлоққа етишгач, раис вакил билан учрашмоқ учун идорага, хотини эса, меҳмонга атаб дастурхон тузаш учун уйга йўл олди. Дарслар тугаб қолгани сабабли бола мактабга бормай, онасига эргашди. Шаҳарлик вакилни дастлаб раис эмас, балки хотини кўрди. Меҳмон кимсасиз идорада ўтиришни лозим топмай, ортиқча манзират, иззат талаб қилиб ўтирмай, раиснинг уйига келаверган эди. У шляпасини, пиджагини ва портфелини камоли қоида билан ёнғоқнинг пастак бутоғига илиб, темир чорпоянинг бир четига омонат ўтирганича тинмай ёнғоқ чақарди.

Дарҳақиқат, у қишлоққа ташвишли паллада теримчиларга кўмак бергани бошқа вакиллардан фарқли ўлароқ, алоҳида ҳавас билан келган эди. У юмушининг кўпайиб кетгани, ёинки мазасининг қочгани, ёки бўлмаса оилавий ташвишлар билан ўралашиб қолганини важ қилиб, қишлоққа боришдан бош тортадиган вакиллардан ҳамма вақт кулиб юарди.

— Воллоҳ!— дерди у икки кафти билан чаккасини ушлаганича.— Бепул истироҳатдан, жаннатий иззат-икромдан бўйин товлашларингга ҳайронман! Колхоз деса юракларинг мунча така-пука бўлмаса? Нима,

қишлоққа бориб эгилиб-букилиб пахта терармидиларинг! Борган еримизда соямизга кўрпача солишса, ўзимиз хон — кўланкамиз майдон бўлса, қайси ақл билан бундай имкониятдан воз кечяпсизлар? Тўғри, колхозга фойдамиз ҳам тегиши керак. Масалан, вақтида еб-ичиш тажрибамизни ўргатишимиз мумкин, а, лаббай! Пахтадан эса хавотир олмасак ҳам бўлади. Қирқига чидаган азаматлар, қирқ бирига ҳам чидаб, ўзлари топ-тоза қилиб териб олишади.

Мана шу «ғоя»сига содиқ қолган вакилнинг бир пой ботинкасини ечиб олиб, пошнасида ёнғоқ чақиб ўтирганини кўрган уй соҳибаси аввалига ҳайрон бўлди. Тўғрироғи, вакилнинг ҳовлига ўзича кириб келиши, ялпайиб ўтириб олиши, тинимсиз ёнғоқ чақишидан ғижинди. Шу сабаб саломлашишни ҳам истамай, чор-пояни паналаб ўтиб, ошхонага кириб кетди.

Бир оздан кейин раис келди. Тез юргани учун терга ботган раис ҳам ёнғоқ чақиб ўтирган меҳмонни кўрди-ю, остонада таққа тўхтади. Вакилнинг ҳаракатларини пича кузатиб турди. Бир томондан, киши уйига келган меҳмон яхшими-ёмонми, очиқ чеҳра билан кутиб олиши шарт. Иккинчи томондан, раис дегани вакилга илтифот кўрсатмаса бўлмайди. Мана шу икки мажбурият уни қўлларида маҳкам ушлаганича чор-поя сари судради. Аммо меҳмоннинг бемаврид келишидан норизо эканини товуши ошкор қилиб қўйди. Салом жуда паст, бўғиқ чиқди.

Вакил сесканиб тушгандай бўлди. Аммо сир бой бермади. Аста орқасига ўгирилиб қаради. Ботинкасини чап қўлига олди-да, ўрнидан турмасданоқ раис билан омонлашди.

Оғзидаги ёнғоқ магзини лиқ этиб ютгач, тилга кирди:

— Бу қанақаси, ўртоқ раис? Қишлоқни ўз ҳолига ташлаб, қаерларда юрибсиз? Уйингизда ҳам зог йўқ. Кўтариб кетса биров билмайди.

Ҳе йўқ, бе йўқ, вакилнинг бу оҳангда гап бошлашидан раис гарангсиз қолди.

— Далада эдим,— деди у тутилиб.— Ҳозир қишлоқда қиладиган иш йўқ. Ҳамма далада. Ўша ерда турмасам бўлмайди.

— Ҳм... Тўғри-ку, лекин... Хўш, пахтанинг чўғи қалай? Ёнғоқ чакки эмас, дурустгина ҳосил қилибди.

Пахтангиз ҳам шундай бўлса ваъдани ўринлатишингиз тайин.— Вакил раисга гал бермай, сўзига сўз уларди.— Озуқа масаласи қандай? Чорвага етарлича силос бостирилгандир? Дарвоқе, ўртоқ раис, фақат далага эмас, сал ён-верингизга ҳам қараб-қараб қўйишингиз лозим. Мана, янги ўқув йилига етарли тайёргарлик кўрмабсиз. Менга мактаб қўнғироғи мутлақо ёқмади. Ҳаддан ташқари секин жиринглар экан. Мактаб қўнғироғи жиринглаши эмас, жаранглаши керак! Болаларда яхши кайфият уйғотадиган нарса худди шу қўнғироқ жаранги бўлади, азизим, буни сира унутманг. Билишимча, паррандачилик бобида камчилигингиз йўқ,— ўз ақлини, билимини шу зайлда намойиш этаётган вакил ёнғоқ пўчоқларини тўплаб сиқимлади-да, нарироқда гўнг титкилаётган товуқлар томонга отди.— Анчадан бери анави макиёни кузатиб турибман. Ёмон эмасга ўхшайди. Аммо анави қирмизи хўрозча сал безовталаняпти, сезяпсизми? Меъёрдан кўпроқ семириб кетган-да. Мана шунақаларини товоқи қилсанг борми! Бай-бай-бай. Мазаси бир умр оғзингда қолади.

Вакилнинг бирданига камчиликлардан сўз бошлаши раисни хийла довдиратиб қўйган эди. Унинг сўнги гапини эшитгач, чеҳраси очилди. Ўзича: «Гапга тушунадиган одамга ўхшайди», деб қўйди-да, вакилга маъқул келган хўрозни қувиб кетди. Ёши элликларга бориб қолганига қарамай, чаққонлик билан уни бир зумда тутиб ҳалоллади.

— Шунини айтганмидингиз,— деди у пичоқнинг қонини хўроз қанотига артаркан,— ўзи ҳам бошқаларга кун бермас эди. Яхши одамнинг насибаси экан...

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди,— вакил шундай деб пўчоққа қўшиб ботинкасини ҳам пастга ташлади.— Бу йил мевачилик бобида тузукроқ натижага эришгандирсизлар? Узумнинг ҳосили қандай? Мусаллас ҳам солгандирсизлар?

— Бўлмасамчи!— деб кулди раис.— Давлатингиз соясида бекор юрганимиз йўқ. Нолимаймиз, тўқис-тугалмиз.

Мезбон илтифот қилиб ботинкамни олиб берар, деган илинжда ўтирган вакил раиснинг ошхона томонга юрганини кўриб афтини буриштирганича ўрнидан турди.

— Манавини бир қўлбола қил,— деди раис бўйнидан қон томиб турган хўрозни хотинига узатиб. Аёл эрининг қўлидан хўрозни олиб хонтахта устига қўйдида, ҳайронлигини яширмай сўради:

— Дадаси, бунингиз аввалги вакилларга ҳеч ўхшамайди, а?

Раис чорпояга қараб олиб жилмайди.

— Беш қўл баравар эмас. Пешонамизга шунақа вакил битган экан. Ишингни қилавер...

* * *

— Саломат бўлғайсиз!— деди вакил бўшаган қадаҳни қўйиб газак қилиб олгач. Кейин таклиф кутиб ўтирмай қизариб пишган товоқини танаввул қила бошлади.— Қолхозингизни менга биркитиб қўйишибди. На илож! Ишим бошимдан ошиб-тошиб ётса ҳам кўндим. Бу ерда сизлар қаҳрамонларча меҳнат қиласизлару мен биқиним оғрияпти, қўлим оғрияпти, деб баҳона қилиб шаҳарда юрайми? Йўқ, азизим, бунга виждоним йўл қўймайди. Энди қишлоққа келгандан кейин текин. томоқ бўлиб ўтирмай, ишлаш ҳам керак, шундайми? Балли. Унумли ишлаш учун эса, шароит яратиш лозим. Яъни, эртадан эътиборан, каминалари учун битта хона ажратиб берасиз. Телефони ҳам бўлсин. Чунки, шаҳар билан доимо алоқада бўлиб туришим керак. Ўзингиз миниб юрган машина... йўқ, йўқ, менга машина зарур эмас. Фақат ўглингиз бир неча кун мактабга бормай турса бас. Менга дастёрлик қилади. У ёқ-бу ёққа бориш керак бўлса, ўглингизни юбораман. Ундан кейин хонамга албатта радиоприёмник зарур. Дунё янгиликларидан ҳамиша бохабар бўлиб туришим шарт. Қишлоқ врачлари ёнимга баъзан келиб турсин. Юрагим сал хастароқ, яна товонимга қолиб юрманглар. Ҳа, айтмоқчи, яна бир саводлироқ одамни менга котибликка ажратинг. Фармойишларни айтиб тураман, у ёзиб олиб сизга етказди. Мана шу арзимас нарсаларни муҳайё қилиб берсангиз бас, планни юз эллик қилиб дўндирдик, деяверинг. Қани, яна бир қуйинг-чи. Энди бу қадаҳни иссиқ жойи, оиласи, ишларини ташлаб, қишлоқдаги биродарларига кўмакка отланганларнинг саломатлиги учун ичамиз!

Оқшом тунга уланди. Вакилнинг гапи тугамас, унинг ҳали-вери ётиб тинчийдиган сиёқи йўқ эди. Раис дам-бадам эснаб қўяр, хотини эса, айвон устунига суянганича мудрарди. Вакил товоқдаги таомни пок-покиза тушириб бўлгач, уй соҳибаси эшитсин учун овозини сал кўтариб сўз бошлади:

— Баъзан қишлоқдаги биродарларимизнинг хатти-ҳаракатига тушунолмай қоламан. Меҳмоннинг шарофатига қўй-қўзи сўйишадию унинг ичак-чавоғини ташлаб юборишади. Кабобдан олдин озгина жиз-биз қилинса борми... Ҳам иштаҳа очилади, ҳам меҳнат қилган киши сира толиқмайди. Бу борада сизларда аҳвол ўзгачадир, а?

Фикри ёди теримда бўлган раис унинг гапларини эшитмаётган эди. Шунинг учун «Қайси борада» деб сўради.

— Жиз-биз борасида,— вакил гапларни эринмай чертиб-чертиб қайта такрорлади.— Мабодо, эртага қўчқор сўйгудай бўлсангиз, ичак-чавоғи билан жигарбуйрагини ташлаб юбормай, менга беринглар. Жиз-биз қанақа бўлишини ўргатиб қўяман. Мен бу ерда қишлоқ пазандачилиги маданиятини юксалтиришга ҳам ҳисса қўшмоқчиман. Пахта билан пазандачилик бево-сита бир-бирига боглиқ. Яхши овқатланмаган одамлар далага чиқса, албатта терим суръати паст бўлади, тўғрими? Дарвоқе, қишлоқда ҳаммом, сартарошхона борми?

— Бўлмаса-чи! Ҳамма нарса бор.

— Айни муддао! Демак, эртага ишни ҳаммомдан бошлаймиз. Йўлда илаштириб келган чанг-чунгдан холи бўламиз. Колхозчиларга маданиятсиз бир аҳволда рўпара бўлиш яхши эмас. Чунки, бир томондан биз сизга маданият бобидаги тажрибамизни ҳам ўргатамиз.

Раис наҳорда «жиз-биз» учун зарур нарсаларнинг барчасини тахт қилди-да, ўзи шошганича далага чиқиб кетди. Уй соҳибаси эса меҳмонга нонушта тайёрламоқ учун қолди. Меҳмоннинг уйқудан уйғонишини соҳиба билан бирга хизмат учун ажратилган қария ҳам кутди. Бу қария биринчи галда вакилни ҳаммомга, сартарошхонага олиб бориши, сўнгра котиб вазифасини ўташи, яъни огзаки фармойишларни раисга ёки бўлак колхозчиларга етказиб туриши, энг муҳими кабоб пи-

шириши, пазандалик вазифасини сўзсиз адо этиши лозим эди.

Вакил пешинга яқин уйқудан туриб, нонушта қилди. Кун бўйи қария ёрдамида йўлда йўқотган «қувватини тиклади». Кечқурун раис келиб бир ютум чой ичмасдан: «Эрталаб колхозчиларни клубга тўпланг, митинг ўтказамиз», деб фармойиш берди.

— Терим бошламай туриб катта йиғин ўтказганмиз,— деди раис норози оҳангда.— Ким билан ким мусобақа ўйнадию ким қанча мажбурият олади, ҳаммасини аниқлаб қўйганмиз. Шу топда қайта мажлис қилиш шартми?

— Шарт!— деди вакил раиснинг эътирозини кескин рад қилиб.— Митинг ўтказишим зарур! Уртоқ раис, мен сизнинг ишингизга аралашмаяпман, а? Марҳамат қилиб сиз ҳам менинг ишимга аралашманг. Сиз митингнинг қудратини ҳали ҳам билмас экансиз. Эртага терилган пахта лагандаги паловдек уюлади. Қайси йили бир колхозда паловхўрлик қилгандик. Думғазасининг мазаси ҳали оғзимиздан кетмайди...

Раис унинг муддаосини тушунса ҳам, тайинли гап айтмади. Қаттиқ чарчаганига қарамай, бу кеч ҳадеганда кўзига уйқу келавермади. Ярим тунда энди кўзи илинган экан, хонанинг эшиги тақиллаб, вакилнинг овози эшитилди:

— Раис, малол келмаса бир белимни уқалаб қўйсангиз, шамоллаганга ўхшайман.

Раис газабдан ёрилиб кетай деди. Лекин ёрилишга ҳақи йўқ эди. Шу сабабдан, индамай меҳмоннинг хоҳишини адо этди...

Раис ўзи истамаса ҳам, саҳар туриб жамоани клубга йиғди. Одамлар вакилни кўп кутиб қолишди. Раис қанча уринмасин, митинг ўтказиш лозим бўлган вакилни уйқудан уйғота олмади. Теримчилар чека-чекдан туриб гапираверишгач, раис уларга жавоб бериб юборди. Шу ўтган вақт мобайнида терилиши мумкин бўлган неча тонна пахта чаноқларда қолди. Мана шунини ўйлаган сари раиснинг қони қайнарди. Ҳатто вакилнинг башарасига ҳам қарагиси келмай қолганди. Нонушта пайти чой ҳам ичмади. Вакил раиснинг тамадди қилмаётганига эътибор бермай, астойдил овқатланди. Оғзини сочиқ билан артгач, раисдан рози эканини маълум қилди.

— Демак, мажлисни кутмай далага чиқиб кетишибди-да? Айни муддао! Ниятим ҳам шу эди. Сиз одамларнинг ишдан бўйин товлаётганларини сездингизми, дарҳол мажлис чақиринг. Шунда мажлисга келишдан қўрқиб, тўғри ишга чиқиб кетишади. Мен идорада ҳаминша шундай қиламан. Мажлисининг дарагини эшитган ялқовларнинг ишга берилишини кўриб ҳайрон қоласиз. Уларнинг ишга нисбатан иштаҳалари, масалан, қўзи гўштидан қилинган димламага бўлган иштаҳадан ҳам ўтиб тушади.

«Одамларни бирпас ушлаб туришга қудратингиз етмасмиди, шунчалик ночормисиз?» қабилидаги сўзларни кутган раис вакилнинг бу гапини эшитиб, кулиб қўя қолди.

— Келинингиз кечаги таклифингизга мувофиқ палов қилмоқчи эди.

— Ҳечқиси йўқ. Димламани эртага еса ҳам бўлаверади. Биз бир кунда икки хил таом ейдиган тоифадан эмасмиз.— Вакил қизиқ гап айтгандай мириқиб кулди. Кейин бир оз овозини кўтарди.— Ҳозир ҳисобчини юборинг. Кейинги кунлардаги маълумотларни ола келсин. Райкомга ҳисобот юбориш керак. Мен айтиб тураман, ёзиб олади.

— Ие, бугун ҳам далага чиқмайсизми? Митингни пешин чогида шийпонда ҳам ўтказсак бўлаверади.

— Митингга энди ҳожат йўқ. Бу борадаги тажрибамни айтдим-ку, бўлди-да.— Вакил бирдан акса урди. Кейин кекирди.— Ўгилчани дорихонага юборинг, чой содаси топиб келсин. Жигилдоним қайнаяпти.

* * *

Беш кун бадалида вакил бир марта ҳам далага чиқмади. Унга дастурхон тузайвериб безор бўлган уй соҳибаси кечқурун эрига қатъий равишда: «Бас, етар, эртадан теримга чиқаман!» деди.

— Унда меҳмонга ким овқат тайёрлайди?— деди раис хотинининг аҳди қатъийлигини кўриб.

— Эрталаб чой-нонини бераман, майли, кечқурун келиб овқат ҳам пиширай, аммо тушликни шийпонга чиқиб эл қатори қилаверсин, ўлиб қолмайди. Нима, илгари вакил кўрмаганмидик? Бу ҳам мундай жойидан қўзғалсин-да.

Хотин ҳақ эди. Шунинг учун раис унга эътироз билдирмади. Эрталаб туриб нонушта тайёрлаб, дастурхонга ўрашди-да, эр-хотин икков далага чиқиб кетишди. Ўғил отасининг фармойишига мувофиқ бир варақ қоғоз олди-да: «Тушлик дала шийпонида бўлади»,— деб ёзиб, эшик тутқичига қистириб қўйди.¹

Меҳмон мезбонларнинг бу ишдан андак таажжубланди, аммо хафа бўлмади. Қорнини тўйгазиб яна хонасига кирди. Радиони бураб пахтакорлар учун берилаётган концертни маза қилиб тинглади. Сўнгра шаҳарга, уйга телефон қилиб, хотини билан гаплашди. «Туну кун темирчилар орасида юрганини» айтиб, «еб ичининг тайини бўлмаётгани»дан зорланди. Хотини унга чинакамига ачинди.

— Бугун уйда нима овқат?— деб сўради вакил.

— Чучвара тугиб қўйдим.

— Бахтли аёлсан-да. Истаган таомингни пишириб ейсан. Мен бу ерда овқатнинг мазаси қандай бўлишини унутиб қўяёздим.

Хотини унга тасалли берди. У айтадиган бошқа сўз қолмагач, хайрлашиб трубкани жойига илди-да, ёзув столига яқинлашди. Уй эгалари қолдириб кетган хатни ўқиб қўлларини ишқади. «Мана бу бошқа гап. Уйда чучвара бўлганидек, чучвара қилишаётган экан,— ўйлади вакил.— Лекин бу дала чучварасининг таъми қанақайкин ўзи? Сибир чучварасини тоғиб кўрганман. Катта-катта бўлади. Буларники ҳам шундайдир. Озгина сабр қилай-чи, ҳадемай тушликни тайёрлаб, олиб келишса керак». У ҳовлига чиқиб, чорпояга чўзилди.

Қуёш тиккага келди. Аммо мезбонлардан дарак йўқ эди. Вакилнинг кўзи илинган экан, димоғига овқат ҳиди урилгандай, қулоғига идиш-товоқ жаранги чалингандай бўлиб уйғонди. Ошхона томонга тикилиб ётди. Бироқ у ерда ҳеч шарпа сезилмайди. Асаблари таранг тортди. Шартли рефлекслар ишга тушиб, ичи таталанди. Ўрнидан туриб, ўзини чалгитиш учун севган машғулоти — ёнгоқ чақишни бошлади. «Дала чучварасининг пишиши қийин бўлади шекилли. Ёнгоқ иштаҳани бўғиб қўймаса гўрга эди», ўйларди у ёнгоқни тишлари орасига олиб, қарс-қарс чақар экан.

¹ Озарчада шийпон «душарка» бўлиб, чучвара «душбара» дейилади. Муаллиф ҳикоя давомида бу сўзлар орасидаги ҳамохангликдан сўз ўйини сифатида фойдаланади. (Таржимон изоҳи.)

Уй эгалари даладан қош қорайганда қайтишди. Аёл оқшом тадоригини кўрмоқ учун ошхонага кириб кетди. Раис эса чорпоя атрофини пўчоқ билан битта қилиб ўтирган вакилга томон юрди.

— Оқшомингиз фараҳли бўлсин, азиз меҳмон, нимага бу ерда ўтирибсиз?

Вакил раисга қарамай тўнғиллади:

— Қаерда ўтирай? Томга чиқайми?

— Биз сизни дала шийпонида кутгандик.

— Шийпонда? Оч қорин билан у ерга етиб олишни ўйлаб гапиряпсизми? Хасталигимни, меъдамнинг оғришини, юрагимнинг нозиклигини айтган эдим-ку?

— Биз тушлик қилгани борарсиз, деб ўйлагандик.

— Тушлик? Мен чучвара ейман, деб далага боришим керак экан-да, а?

— Қанақа чучвара?

— Ўзингизни гўлликка соляпсизми? Манави қозога нима деб ёзиб кетувдинглар?— Вакил шундай деб жаҳл билан дафтар варағини узатди.— Яна «дала чучвараси» эмиш!

Раис таажжуб билан қозонни олиб ўқиб чиқди-да, кулди:

— Дала чучвараси эмас, хато ёзилибди, «дала шийпони» деб ёзиш керак эди. Биз у ерда хушхўр мастава пишириб, сизни кўп кутдик. Бормаганингиз чакки бўлди.

Бакилнинг кўзлари олайиб кетди. Қозонни раиснинг қўлидан юлиб олиб, сатрларга қайта кўз югуртирди. «Душарка» деган сўз «душбара» дегандек қилиб ёзилганини энди англади.

— Одам дегани шу даражада ҳам саводсиз бўладими!— деди вакил овозини барала кўтариб.— Кимнинг хати бу?

— Ўғилчамизнинг...

— Ҳамма айб муаллимларида! Тузук-қуруқ савод беришмайди. Қўнгироқ жирингини эшитибоқ бу мактабда ишларнинг расво эканини фаҳмлаган эдим.

— Келинг энди, шунга ҳам бўғиласизми, уйга кирайлик, даладан тегишингизни олиб келганмиз. Бугунча дала чучвараси бўлмаса ҳам дала маставасидан тановвул қила турасиз.

— Мени чалғитиш учун сиз атайин шундай қилгансиз, дейман! Мастава билан чучварани тенглашти-

риб бўладими? Хўп, яхши, эртагаёқ мактаб билан шуғулланаман. Чаласавод муаллимлар ҳали менинг совунимга кир ювишмабди.

Аммо вакил ниятига етолмади — мактаб билан шуғулланиш унга дала чучвараси каби насиб этмаган экан. Кечқурун шаҳардан телефон қилиб, дарҳол қайтишни буюришди. Маълум бўлишича, вакил келгандан бери колхозда иш суръати анча пасайиб кетибди.

У мастава унча мазали бўлмаса ҳам, қолдирмай ичди-да, ашғол-дашголини йиғиштириб колхознинг юк машинасида йўлга чиқди. Самода тўлин ой сузарди. Пастда — пайкалларга эса гўё юлдузлар қўниб олгандек. Машина елиб борарди. Тепада ўтирган одамнинг йўл четидаги сояси ҳам шиддат билан учарди. Йўқ, бу сояни гўё пахтазорга қўнган юлдузлар қуваётгандек эди.

Сап-сариқ бу бақалоқ вакилнинг номини колхозчилар билолмай қолишди. Шунинг учун узоқ вақтларгача уни фақат «Дала чучвараси» деб эслаб юришди.

ҚИЗИЛ ОПА

Биз бундан ўн йил муқаддам Москвада ёш ёзувчилар семинарида танишган эдик. Чехраси очиқ, қўнғир сочлари узун, мовий кўз Мария менга дарҳол ёқиб қолди. У билан тезда иноқлашиб, ажралмас дугона бўлиб олдик. Баъзан туни бўйи ўқиган китобларимиз, кўрган-билганларимиз тўғрисида баҳслашиб чиқардик, туғилиб-ўсган ўлкамиз ҳақида бир-биримизга ҳикоя қилардик. Маълум бўлишича, биз кўп нарсалар ҳақида бир хил фикр юритар эканмиз. Кейин тақдиримиз ҳам бир-бирига ўхшаб кетар экан. Икковимиз ҳам етимликда ўсиб, икковимизнинг ҳам болалигимиз урушнинг машаққатли йилларига тўғри келган экан. Хайрлашар эканмиз, у билан тез-тез кўришиб туришга келишиб олдик. Лекин амалда бошқача бўлиб чиқди: ўшандан сўнг биз ҳадеганда учраша олмадик. Тўғри, мен унинг ижодини диққат билан кузатиб борардим ва матбуотда эълон қилинган асарларини канда қилмай ўқиб юрардим. Бунинг устига биз у билан мунтазам хат ёзишиб турардигу лекин учрашишга сира вақтимиз бўлмасди.

Яқинда ундан хат олдим: Мария Васильевна мактубида меникига меҳмонга келмоқчи эканлигини хабар қилибди. Мен аввалига жуда қувониб кетдим, аммо кейин ўйланиб қолдим: Бокуда бу йил ёз жуда иссиқ эди, шимолдан келган меҳмон бундай жазирамада лоҳас бўлмасмикин? Лекин шаҳарда туриш шарт эмас-ку! Закаталда Бокуга қараганда салқинроқ бўлса керак ахир. Ўша ерга борамиз. Шундан сўнг меҳмонни кутиб олишга ҳозирлик кўра бошладим...

Марияни мен самолётнинг трапидан тушиб келаётганидаёқ танидим. Москвада учрашганимиздан буён ўтган йиллар унга сира таъсир қилмагандек эди—ўша-ўша шахдам қадамлар, ўша-ўша очиқ чехра. Фақат сочларини сипороқ қилиб тарабди ва товуши хиёл бўғиқроқ эшитиладиган бўлиб қолибди.

— Жуда ёшариб кетибсиз, Мария,— дедим мен машина томон борар эканмиз.

— Биринчидан, биз аллақачон сенсираб гаплаша бошлаганмиз,— жилмайиб эслатди Мария.— Иккинчидан эса, афсуски, ҳеч ким ёшармайди. Кейин ўзинг ҳам жуда очилиб кетибсан,— дея кулиб юборди у.— Мана, орамиз очиқ энди!

Машина асфальт йўлдан елиб кетди. Мария тева-рак-атрофга, яқинда экилган қарагай ниҳолларидан тарам-тарам бўлиб, қуёш нурида қовжираб ётган дала-ларга, уфқда саф тортган нефть вишкаларига, нефтни қайта ишловчи мосламаларнинг улкан қуббаларига суқланиб тикиларди. Ҳаяжонланганидан унинг кўзлари ёниб турар, шамол эса унинг оқ оралаган сочларини тинимсиз ўйнарди.

— Омадинг бор экан,— дедим мен,— Бокуга учиб келишинг биланоқ шамол эса бошлади. Бокуликлар бундай шабадани анчадан бери орзу қилишарди.

— Мен шунақа омадлиман ўзи,— деди хаёлга чўмиб Мария.— Молдавияда менга, мўл ҳосил олиб келдингиз, дейишганди, Сочига борган куним эса бир ҳафта тинимсиз ёмғирдан сўнг ҳаво очилиб, қуёш чарақлаб чиққан эди...

У бир оз сукут сақлаб турди-да, сўнг оҳиста қўшимча қилди:

— Қани энди, бу ерда ҳам шунақа омадим чопса...

Мен унинг Бокуга нима мақсадда келганини назарда тутаётганини тушундим у лекин сўраб-суриштириб ўтирмадим.

Фақат кечқурун биз балконда аччиқ чой ичиб ўтирган пайтимизда Мария пастда ястаниб ётган шаҳарнинг беҳисоб чироқларига тикилганича секингина деди:

— Биласанми, мен бир вақтлар бу шаҳарда бўлгандайман... Сизнинг ўлкангизга нима мақсадда келганимни эшит. Яқинда мен эски ҳужжатлар, оиламиз

архивини титкилаб ўтириб, бир хотиранома топиб олдим. Уни эвакуация йиллари менинг бувим ёзган экан. Маълум бўлишича, бувим билан мен эвакуацияда Озарбайжонда бўлган эмишмиз. — Шундай деб Мария бир оз жимиб қолди. — За-ка-тал-да, — деди у сўнгра ўзи учун нотаниш бўлган номни бўғинма-бўғин талаффуз қилиб.

— Демак, сен қайсидир даражада менга ҳамюрт экансан-да? — дея ҳазиллашдим мен.

Бироқ Мария ҳазилимни тушунмади.

— Бувим Закаталда хирург бўлиб ишлаган экан. Ўшанда унинг госпитали шу ерга эвакуация қилинибди. Маълум бўлишича, мен бу ерда бир ярим йилча яшабман. Буни қарагинки, шу пайтга қадар мен бу гапдан мутлақо беҳабар эканман. Кўрдингми, ҳаётда нималар бўлмайди? — Шундай дея Мария ийманибгина жилмайди-да, жимиб қолди. Мен уни шоширмадим. Сирасини айтсам, суҳбатнинг бундай тую олишини кутмаган эдим.

— Шундай қилиб сен болалигим ўтган шаҳарга қиладиган саёҳатимда йўлбошловчи бўласан...

— Наҳот, ҳеч нимани эсламасанг?

— Эвакуацияда ўтган уч йил давомида жуда кўп шаҳарларда бўлиб, жуда кўп одамларга дуч келганмиз. Турган гап, агар ўша хотиранома топилмаганида сенинг юртингда яшаганимни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим, энди бўлса — бунини қарагинки! — ўша жойлар ҳақида ўйламаган куним йўқ. Чамаси, кўпгина нарсаларни эслай бошладим. Бир қаватли уй. Катта ҳовли. Девор ёнида бир жуфт терак ўсган. Ҳовлини каналмиди, жилгамиди кесиб ўтарди.

— Ариқ бўлса керак, — дедим мен.

— Ҳа, яна уй бекаси ҳам ёдимда. Унинг юзи оппоқ, ўзи озгингина эди.

— Унинг исми нима эди? Исмини эслай олмайсанми?

— Ўзимнинг-ку эсимда йўқ, албатта. Лекин бувимнинг эсдаликларида у қандайдир ғалати — «Қизил опа» деб ёзиб қўйилган.

— Менимча, янглишяпсан. Озарбайжонларда бундай исм йўқ.

Мария хонага кириб, чамадонини очди-да, тезда клеёнка муқовали эски бир дафтарни кўтариб чиқди.

Дафтарнинг муқовасини доғ-дуг босган, саҳифалари саргайиб, бурчаклари титилиб кетган эди. Мен уни қўлимга олиб, варақлай бошладим. Мариянинг бувиси ҳарфларни тикка қилиб, аниқ-тиниқ ёзар экан. Аллаким менга, ҳарфларнинг бундай тикка ёзилиши ироданинг кучидан далолат беради, деб айтганди.

Мария янглишмаган экан: «Қизил опа» исми эсдаликларнинг вақт ўтиши билан саргайиб кетган саҳифаларида тез-тез учраб турарди.

— Биласанми, сен, яхшиси, ётиб ухла! Эрталаб одамнинг ақли тиниқ бўлади дейишади,— таклиф қилдим мен,— манави дафтарни эса менга бериб турсанг, кечаси ўқиб чиқардим.

Мария рози бўлиб бош ирғади. Ўн беш минутдан сўнг у қаттиқ ухлаб қолди. Мен эсдаликларни ўқий бошладим. Оддийгина жумлалар ортида фронт чизигидан анча йироқда жойлашган сокин озарбайжон шаҳарчасининг уруш давридаги огир ҳаёти гавдаланарди. Йўқ, уруш бу шаҳарчани ҳам четлаб ўтмабди. Худди Бокудаги каби бу ерга ҳам фронтнинг ҳамма жойидан ярадорлар келиб турар, эвакуация қилинганлар жойлаштирилган эди. Бу ерда оналар ўғилларидан интизор бўлиб хат-хабар кутишарди. Қорахатнинг нималигию бир бурда ноннинг қадр-қимматини одамлар жуда яхши билиб олишганди.

Лекин ҳар қалай узоқ Курскдан келган аёл бегона шаҳарда шундай тез тил топишиб кетгани кишини ҳайратга соларди. Эсдаликда ёзилишича, у беморларни фақат госпиталдагина даволамаган экан. У яшайдиган уйга маҳаллий одамлар ҳам тез-тез келиб туришар экан. «Ўрис дўхтир»ни закаталликлар яхши кўришар экан. У ҳам бу огир-вазмин ва софдил одамларга меҳр қўйибди. У айниқса, ўз гўшаларидан йироққа келиб қолган бу одамларга ўз меҳри-оқибатини аямаган Қизил опани яхши кўриб қолибди. Чамаси, юввош ва камгап бу аёл огир дамларда кишиларга далда беришга, ҳамдардлик билдириб, кулфатига шерик бўлишга уста кўринарди. Хуллас, бу дафтардаги оддийгина ҳикояни ёши ўтиб қолган икки инсон — рус ва озарбайжон аёллари ўртасидаги дўстлик қиссаси, деб аташ мумкин эди.

Мен дафтарни бир четга қўйиб, балконга чиқдим. Пастда чироқлари ярим ҳалқа бўлиб кўрфазни ўраб

турган менинг шаҳрим ястаниб ётарди. Туйқусдан менга унинг бир маромда нафас олиши тўхтаб, заррин чироқлари бир зум ўчиб қолгандек туюлди — хотирам мени уруш йилларидаги қоронги тунларга олиб қочди. Бу хотиралар шу қадар аниқ-тиниқ эдики, мен кўзларимни юмиб олдим.

Эрталаб биз аввал Бокуни томоша қилиб, сўнгра Закаталга жўнашга аҳд қилдик. Икки кун ичида Мария шу қадар кўп жойларни кўриб чиқдики, бошқа одам шунча жойни бир ҳафта ичида ҳам томоша қилиб улгурмаган бўларди. Оташпарастлар ибодатхонасию Ширвоншоҳлар саройи. Хўбистоннинг кўҳна тошларию янги қурилган муҳташам бинолар... Буларнинг барини у туристлар каби елиб-югуриб эмас, диққат билан, барча тафсилотларини сўраб-суриштириб кўздан кечирди.

Оқшом пайтлари эса биз турли-туман нарсалар ҳақида суҳбат қуриб, соҳилдаги хиёбонда сайр қилдик. Бир-икки марта мен бўлажак Закатал сафари тўғрисида гап очмоқчи бўлган эдим, бироқ Мария жавоб қилмади.

Ниҳоят, йўлга чиқдик. Боку, нефть конлари, оташ пуркаётган қуёш нурида қақраб ётган чўллар ортда қолиб, йўлнинг икки четида ям-яшил дарахтлар кўзга ташлана бошлади. Машина соя-салқин йўлдан елиб борарди. Юзимизга ўрмоннинг салқин ҳавоси урилди.

— Буни қара-я,— деди Мария,— йўлга чиққанимизга бор-йўғи уч соат бўлибдию ҳаммаёқ ўзгача тус олди.

— Бу ерлар эсингдами?— дея эҳтиёткорлик билан сўрадим ундан.

— Йўқ,— деди жавобан маъюс бош чайқаб Мария,— лекин эслашни жуда ҳам истардим.

Закаталга етишимизга озгина қолиб, машина шохлари йўл узра туташиб кетган қалин ёнғоқзордан ўтаётганида Мария бирдан ёш болаларга ўхшаб чапак чалиб юборди.

— Эслаяпман! Манави дарахтларни эслаяпман! Тог ёнбағридаги ҳув анави уйни ҳам... Ё худойим, қандай чиройли, қандай гўзал ўлка. Бу ердаги одамларнинг қалби ҳам тоза бўлса керак, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас бу ерда.

Сўнгра мен бувимнинг ўлимидан сўнг ҳувиллаб қолган уйни апил-тапил тартибга солдим, Мария эса айвонда хаёлга чўмиб ўтирарди.

— Йўл юриб чарчадинг, ётиб бирпас дамингни ол,— дедим мен унга.

Мария аввалига жавоб бермади, кейинроқ сўзлай бошлаганида эса, мен унинг ҳозирги гапимга жавоб бермай, балки шунча пайтдан бери оғиз очмай келаётган нарсаси ҳақида гапираётганини тушундим.

— Биласанми,— деди оҳиста Мария,— инсон эсламоғи даркор. Хотира — бу шундай нарсаси... Сен ўтмишни тарк этасан, бир кун илгари келажак дея саналмиш нарса бошланади, лекин шунда кутилмаганда ўтмишнинг ҳамон тирик эканлигини ҳис этасан. Барчага маълум ҳақиқатга ўхшайди-ю, аммо сен уни фақат ўзингга хос бўлган, шахсий кечинмалар орқалигина англаб етасан... Вой, ўтириб олганимни қара-я,— деди у бирдан ҳушига келиб.— Сен ишлаётибсану мен бўлсам фалсафа сотиб ўтирибман... Кел, ёрдамлашиб юборай.

Тушликдан сўнг биз Қалъадўзи тоғига чиқдик. Бу ерда революцияга қадар Россиядан сургун қилинган денгизчилар яшаган казармалар сақланиб қолган эди. Биз босган ҳар қадамимизга акс-садо берадиган рутубатли казематларга кирдик. Сўзлашгимиз келмасди. Кейин тошлоқ сўқмоқдан юриб, уйга қайтар эканмиз, Мария, чамаси, шу кунларда бутун хаёлини банд қилган яна ўша мавзуга қайтди.

— Мен ўша аёл, ўша Қизил опа ҳақида иложи борица кўпроқ нарса билишни истайман. Билишим зарур. Негалигини эса сўрама. Ҳозир бу саволга ўзим ҳам жавоб бера олмасам керак.

— Негалигини сўрамайман. Чунки бу шундоқ ҳам тушунарли. Фақат унинг изини қандай топасан? Бизда Қизил деган исм йўқ ахир.

— Барибир, топишимиз керак!— дея ўз сўзида туриб олди Мария. Унинг товушида қандайдир ишонч сезиларди. Лекин, афсуски мен унинг ишончига унчалик қўшила олмасдим.— Менинг омадим бор! Албатта, топамиз!— дея такрорлади у деярли қувноқ бир оҳангда.

Кечқурун биз айвонда билвосита бўлса-да, изланишимизга ёрдами тегадиган бирорта далил қидириб,

яна ўша дафтарни варақлаб чиқдик ва яна ҳеч нима топа олмадик. Фақат ҳовлима-ҳовли юриб, керосин тарқатадиган аллақандай бир қиз ҳақидаги маълумотни ўқидик, холос. Мариянинг бувисига унинг учун талаффуз қилиш қийин бўлган озарбайжонча исмнинг маъносини ана шу қиз таржима қилиб берган экан. Дафтарнинг охириги икки саҳифаси йиртиб олинганди. Бизга дарҳол бор ҳақиқат худди ана шу саҳифаларга яширингандек туюла бошлади.

Биз қидирувни шаҳарнинг эски маҳаллаларидаги ҳовлиларни бирма-бир айланишдан бошладик. Теракларнинг япроқлари аста шитирлар, ариқларда сувлар шилдирар, кўчалар узра тахтадан қурилган айвонлар соя ташлаб турарди. Ҳамма нарса бувимнинг уйидан, Закалатнинг юзлаб эски ҳовлиларидан андоза олгандек эди. Ҳар гал бирор ҳовлига кирар эканмиз, Мария йўқ, бу ер эмас, дея бош чайқарди. Тушликдан сўнг у хаёлини бир жойга тўплаш ниятида уйда қоладиган бўлди. Мен яна ҳовлима-ҳовли юриб, бирор далил топишга жўнадим: мен энди ўша керосин сотувчи қизнинг изини топишга аҳд қилган эдим.

Лекин бу ҳам анча мушкул иш бўлиб чиқди: бу ерга урушдан сўнг кўчиб келган одамлар, турган гап, уни билишмасди, уруш даврини шу ерда ўтказган қариялардан эса деярли ҳеч ким қолмаганди. Лекин, ҳар қалай, ниҳоят омадим чопди: қўшни маҳаллада яшайдиган бир кампир керосинчи қизнинг исми Санобар эканлигини ва бундан беш йил муқаддам у эри билан бу ердан кўчиб кетганини эслади. Кампир «ўрис дўхтир»ни ҳам эсларкану лекин унинг қаерда яшаганини унутган экан. Не машаққатлар билан топилган из шу тариқа яна гойиб бўлди. Ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келди.

Уйга қайтсам, Мария ўша хотираномани варақлаб ўтирган экан.

— Бўлди,— дедим мен унга,— бирпас дамингни ол...— Шундан сўнг ҳеч нимани яширмай бугунги кун муваффақиятсизликлари ҳақида сўзлаб бердим ва ҳикоямнинг охирида ўзим ҳам ишонинқирамайгина, эҳтимол, эртага бирор хабар топармиз, дея умид билдирдим.

— Биласанми,— деди Мария хаёлчанлик билан дафтарни тиззасига қўйиб ўтирар экан,— эсдаликлар-

ни ўқир эканман, кўз ўнгимда нуқул бир нарса гавдаланади: қиш, ҳаммаёқ совуқ. Бувим мени қўлидан келганича ўраб-чирмаб қўйган, лекин мен барибир совқотяпман. Кўксим музлаб йўтал тутади. Лекин шу пайт баланд бўйли, озгин аёл бир қучоқ ўтин кўтариб кирадию печга жон кириб, атрофга ҳаётбахш иссиқ таралади... Мен бетобман, ҳароратнинг зўридан бутун аъзойи баданим зирқираб оғрийди. Шу пайт тепамда бир пиёла иссиқ сут кўтарганича яна ўша аёл пайдо бўлади. Ёдимда, ундан қандайдир ҳаловат, меҳр-оқибат таралаётгандек эди. Яна бир тунни эслайман — ҳаммаси ана ўша тунда бошланган эди. Қочоқлар тушган поезд тунда етиб келди. Ёзмиди, эрта кузмиди — аниқ эслолмайман. Сўнгра вокзалда тўс-тўполон кўтарилди, ҳамма қаёққадир шошилади, юриб кетган вагонлардан қандайдир тугун-терсакларни итқитишади... Мана, мутлақо нотаниш кўчалардан кетиб боряпмиз. Баланд деворлар ортидан итларнинг ҳуриши эшитилади. Мен қаттиқ чарчаганман, буни эсласам, ҳатто ҳозир ҳам жисмимда қандайдир ҳорғинлик ҳис этаман. Сўнгра хотирам вақтинча сўниб қолгандек бўлади. Энди мен ўзимни мўъжазгина ҳовлида кўраман. Қулогимга сувнинг шилдираб оқиши эшитилади, кейинчалик билишимча бу ариқ экан. Кейин қора кийган, аммо юзи оппоқ, новча бир аёл сира кўз ўнгимдан нари кетмайди. Унинг ажин босган қўллари офтобда қорайган. Ўша қўллар менга узунчоқ қилиб тандирда ёпилган нондан бир бўлак синдириб беради-да, пиёлада сут узатади. Ўша ноннинг мазаси ҳали ҳам оғзимдан кетмайди. Ўша аёлнинг кўзларини, мен нонни кавшар эканман, унинг менга қандай тикилганини ҳанузгача эслайман! Мен уруш даврида эсини энди таниётган норасида эдим, аммо рус тилини билмайдиган оддий бир аёл мутлақо бегона одамлар бўлмиш биз қочоқларни кутиб олиб, менга узатган ўша бир бурда нон билан пиёладаги сутнинг қадрини яхши билардим. Сўнгра репродукторнинг қора карнайи, «Сталинград» сўзи ҳам ёдимда. Ўша аёл жилмаяди, унинг ажин босган юзидан дув-дув ёш оқади.

— Бугунчалик етар,— мен дафтарни аста унинг қўлидан олдим.— Юр, сайр қиламиз. Ўша Қизил опанинг кимлигини албатта аниқлаймиз. Сенга сўз бераман.

Тунда алағ-чалағ тушлар кўриб ухладим. Қандайдир поездда келаётганмишман, сўнгра нотаниш шаҳарнинг кўчаларида тентираб юрганмишман. Нуқул йиглармишман. Чўчиб уйғондим. Уйғондим у дарҳол бутун фикру зикримни Қизил опани топиш керак, Қизил опани топиш керак, деган ягона бир ўй чулғаб олди...

Эрталаб мен бирдан шаҳримизда Оловиддин-киши исмли кекса бир врач яшашини эслаб қолдим.

— Э-ҳа, нималар деяпсан, қизгинам,— деб жилмайди Оловиддин-киши,— ҳаммасини эслаб бўлармиди? Қанчадан-қанча йиллар ўтиб кетди ахир... Бу орада нималар бўлмади дейсан... Нимасини айттай, госпиталда ҳам, унинг ҳовлисидаги флигелда ҳам, хонадонларда ҳам одамлар яшашган. Раҳматли бувингникида ҳам туришган эди.

Дилимда умид учқунлагандек бўлди.

— Ким турганлигини эслаёлмайсизми?

— Йўқ, қизим, эслаёлмайман. Мени маъзур тутасан.— Шундай дея Оловиддин-киши ёшланиб турган кўзларини кафти билан артиб қўйди.

Биз яна аста одимлаб кўчаларни айландик. Мен ўзимни гўё Мариянинг олдида гуноҳкордек ҳис этардим. У эса менинг дилимда кечаётган гапларни сезгандек деди:

— Раҳмат сенга, дугонажон. Сен қўлингдан келган ҳамма ишни қилдинг. Эртага Вокуга қайтамыз. Хайрлашув олдидан ёлғиз ўзим шаҳарни бир кезсам дейман, майлими?

— Яхши,— дедим мен ва яна қандай чора қўллаш мумкинлиги ҳақида хаёл сурганимча шаҳар маркази томон йўл олдим. Кўнглим негадир ғаш эди. Шу пайт узоқ қариндош бўлмиш Волида хоним исмли бир кампир борлигини эсладим. Эҳтимол, у бирор нарсани эслар? Натижа чиқишига унчалик умид қилмасам-да, унинг эшигини тақиллатдим ва узоқ ҳол-аҳвол сўрашгач, аста сўрадим:

— Волида хоним, уруш пайти бувимнинг уйларида бир рус аёлининг яшаганини эслаёлмайсизми?

Волида хоним саволимни ҳатто охиригача ҳам эшитиб ўтирмади.

— Албатта, эслайман. Унинг ёнида битта қизча ҳам бор эди, набираси... Яхши аёл эди. Ёдимда, касби врач эди, госпиталда ишларди.

Бир дақиқа Волида хонимнинг сўзлари қулоғимга киймай, вужудимда енгил титроқ турди.

— Ўша аёл қаерлик экан, унинг исми эсингизда йўқми?— дея иложи борица хотиржамлик билан сўрадим мен.

Бу гал Волида хоним узоқ ўйга толди. Ниҳоят, бош чайқаб деди:

— Йўқ, қизим, йўқ, кексалик қурсин, хотирам жу-да заифлашиб қолибди. Ўша рус аёл бувингни қандайдир ғалати исм билан атаганини эслайман, холос.

Бу гапни эшитиб юрагим гупиллаб ура бошлади.

— Хўш, хўш, у бувимни қандай атарди?

Волида хоним яна хаёлга чўмди. Менга орадан жу-да кўп вақт ўтгандек туюлди. Кампир лабларини унсиз қимирлатганича кўзларини юмиб, бир оз ўтирди-да, сўнг, ниҳоят, иккиланиб деди:

— Биласанми, аниқ айтолмайману лекин у бувинг-нинг исмини қандайдир рангга қиёслармиди. Қизил бўлса керак?

Ортиқ чидаб туролмай, Волида хонимнинг икки юзидан ўпиб олдим-да, миннатдорчилик билдиришни ҳам унутиб, кўчага отилдим.

Мени кўриб тут дарахти тагидаги курсида ўтирган Мария сапчиб ўрнидан турди.

— Нима гап бўлди ўзи?

Мен индамай қўлларимни унинг елкасига қўйдим: шу туришда гапирадиган ҳолда эмасдим.

— Наҳот, топган бўлсанг?— дея товуши қалтираб сўради Мария.

— Топдим. Артофингга яхшилаб қара...— дедим мен энтика-энтика.— Диққат билан, яхшилаб қара! Наҳот, ҳалиям танимаётган бўлсанг?! Болаликдаги бир йилу беш ой вақтингни сен худди ана шу ерда ўтказгансан. Шу хонадонда, манави дарахтлар соясида, мана шу ариқнинг бўйида.

Сўнгра биз қучоқлашганимизча узоқ сукут сақлаб турдик. Ариқдаги сувнинг шилдираши, япроқларнинг шабададан аста шитирлаши эшитилиб турарди. Бир минутми, ўн минутми, бир соатми — орадан қанча вақт ўтди, билолмайман... Мария, ниҳоят деди:

— Энди ҳаммасини таниётгандек бўляпман. Ҳа, ҳа, ҳаммаси шундай бўлган эди.

Шундан сўнг мен унга уйга кела туриб муаммони қандай ечганимни ҳикоя қилиб бердим.

— Ҳаммасини ўша керосинчи қиз чигаллаштириб юборибди. Бувимнинг исми Қирмизгул эди. Табиий, руслар бундай исмни талаффуз қилишлари қийин. Шунда керосинчи қиз исмни ўртасидан бўлибди-да, исм бир четда қолиб рус тилига қирмиз сўзини — красная деб таржима қилиб берибди.

Рус тилини яхши билмайдиган қиз тушмагур масалани ана шу тарзда чигаллаштириб юборган экан.

Эҳ, шу дамда бизнинг нақадар бахтиёр эканимизни билсангиз эди! Мария икковимиз ёнма-ён борар эканмиз, у мендан ўтмишдаги ҳаётимизни сўраб-суриштирар, мен эсам тинимсиз ҳикоя қилардим.

Тунда яна безовта бўлиб ухладим: миямда қандайдир узук-юлуқ жумлалар гир-гир айланар, кўз ўнгимдан эса бувим нари кетмасдилар. Мана у киши тикувчатув ишларини бир четга қўйдилар-да, шошилмайгина ўз сандиқчалари ёнига бордилар.

Мен сапчиб ўрнимдан турдим. Сандиқча қўшни хонанинг бурчагида турган эди. Бувимнинг ўлимидан сўнг уни ҳеч ким очмаган эди. Чироқни ёқдим-да, сандиқчадаги қоғозлар ва фотосуратларни аста кўздан кечира бошладим. Шу пайт гижимланган конвертлар орасидан ўша таниш ёзув билан тўлдирилган икки саҳифа каттак қоғоз учиб тушди. Мен деярли ажабланмадим. Ўзи шундай бўлиши керак эди ахир. Қоғозларни қўлимга олган ҳам эдимки, ортимдан енгилгина қадам товуши эшитилди. Эшик олдида турган Мария менга ажабланиб қараб турарди.

— Ҳа,— дедим мен,— бу ўша қоғозлар. Эсдаликларда етишмайдиган ўша сўнгги икки саҳифа.

Биз ўша саҳифалардаги ёзувни ўқиб чиқдик, улардан қандайдир чексиз қувонч таралаётгандек эди: «Эртага госпиталимиз қадрдон шахримизга қайтапти. Шаҳримиз энди озод қилинди!»

Мен саҳифаларни Марияга узатдим. У жилмаяр, лаблари эса қалтираб турарди. У билан ёнма-ён турар эканмиз, ўтмишимиз ва келажагимиз бизни абадул-абад бирлаштириб қўйган эди. Шу тобда қалбимизда ҳукм сураётган туйгуларни тасвирлаб беришга эса сўз ожизлик қиларди.

ҚУШИҚЛАРИМ МЕНИНГ

Диққат қилганмисиз, бастакорлар янги асарларини тингловчиларга эшиттиришларидан аввал, одатан, шундай дейдилар:

— Энди мен сизларнинг эътиборингизга ўзим куй басталаган бир қўшиқни ҳавола этаман.

— Ҳавола этаман...

Тўғриси, авваллари бу сўзларни эшитганда тааж-жубланардим. Кейин-кейин, орадан анча вақтлар ўтиб, бу гапнинг ҳеч қандай ажабланидиган ери йўқлиги менга сйдин бўлди. Чунки қўшиқ ҳам табиатдан турли жилвадаги бўёқларни олиб, шодликларни, дудоқларда ўйнаган нафис табассумларни, бир-бирига тикилмиш муҳаббат тўла нигоҳларни ўзида жамлайди. Қўшиқни кўриб ҳам, тутиб ҳам бўлмайди. Лекин бунга қарангки, биз қалбимизда унинг жарангини аниқ илғаймиз ва уни бировга бемалол ҳавола этишимиз мумкин бўлиб қолади.

Яхши қўшиқ шу йўсинда юраклардан юракларга, манзиллардан манзилларга йўл топади, кўпчиликнинг мулкига айланади.

Мен бастакор эмасман. Лекин шунга қарамасдан менинг ҳам ўз қўшиқларим бор. Ҳаётдан олинган, мени сеҳрлаган, ҳаяжонга солган қўшиқлар. Менга кечаси ҳам, кундузи ҳам тинчлик бермайдиган, ора-сира қаламимдан қоғозга тўкилган қўшиқлар.

Улардан бир нечасини, бастакор дўстимиз айтганидек, сизларга ҳавола этаман.

Қизча байрамга мос кийинтирилган эди. Қўнғироқ сочларида мовий рангдаги боғич, эғнида этаклари ҳил-пираган оқ, шаффоф кўйлак, оёқларида башанг, ажиб безакли туфличаси бор эди. Бир жуфт қора мунчоқдек порлаб турган кўзлари унинг тиийқ, бахтиёр юзига ярашарди. Қўлларида қизил шар.

У ҳеч кимсага қарамас, ҳеч нарсага аҳамият бермас, онасининг ёнида сакраб-сакраб чопқиллаб борар эди. Кўзини қўлидаги шардан узмасди қизча. Ўйноқи қизчанинг қалбидаги қувонч шунчалик чексиз эдики, намоийшдан қайтаётганлар, умуман атрофдагилар тўхтаб, унга завқ билан қарамасдан ўтиб кетишолмасди.

Бирдан қизчанинг қўлларидаги шар ҳавога кўтарилди. Сўнгра худди ўзи истамагандек, оғир-оғир қалқиб, юқорилай бошлади. Қизчанинг юзидаги завқу севинчдан нишон қолмади. Лаблари қийшайиб, мунчоқ кўзлари дарҳол ёшга тўлди. У бир онасига, бир тобора узоқлашиб кичрайиб бораётган шарга тикилганича, аввал сассиз, сўнгра эса ҳўнграб йиглаб юборди...

Одамлар она-болани ўраб олишди. Улардан ҳар бири нимадир деб қизчага тасалли бергиси келарди. Она ҳар тарафга аланглаб, тезроқ бошқа шар олиб беришга чоғланганди. Лекин яқин орада шар сотадиган кўринмасди. Қизча эса осонликча йигидан тўхтамайди-ганга ўхшарди. Унинг кўз ёшлари юзини ювиб, баҳор ёмғиридек кўйлагига ҳам томчилай бошлаганди.

Шу пайт сомон шляпали қандайдир қария эгилиб, озғин-ориқ қўлини қизчанинг бошига қўйганча, майин сочларини силади-да, унга тўсатдан савол берди:

— Хўш, қани менга айт-чи, шаринг қаерга кетганини биласанми?

Қизча бирдан сергакланиб, қариянинг юзига қаради. Бир-икки хўрсиниб, йўқ маъносидан бошини сарак-сарак қилди. Ёш тўла кўзларида умид қоришиқ бир савол бор эди: «Қаерга?» Атрофдагилар қизча билан қарияга қизиқсиниб қараб туришарди.

Қария энди қизчанинг бошидан қўлини олиб, меҳрибонлик билан кулимсиради. Кейин, ҳассаси билан зангор кўкка имо қилиб, худди катта бир сирни айтаётгандек, секин шивирлади:

— Ҳу-ув, ана у ерга. Юлдузлар томонга.— Сўнг қизчанинг ҳали ҳам изоҳталаб эканини сезиб, сўзини давом эттирди,— космонавтларимизга хабар берсак, улар шарингни қидириб, сенга обкелиб беришади. Хўш, шундай қиламизми, қизим?

Қизча қариянинг кулимсираган чеҳрасидан кўзларини узмасдан бош силкиб, сўради:

— Қачон обкелишади?

— Келаси байрам куни.

— Унгача шарим ёрилиб кетмайдими?

— Йўқ,— қария бу сўзни шундай қатъият билан айтдики, қизчанинг ёш қотган ёноқларида табассум қалқди.— Ҳечам ёрилмайди. Унгача юлдузлар уни ўз қаторларига қўшиб, унга ашула айтиб беришади.

Қизчанинг кўзлари ҳайрат ва севинчдан порлаб кетди.

— Юлдузлар-а?!

— Ҳа, бўлмаса-чи!

Сирли ва сеҳрли бу сўзлар қизчанинг кўнглидаги аламни ювиб кўз ёшларини қурутди...

Йўлда тўхтаб қолганлар тарқалишди. Қизча ҳам онасининг қўлларини ушлаганча тинчиб нари кетди. Сомон шляпали қария эса қизчанинг сочидаги мовий боғич кўздан йўқолгунча издан қараб турди. Қариянинг юз-кўзида ҳамон бир сир, бир сеҳр бор эди...

И К К И Н Ч И Қ У Ш И Қ

Командировкадан қайтардим. Қўлимда кичкинагина чамадон. Вокзал майдонига чиқиб, такси бекатига келдим. Бу ерда одам кўп эмасди. Орадан узоқ ўтмай қаршимда машина тўхтади. Қотма, қорамағиз шофер деразадан бошини чиқариб, навбат меники эканини кўрди-да, жилмайганча:

— Марҳамат, ўтиринг,— деди русчалаб.

Одатимча ҳайдовчининг ёнига ўтирдим. У юзини менга ўгириб, яна русчалаб сўради:

— Қаерга борамиз?

Мен адресни айтдим. Машина ярим доира ясаганча бурилиб, кенг йўлга чикди. Мен беихтиёр ҳайдовчига диққатимни қаратдим. Йигирма беш ёшлардаги бу йигитнинг юзидан мен бошда кўрган табассум ҳали ҳам аримаганди. Бунақа табассум одатда, киришимли, ҳа-

миша, ҳар жойда, ҳар ким билан тил топишиб кета оладиган, ўз ишидан хурсанд, хушчақчақ кишиларга хос бўлади. Кутганимдек орамизда ширин суҳбат бошланди. Ҳайдовчи озарбайжонликларга хос талаффузда русча гапирарди. Бўлар иш бўлди, деб мен ҳам маҳаллий одам эканлигимни билдирмадим. Бокуда биринчи бўлишим, курортда танишган дўстимникига меҳмонга келяпман, дедим...

Ҳайдовчи машинасини маҳорат билан бошқарар, ўтиб бораётган кўчаларимиз, майдонларимиз ҳақида менга маълумот берарди. Гапга аралашмай, мени шаҳар айлантирмоқчи эканини сездим. Аввал бир оз энсам қотди, шубҳага тушдим. Лекин бир оз туриб, шубҳамнинг ўринсизлигини англадим. Бу хушмуомала йигит ўз она шаҳрининг ошиги эканлигини ҳис этдим. Унинг сўзларида, гап оҳангида шундай бир ифтихор туйғуси бор эдики, мен ғайриихтиёрий равишда ҳақиқатан ҳам Бокуга биринчи дафъа келган киши ҳолатига тушиб қолдим. Бу ҳисданми, билмадим, ёки ҳайдовчининг табассумиданми, шаҳримизни биринчи маротаба кўраётган кишидек, атрофни диққат билан кузата бошладим...

Шуҳрати кўп элларга машҳур Боку кўчаларининг чироқларига кўмилиб борардик. Янги танишим Қизқалъанинг ёнидан машинасини секинлатиб ҳайдаб, қалъа, Ширвоншоҳлар саройи, қадим маъмурий обидалар тарихи ҳақида билганларини ҳаяжон билан гапирди; у ҳаттоки Жаъфар Жабборлининг «Қиз-қалъа» достонидан айрим-айрим парчаларни русчага таржима қилиб айтиб ҳам берди. Мен ҳайрон бўлмадим, қувноқ шофёрнинг адабиётга, тарихга қизиқишини, анчамунча китоб ҳам кўрганини тушундим. Юрагимда бу истараси иссиқ, очиқ табиатли йигитга нисбатан тотли бир меҳр туйғуси уйғонди.

Метронинг «Боку Совети» бекати қаршисидан ўтаётганимизда ҳайдовчи яна юзини менга ўгириб, боши билан ишора қилди, сўнгра:

— Бизнинг метромиз,— деди.— Тўгри, Москва метросига тенглашолмайди, унинг укаси, лекин барибир ҳақиқий метро-да!

...Қоронги тушди. Уйдагилар мени кутаётганликларини, нигорон эканликларини билардим. Лекин ҳайдовчининг сўзини бўлишга, унинг самимий севинчига,

фараҳига монелик қилишга менда журъат етишмасди. Ерли эканимни билдирмаганлигимдан хижолатда бўлсам-да, бу йигит билан танишганимдан шод эдим. Шу пайт у машинани тоққа юксалган хиёбондан ҳайдаб, кенг бир майдончада тўхтатди. Тушди. Мен ҳам машинадан тушдим. Йўл четига яқинлашдик. Кўзларимизга чироқлар дарёсига чўмган, Ҳазарни кучиб, бағрига босган гўзал Боку бус-бутун кўринди. Йигит қўлларини кенг очиб, сунъийликдан, ғайритабиийликдан узоқ бўлган содда бир ифода билан:

— Мана, бу ҳам бизнинг шаҳар,— деди.

Деди-ю, кулди.

Мен унинг бу сўзларида, бу ҳолатида ўз тушунчаларим, ҳисларим, хаёлларимнинг акс-садосини эшитдим. Балки шунинг учундир қувноқ танишимнинг «Дўстингиз ким?» деган саволига жавоб берганда «дўстим», деб ўзим ҳақимда атрофлича гапирдим. Дедимки, у журналист, тез-тез командировкаларга бориб туради, ўтган йили янги уйга кўчиб ўтган. Ҳозир оиласи билан учинчи қаватда яшайди, хотини врач, икки қизи бор, бири Москвада таҳсил олади, иккинчиси Бокуда консерваторияда ўқийди... Ҳайдовчи бирдан сўраб қолди: «Нега у сизни кутиб олгани чиқмади?» Аввалига шошиб қолдим. Кейин: «Безовта қилишни истамадим, ундан кейин, умуман, кутиб олишларини ёқтирмайман»,— дедим.

Ҳайдовчи Наримонов проспектининг ҳар икки тарафидаги янги бинолар ҳақиқа гапира-гапира, машинасини шошилмай ҳайдарди. Ниҳоят, Иншоотчилар проспектидаги беш қаватли бинонинг қаршисида машинани тўхтатди, эгилиб учинчи қаватга боқди:

— Кечанинг бу пайтида чироқ ёқилган деразалар кам бўлади. Дўстингизники бўлса керак,— деди ва кулимсираб илова қилди.— Ухламасдан китоб ёзипти...

Мен счётчикка қараб пул чиқарганимда, ҳайдовчи яна ўша табассум билан бошини сарак-сарак қилди:

— Вокзалдан бу ергача олтмиш тийиндан ортиқ ишламайди. Мен ахир биламан-ку. Биринчи келишиммас. Сиз менинг меҳмонимсиз.— У пулнинг қолганини қайтарди-да, яна бир карра чироқ ёниқ турган деразга қараб:— Дўстингизга мендан салом денг. Яна шуни тайинлангки, журналистларимиз Боку ҳақида, бизнинг шаҳар ҳақида жуда кам ёзишади,— деди.

Ҳайдовчининг отини сўрашга ҳам улгурмай қолдим; моторнинг гуриллаши ичидан унинг: «Соғ бўл», деган сўзларини эшитдим.

У Ч И Н Ч И Қ У Ш И Қ

Бизнинг бино қаршисида эски уйлар бор эди. Атрофда янги турар-жой биноларининг сони орта борган сари улар тобора кичраяётгандек кўринар ва ёлғизлашарди. Улардан баъзилари тахта деворларга ўралардилар, баъзиларининг дарвозалари олдига эса юк машиналари келиб тўхтар ва одамлар бутун майда-чуйда кўч-кўронни ортишиб, янги манзиллари томон кетардилар. Кула-кула, отамлаша-отамлаша...

Эски уйларнинг умри узоқ эмасди.

Бир куни саҳарда шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Балконга чиқдим. Эски уйнинг ҳовли дарвозаси олдида хийлагина одам тўпланганди. Улар асабий ҳолда бир-бирларининг гапини бўлишиб, бақирришар, алланималар хусусида талашишарди. Кўпчилиги менга таниш, шу эски уйда яшовчи қўни-қўшнилар эди. Улар қўлларида болта, арра ушлаган бошқа бир гуруҳ кишини ўраб олгандилар. Йўлнинг ўртасида машина турар ва у шунчаки, кўч-кўронни олиб кетадиган юк машинасига ўхшамасди.

Мен тезда кийиндим-да, пастга тушиб, нима гаплигини суриштирдим. Қўлларида болта, арра ушлаган кишилар уйнинг олдидаги кенг йўлак ўртасида ўсган каттакон дарахтни кесиш учун келган эдилар. Дарахт шундай катта эдики, шох-бутоқлари худди чодир каби йўлни, ҳовлини бутунлай қопларди. Уйда яшовчилар йўл четига, дарахт салқинига узун ўриндиқ ясашганди. Ҳаво дим, хонада ўтириб бўлмаган кунлари улар шу ўриндиққа жойлашиб, суҳбат қуриб, вақт ўтказишар эди.

Биз қанчалик ёлвормайлик, отанг яхши, онанг ҳам яхши қилмайлик, натижа бўлмади. Болта ва арралар ишга тушди. Дарахт кесишга келганлар шундай важ қилдилар: биринчидан, қийшиқ ўсгани учун йўловчиларга халақит қилади, иккинчидан эса, келажакда тикланиши лозим бўлган бинонинг пойдевори учун чуқур кавлашга имкон бермайди. Бу изоҳлар бизга асоссиз кўринди. Ахир ўтган-кетган одамлар сал бош-

ларини эгиброқ ўтсалар ҳеч нима қилмасди. Бинонинг пойдеворини эса бир неча сантиметр нарироқдан қазиса бўлаверади. Далилларимизга улар қулоқ осмадилар. Дарахтни кесиб ерга агдардилар, машинага боглаб, судрай бошладилар. Дарахт шохлари йўлнинг уйдимчуқурларига, йўлакнинг тошларига илашиб, тўнкасидан ажралишни истамасди...

Эртаси кун трактор келди. Ҳалиги кишилар жамланиб, йўғон тросни дарахт тўнкасига боғладилар. Трактор бир чамалангандек секин тортиб кўрди. Тросс узилгудек бўлиб таранг тортилди, лекин дарахт тўнкаси қимир этмади. Кейин ҳам трактор нақадар кучаниб, одамлар қўшилиб тортсалар ҳам дарахтнинг қолдиғи барибир ўрнидан қимир этмади. Ҳатто, бир марта тросс узилиб ҳам кетди.

Дарахт кесувчилар бошлари қотиб турдилар-турдилар-да, кейин қўл силтаб жўнаб кетдилар.

Биз тўнканинг атрофида йигилиб, таассуф билан анча туриб қолдик, сўнгра ҳар ёққа тарқалишдик.

Орадан ойлар ўтди. Бир кун яна кўчадан ғала-говур эшитиб, айвонга чиқдим. Яна дарахтни ўраган издиҳомга кўзим тушди. Болалар қўл ушлашиб, бақириб-чақириб унинг атрофида шўх-шодон айланишарди. Ҳовлиқиб кўчага чиқдим-да, тўнкага яқинлашдим...

Каттакон дарахтнинг кенг тўнкаси гир айлана кўкара бошлаганди.

Яна кунлар ўтди. Япроқлар қуюқлашиб, каттакон бир яшил бутазор вужудга келди.

Ўша баҳордан кейин дарахт анча ўзига келиб, янги шох-шаббалари кун сайин ўса бошлади. Бутазор яна кўркамлашди. Ундан сал нарида эса янги бинонинг пойдевори қўйила бошланди. Уларнинг иккалови ҳам, бино ҳам, дарахт ҳам ёнма-ён бўй чўзардилар. Мен ўз ерига маҳкам ёпишган, япроқлари шивирлаган дарахтнинг ям-яшил қўшиғини тинглардим.

ЛОЛАЛАР ОЧИЛГАНДА

Мен у билан Болтиқ бўйи шаҳарларидан бирида — Таллинда танишгандим.

Кечқурун меҳмонхонада дам олиб ўтириб, кўзим телефон китобчасига тушиб қолди. Мен уни қўлимга олдим-да, варақлай бошладим. Китобнинг биринчи саҳифасининг илк сатри «Аббосов И. А.» фамилияси билан бошланарди.

Кўнглим орзиқиб кетди-да, беихтиёр номер тера бошладим.

— Менга «Аббосов И. А.» керак эди.

— Мен сизни эшитаман.

— Мен Бокуданман.

— Бокудан?

— Ҳа, Бокуданман.

— Бокудан бўлсангиз, ўзингиз ким бўласиз?

Сухбат рус тилида кетаётганди.

— Гап шундаки, мен сизни танимаганимдек, сиз ҳам мени танимайсиз. Меҳмонхонадаги телефон китобчасини шунчаки варақлай туриб, фамилиянгизга кўзим тушиб қолди. Шундан кейин, бу ерда ҳам менинг ҳамюртларим бор экан, деб қизиқсиниб қолдим.

Турубкадан кулги овози эшитилди.

— Озарбайжонликлар жуда ҳам шўх бўлишади. — У бир оз жим турди-да, сўнгра кулганича гапида давом этди: — Шўхлик ёмон маънода эмас, албатта. Ҳар нарсани ўрганмоқ, ҳар нарсани билмоқ орзуси инсоннинг энг яхши хусусиятларидан бири.

— Яхши хусусият деяписизми?— сўрадим энди озарбайжон тилига кўчиб.— Унда ижозат берсангиз, сизга бир савол билан мурожаат қилсам.

У сўзимга тушунмади шекилли, узр сўради. Озарбайжон тилини билмаслигини қисиниб бўйнига олди.

— Озарбайжондан чиққанингизга анча бўлдимми?

— Мен ҳеч қачон Озарбайжонда бўлмаганман,— деди у.

— Эҳ-ҳа.

— Отам озарбайжонлик эди. Қорабоғдан. У ерда Шуша деган бир жой бор.

Шуша сўзини у шундай талаффуз этдики, ҳатто суҳбат нима ҳақида кетаётганига тушунмай қолдим.

— Отам Озарбайжонда улуғвор тоғлар тепасида Шуша номли қишлоқ бор, дерди, мен ўша ерданман.

— Шуша қишлоқ эмас, кўҳна, гўзал бир шаҳар.

— Шундай бўлса бордир. Отам уруш йиллари бир эстон қизи билан танишиб, унга уйланган. Урушдан кейин эса ватанига қайтмаган.

Унинг кўнглини кўтарган бўлдим:

— Уруш кўпларни ватансиз қолдирди.

У рус тилида гапирса-да, барибир эстон лаҳжаси шундоққина сезилиб турарди:

— Сизга бир таклифим бор эди.

— Марҳамат.

— Ижозат берсангиз, учрашсак.

— Бош устига. Лекин аввалданоқ шўчи айтишим керакки, мен сиз ўйлаганингиздек ёш эмасман. Мени кўрганингиздан кейин ўз таклифингиздан пушаймон бўлманг, деб қўрқяпман.

У яна кулди:

— Мен ҳам унчалик ёш эмасман.

— Неча ёшга киргансиз?

— Ўттизни уриб қўйганмиз.

— Ҳм. Демак, мен сиздан тахминан икки марта каттароқ эканман.

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Сиз тўқсон ёшга кирганман десангиз ҳам, мен сиз билан кўришишдан беш тортмасдим.

— Яхши. Розиман.

— Эртага кечқурун соат олтида «Олтин лангар» ресторанида учрашамиз.

У мени уйига таклиф қилса керак, деб ўйловдим,

лекин мен бу гўзал удум асрий Кавказ тоглари ортида қолиб кетганини ҳисобга олмай, шундай ўйга боргандим. Эҳтимол, Кавказ тоғ чўққилари баланд бўлганидан, телба шамоллар йўлини тўсганидек, қадим удумлар ва анъаналарнинг ҳам бизда сақланиб қолишини таъминлагандир.

Эртаси куни «Олтин лангар» ресторанида учрашдик. Деворларида «Кекса Тоомас»нинг зирҳ қалқони тасвири акс эттирилган, ғира-шира ёритилган ресторанда одам кўп эди. Столлар атрофида аксари кишилар иккита-иккитадан ўтиришарди. Ёшлар бир-бирларига кўз тикиб суҳбатлашишар, тез-тез шаробли қадаҳларнинг жаранги эшитилиб турарди. Биз томонларда агар шунча одам бир салонга йиғилиб қолгундек бўлса, уларнинг шовқин-суронларидан қулоқлар том би-тиши турган гап.

Столлар устида ёниб турган шамларнинг заиф нурида салонни кўздан кечирдим.

Унг тарафдаги дераза қаршисида ўтирган ёш йигит папиросини кулдонга босиб ўчирди-да, ўтирган жойидан туриб мен томон кела бошлади.

Қаршимда баланд бўйли, елкадор, қора қош, қора кўз, жингала сочлари бўйнига қадар тушган чиройли бир йигит турарди. Унга қараб ўттиз ёш бериб бўлмасди, у ўттиздан анча ёш кўринарди. Йигит оёқларини жуфтлаб менга бош эгди-да: — Агар янглишмасам сиз менинг Бокудан келган меҳмонимсиз-а? — деди.

— Янглишмадингиз.

Мен ўз исмимни айтдим. У ҳам исмини такрорлади: — Аббосов Имрон.

Ҳа, унинг исми Имрон эди. Лекин бўгинга ургу берганидан унинг одатдаги озарча исми қулоққа ғалати эшитиларди.

Рўнарама-рўпара ўтирдик. Умумий оҳангни бузмаслик учун ўзаро шивирлаб гаплашишга мажбур бўлдик. Барибир овсизмиз атрофимизда ўтирганларнинг диққатини жалб этарди.

Биз қадим шаҳарда қадим обидаларнинг сақланиши, замонавий биноларнинг кўҳна биноларга мутаносиблигидан, финлар томонидан тикланган Виру меҳмонхонасининг бу ҳамоҳангликни бузиб турганлигидан, «Кекса Тоомас»дан, «Бақалоқ Маргарита» ва «Жажжи Маргарита» минораларининг тарихидан, Пи-

рита соҳилининг инсонни донг қолдирувчи ҳайратангиз гўзаллигидан, Ратуша майдонида XVI асрдан бери ишлаб келаётган дорихонанинг ғоятда усталлик билан таъмир этилганлигидан, эстон халқининг китоб ҳамда гулларга бўлган муҳаббатидан, яна ундан-бундан гаплашганча, оқшомни қорайтириб, сонияларни дақиқаларга, дақиқаларни соатларга уладик.

— Биласизми, шаҳрингизда гуллар турли-туман скамейкаларни безаб туриши менга жудаям ёқди...

— Бу скамейкаларни ҳеч қачон гул-чечаксиз кўрмайсиз. Қор-ёмгирли ҳавода ҳам, хоҳ кечқурун, хоҳ тонг-саҳарда бўлсин, ҳатто кўчаларда қатнов тўхтаганда ҳам скамейкаларни гул безаб туради.

— Бу ҳам майли-я, агар гулсиз кетаётганингни кўриб қолишса, сенга албатта гул таклиф қилишади. Кеча кечқурун меҳмонхонага қайтаётганимда бир кампир мени чақириб қолди. Ўзимча у бирор нарса ҳақида сўрамоқчи шекилли, деб ўйладим, лекин кейин билишимча кампир гул олмаганлигимни эсимга солаётган экан. Бу жуда яхши одат.

— Худди шундай. Лекин бу борада японларга етиб бўлмаса керак. Улар ҳаётни умуман гул-чечаксиз тасаввур қилишолмайди. Японияда ҳатто гул илми, гул тили мавжуд. Японлар дилларидагини баён қилишолмаса, дарҳол гулни ёрдамга чақиришади.

— Бундан чиқди Японияда бўлган экансиз-да?

— Дунёда оёғим тегмаган бирор қитъа қолмаган.

— Демак, туғилган юртингиздан бошқа ҳамма ерда бўлган экансиз-да. Кўрмаганингиз ўзиям биргина Озарбайжондир?

Унинг болаларникига ўхшаш қуюқ киприклари орасидан менга дунёнинг аччиқ-чучугини татиган, кўрганларининг моҳиятига тушуниб етган, паст-баландни билиб олган одамнинг, етук инсоннинг кўзлари ўйчан боқди. Энди унга бемалол ўттиз ёш берса бўларди.

— Худди шундай. Отамнинг ватанида бўлганим йўқ.

У гапга тушиб кетиб, Японияда, Чикагода, Парижда кўрганларини ҳикоя қила бошлади.

Унинг ҳикоясича, Испания гуллар ва музейлар ўлкаси, Японияда гўзаллигу нафисликка сажда қилдилар, Голландияда саҳарлаб гуллар билан саломлашадилар. Бу ўлкадаги қизил лолалар бошқа ҳеч қаер

да йўқ. Голландиянинг қизил лолалари самолётларда бутун дунёга жўнатилади... Мен уни тинглаб, хаёлга чўмганча, она-ватаним ҳақида ўйлардим. Чунки ватан бу шартли жугрофий территория эмас, балки у инсон идроки билан юрагининг мустаҳкам, айрилмас бирлигидир. Ватанни тарк этмоқ, ватанни унутмоқ мумкин эмас. Ватан сенинг нафасингда, юрагингдадир. Умринг тугаб, ҳаётдан кўз юмганингда ҳам у сен билан бирга бўлади.

Суҳбатдошим нафасини ростлаб, шампан шишасини крахмалланган салфетка билан ушлаганча, қадаҳларга шароб қуя бошлади.

— Голландиядаги қизил лолаларнинг уруғи қаердан олинганини биласизми?— сўрадим мен ундан.

У шишани дастурхон устига қўйди-да, ёйдек қошлари юқори кўтарилиб, ҳайрат-ла юзимга қаради.

— Эндиликда бутун дунёга машҳур ўша Голландия қизил лолаларининг уруғи Озарбайжондан. Бу уругларни ўтган асрда Озарбайжондан совға қилиб юборишган.

— Жуда ажойиб-ку! Бунақалигини мен билмас эдим.

— Мана шунақа, дўстим, Озарбайжон ҳам гул-чечаклар ўлкаси. Сиз Токио, Париж, Чикаго ҳақида гапиряпсиз. Мен у шаҳарларни кўрмаганман. Аммо-лекин мен учун Озарбайжон у ерларнинг ҳаммасидан ҳам гўзалроқдир. Чунки у меники. Айтишингизча, отангиз Шушадан-а. Шушанинг қанчалик гўзаллигини билмасангиз керак. Бу ерларда лола ўстирмайдилар. Аммо нишабликлар, тоғларнинг ёнбағирлари кўз илғамас қизил лолалар билан бурканганини бир кўрсангиз эди! Қараб кўзинг қамашиб кетади. Менга, гўё табиат дунёнинг бутун алвон рангларини, гўзаллигини шу шаҳарда жамлаганга ўхшаб туюлади. Шушанинг ҳавоси ва суви шу қадар шаффоф, ўт-ўланлари шу қадар зумрад, лолалари шу қадар ёқут, қуёши шу қадар порлоқки... Менимча, Шушаданман деб, Шушани кўрмаслик уятдир.

— Албатта, бориш, у ерларни кўриш ҳам фарз, ҳам қарз!

— Билсангиз, у ернинг яна бир хусусияти бор. Озарбайжоннинг машҳур муғаннийлари барчаси Шушадан чиққан. Шушаликлар ўшу қари ҳаммаси куй-

қўшиқ шинавандалари. Ўларнинг ҳаммаси куйлайди, овозлари жуда ширин. Бунинг сири нимада? Балки Шушанинг сувида ёки ҳавосида бир ҳикмат бордир, ёхуд тупроғида...

Янги танишим кулимсиради-да:

— Отам ҳам куйлашни яхши кўрарди,— деди.— Ҳамиша бир қўшиқни хиргойи қилиб юрарди. Биз унинг тилини тушунмасдик. Унинг қўшиғи ҳалиям қулоғимда янграб туради, фақат сўзларини ёдимда сақлаб қолмаганман. Чунки, бу қўшиқнинг оҳанги бизнинг қўшиқларимизникидан бутунлай бошқачадир. Ўзи ҳам қайғуга чўмган дамларидагина куйларди у қўшиқни. Унинг қўшиғида висол ташналиги, саробга айланган муҳаббат куйланарди.

Ота ўз ватанини қўриқлаш учун жанг қилганди. Ўгил эса отасининг туғилган диёрига бўлган муҳаббатини қалб қаърида, у куйлаган қўшиқ хотирасида ардоқлаб сақлаётир.

У ниманидир хотирлагандай, яна кулимсиради:

— Хорижда бўлганимда кўпинча қаердансиз, қайси миллат вакилисиз, деб сўрашади. Мен доим Озарбайжонданман, дейман.

Озарбайжонликман, дейди ўзини. Ажаб! Эстонлар уни озарбайжонлик, деб биладилар, озарбайжонликлар эса, эстон.

— Отамнинг вафот этганига уч йил бўлди. Ўлими-дан тўрт-беш ой олдин Бокуга борганди. Касал бўлганлиги учун доктор унинг Шушага боришига ижозат бермаганди. Бокудан қайтиб келганидан кейин ўнгланмади. Қабримга бир қисм ватан тупроғидан сепгин, деб васият қилганди,— суҳбатдошим ўйга толди.

Эшик очилганди, ичкарига қуёшнинг алвон нури мўралади. Таллинда йилнинг бу пайтлари қуёш жуда кеч ботади.

Кимдир эшикни ёпди. Гўё қуёш нурлари ичкарида қолишдан қўрққандай, тезда уларни йигиштириб олди. Суҳбатдошим худди уйқудан уйғонгандек жонланди. Узун-узун биллур қадаҳларга яна оз-оздан шароб қуйди. Шаробнинг кўпигидан кўзини узмай қадаҳни кўтарди.

— Сизнинг соғлигингиз ва танишганлигимиз учун!

— Ташаккур. Бокуда, яъни Шушада кўришиш шарафига.

— Шарқликсиз-да, асил шарқликсиз! Шарқликларда қардошлик ҳисси жуда кучли бўлади. Қардошлар ҳеч қачон жудоликни истамайдилар, жудоликдан қўрқадилар.

— Шундайми? Буни фақат шарқликларга хос ҳиссиёт, деб ҳисоблайсизми?.. Тасаввур қилингки, поездда кетяпсиз. Вагон деразасидан бепоён далаларни томоша қилиб кетяпсиз, дейлик. Бирдан кимдир вагондан йиқилиб кетиши хавфи туғилади. Шунда сиз нима қилардингиз?..

Суҳбатдошим елкасини қисди.

— Менми?

— Йўқ, умуман сўраяпман-да.

— Шубҳасиз, ҳамма ҳам бирор чора кўришга интилади. Бири шовқин-сурон кўтаради, бошқаси одамларни ёрдамга чақиради.

— Бири эса, стоп кранни босиб, поездни тўхтатади... Тўхтатиб, жабрланганга ёрдам қўлини чўзади.

Суҳбатдошим кулимсиради-да, ҳазилга кўчди:

— Йиқилган одам сенинг қўлингни тутишни истамаса-чи?

— Сен четда турсанг, у сенинг қўлингни тутиш ё тутмаслигини қаёқдан биласан? Бунинг учун менимча шарқлик ёки ғарблик бўлишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Аввало, инсон бўлиш керак.

— Албатта шундай, инсон бўлиш керак, энг аввало, инсон бўлиш керак!

Орага чўккан жимлик суҳбатдошимни безовталантирди. Қадаҳга қуйилган шаробнинг кўпиги босилди.

— Унинг васиятини бажо келтирдингизми?

— Кимнинг? Ҳа, отамни айтаяпсизми?

—...

Бошини чайқади.

— Афсуски, йўқ. Иш кўп, қўл тегмаётир. Балки бу ёз бир илож қилиб борарман.

Бормаса керак, бормаиди, нима бўлса ҳам менга шундай туюлди.

Отанинг қабри ўз ўлкаси ҳасратида. Кўз ўнгимда танҳо бир тепалик жонланди. У ўрнида қимирлаб қўйди. Менинг қалбимдан ўтаётган ўйлар уни безовта қилгандай бўлди. Нима бўлса ҳам, бехосдан бўлган бир туртки унинг мудраб ётган ички туйғуларини кўз-

га кўринмас локатор тўлқинлари каби ҳаракатга келтириб, уйғотиб юборди. У бошини ҳам қилди. Ўзиними ёки меними амин этмоқ, ишонтирмоқ учун деди:

— Албатта, албатта бораман. Шушада ҳам бўлман. У ерларда лола қачон очилади?

— Баҳорда... Май ойида, тоғда эса бир оз кечроқ...

— Ҳа, майнинг охирларида бораман. Лолалар очилганда.

Ватан — сеҳрли бир қудрат! У сени оҳанрабодай ўзига тортади. Тупроғи ҳам, тоши ҳам тортади. Нафасию қўшиқлари ҳам... Алвон лолалари ҳам...

НАСРИЙ НАЗМЛАР

ОНА ВА ЗАМИН

Чақалоқ она сутини эмди, унинг уйқусини олди. Она кўзлари нурини, юраги тафтини, билаги қувватини, ҳаммасини берди фарзандига, ҳеч нарсани аямади дилпораси, жигарпорасидан. Охирги бурда нонини ҳам унга тутди, охирги ушоқни ҳам. Ниҳоят, улғайтирди боласини, бахти сайёрасини. Оёққа турғизди. Заминга турғизди уни.

Замин ҳам сийнасидан жой берди унга. Едирди, кийдирди. Оналик меҳри-навозиши ила, оналик завқи-қувончи ила ўстирди уни. Ҳеч нарсани дариғ тутмади ундан замин ҳам.

Ўғил ўсди, улғайди... Қўли нонга етди, оғзи ошга. Ўғил шуҳратли киши бўлди, чўлу биёбонларга, шаҳру қишлоқларга овозаси тарқалди. Шундан сўнг, унинг етти ухлаб тушига кирмаган қариндош-уруғлари кўпайиб кетишди. Булардан аксарини танимас, сўзини эшитмаган, ўзини кўрмаган эди у. Кўрганлари ҳам илгарилари унга лоқайд, совуқ нигоҳ билан қарашар, бу нигоҳлардан боланинг юраги музлар эди. Энди уларни кўриб, ўғил ҳайратда қолди.

Чироқ ёқса, парвоналар ўз-ўзидан кўпаяди. Кўпайишди, қариндош-уруғлар ҳам. Шундай кўпайишди. Унга мақтовлар ёғдиришиб, яхши гаплар айтадиган бўлишди. Бири йигитга жуда яқин қариндош эканини, бири зоти, насл-насаби улуғлиги, ер-кўкка сигмаслигини билдирди. Бири у билан қайси пайтлар учрашганию қўл олишиб кўришганини гапирди. Кейин ҳар ким унинг бирор фазилатидан сўзлашга тушди. Ҳамма гапирарди у ҳақда.

Фақат она индамасди, замин индамасди. Она Заминдай оғир, Замин Онадек босиқ эди. Уларнинг табияти ўзи шунақа. Азалдан шунақа.

УМР БЎЙИ

Ким учундир вақт тез ўтаётир,
Ким учундир вақт секин ўтаётир.
Кимдир вақт ўтганидан афсусланади..
Кимдир вақт ўтганига хурсанд.

Вақтнинг эса афсусланган одам билан ҳам, хурсанд бўлган одам билан ҳам иши йўқ; унисига ҳам, бунисига ҳам қарамайди. Суръатини на камайтиради, на оширади у. Сония сонияни чақиради, дақиқа дақиқани. Кун кунни қувади, йил йилни.

Афсусланганнинг ҳам, хурсанд бўлганнинг ҳам умридан кетади бу сониялар, дақиқалар, кунлар, йиллар. Умридан кетади!

Бунинг эвазига ҳамма учун ҳам хотира қолади. Хотира! Ширини ҳам бўлади бу хотираларнинг, аччиғи ҳам. Аммо ҳар ким албатта экканини ўради.

Умр бўйи хотира йиға-йиға, дунёдан ўтамиз...

КУЧИГА БОҚ, КУЧИГА!

Қора куннинг кучига боқ, кучига!..
У неча-неча қора сочларни оқартирди.
Ёруғ, оқ куннинг кучига боқ, кучига!!

У қанчалик олишиб, курашмасин, оқ сочларнинг бир толасини ҳам қорайтиролмайди. Бир толасини ҳам...

ИККИ ЭШИК

Икки эшик. Юзма-юз ўрнашган икки эшик. Юзма-юз! Ўртада эса кутиш хонаси. Келиб-кетувчилар учун.

Икки эшик. Бир бичимда, бир рангда, бир хилда. Бир-бирига тенг икки эшик.

Иккиси ҳам тез-тез очилиб-ёпилади, ёпилиб-очилади. Тез-тез.

Бири майин, ҳафиф-ҳафиф очилади. Майин, ҳафиф-ҳафиф ёпилади. Икки эшикнинг бири,

Їирини зарда билан очишади, зарда билан ёпишади. Зарда билан! Икки эшикнинг бирини.

Бирининг юзи нурли, очиб-ёпганларнинг юзи каби, севинчи каби, орзу-истаги каби. Кулади.

Бирининг юзи тунд, келиб-кетганларнинг юзи каби, ранжу алами каби, фикр-хаёли каби. Йиглайди.

Їирини муҳаббатлари биносини қурганлар, ватан қурганлар очиб-ёпишади.

Їирини муҳаббатларидан айрилганлар, заифлашиб, ҳолдан тойганлар очиб-ёпишади.

Бир бичимда, бир рангда, бир хилда, бир-бирига юзма-юз ўрнашган икки эшик. Юзма-юз. Ўртада эса кутиш хонаси. Аллақачон бирлашишарди бу эшиклар. Бири роҳати, севинчини улашишга тайёр эди иккинчиси билан. Бири ранжу аламларидан қутиларди. Бирлашишарди улар.

Агар орада бузғунчилар бўлмаса, бузғунчилар.

КУЗ

Кечки беҳилар терияпти. Боғу роғлардан энди қўл-оёқлар чекиляпти. Дастурхонларнинг безаги бўлмиш, атри, тоти бўлмиш сап-сариқ беҳилар, кечки беҳилар...

Ўзун кечалар келяпти. Кундузларни қисқарта-қисқарта узайган кечалар. Телевизор қўйиб, радио эшитадиган кечалар. Ўзун кечалар...

Япроқлар тўкиляпти. Бутоқларидан узилган япроқлар ҳар ер-ҳар ерга тўкиляпти. Истаб-истамай, аммо сарғая-сарғая япроқлар тўкиляпти...

Еллар эсяпти. Еллар қиличдай кесяпти. Изғирин еллар яланғоч дарахтларга, бағрида борини ўзгаларга бериб, ҳувиллаб қолган кимсасиз боғ-роғларга, манзил бошига ошиқаётган одамларга ҳамла қиляпти. Изғирин еллар...

Куз... Оҳ, умрларининг ёзини, баҳорини йўқотганларга не қолади?! Умрининг кузини кечираётганлар истар-истамас ўй сурадилар, чала қолган ишлари, юзага чиқмаган орзуларини эслайдилар, эслатадилар бир-бирларига. Эслатадиган фасл бу. Куз...

ДАРАХТЛАРИМ

Сарв, шамшодим — менинг виқорим!

Юксаклигим менинг — чинорим!

Эман дарахтим — метин иродам!

Мажнунтолим — паршонлигим, мафтунлигим, дарду алашим.

Виқорим ҳам бор, юксаклигим ҳам. Метин иродам ҳам бор, паришонлигим, мафтунлигим, дарду алашим ҳам.

СЕНИНГ ЎЗИНГ

Қуёш демайман сени... Демайман! Бир Қуёш бор. Нафаси-ла, ҳарорати-ла тўрт миллиард одамни иситар. Иситажак! Биз ҳам шу одамлар қаторидамиз.

Ой демайман сени... Демайман! Бир Ой бор. Нури, зиёсидан тўрт миллиард одам баҳра олади. Севганлар, севилганлар, кутаётганлар, куттираётганлар, қовушганлар, айрилганлар, қувонганлар, қайғу-ҳасратлилар, орзу этганлар, дард чекканлар унга боқишади, ундан завқ олишади, уни ўзларига сирдош-маҳрам, деб билишади, қалбларининг тўрида ардоқлашади. Ардоқлашлари муқаррар! Биз ҳам шу одамлар қаторидамиз.

Сен, демакни истайман сени... Шундай, сен!.. Менга сен кераксан! Сенинг ўзинг. Фақат ўзинг! Ўзингга хос нафасинг, ҳароратинг, навозишинг, меҳрибонлигинг, табиийлигинг, соддалигинг, парвойинг, қайғу-ҳасратинг, меҳнатсеварлигинг, ерга, ватанга муҳаббатинг, бутун борлигинг керак менга!

Сенга дунё ваъда қилмайман, гўзал-гўзал денгизлар, дарёлар, тоғлар, ўрмонлар ваъда қилмайман. Сенга чексиз осмонни, атлас этакли осмонни, саргайиб, милтираб боққан ва жимирлаб оққан юлдузларни ваъда қилмайман. Не ишим бор улар билан? Менинг ихтиёримда эмас-ку улар! Башарият номидан гапира олармидим. Ҳа, сенга меники бўлмаган, имконим етмаган, қўлимдан келмаган нарсаларни ваъда қилмайман.

Аммо йўқ нарсаларни ваъда қилмаганим учун мени хасис экан, деб ўйлама. Кучим етган, меники бўл-

ган, қўлимдан келган нимаики бўлса, барини ваъда қилишга тайёрман.

Борлигим фақат юрагимдир! Дилим дилингга муштоқ. Юрагингга етишишга интилади юрагим!

Не дер сенинг юрагинг?!

ҚИЙИН ЙЎЛ

— Сув сепасанми?!

— Сепаман!

— Сепма, жон она, қўшнилардан уяламан.

— Одатимиз шундай, болам, сафарга чиққан йигитнинг орқасидан сув сепишади. Сув ойдинлик, болам. Ҳар нечук қийин йўлга кетяпсан.

— Бу йўллар мен учун қийин эмас, она, бу йўлларга ўрганиб қолганман! Яна унутмагинки, мен альпинистман, тоғ-тошларга тирмашиб чиқиш, қоядан-қояга ўтиш менинг касбим, ҳунарим. Машаққатли йўлга кетаётганимда сепарсан, ҳали сепмагин, ҳозир сепмагин, хўпми?

Иложи қолмаган она:

— Сепмайман, бўпти,— деса ҳам, ўгли зинаполардан тушар-тушмас, барибир, ўз билганидан қолмади...

Сув сепилганидан сесканиб, ўгли онасига қайрилди: «Ойижон, нима қилияпсан?»

Онанинг қалбида хавотир, ночорлик, ҳаяжон янада ортди: «Сог-саломат қайтгин, болам!..»



Ўғил ўзига оро берар, ҳадеб соатга қарар экан, ҳаяжони дам сайин ортарди...

Онанинг кўзи унда эди. Ўғилнинг ҳаяжонларига она зоҳиран лоқайд қараса ҳамки, ичида севиначи, тушинарди: «Айни балоғат ёшидасан, ўғлим!.. Отанг раҳматлик унашгани келганида йигирма ёшга ҳам тўлмаганди, сен йигирма учга қадам қўйдинг...»

Юзма-юз туриб қолишди. Ўғил йўлга чиқар экан, орқасига қаради.

— Сепасанми?

Ўғлининг овозида она бир титраш сездди. Дадил жавоб берди:

— Сепаман!..

Ўгли индамади, у онасига биринчи марта «сепма», демади. Ҳар нарсани тушунувчи онага сўнгсиз миннатдорлик билан боқди. Ўғилнинг боқишларида: «Ўргилай онажон, сувни яхши-яхши сеп, кўп-кўп сеп. Қийин йўлга кетяпман, она, қийин йўлга», деган маъно бор эди.

Ўғил кўз қири билан соатига қаради, онанинг юраги ўртанди: «Қара, нақадар ҳаяжонда ўғлинг!.. Севги йўқ, деганлар янглишишади, севги бўлмаса болам нимага титрайди?! Эй, мен танимаган қиз, сенинг юрагингга ҳам ишқ уруғлари сепилган бўлсин, ишқ!.. Омадларинг келсин! Альпинист боламки титраётган экан, демак... сени у юракдан севади».

Ўғил зиналардан тушар-тушмас, она унинг орқасидан сув сепди.

Сувнинг сасига ўғил ўғирилди, онасига миннатдор қаради: «Раҳмат, онажон, раҳмат!»

Она қалбида фараҳ, севинч яна ортди: «Севгилинг ваъдасини олиб қайтгин, болам!.. Қийин йўлга кетаётганимда сув сепасан, деган эдинг... Демак, қийин йўл юракдан урган йўл экан, болам, юракдан!..»

УЧРАШУВЛАР!..

Учрашувлар!.. Учрашувлар!.. Учрашувларда нималар гапирилмайди, нималар?!

Учрашиб турарди улар ҳам. Барча севганлар, севилганлар каби.

Сўзлашарди улар ҳам. Севгидан, севиб-севилишнинг нашидасидан, бир-бирини тушуниш бахт эканлигидан сўзлашарди.

Ҳар учрашганда қиз айтган гаплардан фақат биттаси йигитнинг эсида қоларди. Фақат биттаси. Бир учрашувда айтганди:

— Амакимнинг ўгли бизга совчи юбормоқчи...

Заргар эди амакисининг ўғли.

Бир учрашувда наридан-бери, гўё шунчаки гапирганди:

— Онамнинг айтишича, малла йигит интизор бўлиб йўлларимни пойлармиш!..

Министрнинг ўғли эди ўша малла йигит.

Яна бир учрашувда усталик билан сўз орасига қистирди:

— Холам ҳар бизникига келганда қора «Волга»ли йигитни таърифлагани таърифлаган...

Отаси академик, қора «Волга»ли йигит эди бу.

Учрашувлардан, йигит айтган гаплардан фақат бир нарса қизнинг эсида қолди. Қаттиқ ўрнашиб қолди. Навбатдаги учрашувда йигит бир йўла кўнглини очганди:

— Маҳалламизда яшовчи қорача бир қиз мени жуда ёқтиради. Онам, агар шу қиз менга келин бўлса, дунёдан армонсиз ўтардим, дейди. Холам ҳам қулоғимга, қиз эмас у, нақ олтин, қўлдан чиқарсанг, армонда қоласан, умр бўйи куясан, деб шипшитгани шипшитган...

Заводда оператор бўлиб ишларди у қиз!

Сўнгги учрашув бўлди бу учрашув. Сўнгги учрашув.

Г Ҳ З А Л

Троллейбусга бир қиз чиқди. Йигирма-йигирма икки ёшларда. Бўйи басти ҳам, юриш-туриши ҳам, қарашлари ҳам гўзал эди унинг. Гўзал.

Нигоҳлар, атрофдаги кишиларнинг нигоҳлари дарҳол унга қадалди. Худди кунгабоқарлар қуёшга қайрилгани сингари бўлди.

Бир йигит дарҳол ўрнидан туриб жой берди.

У секингина:

— Раҳмат,— дея ўтирди.

Йигитга «раҳмат» сўзини унинг биргина тили эмас, узун қора мужгонлари, ёқутдай ёниб турган ёноқлари, бир оз такаббурлик билан қарашлари ҳам айтгандай туюлди.

Йигит ўзини етти қават осмонда юргандек ҳис этди. Илиқ табассум, чиройли назокат билан:

— Арзимаёйди!— деди.

Гўзал ўз хаёли билан банд эди. Унинг атрофдагилар билан иши йўқ эди. Асло.

Лекин бирдан ўзидан, гўзаллигидан мамнун, гўзаллик ғурури билан тўлиб-тошган нигоҳи қаршисида ўтирган қирқ-қирқ икки ёшлардаги бир аёлга тикилди. Нега ўтирган заҳоти уни кўрмади, сезмади?! У па-

ришон, қайгу тўла қарашларни нега ҳис этмади?! Нега?!

Ростдан ҳам гўзалнинг нигоҳи аёлга тушган дамда аёлнинг қарашларида қандайдир ғам-гусса, қандайдир паришонлик бор эди. Бу ўзининг йигирма йил олдинги гўзаллигига, ёшлигига тасодифан дуч келган, ўша дамларни қумсаган, юраги ачиган одамнинг қайғуси, паришонлиги эди. Ҳар қандай гараздан, ҳасаддан йироқ қайгу ва паришонлик эди бу.

Қизнинг нигоҳи ўзига қадалганини ҳис этган аёлнинг қарашларидаги муқаддас туйғу-қайғу ва паришонлик қатъият билан, ўзини мудофаа қилишга тайёрланаётган одам қатъияти билан алмашинди.

Нигоҳлар, ўзидан, гўзаллигидан мамнун, гўзаллик ғурури, гўзаллигига ишонч ҳисси тўла нигоҳлар қатъиятли бир нигоҳ билан тўқнашди. Гўё чақмоқ чаққандек бўлди.

Нигоҳлар тилга кирди, нигоҳлар сўзлашди:

«Ёшлигингга қувоняпсанми?»

«Мен гуноҳқорманми бунга?»

«Ёшлик тез ўтади».

«Наҳотки, уни сақлаб бўлмайди?!»

«Бўлмайди! Афсуски, бўлмайди!»

Аёлнинг нигоҳи мулойимлашди, меҳрибонлик, сазимийлик, ҳарорат кўринди, қарашларида. Ҳарорат!

Қизнинг қарашларидаги ўзидан, гўзаллигидан мамнунлик, гўзаллик ғурури, гўзаллигига ишонч ҳисси йўқолди. Меҳрибонлик, сазимийлик, ҳарорат уйғонди қарашларида. Ҳарорат!

«Ҳамма сенга қараяпти...»

«Сезиб турибман».

«Бошинг айланмасин тагин!»

«.»

Қизнинг нигоҳи ерга қадалди. Кейин у яна аёлга қаради.

«Нима қилай?»

«Фақат ўзингни мана бу кунгабоқарлардан эҳтиёт қил... Нурга банда улар, нурга...»

Троллейбус тўхтади. Қиз ўрнидан турди.

«Омон бўлинг!»

«Хайр!»

Қиз тушиб кетди. «Кунгабоқарлар» унинг орқасидан қараб қолишди.

Қиз шаҳдам одимлар, қаршисидан келаётганларнинг ўзига тикилиб ўтаётганини ҳис этган сари ҳалиги аёлнинг қарашларидаги маънони яхшироқ уқиб борарди. «Фақат ўзингни мана бу кунгабоқарлардан эҳтиёт қил... Нурга банда улар. Нурга!.. Нурга!.. Нурга!..»

ОҒИР ДОВОН

Қуёш хийла кўтарилиб, отлиқларга ҳамроҳ бўлди. Оглиқларнинг манзили олис — улар довон ошиб ўтишлари керак. Шунинг учун отлиқларни ниқташаверади. Қуёш ҳам ётоғига тезроқ етиб бориш учун тезлашгандай отлиқларни тинмай кузатади. Ҳар нечук қуёш босиб ўтадиган йўл отлиқларники сингари оғир бўлмаса керак. Қуёш бу йўлидан одамзод пайдо бўлмасдан илгари ҳам юрарди, ҳозир ҳам кунда бир ўтади. Довон ортидаги ҳамкасбларига озиқ-овқат олиб бораётган икки геолог эса илонизи бўлиб юқорилаб кетган сўқмоқдан ойда-йилда бир юришади. Шу сабабли ҳам манзиллари яримламай анча толиқишди. Отлар ҳам чарчади.

Йўловчиларнинг бири — амалиётчи талаба Озод — ўтган йилги тоғ сафарини хотирлаб борарди. Озод талабалар орасида кўп фазилатлари билан ажралиб турарди. У институт алпинистлари ичида энг чапдасти ҳисобланарди, аъло ўқирди, ҳатто машина ҳайдашни ҳам биларди. Шунинг учун курсдошлари ҳозирданоқ уни ҳақиқий геолог ҳисобига киритиб қўйишганди. Аммо шаҳарнинг текис кўчаларида машина ҳайдаш бошқаю сўқмоқдан от миниб ўтиш бошқа экан...

— Отни қайтар! — олдиндаги отлиқнинг бақиригидан кейин Озод ўзига келди. Унинг гангиб турганини кўриб, ҳамроҳи яна жаҳл билан қичқирди: — Отни қайтар, деяпман, қаёққа ҳайдаяпсан! Кўзинг борми ўзи?!

Озод тизгинни бўш қўйгани учун от йўлдан чиққан эди.

— Тизгинни торт, бу ёққа қараб торт, жиловни бўшатма. Анқаймай юр!

Озод шошиб жиловини тортди, оёқлари билан отни ниқтаб-ниқтаб ҳамроҳига етиб олди.

— Қамчини нимага чиқарган, оч биқинига яхшилаб туширсанг-чи,— деди ҳамроҳи унинг ҳаракатларини кузатиб турар экан.— Отнинг жони ачимаса, илдам юрмайди.

Озод қамчини ҳавода силкитдию аммо урмади. От бир оз тезлашди. Улар тоғ белига арғамчидай ўралган тор йўл бўйлаб яна кўтарила бошладилар. Озод орқароқда, олдинда эса ҳамроҳи — Адолат.

— Отни савалашни билмайсанми, ё раҳминг кел-яптими?— деди бир пайт Адолат орқасига қараб.

— Жонивор чарчаганга ўхшайди. Айтай деса тили йўқ бечоранинг.

— От чарчоқ нималигини билмайди. Бардошли бўлади, уравер, ўлиб қолмайди.

Адолат шундай деб отига шап этиб қамчи босди. От силтаниб илгарилади. Қамчининг овозидан ҳатто Озоднинг оти ҳуркиб осмонга сапчиди. Озод чаққонлик қилиб узангига оёқ тиради-да, туриб олди. Қулоқлари остида шамол гувиллади, кафтини жилов қийиб ачиштирди. От жиловга бўйсунди.

Сайхонликдан ўтишгач, ўрмон пастда қолди. Алвон чечаклар билан бурканган ёнбагирга чиқишди. Чумчуқ полапонининг огзини эслатувчи яшил пайғамбарчечак, оқ муллабоши, сарғимтир қонталаш юлдузбошли атиршоҳ, майин елда тебраниб турган кийик ўт... Табиатнинг бу сеҳри кишини маст қилади. Чарчоқни олгандай бўлади.

Саман яна секинлашди. Юк тўла икки хуржундан бели санчиб кетай деяётган от қора терга ботган, ҳатто ёллари ҳам ивиб ёпишиб қолган эди.

— Кўряпсанми, яна судраляпти. Асл ҳикмат қамчи, урмасанг ялқовланади.

— Бемаъни фалсафа бу.

— Нима десанг деявер, аммо мен ҳақ гапни айтяпман. Бугун бўлмаса эртага иқрор бўласан барибир.

— Бу чирик фалсафани ҳеч қачон тан олмайман.

— Китобий сўзларингни тор шимингнинг чўнтагига солиб қўй, шаҳарлик жононларга ишлатасан. Ўзинг-

дан катта одам ҳаёт ҳақиқатини айтганда маҳмадналик қилма.

— Пуч ғояларга ҳаётӣ ҳақиқатни ниқоб қилувчилар ҳам учраб туради, бу ёруғ дунёда.

— Э, ҳали гўдак экансан-ку! Она сутинг огзингдан ҳали ҳам кетмабди. Сен ҳаётда нимани кўрибсан? Ҳеч нарсани. Оила қуриб олаҳуржун бўйнингга тушсин, қай кўйга тушишингни ўшанда кўрармиз.

— Олаҳуржун бўйнига тушган одамнинг гапини айтасиз-а!

— Бу билан нима демоқчисан?

— Юриш-туришингиздан оила қурмаганга ўхшайсиз.

— Менга қара, бола, онанг этагингни тугиб қўйган маҳалда биз душманнинг белини қайириб, ўлим билан кунда юз бора бетлашардик, билдингми?

Адолат жаҳл билан тизгинни қаттиқ тортди. От чўчиб йўргалади. Озод индамади. Кечирим сўрагиси ҳам, мунозарани давом эттиргиси ҳам келмади. Унинг жим қолганини хижолатга йўйган Адолат бир оз юмшади.

— Кеч кириб қолди, шошилиш керак. Одамлар очдан қақшаб ўтиришгандир.

Адолат одамлар, деганда Гутор тоғида фойдали қазилма излаётган ҳамкасб дўстларини назарда тутган эди. Озод ҳам ана шу геологлар гуруҳининг аъзоси ҳисобланади. Институт йўлланмаси билан келганида уни экспедиция раҳбари ҳеч нарсани суриштирмай, ҳатто ҳужжатларини титкиламай тўғридан-тўғри лаборантлик вазифасига қабул қилаверган эди. Эҳтимол, у Озоднинг кўкрагидаги биринчи даражали альпинист нишонини кўриб унга ишонгандир. Балки суриштиришга вақти бўлмагандир? Буниси Озод учун қоронғи. Энг муҳими, аризасини ўқиб, исмини сўрадию ишга қабул қилаверди. «Ойлик маошинг шунча, фалон ишни бажарасан, фалон куни йўлга чиқамиз». Тамом. Бошқа сўз айтмаган эди. Гапларидан ғоят ишчан одамга ўхшайди. Сочи оқарган бўлса ҳам кўриниши анча ёш. Озод унинг гирт бўйдоқлигини, умрини шу каби экспедицияларда ўтказганини кейинроқ билди. У Озарбайжонни қадам-бақадам кезиб чиққани етмагандай Сибирь томонларда, ҳатто Камчаткада ҳам бўлган экан. Ўша ердан топилиб геология харитаси-

га киритилган маъдан унинг шарафига «ЮАХ» деб, яъни «Юсуф Алиевич Ҳасанов» деб аталган.

Озод барча геологлар билан, шулар қатори Адолат билан ҳам поездда танишди. Адолат Озоддан ўн-ўн бир ёш катта эди. Шу сабабли Озодга панд-насиҳат қилишни яхши кўрарди. Озод унинг ўғитларини индамай эшитарди, аммо ўрни келганда гап билан ёнбошга оларди. Кечқурунлари давра қурганларида юлдузлар ҳақида ҳам, нон ҳақида ҳам гаплашишарди. Баъзан суҳбат мавзуи алдамчи ва ростгўй раҳбарлар ҳақида бўларди. Шубҳасиз халқаро аҳвол, давом этаётган катта-кичик урушлардан, ўтмишдан ва келажакдан сўз очиларди. Куни бўйи ишлаб чарчаган геологлар чой ичиб туриб баҳслашардилар ҳам. Кейин кўрпа-тўшакларини кўтариб, чодирга кириб кетардилар. Баҳс қизиган паллада баъзан Юсуф домла гапни чўрт кесар, «бас, кириб ётинглар», деб даврани якунлаб қўя қоларди. Баъзан эса, Адолатнинг «Нима бўпти» қабилдаги сўзлари баҳс оловига ёғ сепарди. Шунда Озод ўзини тута олмай қизишиб кетарди. Гуруҳ бошлиғи бош геолог билан лаборантнинг баҳсига жимгина қулоқ бериб ўтирарди. «Ўшанда Юсуф домла нимани ўйлар эди? Ишларни яхши йўлга қўйишними? Керакли маъданни топгунча қанчадан-қанча тошни тўплаш, саралаш, текшириш керак. Виждонан ишлашга одатланган раҳбар кўп марта экспедицияни муваффақиятсиз якунлаган. Энди эса ахтараётганини топишига амин эди. Унинг талаби ҳам тўғри. Бекорчи гапдан нима фойда? Меҳнат қилиш, ахтариш ва топиш керак! Сийёсатдонларнинг қай бири ҳақ, қай бири ноҳақлигини билдинг нимаю билмадинг нима? Даврнинг ўзи ҳақиқатни кафтдек қилиб қўяди. Одамларга нон керак, темир керак, тоза қалб, покиза қўл керак...»

Озод хаёлларини қувиб нигоҳини саманнинг жиққа ҳўл ёлидан узди-да, олдинда кетаётган Адолатнинг қорайиб кетган бўйнига, уриниб қолган пиджагига қадади. Соч-соқолини олдиришга ҳам улгурмади. Хуржунни озиқ-овқатга тўлдирамиз, деб дўкону бозордан ортишмади.

«Бу бош геологга сира тушуниб бўлмайди. Мақсади нима, умрининг мазмуни нима, ҳаётида қандай манзилни кўзлаган — билиш мушкул. Иссиқ уй-жойи-

ни ташлаб тогу тошларда юришидан мақсади фақат мўмай пул топишми ёки бошқа нияти ҳам борми? Ҳаёт жабҳасида нимани изларкин? Маъданми ё эътиқодми? Урушда қон тўккан. Орденлари ҳам бор. Лекин бирор муаммодан гап очилиб куйинсанг: «Намунча халқ ғамини еб қолдинг?» деб пичинг қилади. Ҳолбуки, ўзи ёшлигида жонини халқ учун тиккан! Бахти бор эканми, ё тасодифми, ҳар нечук урушдан омон чиққан. Энди эса кўп нарсага лоқайд қарайди. Балки мен уни тушунмаётгандирман? Фикрларим бир ёқламадир? Балки чиндан ҳам ҳаётни яхши билмасман. Бир гапида жон бор: шошилиб ҳукм чиқаришга устаман...»

Баланд тоғ белидан ошиб ўтишгач, қаршиларида янада юксак чўққилар кўринди. Елкама-елка турган паҳлавонларни эслатувчи бу тоғлар гўё чуқур нафас олгандай, шамол туриб қор ҳидини олиб келди. Уларнинг қизиган юзларига, терлаган куракларига совуқ тегди. Пастдан қулоқни қар қилувчи гумбурлаш овози эшитилди: бу тоғ дарасининг наъраси эди. Улар туя ўркачли тоғни қоқ иккига бўлган дарани қиялаб боришарди. Адолатнинг оти пастга ҳам осон тушди, тепага ҳам илдам кўтарилди. Озоднинг самани эса яна ортда қола бошлади. Унинг туёғи гоҳ тупроққа ботар, гоҳ тошларга қоқилар, ҳуркиб чавандозни қийнади.

— Тўхташга йўл қўйма! Ур, урсанг-чи!— Адолатнинг овозини даранинг гумбурлаши босиб кетди.

Озод ноилож қамчи туширди. Аммо отга калтак қор қилмади. Қайсарлик билан туриб олди. Озоднинг назарида саманнинг юрак уриши гўё дара гулдирагини ҳам босаётгандай, гўё отнинг юраги ҳадемай оғзидаги кўпикка қўшилиб отилиб чиқиб кетадигандай эди.

Озод ўнг оёғини узангидан чиқариб бир қўли билан жиловни, бир қўли билан эгар гошини ушлаганча пастга тушди. От гандираклаб дарёга қулай деди. Озод жон ҳолатда эгарга спишди. Сўнг жиловни торта-торта юқорилади. Саман бўйинини чўзганча унга эргашди.

— Ўзингни уринтирмай миниб ол! Ҳали йўл узок, чарчаб қоласан. Хўш, чирик фалсафамиз қалай экан? Ёқаяптими? Агар яхшилаб урганингда дарадан ўзи чиқиб оларди.

Юқорига чиқиш огир эди. Озод худди саманни юкпуки билан орқалаб олгандай қийналиб кетди. Устига устак от минишга кўникмаганидан оёқлари унга бўйсунмай қўйганди. Лекин жониворнинг юкини енгиллаштирганидан ўзича завқ олар, мана шу билан ўзини юпатар эди. Дарадан чиқишгач, Озод тўхтаб чуқур нафас олади-да, кафти билан пешона терини артди.

— Йўқ, мулла йигит, бунақаси кетмайди!— деди Адолат отдан тушиб Озодга яқинлашар экан.— Саманнингнинг оёғига қарайдиган бўлсак тоғда ётадиганга ўхшаймиз. Одамлар ҳам оч қолади.

— Нима қилайлик бўлмаса! Отни ўлдириб, ташлаб кета қолайми?!

— Қўрқма, ўлмайди, отнинг жони қаттиқ бўлади. Қани, ўт, отимни миниб ол.

— Нимага энди?

— Тушунтириб ўтиришга фурсатим ҳам, тоқатим ҳам йўқ. Айтганимни қил. Отга бир нарса бўлса, ўзим жавобини бераман.

— Агар саман сизнинг сўзингизга кирса, майли, мен рози,— деди Озод елкасини қисиб.

— Унинг йўрғалашини кўрасан ҳозир.

Озод Адолатнинг ёрдамида отга минди. Адолат эса бир қўли билан саманнинг жоловидан маҳкам ушлаб икинчи қўлидаги қамчи билан отнинг ҳўл баданига урди. Яғринда қамчи изи қолди. Яна урди. Яна. От чақнаган кўзларини Адолатга тикиб бошини орқага тортар, пишқирар, унинг чангалидан қутилмоқ истарди. Адолат эса, жоловни тобора тортиб жониворга қамчи туширарди.

Озод отдан тушиб, Адолатга яқинлашганини, қамчини тортиб олганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Одам шунчалар ҳам ваҳший бўладими?

— Қамчини бер!

Озод унинг қўлидаги жоловни тортиб олди. Сўнг қамчини бир ёнга отди-да «Йўқол!» деб бақирди.

Озоднинг чинакамига қизишганими ё отни уриб хуморидан чиққани сабаб бўлдими, ҳар ҳолда Адолат индамай отига минди.

— Ундай бўлса олдинга туш,— деди буйруқ оҳангида.

Озод Адолатга яқинлашганида, саманнинг сесканиб кетганини сезди.

Энди Озод олдинда, Адолат орқада борарди. Бош геолог отни тез-тез қамчилар, секинлатгани қўймас эди. Орқадаги отга ҳар қамчи тушганида саман ҳам тезлашарди. Бир пайт Адолат яқин келиб саманга ҳам қамчи туширди. Саман чопиб кетди. Озод орқасига қарамади ҳам. «Мунча бағри тош бўлмаса! Саманни нега қамчилайди? Шошилишимиз керакми? Ҳа, манзилга тезроқ етиб олишимиз керак. Лекин... қўй, бу гапларни, ҳозир таҳлил қиладиган дам эмас».

Ой кўтарила бошлаганда улар чодир тикилган ялангликка етиб келишди. Геологлар уларни интиқлик билан кутиб ўтиришган экан. Хуржунлар дарҳол олинди. Ўчоққа ўт қаланди. Чой қайнатилди. Дастурхон ёзилиб қанд, пишлоқ, юмшоқ нон қўйилди.

Геологлар иштаҳа билан овқатланишар, ора-сира ҳазил-мutoйиба қилиб қўйишарди.

Озод нонга қўл урмади. Чарчагани учунми, кайфияти бузилганиданми, иштаҳаси йўқ эди. Адолат ҳам овқатланмай ўтирарди. Озод орқасига ўгирилиб тепаликдаги саманга қаради. От бўйнини эгганча, ҳаракатсиз турарди. Қора осмон фонида отнинг шаклу шамоили аниқ кўринарди. Қоронғи осмон гумбази, тепалик ва ҳаракатсиз от ажиб бир суратга ўхшарди.

Саман чуқур ўйга толгандай, қимир этмасдан турибди. Қизиқ, нимани ўйларкин жонивор? Ўтиб келган оғир дсвонни, паст-баланд қияликларними?

ТОПИШМОҚЛАР КЕЧАСИ

Муаллиманинг олдида ингичка резина ип билан боғланган бир даста дафтар тахлоғлиқ турарди. У ҳар сафар олдинга энгашиб, текширган дафтарнинг охири бетини ёпаркан, дастадан бошқа дафтар олиб, саҳифани очар ва қўлида ручка ушлаган ҳолда янгидан ишга тушарди. Бу иш ҳали-вери тугамайдигандек кўринар, ундан қунт, сабр-тоқат ва катта эътибор талаб қиларди.

Болалар ҳам она ўтирган стол атрофида ўтирганча, иложи борича шовқин кўтармасликка ҳаракат қилишиб, бир-бирларига топишмоқ айтишарди. Айвон эшигининг чап тарафидаги тумбочка устига қўйилган «Рубин» телевизорлари ҳам гўёки оиланинг мустақил аъзоси каби ўз вазифаси билан машғул эди.

Оила бошлиғи бўлмиш ота балконда ўтирарди. Бу ердан беш қаватли бир хил бинолар кўзга ташланар, улар қуёш нурларига чулғанган, яқин-йироқдаги уйлари Шубон тоғининг чўққиси кун ботгандан кейин ҳам хийла вақт кумуш-рангда товланиб турар эди. Гўё ҳозир ҳам кун давом этган ернинг орқа томони худди шу сарҳаднинг ортида жойлашгандек туюларди.

Ўнг томонда улкан дарвоза тавақаларидек икки қорайиб турган муаззам миноранинг оралиғида шаҳарнинг бир қисми ярқираб кўринарди.

У кеч қоронғисида тоғнинг кўздан пинҳон бўлишичи кузатиб ўтирарди. Болаларнинг овози ва бир маромда гапираётган телевизорнинг товуши унинг қулоғига аҳён-аҳёнда чалинара эди.

Муаллиманинг овози эшитилди — у нима ҳақида

дир эрига савол ташлаганди. Ўғли отаси саволни эшитмаганига қаноат ҳосил қилгач:

— Бор!— деб жавоб бериб қўя қолди.

Бир оздан сўнг муаллима яна савол ташлади:

— Дарё бўйидаги богда «Садко» кафеси борми?

Бу гал болалар индашмади, унга бир оздан сўнг эри:

— Ҳа, бор!— деб жавоб берди.

— У қаерга жойлашган?

— Денгиз бўйидаги эстакаданинг охирида. Бу кафе сув парисининг афсонавий саройига ўхшайди. У ерда ичиш, чекиш ман этилган, деб илова қилса ҳам бўлади.

Бир оз ўтгач, яна бошқа савол эшитилди:

— Ростдан ҳам паркда мевали дарахтлар ўсади-ми? Олма, нок дегандек...

— Ҳа, у ерда бог барпо қилинган.

Бу саволлар нима мақсадда берилаётганини билмагани учун оила бошлиги истар-истмас жавоб бераётган эди.

— «Венеция» қаерга жойлашган?

Ниҳоят у ўрнидан туриб хонага кирди-да, стол ёнига келди.

— «Денгиз бўйидаги парк» деган мавзуда эркин иншо ёздиргандим,— деди хотини бошини кўтариб.

Эр дафтарлардан бирини олиб:

— Мана бу ерда хато бор экан,— деди.

— Ҳали у дафтарни текширганим йўқ.

— Бўлмаса манави қизил чизиқлар нимади?

— Хато жойлар. Уларни ўқувчиларнинг ўзлари тўғрилашлари керак.

Муаллима яна ўз ишига шўнғиб кетди, лекин энди савол ўрнига нолиб гапирди:

— Тавба, шундай нарсаларни ёзишибдики, ҳайронман, ростми булар ёки уйдирмами?

У олдидаги бир даста дафтарга қараб хўрсинди-да, яна ишга мук тушди. Муаллима ажи-бужи сатрларни синчиклаб ўқий бошлади. У ўқувчиларини жондидан яхши кўрарди. Шунга қарамай, бу иш уни толиқтириб қўярди. Унинг олдидаги дафтарлар уюми камайиб, текшириб ўнг томонга тахлагани дам сайин кўпайиб борар эди. Аммо уни ҳорғинлик енгиб, гоҳо ручка қўлидан тушиб кетар, кўзлари юмилар эди.

Ҳар сафар хотини дафтарларни текширишга киришганда, эрининг кўнглида унга ёрдам бериш иштиёқи туғиларди. Бироқ бу ишнинг машаққати уни қўрқитар, шунинг учун у паришонҳол хотинининг дафтарларни қачон текшириб бўлишини шунчаки кутиб, хона бўйлаб кезиб юарди. У, ўқувчиларнинг билимини баҳолаш хотинимнинг иши, мен эса унинг иши оғир, бир хил эканлигини тушунганимнинг ўзи катта гап, деб ўзига-ўзи тасалли берарди.

Балки унинг иши аксинча бир хил эмасдир? Ким билсин, сокин тун кириб, беш қаватли бинодаги чироқлар бирин-кетин сўниб, батамом ўчгач, унда-бунда ёнган хира чироқ ҳувиллаб ётган поёнсиз саҳродаги ярим бекатда тўхтаган поезднинг мудроқ вагонларини эслатиб, ажиб мўъжиза рўй бераётгандир ҳозир? Сатрлар ва чизиқлар муаллиманинг кўзи ўнгида кўм-кўк дарахтларга, шабнам инган, ўт-ўлан бўйи анқиган водийларга айланиб, қулоғи остида болалар ва қушларнинг чуғур-чуғури бир-бирига қоришаётгандир? Балки бу унинг ҳаётидаги энг саодатли, бахтли лаҳзалардир?

Қорачадан келган қизалоқ чуғурлаб, ёқимли кўзларини отасига тикканича:

— Ада, топишмоқ айтсам, топасизми?— деб сўради.

Ота дафтардан нигоҳини олиб, қизига қаради, тафаккурнинг ўйдим-чуқур сўқмоғида эндигина одимлаётган қизига, қизидан бўш келмасликка аҳд қилган унинг акасига қаради.

— Буни кейин ўқирман,— деди ота.

Қизча отаси гапга қулоқ солишига ишонч ҳосил қилгач, бир варақ қоғозга дарахтнинг расмини солиб, деди:

— Бу олма дарахти. Болалар олма тергани дарахт слдига келишади. Дарахт тепасида маймун ўтирибди. У болаларга олма бермайди. Қани, топинг-чи, болалар қандай қилиб олма териб олишади?

Ота қўлидаги дафтарни жойига қўйди-да, расм солинган қоғозга қаради. Ўғли кулиб қўйди, умуман гапга чечан отанинг оддийгина жумбоқ устида хаёлга толиб қолгани унга ҳузур багишламоқда эди. Олдиндан жавобини биладиган одамга ҳар қандай топишмоқ ҳам оддий кўринади-да.

— Қани, яна озроқ ўйланг!— деди ўғил топишмоқнинг жавобини айтворишдан ўзини зўрға тийиб.

Қизига отаси топишмоқ шартини яхши англамагандек туюлди-ю, дарсда навбатдаги машғулотни ўтаётган муалиммага ўхшаб, овозини кўтариб, ҳаммасини бошидан такрорлади.

— Нима, тополмадингизми? Унда шаҳар берасиз...

Ўғли билан қизи мириқиб кулишди. Уларнинг икковлариям мактабда ўқишар, ҳали сирасини айтганда, бола эдилар, шунинг учун отамиз ҳамма нарсани билади, деган фикр нотўғри чиққанига ишонгилари келмасди.

— Болалар маймунга тош отишади. Маймун эса уларга олма отади... Шундай қилиб, болалар олма тегиб олишади... Тушундингизми?

— Бас, етар.

У яна дафтарлардан бирини олди-да, овоз чиқариб ўқий бошлади:

— «Денгиз бўйидаги парк жуда ҳушманзара. Кишилар субҳидамда у ерда сайр қилиб юришни ёқтиришади, «Венеция» қайиғида роҳат қилиб сузишади. Кўприқдан туриб сувга боқсанг, канал худди дарёга, қайиқлар эса кемага ўхшаб кетади. Дарахтлар ва буталар нақ ўрмонни эслатади...» Манавининг ўқиши қандай?

— Ўртача.

— У тасвирни ўринлатибди.

— Ҳа, болалар менга қараганда денгиз бўйидаги паркни яхшироқ билишади.

Ота яна балконга чиқиб кетди. Баланд-баланд посёлка бинолари қаторида бир қаватли хусусий уйлар ҳам бўлиб, уларнинг чироқларидан ҳам нур ёғиларди. Улардан нариёқда иморат йўқ эди. Шундан ярим доира қоронғилик бағрида бу квартал худди оролга ўхшаб кўринарди. «Болалар менга қараганда денгиз бўйидаги паркни яхшироқ билишади». Аёл бу гапни шунчаки бегараз, сидқидилдан айтганди. Унинг гапида эрига таъна оҳанги сезилмасди. Аммо, қизиқ, бу мавзунини у болаларга атайин берганмикин? Йўқ, ўқувчилар турли мавзуларда мунтазам иншо ёзишади. У эса дафтарларни ингичка резина билан боғлаб, уйга олиб келади-да, ўқишга тушганидан кейингина унинг олдида етти ухлаб тушига кирмаган ғаройиб саволлар

кўндаланг бўла бошлайди. Агар бундай саволлар чиқишини аввалдан билганида, табиийки, қийин мавзуни танламай қўя қоларди. Бу гал ҳам у кечмиш бир хотира сабаб бўлиб хаёлига келган мавзуни ўқувчиларга шунчаки таклиф қилгани аниқ.

Ўгли билан қизи ҳам балконга чиқишди. Қизи қўлида қоғоз-қалам ушлаганча отасига янги топишмоқ айтишга чоғланганди. Лекин бу сафар акаси синглисидан олдинроқ бир варақ қоғоз олди-да, стол устига қўйиб нимадир чиза бошлади. Ота ўрнидан туриб чироқни ёқиб юборди. Ўгли топишмоқ айта бошлади: бу ерда тўртта катак жойлашган. Бу катакларга «галстук» сўзини шундай жойлаштириш керакки, ҳар бир катакка биттадан ҳарф ёзилсин.

Ота ҳарчанд уринмасин, барибир жавоб тополмади. Бу оқшом унинг топишмоқ ечишда омади юришмаётганди. Ўгли ҳафсала билан ҳар бир катакка биттадан ҳарф ёза бошлади. Отаси жўрттага ўғлига хўмрайиб қаради. Катаклар аллақачон тўлганди, аммо яна учта ҳарф сиғмай қолганди. Топишмоқ топиш қизиқарли, у мияга дам беради, фикрни чархлайди. Уларда айёрлик, ҳийла-найранг ишлатиш мумкин, аммо асло алдамчилик ва ёлғончилик бўлмаслиги керак.

— Қолган учта ҳарфни қаерга жойлаштирмоқчисан?

Ўгли уч бармоғини бирлаштириб, отасининг пешанасига аста уриб қўйди-да:

— Мана буниси «тук!» — деди.

Болалар уйга қайтиб киришди, ота ҳам ўрнидан турди-да, болалар кетидан хонага кирди. Стол ёнига келиб ўтиргач, текширилган дафтарларга разм солди. Ўқувчилар дарё бўйидаги парк тўғрисида кўрган-билганлари, эшитганларини тасвирлашган эди. Муаллима эса уларнинг иншоларини текширатуриб, айрим оддий нарсаларни билмаганлиги сабабли адашиб қолмоқда эди. Ваҳолонки, у ўн йил мобайнида ўқувчиларнинг ёзма ишларини доимо текшириб келар, болалар уни ҳамма нарсани билади, деб ўйлашарди.

— Сен бу мавзуни болаларга бекор берибсан.

Муаллима бошини кўтармади. У ишга шундай берилиб ўтирардики, худди арзимаган хатога йўл қўйса, осмон узилиб ерга тушадигандек эди, лекин бошқа биров унга халал бериб ҳам у ҳарф ёки вергулнинг ту-

шиб қолганини сезмаслиги, хато қилиши мумкин эди. Шундан эрининг гапига ортиқча эътибор қилмади.

— Сен бу мавзун атайин танлаганмидинг? — эр ҳазилнамо йўсинда сўзлашга тиришган бўлса-да, унинг товушида беихтиёр қандайдир афсус-надомат акс этганди.

— Йўқ, — деди хотин.

— Балки сен ҳам денгиз бўйларида айлангинг келганлир?

— Йўқ.

Аёлнинг шунчалик қовоқ-тумшуғи осилиб кетдики, у денгизни ҳам, соҳилни ҳам умрида ҳеч кўрмагандек эди. Бундан ўн йил муқаддам студентлик даврида икковлари «яхтклуб» қаршисидаги скамейкада мовий тўлқинлардан кўз узмай ўтиришганди. Учрашувда у икки-уч оғиз сўздан ортиқ гапирмасди одатда, ўша куни эса у негадир сергап бўлиб кетганди. Соҳилга етиб келган тўлқинлар сингиб қолаверишади, ҳеч қачон орқага қайтмайди улар, деганди у. Денгиз узра тун қора чодирини ёйиб, тез орада борлиқни зимистонлик чулғаб олганди. Тўлқинлар шитоб билан чайқалиб, қирғоққа нотинч бош уришарди. Кейин улар ўринларидан туришганди. Йигит қиз билан шаҳар айланиб, уни ётоқхонасигача кузатиб қўйганди.

Ҳозир аёлнинг билгани фақат битта денгиз — ўқувчиларнинг дафтарлари бўлиб, у фақат биргина соҳилни кўзлар, бу ҳам бўлса сўнгги дафтардаги сўнгги саҳифа эди.

Болалар телевизорни ўчириб, ётгани кириб кетишди. Ота ҳам балконга чиқиб, чироқни ўчирди. Салқин шамол эсди. Балкон остидаги арғувон дарахтнинг барглари шовулларди. Шубон тоғининг нари томонидаги ерлар ҳам энди қоронғиликка ғарқ бўлганди. Шарқ тарафдаги нефть тозалаш заводи трубаларидан бурқсиб тутун кўтарилар, шамол уни шимол томон учирарди.

Шубон тоғ чўққисини қоронғилик босгани сингари бир пайт келиб ўз ҳаётини ҳам тун қоплаши мумкинлигини ўйлаб, турмушнинг ўзи хонадон соҳиби учун шу аснода гўё бир жумбоққа айланиб қолганди. Бу жумбоқнинг жавоби аҳтимолки, болаларча оддий, худди биров пешанага «тук» этиб чертиб қўйишидек жўндир.

ҚАРИЯЛАР

Хуфтондан анча ўтганда эшик тақиллади. Кираверишдаги кичкина хонанинг юқори томонида, энсиз тахта чорпоянинг устида ёстиққа суяниб, дастаси узун чилимини ўйчанлик билан тутатаётган Холиқ бобо бу товушдан қаттиқ сесканди. Чилим унинг қора, қалин лабларидан сирғалиб, очиқ кўкрагига тушиб кетди; тамаки қўри тўкилиб, кўкрагининг оқ жингалак тукларини куйдирди. Холиқ бобо жаҳл билан тўнғиллаб ўрнидан турди-да, тамаки қўрини қоқиб ташлади. Сўнг чорпоянинг ўртасида чордана қуриб ўтириб олди. Зардаси қайнаб, қўшни хонага томон қичқирди:

— Адо, ҳой болам!.. қаердасизлар? Нима бало, қулоқларингга пахта тиқиб олганмисизлар?!

Парда орқасидан тўлишган ёш бир жувон кўринди, Холиқ бобонинг овози майинлашди.

— Умрингдан барака топ, болам, қара-чи, келган ким? Биров келганга ўхшайди.

Жувон елкасига сирғалиб тушган рўмолини тўғрилаб, ташқарига чиқди. У узун темир илгакни кўтарганда эшик ўз-ўзидан очилиб кетди. Гувиллаб ичкари кираётган совуқ куз шамоли билан бирга остона ҳатлаб иккита чол ҳам хонага кириб келишди. Бўй-бастлари бир хил, эҳтимол, ёшлари ҳам бир хил бўлган бу чоллар жувонга эшикни ёпишга ёрдамлашгандан сўнг пойгакда бир дақиқа туриб қолишди. Ёруғликдан қамашган кўзларини пирпиратишди. Тахта чорпоя устида эндигина ёнбошлаб ётган Холиқ бобони кўргач, қаттиқ йўталиб томоқ қириб қўйишди. Унинг олдига тавозе би-

лан юриб бориб салом беришди ва унинг манзиратини ҳам кутмасдан ёнидан жой олишди.

Чолларнинг овозини эшитиб, жуссаси озгин болакайни эслатган Гулистон кампир ҳам нариги хонадан чиқди. Дастор ўраган бошини парда орасидан чўзиб, кириб келаётган меҳмонларни роса кўздан кечирди, уларни танигач, истиқболига чиқди.

— Хуш келибсиз, Ҳиммат оға, бола-чақа қалай? — дея авал пахтадек оппоқ, тўғарак соқолли чолга яқинлашиб, қўл узатди. Сўнг униси билан кўришди: — Сиз ҳам хуш келибсиз, Билол бобо. Сизникиларнинг аҳволи қалай?

— Имонингизни берсин, Гулистон опа, ҳаммаси сизга дуои салом айтишди. Холиқ бобо билан гоҳогоҳ қишлоқда учрашиб турамиз. Ҳа, ўзингиз қалайсиз?

Кампир чуқур бир нафас олди.

— Э, нима ҳам десам экан, йиқилиб-сурилиб, кунни кеч қилиб юрибман. Кексаликнинг юзи қурсин, танда жон қолдими? — Хўрсинди кампир. Дастори ўзидан катта кўринган бошини чайқаб, илова қилди: — Буни қарангки, Ҳиммат ҳам кексаяркан! Сизнинг кўк тулпорнинг белида ўтириб, наъра тортганларингиз худди кеча бўлиб ўтгандай, Ҳиммат оға. Қаранг-а, вақт деганингиз нақадар тез ўтиб кетаркан...

— Э, Гулистон опа, бизлар не бўпмиз?! Бу кекса дунё кўп одамларнинг ёстиғини қуритган. Юрса ер ларзага келадиغان қанчадан-қанча йигитларни қора тупроққа айлантирган.

— Ҳм... Ҳм... Шуни айтинг-а? Бу дунё бир томоша, ҳар келган кўради, кетади!

Кампир юрагининг теран-теранлигида пайдо бўлган аччиқ бир ўкинчдан лабларини буриштирди; кичик, сўник кўзларини олайтирди, нафасини йигиб, яна нимадир демоқчи эди, қош-қовоғи солинган Холиқ бобо тилга кирди:

— Мунча жагинг очилди, бизларга дарду ҳасратимизни айтишга қўясанми, йўқми?

— Ҳой чол, тинч қўйсангиз-чи, бундоқ! Билмайман, бугун сизга нима бало бўлган? Тушдан буён шу тахтангизга чиқиб ўтирганингиз ўтирган. Дардингиз не эканини билувчи ҳам йўқ.

Кампир араб билан эрини ёмонлаб, чала қолган

суҳбатини давом эттирай деганда, Холиқ бобо унинг сўзини яна бўлди:

— Бас, хотин!— дея қичқирди ва чеккада қўллари кўксига қўйиб турган жувонни ёрдамга чақирди:— Айланай, ҳой болам, бу қайнанангнинг эски дарди боз қўзиганга ўхшайди. Қўлидан ушлаб, нариги хонага олиб бор. Бўлмаса бизларга тинчлик бермайди.

Гулистон буви бошқа гапирмади. Ич-ичида чолдан ранжиб, орқасига қайтди, хўрсинган ҳолда келинининг олдига тушиб, қўшни хонага кириб кетди. Пардадеворнинг эшигини Холиқ бобонинг ўзи ўрнидан туриб ёпди.

* * *

Холиқ бобонинг шу озғин, боладек мўъжаз жуссали Гулистон билан бир ёстиққа бош қўйганига қирқ беш йил бўлганди. Ҳали шу кунгача унинг Гулистон билан баҳслашганини, баъзи бир тунд табиат кишилардай бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, сену менга борганини ҳеч ким билмасди. Ташқарида, тенгқурлари ўртасида чўрткесар, даҳшатли, қош-қовоғи солиқ киши сифатида танилган Холиқ бобо уйда, озғин Гулистоннинг қошида ҳаддан ортиқ майин, қўзичоқдай юввош, мўмин-қобил бир эрга айланар, хотинининг хизматига шай бўлиб турарди. Холиқ бобонинг бундай икки хил табиатга моликлигидан кўплар ҳайратда эди. Лекин ҳеч ким бунинг асл сабабини билмасди...

...Гулистон ёшлигида саккизта бола туққан эди. Аммо бу болалар туғилгандан уч-тўрт ой ўтгач, дардга чалиниб қора тупроққа ем бўлишарди. Фарзанд доғида адоий тамом бўлган Гулистон умрининг ярмини яшамай, сочлари оқармай туриб, бедаво дардга чалинган эди. Фарзандсизлик даҳшати уни йил сайин чўктириб, лоладек алвон ёноқларини бевақт сўлдирган эди. Холиқнинг бутун ташвиши ана шу дардманд хотинига далда бериш, ҳазил-мutoйиба, ширин суҳбатлар билан унинг кўнглини ёзиш, уни юпатишдан иборат бўлиб қолганди.

Ниҳоят, кунлардан бир кун толе уларга ҳам кулиб боқди. Тақдир ярим умрини яшаган кишиларни икки ўғил билан шод этди. Ўғиллари соғ-саломат ўсиб, доғ

қолдириб ўтган йилларнинг ғам-ғуссасини Гулистон билан Холиқнинг юрагидан бутунлай аритишди. Секин-секин тетапоя бўлиб, шўх, кўнгил ёзувчи болаларнинг ширин қаҳ-қаҳалари хонадонга янги бир тароват олиб келди. ота-она умрига янги умр қўшди. Афсуски, уларга кулиб боққан толенинг терс томони ҳали анча узоқда экан!..

Ўтган уруш қанча кишиларга бахтсизлик келтирди. Неча-неча оналар юрагида доғ-қасрат қолди, қанчадан-қанча жувонларнинг кўзлари ҳамон йўлларда нигорон. Холиқ бобонинг бошига тушган мусибат ҳаммасидан ёмон бўлди. Уруш бошланмасдан анча аввал аскарликка чақирилган катта ўғли Маҳар дастлабки жанглардаёқ дом-дараксиз кетди. Ота-онанинг барча умиди кичик ўғли Мададда эди. Мадад ўрта мактабни битиргач, Холиқ бобо бедарак кетган ўғлининг ҳасратини унутиш учун кичик ўғлига тўй берди, уни ўзи танлаган, ўзига ёққан соҳибжамол бир қизга уйлантирди.

Элу юрт бошига тушган шундай мотамсаро дамда тўй орзусида бўлиш, дабдабали тўй-томоша қилиш яхши эмасди, албатта. Қишлоқда кимидир фронтда жанг қилаётган, оғир ярадор бўлиб шифохонада ётган, ёки «ўлди» хабари келмаган бирорта ҳам оила йўқ эди. Лекин Холиқни ҳеч ким айбламади. Ахир, у бунини дабдаба ёки кайфу сафо учун қилаётган эмасди!.. Тагин ғам-ғуссага ботган Гулистонга уйда дастёр, унинг дардини унуттирадиган бирор киши керак эди!

Уруш садолари борган сайин яқинлаша бошлади. Ёшлардан бир кун Мадад ҳам ҳали келинлик либосини ташламаган хотинидан, ота-онасидан айрилиб фронтга кетди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас унинг ҳам дарағи йўқолди. Аччиқ кўз ёшларига чидай олмаган Гулистон бошқатдан кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Бу сафар бечоранинг суяклари ҳам сувдай эриб кетди, буришиб, жиккаклашиб қолди. Холиқ, тоқатли, диёнатли киши эди. Лекин энди унинг ҳам бели букчайди. Бир томондан бедарак кетган ўғилларининг ғами, бир томондан очиқ кўзи олдида шамдек эриб бораётган хотини уни ёмон аҳволга солиб қўйди.

Инсон тоқати — тоғнинг тоши. Холиқ умидсизликка тушмади. У хотини Гулистонни гўдак сингари гоҳ қўлида, гоҳ бағрида кўтариб, яқин шаҳарларни бирма-

бир кўрсатди. Қанча-қанча табибларга боқтирди: ишончу эътиқод билан соғайтиришга тиришди. Беморнинг оғриқ ва изтиробларига шерик бўлиб, унга майин, мулойим муносабат тутди, меҳрибонлик қилди. Хотинига тез-тез далда бериб:

— Сабр қил, ҳой Гулистон,— дерди.— Қайғурма, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қарабсанки, ўғилларинг дафъатан келиб қолади. Худо кўрсатмасин, «ўлди» хабари келгани йўқ... Тоқат қилиб кўрайлик, бекорга ўзингни хор қилма, кутиш керак.

Улар кутди. Уруш тугади. Кўплар уйларига қайтиб келишди. Кекса ота-онанинг эса эшигини очадиган бўлмади...

Холиқ ўғилларидан бутунлай умидини узиб, бошқа бир тасалли билан яшади. Ҳаммаси бўлиб бир ойгина эри билан яшаган, неча йилдирки, Мададнинг келишини кутган ақлли-фаросатли келинини шаҳарга олиб борди. Институтга киритди. Ўқитиб, олий маълумотли қилиб олди. Келин унинг хизматини унутмади. Шаҳардан келиб, қишлоқда виждоан муаллимлик қила бошлади. Кексайган чоғида фарзандларидан жудо бўлган қайнона-қайнотасига фарзандлик бурчини ўтай бошлади. Холиқ уни энди «келин» эмас, «қизим» деб чақирарди. Шундай қилиб, йиллар ўтавергач, уни бутунлай келин демайдиган бўлишди.

Санобар фаросатли эканидан ташқари, гўзаллиги, келишганлиги билан ҳам ўз тенгқурларидан ажралиб турарди. Урушдан сўнг Холиқ бобога билдирмасдан ҳар тарафдан унга совчилар кела бошлашди. Орага одам қўйишди, Санобарнинг ўзига, қачонгача бева бўлиб юрасан, ёш келинсан, турмушга чиқсанг бўларди, бола-чақали бўлиб кетасан, беҳуда кутишдан нима фойда, деб бошини қотиришарди...

Санобар бу гапларнинг ҳеч бирига эътибор бермади. Гапирганларнинг ҳаммасини қайтариб ташлади, унга уйланмоқчи бўлганларнинг тинчгина жавобини берди. Фақат бир киши шахтидан қайтмади. Роппа-роса уч йил Санобарнинг кетидан кўланкадай бўлиб юрди. Гоҳ келган узундан узоқ ишқий мактублар билан бирга, орадаги воситачиларнинг гап-сўзлари унга тинчлик бермасди.

Йигит Санобарнинг тенгдоши эди. Қолхозда бош аграрном бўлиб ишларди. Қобилиятли ва тарбия кўрган

Йигитни қишлоқда ҳамма ҳурмат қиларди. У Санобарга ҳам жуда ёқарди. Шунинг учун ҳам уни ҳеч ким айбламасди. Фақат у кексаларни ёлғиз қолдиришни, улардаги эндигина тузалаётган яраларнинг ҳали ба-
тамом қотмаган пўстини олиб ташлаб, уларнинг зўр-
га унутилган аламини қайтадан янгилашни иста-
масди.

Йигит тадбиркорлик билан ҳаракат қилди. Масала-
ни англаб етгач, дастлаб Холиқ бободан розилик
олишга интилди. Қишлоқнинг энг нуфузли чоллари
ҳисобланган Ҳиммат бобо билан Билол бобони унга
воситачи сифатида юборди. Холиқ бобо ҳам нари-вери-
ни ўйлаб иш қиладиган киши эди. Чолларнинг гапи
даставвал унга қаттиқ ботди, зардасини қайнатиб юбор-
ди. Дарди янгиланиб, кўнгли чўкди, аччиқланди, би-
роқ ортиқча гапирмади. Ғамгин кўзларини ерга ти-
киб, анча мулоҳаза юритгандан сўнг оҳиста, бироқ
маъюс бир товуш билан:

— Мен нима ҳам дейман? Қизнинг ўзи билади,
ота-онаси билади,— деди.

Ҳиммат чол гапни узоқдан бошлади:

— Қизнинг ота-онаси бу масалага қўшилмайди,—
деди Холиқ бобони ўз ҳолига қўймасдан.— Улар сиз-
дан беижозат ҳеч нарса қилолмайди. Ҳозир унинг ота-
си ҳам, онаси ҳам сизлар-ку. Ўн йилдан буён у сиз-
нинг ёнингизда. Ҳамма биладики, сиз унга қайнота-
лик эмас, сталик қилгансиз. Барча гап сизда. Агар
сиз розилик берсангиз, ҳеч ким «йўқ», дея олмайди.

Холиқ бобо бир огиз бўлса ҳам, «ҳа» ёки «йўқ»
жавобини бермади. Хўрсиниб, ўйга толди. Чоллар эн-
ди уни безовта қилишмади. Масалани бирданига ҳал
қилиб бўлмасди...

Бу воқеа бундан бир ой олдин юз берганди. Ўшан-
да Холиқ жуда қаттиқ қайгурган эди. Чоллардан эшит-
ганларини уйда ҳеч кимга айтмай, бутун дардини ичи-
га ютиб, бир ҳафтача кўзига уйқу келмаганди;
кулги нелигини билмас, қош-қовоғи солинган эди.
Ҳамма нарса мана энди, секин-секин унутилаёзганди.
Чунки уни безовта қилаётган масалани ёдга солувчи
сабаб йўқ эди. Гап-сўзга чек қўйилганди.

Бироқ бугун ўша чоллар Холиқ бобони қишлоқда
ушлаб олишганди. «Кечқурун сизникига келамиз», де-
йишганди. Холиқ бобо эса тушдан буён чорпоя устида

чилим солиб, ётиб олганди. Унинг меҳмонларни со-
вуқ кутиб олишининг ҳам, қирқ беш йил бирга умр
кўриб, бир марта ҳам кўнглига озор етказмаган хоти-
нига ўшқирганининг ҳам сабаби шу эди...

* * *

Меҳмонлар нон-чойга қарамасдан, тез қўзғалиш-
ди. Улар эшикдан чиққач, бир нарсани сезгандек, Гу-
листон кампир эрининг ёнига келди. Ундан қаттиқ
ранжиганига қарамасдан, сўради:

— Меҳмонлар нега бунча тез кетишди, ҳой Холиқ?
Нега ўтиришмади... Қизим нон-чой қилмоқчи эди.

Холиқ бобо яна унга терсайди. Жаҳл билан:

— Қайдан билай,— деди.—Ичига кириб чиқиб-
манми уларнинг?!

Кампир жим қолди.

— Бахайр, нега келишган экан?

— Шундай, бошқа бир гап билан.

— Қанақа гап экан, ҳой чол?

— Сенга дахли йўқ... Бошқа гап.

Кампир кўзларини уқалади.

— Мен ҳам билсам бўлмайдими? Ҳиммат бекорга
келмагандир.

— Сенга дахли йўқ, деб айтдим-ку!

Гулистон ўқтин-ўқтин эрининг юзига қараб қўяр-
ди. Унинг бу қарашларида шубҳа ва таъна бор эди.

Холиқ чол хотинининг ҳамма нарсани сезганини
билди шекилли, тагин жиддийлашди. Гулистонга ма-
йин-мулойимлик билан тушунтиролмаслигини билган
Холиқ савол-жавобга дағаллик билан чек қўйишга
уринди:

— Мунча пашшахўрдалик қилмасанг, ҳой кам-
пир!.. Шу харобада бир дам тинч ўтиришга қўясанми,
йўқми?!

— Нега инсофсизлик қиласиз, ахир? Қачон мен...

— Ё раббим! Бас энди! Ҳар гапга тумшуғингни ти-
қаверма!

Кампир йиғламсиради. Бошини эгиб орқасига қайт-
ди, оралиқдаги эшикни қаттиқ ёпди. Бу сафар у Хо-
лиқдан ниҳоятда ранжиган эди.

Тонггача ухлашмади. Бировининг хонасига хафа-
қонлик кўланка солган бўлса, бошқасининг уйқусини
эртага юз берадиган айрилиқ алами олиб кетганди...

Санобар одатдагидек эрта уйғонди. Учоққа ўт ёқди. Самоварга ўт солди. Чой қайнагач, ажиб бир саришталик билан дастурхон ёзди, қарияларни дастурхонга таклиф этди. Куни кеча унинг таклифларини дарҳол қабул қиладиган, шу заҳотиёқ бет-қўлини ювиб, унинг ёзган дастурхони қошида иштаҳа билан ўтирадиган эр-хотиндан бугун жавоб бўлмади. Иккинчи бор чақиргандагина Холиқ чол зўрға ўрнидан туриб, юз-қўлини ювди ва дастурхонга яқинлашди; нон-чойга қўл ҳам чўзмай чилимни тутата бошлади.

Бугун Санобар ҳам хафа эди. Унинг кўзлари қизарган. Тун бўйи у ҳам ухламаганди. Унинг қип-қизил ёноқлари сўлганди. Хижолатда қолган кишилардек, бошини кўтаролмасди.

Зўрға бир пиёладан чой ичишди. Санобар мактабга бориш учун ҳозирлик кўра бошлади. Холиқ уйдан ташқарига у билан бирга чиқди. Дарвозагача ёнма-ён боришди. Ўша ерга етганда Холиқ юришдан тўхтади. Чилимини оғзидан оларкан, анча вақт бўғилиб йўталди. Сўнгра титроқ, ингичка товуш чиқариб:

— Қизим,—деб бир дақиқа ерга қараб қолди.—Бизлар сендан еру осмонча розимиз, қизим. Она сутинг сенга ҳалол бўлсин. Айтадиган бошқа гапим йўқ. Бор, хушбахт бўл. Сенинг яхши ном чиқаришинг бизлар учун бахт.

Шу гаплардан сўнг Холиқ бобонинг юракдаги алами босилгандек бўлди. Яна бир оз йўталиб, ўзини тутиб олди. Келинининг бошини кўкрагига босди, пешонасидан ўпаркан, жилмайишга ҳаракат қилди.

— Бор энди, қизим. Тангри ёр бўлсин, сенга. Бизлар учун ҳам ема, кунни ўтказамиз. Тўрт мучалимиз ҳали унчалик заиф эмас. Тўрт кунлигимиз борми, беш кунлигимизми, бир нав қилиб ўтказармиз.

Санобар ҳеч нарса демади. Дуррачасининг учини кўзларига босиб, қадамларини тезлатди. Холиқ бобо келини кўздан йўқолгунча изидан қараб қолди. Қайтиб келгач, ҳовлида кўзига кўринган қўшнининг боласини олдига чақириб, сўз қотди:

— Идорага югур. Кўр-чи, раисми, бригадирми бўлса, Холиқ бобога бир соатга бирор арава керак экан, дегин. Берса, олиб кел.

Гулистон кампир ҳали ўрнидан турмаганди. Бурнининг учигача тортилган кўрпа тагидан унинг митти кўзлари йилтираб кўринарди. Холиқ бобо уни безовта қилмади. Арава келгунча Санобарга отаси қўшиб берган барча сеп-ашёларни ва ўзи унга деб олган кўзга кўринган нарсаларни саранжомлаб, бир жойга йигди.

Гулистон эрининг барча ҳаракатларини таажжубланиб кузатиб ётар, уйдаги бор нарсани остин-устун қилганидан аччигланар, бироқ ундан аразлаб тургани учун овозини чиқармас эди.

Арава келди. Кампир Холиқ бобонинг бир жойга уюлган нарсаларни бирма-бир ташқарига олиб чиқаётганини кўриб, ортиқ чидаб туrolмади. Ташвишланган кампир чорпоядан думалаб тушди, ташқарига чиқиб эрининг йўлига кўндаланг бўлди:

— Жинни-пинни бўлиб қолдингизми, нима бало? Қизимнинг нарсаларини қаерга олиб боряпсиз?

— Йўлимни тўсма, ҳой Гулистон, қўй ишимни битирай.

— Йўқ, қўймайман! Сизнинг миянгиз жойида эмас, ақлдан озгансиз!

Холиқ бобо хушмомалалик билан ундан йўлига тўганоқ бўлмаслигини илтимос қилди.

— Қўрқма, ақлим жойида. Нима қилаётганимни яхши биламан. Сен сал четда тур, оёқ остида ўралашма.

— Қўймайман!— Кампир жаҳл устида эрига ташланди. Холиқнинг қўлидаги нарсаларга ёпишиб ҳўнграб йиғлаб юборди-да, ортига қайтди.—Ташла! Балоба йўлиққур, муддаонг нима? Ташла!

Холиқ бобо гамгин жилмайди.

— Нега койиняпсан, ҳой Гулистон, менинг қандай айбим бор?.. Қизимиз янги эрга тегяпти, биласанми... турмушга чиқяпти.

— Турмушга чиқяпти?— ҳайратдан донг қотиб сўради кампир.

Холиқ бобо вазмин ҳолда бошини силкитди. Кампирнинг қўллари бўшашди, тиззалари титраб, дармони кетди, тик туришга мажоли қолмагач, остонага ўтирди.

Холиқ бобо нарсаларни ташиб, аравага ортди, болани унинг устига миндирди. Аравани Санобарнинг отаси турадиган ҳовли томон ҳайдади. Кечаги шартга кў-

ра, келин шу оқшом ўша жойдан жўнаб кетиши керак эди.

Тўй шодон ўтмоқда эди. Бошдан-оёқ садаф қопланган торини кўксига босиб, куйлаётган бахши энди торни милтиқдай елкасидан ошириб олиб, ўртада дoston бошлаб, ширин сўзлар ила ўтмиш ошиқ-маъшуқларнинг ишқий можароларини сўзлаб куйларди.

Вақти-вақти билан ноз-неъматларга тўлиб-тошган дастурхон атрофида ўтирганлар жим қолишарди. Бахши ҳикоясини тугатгач, яна торни кўксига босди. Аммо у энди нозик торларга жон киритиб, айниқса торнинг овозини титратганда, кишилар ваҳимага тушишди, бутун тўй аҳли оёққа турди. Бахши дарҳол куйини тўхтатди. Ташқарида ғамгин ва жиддий бир мўйсафид турарди.

Холиқ бобо ичкари кирди. Тўй аҳлига салом бериб, жиддий билан тўрга ўтди. Дарҳол унга жой тайёрлашди, юқорига ўтказишиб, олдига иссиқ овқат келтириб қўйишди. Лекин у ҳеч нарсага қўл теккизмади, бир пиёла чой сўради ва ўртада ҳайрат ичра турган бахшига давом эттир, деб ишора қилди.

— Чал, бахши, чал!

Бахшининг тори янада дабдабали жаранглади.

Холиқ бобо тўйда кўп ўтирмади. Чойни ичиб, ўридан турди, бахшига пул узатди, тўй эгасига «тўй муборак», деди ва қандай келган бўлса, ўшандай жиддийлигича чиқиб кетди.

...Холиқ бобо уйдан чиқиб кетганда Гулистон бир бурчакка биқиниб ўтирганди, кўз ёши ҳали қуримаганди. Холиқ бобо уйга келганда кампир ҳамон аввалги ҳолатда ўтирарди, чол энгашиб, хотинининг бўйнидав қучди ва унинг ёнгинасига ўтириб олди. Аламданми, севинчданми, нимадан бўлса ҳам, овози титрарди:

— Кўз ёшингни арт, ҳой Гулистон, келинни сен ҳам дуо қил,— деди.— Боёқиш токайгача биз билан бирга бўлиши керак эди? Ёш нарса. Қўй, майли, уйли-жойли бўлсин, ўғил-қизли бўлсин. Ҳар бир киши ўзига ато этилган умрни инсонга муносиб яшамоғи керак. Бизлар бугун-эрта бандаликни бажо келтирамиз, кўч-кўронимиз тайёр. Агар уни ҳам ўзимиз билан бирга қаритсак, гуноҳга ботамиз...

Кампир гапирмади, етим-есир боладай аччиқ-аччиқ бўзлади.

БАҲОР НАШИДАСИДАН БИР ШИНГИЛ

Жуда ажойиб товуқ дуч келди-да. Семиз, ёғлиққи-на бу товуқ сўйилиб пештахта устига қўйилган бошқа товуқлардан тамоман ажралиб турарди. Мамедали муаллим бу товуқни дарров пайқади, пайқадию аммо худди шу товуқни харид қилмоқчи бўлаётганини сез-дирмай, лоқайдлик билан, ҳатто афтини бир оз буж-майтириб, бошқа кўримсиз товуқларни оёғидан ушлаб, у ёқ-бу ёғига ағдариб кўрган бўлди. Товуқ сотувчи — ёшгина, чорпаҳилдан келган деҳқон йигит, унинг ҳара-катларини индамай кузатарди.

— Буниси-чи, буниси неча пул бўлади,— деб сўра-ди Мамедали муаллим иложи борича овозига лоқайд-лик оҳангини бериб, ўша ажойиб товуққа ишора қилар экан.

Сотувчи йигит товуқни қўлига олиб, унга диққат билан разм солди. У товуқнинг қорнидан яхшилаб то-заланган майда-чуйдаларини чиқарди, юраги, тозалан-ган ошқозони, жигарини олиб кафтига қўйиб кўрсатди, кейин уларни авайлаб яна жойига солиб қўйди. Маме-дали муаллим гроссмейстерга дуч келиб қолганини ту-шунди.

— Товуқни биринчи кўришингми? Мен сендан неча пул бўлади, деб сўрасам, индамайсан...

— Хафа бўлманг, ота,— деди сотувчи.— Ҳозир шу сиз келган паллада мен, бу товуқни нимага сотяпман-а... ундан кўра уйда чихиртма қилиб, бола-чақам билан маза қилиб есам бўлмасмиди, деб ўйлаб турувдим. Менга уни сотишдан сира наф йўқ. Шунақа товуқни

оламан десам, ўзим бундан қимматга оламан... Буни қаранг, турган-битгани ёғ. Бутун бозорни айланиб чиқинг, бунақа товуқни топармикансиз...

— Неча пул бўлишини айтасанми, ўзи?

Сотувчи ўйлаб туриб, баҳосини айтди.

— Сизни ҳурмат қилганимдан шундай арзон беряпман,— деб қўшиб қўйди йигит.

— Сен буни курка, деб хаёл қиялпсан шекилли.— Мамедали муаллим ҳамёнини чиқарди. Сотувчига қараб, унинг гапларим ҳақ, деб комил ишонч билан қараб туришини кўриб, ундан таксига бир сўм чўтал қилиб қолишнинг сира иложи йўқлигига тушунди-да, троллейбусда кетишга тўғри келади, деб пулни узатди.

— Бу жуда ажойиб товуқ,— деди сотувчи товуқни газетага ўрай туриб.— Мен умримда бунақа товуқни кўрган эмасман.

— Ҳаётингда ҳали ҳеч нарса кўрмаган экансан,— деди афсусланиб Мамедали муаллим пештахта олдидан нари кетар экан. У аслида товуқни харид қилганидан кейин сотувчи йигит билан гаплашиб ўтирмаса ҳам бўлардию лекин йигитчадан мот бўлиб кетавергиси келмади. Муаллим энди қуруқ мевалар растасига ўтди. Бир килограмм қора олхўрининг қуругини харид қилди. Бу ерда ўн-ўн беш тийинга тортишиб кўриш мумкин эдию худди шу пайт пештахта ёнига ҳаммаҳалла бир аёл яқинлашиб қолди. Мамедали муаллим бу аёл билан унча таниш бўлмаса ҳам салом-алик қилиб юрарди. Шунинг учун ҳам беш тийин қайтимини ҳам олмай кетаверди. То сотувчи чўнтагидан имиллаб беш тийинни олиб узатгунича кутиб туришни ўзига эп кўрмади.

Мамедали муаллим уйига анча чарчаб қайтди. Харид қилган нарсалари билан тўлиб кетган тўр халтаси қўлини қийиб юборди, бир ёқдан чарчаб кетганидан нафаси қисиб қолганди. Уйга чиқиш учун эса зина билан тўртинчи қаватга кўтарилиши лозим. Мамедали муаллим баъзи чолларга ўхшаб кўчада тўхтаб дам олишни ёқтирмасди. Ҳақиқий эркак одам жисмоний ҳорғинлик олдида таслим бўлмаслиги керак, деб ҳисобларди. У зинадан ҳам сира тўхтамай кўтариларди. Тўхтаса ҳам зинада битта-яримта танишга дуч келиб қолгандагина тўхтарди. Агар бирон танишингни учра-

тиб, нафасингни ростлаб олиб у билан ҳол-аҳвол сўрашсанг, у ёқ-бу ёқдан гаплашсанг, бу табиий ҳол бўлади-да. Мана ҳозир ҳам:

— Саломатмисиз,— деб сўрашиб қолди тавозе билан уй бошқарувчиси.— Саломат бормисиз, Мамедали муаллим, мен ҳозиргина қўшниларингизга Мамедали муаллим шундай ҳурматли зот бўлса ҳам уй ҳақини тўлашни сира вақтидан кечиктирмайди, деб гапириб турган эдим... Шундай одамдан ўрнатилган олсаларинг бўлмайдими, деётувдим. Жуда ғалати одамлар-да шу қўшниларингиз. Уй ҳақини ҳар ой вақтида тўлаб қўйишса-ку, олам гулистон. Уйга кетяпсизми? Келинг, тўрвангизни кўтаришиб юборай.

— Раҳмат, ҳожати йўқ,— деди совуққонлик билан Мамедали муаллим.— Менга қара, қачон томга парник қиласан? Сенга буни неча марта айтиш керак. Ахир қиламан деган одамга бу ҳеч нарса эмас: томга паровой отоплениенинг трубаларини чиқарасан, унга учта батарея улайсан, томни шишадан қиласан, қарабсанки, арзимаган нарса билан парник пайдо бўлади, ундан келадиган нафни айтмайсанми? Тушунасанми буни? Шпинат, памидор, гул етиштирамиз... Ахир роҳат бўлади-ку. Бутун уй наф кўради бундан. Бутун шаҳарга, наинки шаҳарга, бутун иттифоққа томда парник ўрнатган биринчи управдом сифатида машҳур бўлиб кетасан, сенинг тўғрингда газеталарда ёзишади. Шундай бўлса ёмонми?

— Ахир бу сметада назарда тутилмаган-ку!— тушунтирди уй бошқарувчиси.— Сиз айтаётган парникни қандай қураман, ахир унга бир тийин ҳам пул ажратилмаган бўлса. Улай агар, сметада парник тўғрисида бир оғиз ҳам гап айтилмаган...

— Бекорга ўжарлик қиялпсан,— деди Мамедали муаллим.— Томимизда яхшигина парник пайдо бўларди-да. Хоҳиш бўлса кифоя. Менимча, сен ҳар қалай бюрократ бўлсанг керак. Майли, бу тўғрида келаси сафар муфассалроқ гаплашармиз. Хайр!

— Нима, мен ишдан қочаманми!— куйиниб эътироз билдирди уй бошқарувчиси.— Нима, мен тушунмайманми! Иложи йўқ-да. Болаларим ҳаққи қасам ичиб айтаман, сираям иложи йўқ.

— Бўпти!— Мамедали муаллим зиналардан юқорига кўтарила бошлади.

Ўй бошқарувчиси билан бўлган суҳбат одатдагидек унинг кулгисини қистатиб юборди, чарчоғи ҳам чиқиб кетди. Бу одам сира ҳазилни тушунмас, Мамедали муаллимнинг томда парник қуриш тўғрисидаги ҳазилини ҳар сафар жиддий қабул қилиб, куйиб-пишиб кетарди.

Унга эшикни алланимадан хурсанд бўлиб турган хотини Дилафрўз хоним очди.

— Воҳид Гаванада Мирза Ғулом билан учрашиб қолибди,— деди у ҳовлиқиб.— Буни қара-я!

— Ростдан-а!— Буни эшитиб Мамедали муаллим ҳам ҳайрон бўлиб қолди.

— Воҳид, кўчада кетаётсам, рўпарамдан Мирзо Ғулом келяпти, кўриб кўзларимга ишонмай қолдим... Роса отамлашдик... деб ёзибди.

— Шошма-шошма,— унинг гапини бўлди Мамедали муаллим.— Сен айтиб берма, хатини ўзим ўқиб оламан.— Мамедали муаллим Кубада инженер-нефтчи бўлиб ишлайдиган ўғлининг хатларига жуда ҳурмат билан қарарди. Келин ҳам инженер-нефтчи, улар тўрт йилдан бери Кубада хизмат қилишади. Мамедали муаллим хатларни ҳамма ишларидан қутулганидан кейин, хотиржам ўтириб ўқирди.

— Тавба, бу Мирза Ғулом у ёқларга нима сабаб бўлиб бориб қолди экан-а? Мирза Ғулом ва Гавана. Ўзи Бокуга ҳам бир ойда зўрға бир марта келарди, шунда ҳам бирон машина дуч келиб қолсагина келар эди, унинг қанақа зиқналигини яхши биласан-ку... Бечора Гавана.

— Бунинг сира ажабланидиган ери йўқ,— Мамедали муаллим Мирза Ғуломнинг Гаванага бориш сабабини тушунгандек эди.— У конденционерлар ишлаб чиқариладиган заводда ишлар эди, Гаванага худди шу иш билан борган бўлса керак-да, у ерда иссиқнинг қанақалигини ўзинг ҳам биласан, Бокудан ҳам иссиқ... Мирза Ғулом хасис бўлгани билан анча ишбилармон йигит... Омади бор экан-да. Гавана яхши жой... Яна Гонолулуми, Сингапурми деган жойи бор,— Мамедали муаллим хўрсиниб қўйди.— У ерга бориш менга ўла-ўлгунимча ҳам насиб этмаслигини биламан. Мирза Ғулом эса борибдию лекин бу ҳам омаддан эканлиги унинг хаёлига ҳам келмаса керак... Сен-чи, Дилафрўз, сен Сингапурга борармидинг?

— Қаёққа? — Дилафрўз хоним мийғида кулиб қўйди. — Нима, бошқа қиладиган ишим йўқми! Гаваннага, Воҳиднинг ёнига эса борардим...

— Бахтли аёлсан-да, хоним, — хўрсиниб деди Мамедали муаллим.

Унинг бу гапидан Дилафрўз хоним хавотирга тушди.

— Нега мени бахтли аёлсан, деяпсан!.. Ана, кинза олиш ёдингдан кўтарилибди, — у бўшаган тўр халтанинг ичига яна бир қараб олди, — турган гап, ёдингдан кўтарилибди.

— Эсимга нима бало бўлди экан, — деди Мамедали муаллим бу гапни эшитиб. — Сира эсимдан чиқмасдику, а?

— Кел, бир гап бўлар, — деди яна хотини. — Қўшнилардан олиб турарман, улар ҳам эрталаб бозор қилишган-ку. Сен ётиб бир оз дамингни ол, чарчаб кетибсан.

Тушликдан кейин Мамедали муаллим тахтада ётиб севимли китоби — артеллерия бўйича жаноби олийларининг генераллари Алибек Шихлинскийнинг эсдаликларини ўқишга тутинди. У ўзига айниқса қизиқ туюлган жойларини хотинига овоз чиқариб ўқиб берарди. Хотини ҳам диққат билан қулоқ солиб турарди-да, кейин ҳар сафар, контрэскап ё флешь нима дегани, деб сўраб қўярди.

Муаллим соатига қаради, кеч гиришига ҳали анча бор эди. У инқиллаб ўрнидан турди, сирма нимчасининг устидан пиджагини кийиб, ҳовлига тушди. Ҳаво анча илиқ. Майдончада болалар волейбол ўйнашяпти. Мамедали муаллим чеккадан уларнинг ўйинларини бирпас кузатиб турди, ўн беш ёшли бир бола сакраб тўпни қўлга киргазганида унга «Яша!» деб қичқирди-да кейин богнинг этагидаги пастаккина ёғоч омборнинг олдига бориб, қулфини очди. Бир зум қоронғилик қўйнида туриб қолди. Омборнинг ичи жимжит, ундан келётган машина мойининг иси ҳам кишига хотиржамлик бахш этади. Муаллим чироқни ёқди. Электр нури ҳозиргина зимистон бўлиб ётган омборнинг ичини чароғон қилиб юборди. Муаллим омбор бурчагига қараб юрди. У ерда махсус тахта супачанинг устида катта мотоцикл турарди. Мамедали муаллим унинг бакини силаб кўрди, гард йўқ эди унда. У худди ўтган ҳафта

денгиз тубидан топиб чиққан қадимий амфорасини томоша қилаётган фанатик-антикварга ўхшаб, мотоциклини ҳар томонидан айланиб томоша қила бошлади. Худди шу пайт омборнинг эшиги тақиллаб қолди. Аввалига эшик тақиллаганини эшитиб, унинг пешонаси тиришди, аммо бояги болалар келишганини билгач, хурсанд бўлиб кетди. Уларнинг ёрдамида мотоциклини ташқарига олиб чиқишди. Болаларнинг ҳаммаси шу ҳовлидан эди. Улар Мамедали муаллимни меҳрибон, юмшоқкўнгиллиги, спорт ўйини ва ҳарбий ишларда ҳамма нарсага ақли етгани, энг одил судья бўлгани учун жуда ҳурмат қилишарди.

Улар тўртовлашиб оғир машинани ташқарига итариб олиб чиқишди. Мамедали муаллим мотоциклини ёруғда яна бир яхшилаб кўздан кечирди.

— Мен уни омбордан охирги марта бундан уч йил муқаддам олиб чиққан эдим,— деди у болаларга.— Ёз эди ўшанда. Ҳозир ишлатиб кўрамиз. Карбураторини ўтган кунигина тозалаб қўйган эдим, дарров ўт олса керак.

Мотор биринчи бурувнинг ўзидаёқ ўт олиб, қулоқни қоматга келтириб тариллади. Мамедали муаллимнинг хурсанд бўлиб кетгани чеҳрасида шундоққина намоён бўлди-қўйди.

— Бу «харлей!»— деди у мамнун бўлиб.

— Нега у бунақа баҳайбат?— деб сўради Рашид.

Чиндан ҳам мотоцикл жуда катта эди, унинг топтоза мис қисмлари, радиаторнинг қўпол панжараси, бензобакининг ва акселераторининг ғалати кўриниши шу туришида биринчи беш йилликлар давридаги ихчам гидроэлектростанцияларни эслатарди.

Мамедали муаллим мотоциклига жилмайиб қараб қўйди.

— Ҳа, бу «харлей!»!— деб қайтарди у гурур билан.

Муаллим қўли билан бензобакдаги кичкина тирналган ерни силаб қўйди. Бензобак қирқ олтинчи йилда тирналган эди.

— Умуман олганда мотоцикл жуда яхши сақланган,— деди у,— мен уни қандай яхши тутишимни биласизлару. «Харлей» жуда ажойиб машина. Мотори— бамисоли бўри. Тезлиги ҳам жуда зўр, ҳозир бунақа машиналарни чиқаришмайди. Мен ҳар йили моторини очиб, бошқатдан йиғаман, биронта қисми бузилмайди,

биронта ҳам қисми ейилмайди. Мен ўзим ҳам ўзгармаганман,— Мамедали муаллим шундай деб жилмайиб қўйди.— Бир томондан ўзгармаганим билан, менинг моторим ҳеч нарсага ярамай қолди,— муаллим чўккан кўкрагини силаб қўйди.— Бунинг мотори эса шунча йилдан бери сира ўзгармади... Мен уни қачон олганим ҳали-ҳали эсимда, унда бу «харлей» бутун Бокуда биттагина эди. Ҳамма ўтган-кетган уни тўхтаб томоша қилар эди, хўп ажойиб замонлар эди ўшанда...

— Қачон эди?

— Нима қачон эди?

— Мотоциклни олган вақтингиз-да?

— Мен буни аниқ айтиб беришим мумкин. Бу ўттиз беш йилу тўрт ой муқаддам эди,— деди Мамедали муаллим.

У болаларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолганини кўриб, афтидан булар учун ўттиз беш йил ақл бовар қилмайдиган даражада узоқ муддат бўлиб туюлса керак, деб ўйлаб қўйди. Ўттиз беш йиллик инсон умри чиндан ҳам жуда катта муддат... Ҳовлида ҳам ҳеч нарса ўзгармади, беседка ҳам ўша-ўша, унинг тунука томини ҳам ўшандан бери бўяшса етти марта бўяшгандир-да. Фақат дарахтлар қуюқлашган, холос. Яна ўттиз беш йилдан кейин ҳам аслини олганда деярли ҳеч нарса ўзгармайди, яна ўттиз беш йилдан кейин ҳам мана шундай қиш кунларининг бирида яна бирон одам худди унга ўхшаб болалар билан гаплашиб ўтирган бўлади...

Иссиғи йўқ қиш қуёши асфальтга олеандрларнинг соясини туширганди, соя жойда Мамедали муаллимнинг эти жунжика бошлади. Одатий соядаги аёз бу сафар айниқса шафқатсиз совуқ бўлиб туюлди унга...

— Ҳозир ўтиб кетади,— болаларни тинчитиб, жилмайганча юзини сийпаб қўйди у.— Менинг ёшимда баъзан шундай бўлиб туради. Менга мотоциклни жойига қўйишга қарашиб юборинглар.

У яна бирпас болалар билан ҳовлида Бокуда обҳавонинг кундан-кунга яхши бўлиб бораётгани, ҳадемай баҳор келиши тўғрисида гаплашиб ўтирди.

— Баҳор фасллар ичида энг яхшиси,— деди хўрсиниб Мамедали муаллим,— аммо баҳорга ўргана

оладиган биронта ҳам одам топилмаса керак. Мана шу баҳорни эсон-омон ўтказиб олинса, у ёгига ҳаммаси жойида бўлади.

Муаллим болалар билан хайрлашиб, уйига қараб кетди. Уйда у Дилафрўз хонимга акамни кўрмаганимга уч-тўрт кун бўлди, бирга бориб кўриб келмаймизми, деб таклиф қилди. Аммо Дилафрўз хоним кечқурун телевизорда яхши кўрсатув борлигини айтиб, ўзинг бориб кела қол, деди.

Мамедали муалим ортиқча қистаб ўтирмади, хотини унинг қариндошлариникига боришни унча хушламаслигини биларди. Бу — хотини унинг қариндошларини яхши кўрмаганидан эмас, Дилафрўз хоним улар билан байрам ёки тўй-марака кунларидагина кўришишни маъқул, деб билганидан эди. Мамедали муаллим ҳали унча оҳори кетиб улгурмаган жигарранг костюмини кийди, кафтига озгина «Шипр» атиридан қуйиб, кали билан иягига суртиб олди.

Дилафрўз хоним унга пальтосини кийишига ёрдамлашиб юборди-да, жуда ҳам кеч қолиб кетмаслигини тайинлади. У шаҳарнинг кечки шинам кўчаларидан танишларини учратганда таъзим бажо келтириб кетиб борарди. Агар у ўз юриш-туриши, аҳволини баҳолаб юрадиган одам бўлганида эди, унда ҳозир биров, бугун кечқурун намунча кайфиятингиз яхши, деб сўраб қолса, турган гапки, у бу саволга эринмасдан бир чеккадан жавоб берган бўлар эди. У, худога шукур, турмушимиз яхши, сиҳат-саломатлигимиз яхши, хотиним Дилафрўз хоним ҳали ҳам гўзал, ҳамиша хушфеъл, бола-чақам ўқиб, уй-жойли бўлиб, ўзидан тинган, қариган чоғимда бировга муҳтожлик ерим йўқ, уйим бор, рўзгорим бут, эр-хотин иккаламиз етарли пенсия оламиз, шундай бўлгандан кейин ўзига тўқ, тинч, акасининг уйига бориб, нард устида пиво ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргани кетаётган мендек бир одамнинг нега энди кайфи бузуқ бўлиши керак экан, деб жавоб берган бўлар эди. Шунда у суҳбатдошимнинг саволига тўлиқ ва қониқарли жавоб бердим, деб ўйларди. Бордию суҳбатдоши унинг бу жавобидан қониқмай, йўқ, бугун кайфиятингиз одатдагидан ҳам чоғроқ, деб қолгудек бўлса, унда Мамедали муаллим балки ўзи ҳам тан олишга журъат қилолмай юрган бир нарсани айтишга мажбур бўлармиди: кайфиятим

баҳор яқин қолгани ва баҳор билан боглиқ баъзи бир ишларим борлиги учун яхши, деган бўлар эди.

Дилафрўз хоним хонага бемавруд кириб қолди, тўғрироғи Мамедали муаллим оқ каламенкадан тикилган кўк пластмасса соябонли кепкани кийиб, ўзини ойнага солиб турганининг устида кириб қолди. Ойнадан бу оддий спорт бош кийими жуда ярашиб тушган матонатли бир кишининг қиёфаси кўринарди.

Дилафрўз хоним остонада туриб эрига завқ билан тикилиб қолди. Мамедали муаллим эса йўталиб бошидан кепкасини олди:

— Бу кепка ҳадемай менга керак бўлишини ўзинг биласан, негадир хаёлимга кепкам тор келиб қолмаганмикан, янгисини олишдан олдин бир кийиб кўрайчи, деган фикр келиб қолди...

— Шифоньерда қиши билан туриб, қуриб торайиб қолган бўлиши ҳам мумкин,— мулойимлик билан унинг гапини маъқуллади Дилафрўз хоним.— Нима қилсак экан, янгисини сотволамизми ё шунинг ўзини чўзгани бериб қўя қоламизми?

— Шунинг ўзи ҳам бўлаверар экан,— деб қўя қолди хижолат бўлиб муаллим ва хотинининг ёнидан ўтиб даҳлизга чиқди.

— Машғулотга киядиган костюмингни ҳам нафталиндан олиб қўйдим,— деди кетидан хотини,— бугун шамоллаб турса, эртадан кияверсанг ҳам бўлади. Кепканг ҳам жуда ярашди, усталик билан қўндирдинг бошингга.

Эртасига Мамедали муаллим бозордан одатдагидан анча эрта қайтди. Дилафрўз хоним сумкани очганида эрта баҳорни эслатиб димоғига бодринг ва оличанинг ҳиди гул этиб урилди. У битта бодрингни олиб чайдида, ўртасидан иккига бўлиб, шўртанггина қилиб тузлади, бир бўлагини муаллимга узатди.

— Тила тилагингни,— деди.

Дилафрўз хоним, киши баҳор мевасидан илк бор тотаётганида нимани тилак қилса, қолган фасллар давомида унга эришади, деган эскича нақлга ишонар эди.

— Менга ҳеч ким телефон қилмадими?— деб сўради Мамедали муаллим бодрингни еб бўлиб.

— Саҳар-мардондан туриб ким телефон қиларди? — деди Дилафрўз хоним. — Соатингга қара, ҳали тўққиз ҳам бўлгани йўқ, бугун бозордан одатдагидан ярим соат олдин қайтдинг.

Ўша куни Мамедали муаллим ҳеч қаёққа чиқмади. Куни билан телефон қўнғироқларига қулоқ тутиб уйда ўтирди. Телефон қилганлар эса қариндошлари, таниш-билишлари эди. Бошқа кунлари Мамедали муаллим улар билан мириқиб гаплашган бўлар эди, аммо бугун телефонни банд қилиб қўйишдан қўрқиб, иложи борича қисқа-қисқа гаплашди.

Эртасига кечгача ҳам кутгани зое кетди. Дилафрўз хоним унинг нинанинг учида ўтирганини кўриб, иложи борича хит қилмасликка ҳаракат қиларди. У куни билан худди бир нарсасини йўқотган одамдай фаромуш юрди. Бозордан ҳам қизиқ иш қилиб қайтди: қўй гўшти ўрнига мол гўшти олиб келибди. Бундай воқеа олдинлар сира бўлган эмас.

Дилафрўз хоним кечаси ҳам унинг ухламай, паркет полда юмшоқ шиппаги билан шипиллаб у ёқ-бу ёққа юрганини эшитди. Эртасига эрталаб кеч турди, газета ўқиб бўлиб, яна жойига бориб ётди.

Шу тариқа қўнғироқни у бир ҳафта кутди. У шу бир ҳафта ичида жуда ҳам ўзгариб кетди. Ҳатто қарашлари ҳам бўлакча бўлиб қолди.

Якшанба куни Дилафруз хоним янги дастурхон ёзиб, устини яхшилаб тузади, тушликка эса эрининг энг яхши кўрган таомини — чучвара қилди. Аммо Мамедали муаллим дастурхонга кўз қирини бир ташладию узр айтди.

— Кечир, Дилафрўз, емайман, иштаҳам йўқ.

— Ойнага бир қарагин, — деди Дилафрўз. — Рангингга қараб бўлмайди. Ёшинг бир жойга бориб қолди, ўзингни кийнаб нима қиласан. Уч кундан бери туз тотмайсан... Ёш бола эмассан-ку?!

— Емайман. Истамайман! — Мамедали муаллим олдидаги тарелкани ўзидан нари суриб қўйди-да, емакхонадан ошхонага чиқиб кетди.

— Емасанг емай қўя қол! — деб бақариб берди Дилафрўз хоним. — Қари тентак, энди сени бошларига уришадими! — Дилафрўз хоним бирдан ўзига келиб, ғириллаганича ошхонага чиқди. Эри табуреткада қаддини ғоз тутиб, ниманингдир хаёлини суриб ўтирарди.

Дилафруз хоним унинг озгин бурушиқ бўйни, диккайиб турган юпқа қулоқларига қараб туриб, астойдил ачиниб кетди, хўрлиги келиб, бошини кўксига босганича овоз чиқариб йиғлаб юборди.

Эрталаб уни Дилафрўз хоним уйғотди.

— Тур, сени телефонга чақиришяпти,— деб шивирлади у.— Жуда маданиятли одамнинг овози,— деди кетидан телефон томон юриб борар экан,— янглишмасам, ўша — бултурги одамнинг овози...

— Эшитаман,— деди Мамедали муаллим трубкини қўлига олиб.— Ҳа, ҳа... Раҳмат. Гапнинг рости, мен энди сизларга керак бўлмай қолгандирман, деб ўйлаган эдим... Нима ҳам зарур ишим бўларди? Албатта, тайёрман... Йўқ, кеч қолмайман.— Мамедали муаллим трубкини жойига қўйиб, хотинига маънодор бошини силкиди.— Улар... ҳар қалай эсларидан чиқаришмабди.— Ҳарчанд яширишга уринмасин, барибир, ўзини илжайишдан тийиб қололмади.

— Ана, кўрдингми,— деди Дилафрўз хоним,— айтувдим-ку сенга, ҳаммаси жойида бўлади, деб. Сен бўлсанг... Сени қара-ю! Мен сени бунчалик иродасиз, деб ўйламаган эдим.

— Мен ўзим учун ташвишланибманми,— эътироз билдирган бўлди Мамедали муаллим.— Ҳозир ҳар ўтган кун ганимат. Ҳозир апрель ойи-я! Энди ҳар куни машғулот ўтказиш керак... Сал нарироқ бориб қўл қўлга тегмай қолади...

— Ишнинг ташвишини қиялпман, дегин,— кулиб писанда қилди Дилафрўз хоним.— Бўпти, юр, нонушта қилайлик, қани энди бугун ҳам иштаҳам йўқ, деб кўр-чи, менга! Айтувдим-ку сенга, ҳар йили таклиф қилишадими сени, демак бу йил ҳам таклиф қилишадди, деб... Фақат бир ҳафта олдину бир ҳафта кейин... Айтувдим-ку... Рухсорингга қара — шу бир ҳафтанинг ичида ўн беш ёшга қариб кетдинг. Айтувдим мен сенга...

Унинг бу гапларни гапирмаганини Мамедали муаллим ҳам, Дилафрўз хонимнинг ўзи ҳам яхши билишардию аммо эндиги тортишиб ўтириш ортиқча эди.

Кечқурун Мамедали муаллим баҳор байрамига тайёргарлик кўрпш штабининг мажлисида қатнашди. Болалар сектори бошлиғининг ўринбосари уни мажлисда ҳозир бўлганларга таништирган эди, уни кўпчилик

шундай ҳам яхши билиши маълум бўлди. Шундан сўнг байрам сценарийси ўқилди, Мамедали муаллим уни диққат билан эшитиб, блокнотига алланималарни қайд этиб ўтирди. Сценарийнинг муҳокамаси алламаҳалгача чўзилиб кетди. Мамедали муаллим бир неча конкрет таклифлар киритган эди, таклифлари мажлис қатнашчилари томонидан жуда ўринли, деб қабул қилинди, сценарий авторлари ҳам ҳисобга олиб қўйишди.

Ана шундан сўнг машғулотлар бошланиб кетди. Мамедали муаллим энди ҳар куни уйдан жуда эрта чиқиб кетади, бозорга ҳам Дилафрўз хонимнинг ўзи борадиган бўлган. Мамедали муаллим уйига тушлик маҳалида шошилишч кириб, овқат устида майдонда олиб бораётган ишларидан қисқагина гапириб беради, кейин яна шошилишч чиқиб кетади, кечқурун эса уйга ҳориб-чарчаб қайтиб келади. Байрамга олиб борилаётган тайёргарликларидан эрталаб нонушта устида ҳам ҳикоя қилади у.

— Бир вақт қарасам, майдоннинг ўртасида бронепоезд пайдо бўлиб қолди. Менинг қисмимни машғулот қилаётганимизда майдонда бронепоезд нима қилади, сира тушунолмаيمان. Микрофонга: «Бронепоезд йўқотилсин!» деб қичқираман. Бронепоездни ўша заҳоти майдондан олиб чиқиб кетишди... Кейин билсам, бронепоездни бир синаб кўрмоқчи бўлишган экан. Топган вақтларини қара. Мутлақо масъулиятсизлик!

— Ие, майдонда бронепоезд нима қилади, у ерда из йўқ-ку?— деб сўради унинг ҳикоясини диққат билан эшитиб ўтирган Дилафрўз хоним ҳайрон бўлиб.

— Ахир, бронепоезд ростакамиси эмас-да,— деди ҳафсаласи пир бўлиб Мамедали муаллим.— У ясама, фанердан, резинка гилдиракда.

— Ростакамисига ўхшайдими?

— Жуда ўхшайди,— яна қизишиб ҳикоясида давом этди муаллим.— Қанчалик ўхшашлигини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Биринчи кўрганимда ҳатто мен ҳам ўз кўзларимга ишонмай қолдим, тўп, пулемётларини худди ростаками дейсан. Шоввозлар лекин жуда боплашибди. Бу намойишнинг театрлаштирилган қисмида ўтади.

— Жуда озиб кетдинг,— деб хўрсиниб қўйди Дилафрўз хоним.

Мамедали муаллимга беш юз кишилиқ ўқувчилар колоннаси топширилган эди. Машгулотнинг бешинчи кунидеъ Мамедали муаллим ҳамма звеноларнинг номларини эслаб қолди. Трибунада туриб буйруқ бераётганида уларни номма-ном атай бошлади: унинг хотираси шунақа мустаҳкам эди.

Ҳар машгулотдан кейин у ўз одамларини тўплаб, тушунтириш ишлари олиб борарди. Мамедали муаллимнинг қистови билан майдонда вақтинча очилган буфетга иссиқ овқат олиб келадиган бўлишди, штабнинг катта хоналаридан бири эса болаларга ечинадиган жой бўлди.

Мамедали муаллим ҳар куни баҳор офтоби қизидирадиган трибунада туриб ўз машгулотларини ўтказарди. Тинмай музика янграйди, майдонда у ёқдан-бу ёққа юриб, одамлар янги прожектор, микрофонлар ўрнатишди, аммо Мамедали муаллим буларнинг биронтасига ҳам эътибор бермайди, унинг бутун фикри зикри ўз ўқувчилари билан ўтказаятган машгулотида бўлади. Қизил майдон бўйлаб жонли яшил дала оқиб келади, бу дала майдоннинг маълум ерига етиб келганда бирдан қип-қизил лолазорга ёки чаноқларидаги пахта оппоқ бўлиб очилиб ётган пахтазорга айланади. Бу ғаройиботнинг муаллифи ҳам, режиссёри ҳам Мамедали муаллимнинг ўзи эди. Бу сеҳрли манзара унинг овозига итоат қилган ҳолдагина юзага келарди. У трибунадан туриб қичқирар, орқада қолаётганларни баравар ҳаракат қилишга чақирар, карнай унинг овозини майдондан ҳам узоқларга олиб кетар, у эса букорар, ялинар, илтижо қилар, шу йўсинда болаларнинг текис ҳаракат қилишларига эришмай қўймас эди... Ниҳоят, орадан бирмунча вақт ўтгач, бақириб-чақиришга ҳожат ҳам қолмади: намоённинг театрлаштирилган колоннасининг бир қисмини ташкил этиш лозим бўлган Мамедали муаллимнинг ўқувчилар колоннаси машгулотлар оёқлаб қолганида сценарий бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларнинг ҳаммасини аниқ, тўғри, янглишмай бажарадиган бўлиб қолди. Лекин, барибир, Мамедали муаллим, сўнгги кўрув чоғида ҳам жуда қаттиқ ҳаяжонланди... У трибунада туриб ўз колоннасининг қандай ўтаётганини диққат билан кузатиб турарди. Мана у, кема ремонтчиларининг кетидан майдонга кириб келди, майдоннинг қоқ ўртасига

етганда тўхтади, айти белгиланган жойда аниқ тўхтади, мана ўз топшириғини бажаришга киришди... Лолалар... Оббо шоввозлар-е, шундай кичкина бўлишларига қарамай биттаси ҳам янглишмади-я! Ана, чўгдай қип-қизил лолазор дала кўз очиб-юмгунча оппоқ пахтазорга айланди... Баракалла, болалар, яшаворинглар... Болалар пахтазорни акс эттириб илгарилаб кетишди... Ана, ёзувлар... Худога шукур! Оркестр одатдагидан чўзиброқ чалаётганга ўхшайди... Йўқ, одатдагидек чалапти шекилли... Ҳамма майдондан чиқиб кетди... Жуда чиройли чиқиб кетди.

Сўнгги, ҳал қилувчи машғулотдан кейин штаб мажлисида болаларнинг чиқиши аъло баҳо олди. Штаб бошлиғи Мамедали муаллимнинг яхши ишлаганини алоҳида таъкидлаб ўтиб кетди.

Мажлис тугагандан кейин болалар секторининг мудири Мамедали муаллимга миннатдорчилик билдирди.

— Сиз ўн беш кунда мисли кўрилмаган иш қилдингиз, ростини айтсам, сиз келишингиздан олдин ундай олмасак керак, деб болалар колоннасини олиб ташламоқчи ҳам бўлиб турувдик... Мамедали муаллим, сиз мени танимадингизми, бир минг тўққиз юз эллик иккинчи йилда республика стадионининг очилишида сизнинг ассистентингиз эдим.

— Эллик биринчи йилда!— ўша заҳоти унинг хатосини тўғрилади муаллим. Чиндан ҳам ҳаммаси унинг эсида эди.— Ўшанда сиз менга жуда зўр ёрдамлашган эдингиз.

— Сиз, янглишмасам, пенсияга анча кеч чиқдингиз?

— Ҳа, мен пенсияга тенгқурларимдан ўн йил кейин кетдим. Ўшанда ҳам кетмоқчи эмас эдим, бироқ...— Мамедали муаллим қулочини ёзди,— ҳар нарса ўз вақти билан экан.

— Ажойиб қария-да,— деди болалар секторининг бошлиғи у кетгандан кейин муовинига,— жуда талантли одам... Лекин сен, барибир, уни чақириб бекор қилдинг, мен сенга шуни ўтган йили ҳам айтувдим... Ахир шундай кекса одамни офтобнинг тигида куни билан ишлатиш инсофдан эмас, қоп-қорайиб кетганини қара. Уялади киши, майли, бу сафарча сени кечираман, аммо бу охиргиси бўлсин. Ҳа, яна бир нарса

эсдан чиқмасин. Қарияни зудлик билан байрамга ҳозирлик ишлари учун Фахрий ёрлиқ билан мукофотланадиганлар рўйхатига киритиб қўй... Жуда ажойиб инсон-да! Қизик, унинг ёшида биз қанақа бўлар эканмиз-а?

Дилафрўз хоним Қизил майдонга боришга кўнади.

— Телевизордан кўраман, яхшироқ кўринади, мана мени айтди дерсан, сени ҳам кўраман... Телевизорда жуда яхши кўрсатишади-да, ҳукумат аъзоларини ҳам, намоийшчиларни ҳам кўриш мумкин.

Мамедали муаллим энг яхши жойда трибунадаги қўшнилари билан суҳбатлашиб ўтирарди. Ҳарбий параддан кейин театрлаштирилган намоийш бошланди. Намоийшнинг бу қисми ҳаммага ҳам маъқул бўлди, трибунадагиларнинг баъзилари ҳатто завқланиб кетганларидан қарсак чалиб ҳам юборишди. Кейин Қизил майдонга ям-яшил дала сузиб кириб келди. У белгиланган жойга етганда қип-қизил лолазорга, кейин эса оппоқ пахтазорга айланди. Ранг-баранг табрик сўзлари пайдо бўлди. Бундан ҳамма таъсирланиб кетиб, қарсак чалиб юборди...

Телекамерани ўзига тўгрилашаётганида Мамедали муаллим ҳозир уни хотини Дилафрўз хоним ва барча қариндошлари кўриб ўтирганини ҳис этар, бу ҳам унга беҳад қувонч бағишларди.

Намоийш тугагандан сўнг қизил кўйлакли қизлар унга гуллар тақдим этишди ва уни уйига машинада олиб бориб қўймоқчи бўлишди. Бироқ Мамедали муаллим машинада кетишдан бош тортди, чиндан ҳам шундай бахтиёр одамга машинанинг нима кераги бор?

Мамедали муаллим уй бошқарувчисини узоқдан кўрди, у таниш регулировкачи билан суҳбатлашиб турарди.

— Байрамингиз муборак!— узоқданоқ уни байрам билан табриклайди муаллим.— Табриклайман!

— Ўзингизни, оилангизни ҳам байрам билан табриклайман,— ҳурмат-эҳтиромли намоийшда таъзим бажо келтирди уй бошқарувчиси. Унинг чеҳрасида таҳлика аломати пайдо бўлди.

— Энди парник тўғрисида сенга оғиз очмайман,— деди Мамедали муаллим.

— Ўлай агар,— ўзини оқлашга тутинди уй бошқарувчиси.— Сира ҳам иложи йўқ-да. Райисполкомга ҳам бордим. Гап бундай-бундай дедим: менда битта ташаббус бор — томимизда парник ташкил қилмоқчиман, дедим. Улар бўлса менга: бундай ташаббусинг учун жойингдан учиб кетасан... дейишди. Сметанда ҳам бу тўғрида ҳеч қандай банд йўқ...

— Биз сени ишдан бўшаттириб қўймаймиз,— деди жиддий туриб муаллим.— Райисполкомдагилар ким бўпти! Ташаббус учун ишдан олишар эканми! Аммо парник тўғрисида ортиқ сенга оғиз очмайман. Етар! Гап тамом!— Мамедали муаллим уй бошқарувчиси билан ҳам, регулировкачи йигит билан ҳам хайрлашиб уйи томон юриб кетди. Йўлакка кирганида хаёлига бир гап келиб тўхтаганча, яна уй бошқарувчисига ўгирилди:

— Ҳа, бир нарса эсимга тушиб қолди. Бордию иккаламиз уйлардан бирининг тагини, яъни подвални қўзиқорин етиштирадиган теплицага айлантирсакчи? Подвалларнинг ҳаммаси ҳам бўш, бекор ётипти. Шундай қилсак, ҳаммага қўзиқорин етиштириб берган бўлар эдик... Жуда зўр иш бўлар эди-да. Арзимаган харажат билан битарди. Сметангга қараб кўр-чи, қўзиқорин тўғрисида бирон банд йўқмикан-а?..

Мамедали муаллим зиналардан битта ҳам тўхтамай кўтарилди тўртинчи қаватга. Унинг кайфияти аъло эди.

ҲАЙВОНГА МУҲАББАТ

Кундузги томоша кетаётган пайт эди. Баланд бўйли, қотма, қуруқ майка устидан шим кийиб олган қирқ беш ёшлардаги қовоғи уюқ цирк ходими Али оға уссурия шери турадиган катакнинг зангини қир-тишлаб тозалаш билан овора эди. У битта томонини тозалаб бўлиши билан панжарани керосинда ҳўлланган латта билан яхшилаб артиб, иккинчи томонга ўтди. Катак панжарасини ҳар қирганда чиққан гичирлаган овозга ўйин кўрсатишга ҳозирланиб турган ота-бола жонглёрлар «тсс» деб қўйишарди. Уларнинг танбеҳларидан кейин Али оға овоз чиқармайроқ иш-лашга ҳаракат қилди. Аммо шу ишни ҳайвонлари аренадалигида тамом қилиб қўйишга ошиққанидан, беихтиёр яна ишини тезлатиб юборди.

Али оға мўлжаллаган ишини циркнинг биринчи бўлими тугашига озгинагина вақт қолгандагина тамомлаб улгурди. Шоша-пиша хонадаги қолган тўртта катакка ҳам кўз югуртириб олди-да, кейин гўштни олиб келгани югуриб кетди. Гўшт ортилган оғир, катагина аравагани итариб келганида, ҳайвонлар аллақачон катакда эди: биринчи икки катакда йўлбарслар, қолган учта катакда эса уссурия шерлари.

Ҳайвон ўргатувчи рус йигит Али оғанинг нокерак иш — катакларнинг зангини тозалаш билан овора бўлиб, ҳайвонларининг овқатини кечиктирганидан жаҳли чиққан бўлса ҳам ўзини рус тилини тушунмайдиганга соладиган бу одам билан имо-ишора қилиб

гаплашиш жонига текканидан индамай қўя қолди. У фақат йўлбарсларни кўрсатиб, кейин ўзининг қорнига ниқтади-да, қулочини кенг ёзди (бу, йўлбарсларни бугун айниқса яхшилаб тўйдириб қўй, дегани эди) ва чиқиб кетди.

Али ога бурчакда тахлаб қўйилган тоғораларни катаклар ёнига олиб келди-да, уларга гўштларни бўлиб солиб чиқди. Теварак-атрофига аланглаб олиб, ҳеч кимнинг қараб турмаганига ишонч ҳосил қилгач, аравачадан фартугини олиб, шоша-пиша ҳар тоғорадан бир-икки бўлакдан гўштни унга ташлади. Йўлбарсларнинг тоғораларидан бир бўлакдан олди.

Яқин-атрофда ҳеч кимнинг йўқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиб олгач, у гўшт солинган фартугини елкасига ташлаб тез юриб, аммо янги ўгрилардек ортиқча олазарак бўлмай ҳовлига чиқди. Ҳовлида одамлар ғимирсиб юришарди. Аммо Али ога уларга парво қилмади, хотиржам бориб ўт ўчириш қудуғининг кранини кўтарди-да, фартугини унинг ичига отди ва тезда катакларнинг олдига қайтди.

Али ога ҳайвонларни овқатлантириб бўлгач, бориб гўштнинг жойида турган-турмаганлигини текширди, кейин цирк билан Педагогика институтини бир-биридан ажратиб турган девор томон юрди. Темир панжарали дарвоза тагида одам гавжум, девор ёқалаб эса скамейкаларда студентлар офтобда исиниб, бир-бирлари билан суҳбатлашиб ўтиришибди. Али ога ошхонага ошиқаётганди, шунинг учун ҳам уларнинг олдиларидан тўхтамай ўтиб кетаётган эди, аммо кўзи бир ҳамқишлоғининг тўдада турган ва шу ерда ўқийдиган ўғлига тушиб қолди.

— Ассалому алайкум,— деб улар бир-бирлари билан саломлашишди. Али ога дарров муддаосига ўтолмаётганидан афсусланиб, ҳамқишлоғининг ўғли билан узоқ сўрашди, ўқиши, ишларини суриштирди, қишлоқдаги қариндош-уруғларининг ҳол-аҳволини сўраган бўлди, уйдагилардан қандай хат-хабарлар борлиги билан қизиқсинди. Ниҳоят, у ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб турганларидан кейин, Али ога ундан қаерда: уйдами ёки ошхонада овқатланишини сўради. Шундай деб туриб, гўшт топиб бериши мумкинлигини айтди.

— Яхши гўшт,— деди Али оға.— Албатта жуда кўнгилдагидек бўлмаса ҳам, ҳар қалай анча дуруст гўшт. Унчалик қиммат ҳам эмас, бир сортининг килоси бир сўмдан (Али оға йўлбарсларнинг гўштини назарда тутаётган эди), яна бир сорти эса олтмиш тийиндан.

— Нега бунақа арзон?— деб сўради ҳамшаҳри.

— Қимматроғи ҳам бор,— деди Али оға бир оз жаҳли чиқиб. Энди у бундан ўн йил муқаддам жини ёқтирмай қолиб чиқиб кетган қишлоғидан бўлмиш шу йигитча билан олди-бердига киришганидан хафа ҳам бўла бошлаган эди. Аммо бирдан иши ўнгидан келди.

— Қанча ўзи?— деб сўради ҳамқишлоқ йигитча.

— Ўн-ўн икки кило келиб қолади.

— Агар саксон тийину эллик тийиндан бўлса, ҳаммасини олишим мумкин.

— Яхши, мени шу ерда кутиб тур,— деб рози бўлди Али оға.

— Фақат бу ерда эмас,— деди ҳамқишлоқ.— Бу ерда пайқаб қолишса ноқулай бўлади, яхшиси, кўчада кута қолай.

— Маъқул,— деди Али оға.

У гўштни келишилган жойга олиб бориб берди-да, саккиз сўм пулни олиб, йигитчанинг ота-онасига яна бир дуои салом айтишини тайинлаб, циркка қайтди.

Циркда ҳамма ёқ тинч эди. Ҳеч ким ҳеч нарсани пайқамабди. Мана энди йўлга тушса ҳам бўлаверади. Баҳший ҳайвонлар билан бўлаётган икки ойлик аттракцион давомида Али оға бояги рус йигитнинг ихтиёрига бериб қўйилган эди. Бир жойга борадиган бўлса, ўша йигитдан жавоб олиши лозим эди.

Али оға ҳайвон ўргатувчи йигитни бильярдхонадан топди, қўл ва оёқ ҳаракатлари билан бир зумгагина бир жойга бориб келмоқчи эканлигини тушунтирди. У ниҳоят ярим соатгагина жавоб олиб, тезда ювинди-да, илдам юриб циркдан чиқиб кетди. Энг яқин магазин ҳам унинг ўйлаганидан анча нарида экан. Аммо Али оға ўша берилган вақтда ишини битқазиб улгурди. У ёнидаги пули аранг етган бўлса ҳам кўнгилдагидек бўёқни харид қилган эди.

Кечқурун томоша бошланиб, катаклар бўшаб қолганди, Али оға ишга тушди. У бўёқ чўткани бўёққа

аста ботириб, панжараларни ихлос билан аста-секин бўйй бошлади... Унинг хурсандлигидан оғзи қулоғида, соқоли ўсиб кетган даҳани эса бўёқ чўтканинг ҳаракатига мосланиб дам юқорига, дам пастга қараб ҳаракат қиларди...

Али ога томошанинг биринчи бўлими тугагунча иккита катакни бўйашга улгурган эди.

ҚИШ ЭРТАГИ

Бокуда қорли-бўронли тонг отмоқда эди. Саҳарлаб ўрнидан турган Карим чол биринчи навбатда болалар ётган хонага кириб, қор босган дераза ёнига борди-да, бир парчагина тоза жой топиб ташқарига қаради: ҳар тарафни босган қордан бўлак нарса кўринмасди; кечагидан баттар лап-лап қор ёгарди. Ҳамма ёқ қор эди, бўрон увилларди, бўрон хуружга кирганда ҳеч сас қулоққа кирмас, баъзан фақат жуда узоқлардан гувиллашга ҳамоҳанг келаётган қўшиқ — Маргарита Абрамовнанинг ҳамишагидек патефонга қўйган пластинкаси эшитилар эди.

Карим чол гирдибод шамолга диққат қилиб: «Бутинмайдиган бало шекилли», деди ичида. Бир-икки дақиқа кўча деразасидан бу нохуш қиш тонгига ажиб бир оқлик тусини берган қорга қараб, шамолнинг увиллашига қулоқ солиб турди ва ҳеч кимни уйқудан уйғотиб юбормаслик учун хонага қандай кирган бўлса, шундай секинлик билан чиқиб меҳмонхонага ўтди. Энди меҳмонхона деразасидан ҳовлига қарай бошлади: ҳовлини ҳам томомила қор босган эди ва зўрға кўзга илганаётган Маргарита Абрамовнанинг деразаси чирогидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди қорнинг дастидан.

Кейинги кунларда Карим чолнинг кўнглига бир хижиллик қўнганди ва ҳар саҳар Маргарита Абрамовнаникидан эшитиладиган бу қўшиқ уни кўнглидаги хижилликдан халос этарди. Маргарита Абрамовна жуда қариб қолган кампир эди.

Карим чолнинг ҳовлиси Боқунинг бир-бирига қапишган, бир қаватли, икки қаватли, оролчаларга ўхшаб турадиган қадим ҳовлилари даврасида бўлиб, бу оролчаларнинг ҳар бирига асфальт йўл ётқизилган эди ва бу ҳовлиларнинг ҳар бирида битта ёки иккитадан тут дарахти бўлиб, қишда бу дарахтлар чумчуқларга тўлиб кетар, ёзда ям-яшил бўлиб кўлка соларди. Ҳозир эса бу тутни бошдан-оёқ қор босганди.

Бу хонада Маргарита Абрамовна қўяётган музика яхши эшитилар ва у худди ёгаётган қор бағрида учиб юргандек эди. Карим чол гўлдираб:

— Қўшиқ ҳам учаркан-да!— деди ва гўёки қордан бошқа нарсани кўрадигандек ичкаридан дераза ойнаси юзини сийпалади. Унинг катта дағал қўллари ёгочга ўхшарди, шунинг учун деразани сийпалаганида, ойнада инсон қўли эмас, ёгоч сурилгандек товуш чиқди.

Карим чол яна ташқарига тикилди ва яна гудранди:

— Тўхтамайди шекилли бу!

Шу пайт хонага Жавоншир эҳтиёткор қаради ва шошганича:

— Эртангиз фараҳли бўлсин!— деб сочи тамомила оқарган бошини қашлай-қашлай даҳлиздаги обрез томон ўтиб кетди.

Карим чол ўғлининг орқасидан ҳеч нарса демай ҳўмрайиб қараб қўйди, худди шу пайтда ўзининг ёмон кайфиятда ўрнидан тургани унинг ёдига тушди.

Гап шунда эдики, кеча Жавоншир Карим чолни, эртага қор тўхтайти, ҳаво очилади, кейин хоҳлаган жойингизга кетаверасиз, деб олиб қолганди. Албатта Жавоншир бугун ҳамма ёқни қор босишию шамол қиймат кўтаришини, троллейбусу автобуслар юролмаёқлиб, иш ҳатто мактабларда дарсларнинг тўхташигача бориб етишини билган эмасди.

Болаларнинг саҳарлаб туриш азобидан қутулганларини ўйлаб — гарчи жаҳли чиқиб турган бўлса-да, Карим чолнинг оппоқ мўйловлари остида жилмайиш кўринди.

Болалар — бу Карим чолнинг набиралари. Унинг бешта набираси бўлиб, каттаси — қиз набираси, ўзи ҳам, эри ҳам нефтчи бўлиб бу ердан кўчиб кетганди. Ундан кейингиси Одессада кемачилик институтида

Ўқирди, қолган уч нафари эса ҳали мактабга қатнардди. Буларнинг ҳаммаси Жавонширнинг болалари эди. Чолнинг катта ўғли Ҳайбат эса урушдан қайтмаганди. Хонада деворга осиглиқ суратидаги каби ёш йигитлигича қолаверганди у.

Қўшиқ тинди ва энди фақат шамолнинг увиллаши эшитила бошлади. Бир дафъа узоқларда ит ҳургандек бўлди. Бу ит ҳуриши Карим чолнинг ярасига туз сепиб, у ичида ўзини-ўзи яхшилаб сўкди.

Ошхонага Жавонширнинг хотини Ғозилад кирди ва худди гуноҳкор одамдек:

— Эртангиз фараҳли бўлсин,— деди-да, газни ёқиб чойнак қўйди ва Карим чолнинг назаридан тезроқ қочиш учун шошиб чиқиб кетди.

Карим чол келинининг саломига алиқ олмади, аммо бир оз туриб, нотўғри иш қилганидан ўзини-ўзи койиди, чунки қор билан бўроннинг бундай жазавага тушишида келинининг ҳеч бир айби йўқ эди.

Бир оздан сўнг эрталабки чойни ичиб ўтиришганда Жавоншир хотинига: «Йшга қанақа қилиб боришга бошим қотиб турибди, на машина юради, на автобус»,— деди. Бу сўзлар аслида Карим чолга қаратилганди, яъни бу ҳавода уйдан ташқарига чиқишнинг ўзи мутлақо мумкин эмас, маъносида айтилганди. Кейин Жавоншир бу билан кифояланмай қўшиб қўйди: «Совунчи вокзалида электр поездлар ҳам қаторлашиб турибди, чунки темир йўлни ҳам қор босиб қолган».

Карим чол бу сўзларни эшитиши билан нок шаклида ишланган идишдаги чойини дастурхонга қўйди-да, ўрнидан турди. Яна меҳмонхонага чиқиб, ташқарига қаради: шамол қиёмат кўтарарди.

Гапнинг индаллоси шундаки, Карим чол пенсияга чиққандан бери, яъни мана ўн беш йилдан бери, ёздан бошқа фаслларда ҳар куни, узоғи билан икки кунда бир Билгоҳдаги боғига қатнар, меваларга, анжирларга, анорларга қарар, полиздан хабар олар, гул экарди. Хуллас Билгоҳдаги ота-боболаридан қолган бог билан дўст тутинганди, боғ чолни овунтирарди, чол богнинг кунига ярарди. Ўтган куни боққа борганида ҳавонинг бу даражада бузилиб, бу даражада қор ва шамолнинг хуружга киришини хаёлига келтирмаганди. Шаҳарга қайтаётганда, дайдиб кетмасин, деб

Набранни бўйнига занжир солиб боғлаган, уйда тай-ёрлаб борган бир кунга мўлжалли бўтқадан олдига қўйиб, эшикни қулфлаб чиқиб кетганди. Эртасига эрталаб, яъни, кеча бормоқчи эди, лекин ўтган куни кечқурундан ёға бошлаган қор кеча ҳам тинмади ва Жавоншир билан Фозила, эрталаб, яъни бугун ҳаво яхшиланади, кейин борарсиз боққа, деб уни йўлдан қолдиришган эди.

Бугун ҳаво кечагидан баттар бўлди, Набран эса боғда боғлиқлигича ётарди.

Бундан беш-олти йил бурун бир куни болалар билан Набранга боришиб, Карим чол у ердан бир този кучук олиб қайтган, ўшанга Набран деб от қўйишган эди, ҳаммалари Карим чол раъйи билан уни боғда сақлашарди. Ана шу ит боғдаги уйча ичида, қорбўронда овқатсиз, сувсиз боғлиқ ётарди.

Карим чолга ота-боболаридан қолган бир қаватли уйнинг ташқари чиқадиган эшигида қор шунчалик кўп йиғилган эдики, эшикни силжитиш ҳам амримаҳол эди. Жавоншир бир амаллаб эшикни жиндек очиб, сирғалиб ташқарига чиққанида эса унинг кетидан даҳлизга шундай кучли шамол урилиб, ичкарига кўз очиб-юмгунча ўтган бир дақиқада шунчалик мўл қор отилиб кирдики, киши ўзини Бокуда эмас, Шимолий Муз океанида тургандек тасаввур ётарди. Карим чол меҳмонхонадаги сандиқнинг орқасидан неча йиллардан бери керак бўлмай ётган белни келтирди-да, ташқари эшикка яқинлашиб совуқдан жунжикканча, оралиқдан ўглига узатди:

— Тозала!

Жавоншир эшикни ёпиб ён-верини анча тозаландан сўнг уни қайтадан оча қолди ва шундан кейингина ичкарига кирди. Кўкарган қўллари билан қизарган юзларини ишқалади, пўстинининг ёқасини қоқди. Ўзининг қилиб келган ишидан шижоатланди шекилли, юрак ютиб, боятдан бери қаршисида индамай турган отасига:

— Менга қаранг, бу ҳавода ташқарига чиқа олмайсиз, ёмон совуқ,— деди. Энди унга Фозила ҳам қўшилишди:

— Балоба йўлиқсин, бунақа ҳаво.— Бу гапнинг мазмуни бундай эди: ҳой ота бизлардан нега жаҳлингиз чиқади, биз нима қилайлик, сизнинг ёшингиздаги

одам бу ур-сурда Билгоҳга қандай қилиб боради-ю, қандай қилиб келади?

Фозила ҳам, Жавоншир ҳам билишмасдики, аслида, Карим чолнинг жаҳли ўзига қаратилганди — ўзининг саксон ёшига.

— Мен бориб келардим-ку, аммо ҳозир шунақа пайтки, ишни ташлаб кетолмайман...

Карим чол Жавонширга бўлак гап айтгани имкон бермади.

— Бўпти, бўпти, кетавер ишингга,— деди.

Чол гапга кирганидан Фозиланинг кўнглига сал ёруғлик чопди. Жавоншир ҳам кулимсиради:

— Яхши, мен кетдим,— деди ва ҳали ҳам гумони ёйилмай яна қўшимча қилди.— Аммо, ташқари чиқмайси-а!..

— Чиқмайдилар, чиқмайдилар.— Бу сўзларни Фозила айтди. У хотиржам бўл, кетгани йўл қўймайман, демоқчи эди.

Карим чол бу дафъа ҳам ўзини тўхтатиб туролмай келинига қаттиқ хўмрайди-да, кейин индамай ичкари кириб кетди.

Жавоншир кема таъмирлаш заводида ишларди, инженер эди ва турган гапки, иши бошидан ошиб тошиб ётарди, Набраннынг олдига, Билгоҳга бора олмасди. Жавоншир нефтчи эмасди (Ҳайбат нефтчи эди), аммо шундай бўлса ҳам иши денгиз билан боғлиқ эди, нефть иши билан, мазут билан боғлиқ эди, шунинг учун ўғлининг ишига нисбатан Карим чолнинг ҳурмати бор эди.

Гапнинг индаллосини айтганда, Карим чолнинг ўғлидан, келинидан, невараларидан, дўст-танишларидан, қариндош-уруғларидан, алқисса, бутун яқин одамларидан ташқари дунёда қадрлайдиган, ардоқлайдиган уч нарсаси бор эди: биринчиси нефть эди, яъни нефть ҳиди, нефть ранги, нефть ташвиши, нефть севинчи; иккинчиси — денгиз, яъни, денгизнинг сурони, мулоҳимлиги, зангорлиги, буюклиги, тўлқини, шабадаси; учинчиси эса — яшиллик, яъни, жамики кўкаламзор, чаманзор, гулзор.

— Эртангиз фараҳли бўлсин, бобожон. Кўчага чиқшимга онамдан рухсат олиб берасизми?— Бунини эндиgina ўрнидан туриб келган ва кўзларини ишқалаб, даҳлизга томон келаётган Аёз айтди.

— Бор-бор! Кўп гапирмасдан, юз-қўлингни юв, келиб чойингни ич,— деди Карим чол ва Аёзга аён бўлдики, бугун бобосининг қони қайнаган, у билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Шамол тобора авжига чиқиб, олдингидан баттар увиллар, гўёки Карим чолнинг уй жойини кўчириб юборадигандек эди.

Қизиқ ҳол: қорнинг, шамолнинг бу қиёмати ичра Карим чолнинг хаёлига баҳор келди. Апшерон боғларидаги наъматаклар гулларини тўккан, анор туплари янги япроқ чиқариб, хина рангига бўяладиган пайтдаги баҳор. Анжирлар мева тугадиган, пайванд олчаларнинг мевалари жимжилоқнинг тирноғидек келадиган, япроқлари янги бўлган, булбулларнинг саси оламни тутган пайтдаги баҳор. Шамол шом дарахтлари гулларининг сариқ чангини айвоннинг тахта сўрисиغا сепадиган ва саҳар айвонга чиқиб уйга қайтаётганда хонанинг тахта тўшамасида излар тушадиган пайтдаги баҳор.

Карим чол худди бу изларни кўргандек, бу излар орасида Аёзнинг кичкина яланг оёқлари изини, бармоқларини кўргандек бўлди ва кулимсиради. Сўнгра баҳорнинг ранглари кўз олдига келди, баҳорнинг ҳидларини туйгандек бўлди. Кейин эса тўсатдан, бу баҳор атрларига нефть ҳиди аралашди...

Яна узоқларда худди ит ҳургандек бўлди ва унинг овози ташқаридаги шамолнинг увиллашидан ҳам кучлироқ эшитилди.

Карим чолнинг янгидан фиғони чиқди. Қулоғига яна ҳуриш эшитилиб, бурнига яна ҳидлар келиб урила бошлаганидан, юраги сиқилиб, ўзининг бунчалик бўшашиб кетганидан аччиқланди. Қўлини юзига олиб бориб, соқоллари ўсган бетларини силай бошлади. Гўё шуни кутиб тургандек айни сонияда Маргарита Абрамовна ҳовли эшигини очиб, йўғон товушда қичқирди:

— Карим Билолович! Ҳой, Карим Билолович!

Маргарита Абрамовна уни Карим Билолович деб чақирадиган ер юзидаги ягона одам эди ва Карим чолга бу хотинни таниганига йигирма беш йилдан ошганига қарамай, ҳар сафар унинг бундай мурожаати галати туюларди. «Карим уста» деса ҳам баҳарнов эди! Ёки биргина сўз «Уста». Ёки ҳозирги аҳволига мос — Карим чол.

Карим чол аввалига, бу мурожаат шунчаки қулоғимга чалинаётганмикин, деб ўйлади. Лекин шамол даҳлизга ҳужум қилиб, Маргарита Абрамовнанинг йўғон овози яна эшитилгач тушундики, ҳавонинг авзойига қарамай, бу кампир одати бўйича унинг соқолини олгани келибди.

Маргарита Абрамовна даҳлизда Фозилага совуқдан шикоятланиб-шикоятланиб, кейин хонага кирди.

— Карим Билолович, бу қор нима бало бўлди? Қиёмат-қойим яқинлашдими дейман!— сўзланди у. Сўнгра қиёмат яқинми ёки йўқлиги ҳақидаги гапга жавоб кутмаёқ увишган қўллари бир-бирига ишқади ва у ер-бу ерига қор қўнган камзулини очиб, устара, совун, атирларини ликобча устига тера бошлади.

Ҳар сафар Маргарита Абрамовнанинг қуриб қолган қўллари Карим чолнинг юзига тегиши билан, у рўпарасидаги ойнадан кампирнинг кўзларига қарар, тикилиб қарарди. Аммо буни Маргарита Абрамовнага сездирмасди. Кампирнинг киртайган ва рангини йўқотган кўзларида ўт кўришни истарди, чол унинг тетик бўлишини истарди, аслида қариб-чуриган, аммо қўллари ҳали титрашни билмайдиган, кўзи ўткир бу хотиннинг ҳали кўп яшашини, пластинкасини кўп вақт айлантириб юришини истарди.

Маргарита Абрамовнанинг қуруқшоқ қўллари совқотганди ва бу сафар унинг совуқ бармоқлари Карим чолнинг юзига текканида, чол негадир унинг кўзларига қараёлмади, ўзининг журъатсизланганини аниқ сезиб, яна жаҳли чиқди.

Маргарита Абрамовна ҳамишагидек ҳафсала билан Карим чолнинг юзини совунлаб, соқол олишга тутинди. Пенсияга чиққанидан бери, мана йигирма йилга яқинлашиб қолган эдики, Маргарита Абрамовна ҳафтада бир марта келиб Карим чолнинг соқолини оларди. Бунга у бутун ҳафта давомида ҳозирланарди, устара-сини чархлар, оқ рўмолчаларни крахмаллаб, дазмоллар, атир-упа, совунларидан хабар оларди.

Маргарита Абрамовна Бокуга урушнинг охириги йилида келиб қолганди. Ёлгиз ўзи келганди. Карим чолнинг ҳовлисида яшаган якка-ягона қариндоши Изабелла Саломоновнанинг ёнига келганди у. Ана ўша кунларнинг бирида, ярим кечасигача хонада икки аёл дунёнинг ишларидан дардлашиб ўтиришган, гап яшаш-

нинг маъносидан, одамларнинг яхши-ёмонлигидан кетганди.

Баркашнинг устида фирқ-фирқ ёниб, ёши ўтган икки аёл юзини зўрға ёритиб турган нефть лампасининг заиф нурида, Изабелла Саломоновна Карим чолнинг одамгарчилиги борасида бир-икки оғиз яхши гап айтганди. Шу гаплар ўша вақтдан бери, Маргарита Абрамовнанинг кўнглида қолганди.

Албатта, бу суҳбатдан Карим чолнинг хабари йўқ эди. Лекин шундай бўлиб чиқдики, Маргарита Абрамовнани ишга жойлаган, яъни Бойил тарафдаги сартарошхоналарнинг биридан жой топиб берган одам ҳам Карим чол бўлди. Маргарита Абрамовна умрида сартарошлик қилмаган эди, лекин ишга чиққан куниданоқ ҳамма уни пишиқ уста, эски сартарош, деб қабул қилишди. Балки бу ўша вақтларда одамлар яхши сартарош ҳақида ўйламаганликларидандир. Орадан бир оз вақт ўтиб Изабелла Саломоновна оламни тарк этди, Маргарита Абрамовна ёлғиз қолди.

Ҳозир Карим чолнинг дагал юзига совунни иккинчи марта кўпиртириб сураб экан, Маргарита Абрамовна деди:

— Карим Билалович, сиз бошқа типдаги одамсиз, менинг Шнайдерим бошқа типдаги одам эди. Аммо Шнайдерим ҳам кўп симпатичний одам эди.

Шнайдер фамилияли киши Маргарита Абрамовнанинг эри эди. Урушнинг иккинчи йилида немислар уни ёлғиз ўгиллари Давид билан биргаликда Киевда отиб ташлашган эди. Карим чол буни биларди, у яна бир нарсани билардики, Шнайдер Киевда машҳур тикувчи бўлган экан.

Бир муддат ҳар ким ўз иши билан машғул бўлди, яъни Маргарита Абрамовна ҳафсала билан Карим чолнинг юзини қиртишлади, Карим чол эса қаттиқ соқоллари устара остидан чиқарган қирт-қирт товушга жимгина қулоқ солиб, ўзи ҳеч қачон кўрмаган Давид хусусида ўйлади. Кейин Ҳайбат хусусида ўйлади. сўнгра Ҳайбат Давидни танимаслигини, Давид ҳам Ҳайбатни танимаслигини, аммо қарангки, орадан қанча йиллар ўтиб, қариб-чуриган бир киши ўзига ўхшаган бир кампирнинг совун кўпиртираётган, қуриб-бурушган, кўм-кўк томирлари кўриниб турган қўлларига қараб, ҳам Ҳайбатни ўйларди, ҳам Давидни.

Шамол яна Карим чолнинг хаёлини қочириб, бу сафар яна тўрт-беш йил илгари Набранга борган ёз кунларини унинг эсига солди. Эргашиб келаётган кичкина тозини аниқ кўргандек бўлди.

Албатта, Маргарита Абрамовна Билгоҳдаги боғда овқатсиз-сувсиз қолиб кетган итдан беҳабар эди. Шунинг учун у кулимсиради, сигарет чекувчи одамнинг бармоқлари каби сарғайиб кетган юзларидаги ажинлари кўпайди. Яхши ўрганиб олган озарбайжон тилида деди:

— Изабелла Саломоновна мени эрга бермоқчи бўларди, раҳматлик. Ахир анча чиройли эдим-да у пайтлар. Лекин мен унга, Шнайдеримни қандай топасан, дердим? Шнайдеримни ким топиб берарди менга?

Бошқа маврид Карим чол бир-икки ҳазил-ҳузил гап отган бўларди, чунки Маргарита Абрамовна Изабелла Саломоновнанинг ёнига келганда ёши элликдан ошиб кетганди, лекин ҳозир ҳазил қилмади, бунинг ўрнига хаёлига бошқа фикр келди: Зубайданинг ўрнини ҳам ҳеч ким боса олмайди. Шунини ўйлар экан, Карим чол ўзининг бунчалик кўнгли юмшаб қолганидан яна жаҳли чиқди. Ҳатто ўрнидан туриб кетай деди.

Маргарита Абрамовна бутун фикри-зикри билан Шнайдер ёнида бўлса-да, ҳали ҳам исимаган бармоқлари билан Карим чолнинг яноқларини силарди.

— Бир-иккита тук қолибди,— деди у.— Ҳали турмай туринг.

Бир оздан сўнг Маргарита Абрамовна ишини таомлаб, ҳовлидаги қор-бўрон ичида гойиб бўлди. Аммо унинг «ҳали турмай туринг», деган сўзлари Карим чолнинг қулоқларидан анчагача нари кетмади ва Маргарита Абрамовна бу дунёда ўзининг ягона мижози бўлган ягона сартарош эканлигини ўйлади. Яна ўйладики, бечора яқин орада ягона мижозидан ҳам айрилиши мумкин...

Бир оздан кейин узоқлардан ўша эски қўшиқ саси гоҳ эшитилиб, гоҳ эшитилмай кела бошлади.

Шундай қилиб, қорнинг, бўроннинг қиёмат кўтарган бу кунда Карим чол бирон кимса билан бир огиз гаплашмади, фақат бир марта деразадан ташқарига қараб турганида ўз-ўзича гудранди:

— Гуноҳға қолдим.

Болалар ҳам, Фозила ҳам, ишдан чиқиб бўрон дастидан зўрга уйга етиб олган Жавоншир ҳам, Карим чолга бир оғиз гапиришга журъат этишмади. Кечқурун жой-жойларига тарқалишганда ҳамманинг юрагида бир ғашлик бор эди, ҳамма ишнинг бундай кетавериши мумкин эмаслигини ўйлар, сидқидилдан эртага ҳавонинг очилишини истарди. Буни-ку, ҳамма истарди-я, лекин фақат Карим чол билардики, аввало, бу ҳаво яхшиланадиган ҳаво эмас, иккинчидан ҳаво хоҳ яхшиланиб, хоҳ яхшиланмасин, эртага ҳам уйда ўтираверса, ғишт қолипдан кўчади.

Кечаси на қор тинди, на бўрон. Қизиги шу бўлдики, ташқаридаги бўроннинг увиллашига қулоқ солиб ётар экан, яна ёз, яна боғ, яна денгиз хаёлига келди чолнинг, бундан ҳам аломати эса, қирқ-қирқ беш йил илгари ов қилиб олган бир ўрдаги тўсатдан кўз олдида яққол гавдаланди. Ўрдакни у ўша вақтдан бери ҳечам хотирламаганди, шунинг учун у худди ғойибдан келгандек бўлди.

Бу ёлғиз ўрдак Билгоҳда, денгизнинг шундай қиргогида, қумлоққа қўнганди. Соҳилда сайил қилиб юрган уста Карим унга яқинлашганда ҳавога кўтарилдида, йигирма-ўттиз қадам учиб бориб яна қумлоққа қўнди. Бир марта, икки марта, уч марта шу аҳвол қайтарилди. Ўрдак худди ўз оғзи билан, уста Карим, бор уйингдан бешотарни келтир, мени от, дерди. Уста Карим уйига борди ва ўрдак аллақачон учиб кетгандир, деган хаёлда қайтиб келди. Лекин ўрдак учиб кетмаган ва қандайдир илинжда устанинг бешотарини кутаётганга ўхшарди. Бир ўқ билан уриб олди уни уста.

Карим чол ўша узоқ кунни жуда ойдин хостирларди: апрелнинг охирлари эди, бозор куни эди. Зубайда ўша ўрдакдан шўрва пиширганди.

Карим чол умрида жуда кўп ўрдак, кўп қушларни ов қилганди, аммо ҳозир ҳеч фаҳмига боролмасдики, нега фақат ўша ўрдак бунчалик очиқ-ойдин ёдига тушди, яна ҳеч фаҳмлай олмасдики, нега ўша ўрдак ёлғиз эди, нега учиб кетмаган, нега ундан қочмаганди? Қулоғида ўша куни бешотардан отган ўқининг овози жаранглади... Чол қалин кўрпанинг остида қушни ўйлаб-ўйлаб, ухлаб қолди.

Саҳарлаб Карим чол ҳовли эшигини зўрға, бир амаллаб очиб, ташқарига чиққанида, шамол шундай увиллаб даҳлизга бош урдик, у бундан уйдагилар уйғониб кетишмадимик, деб қўрқиб кетди. Эшикни ёпиб, бир оз турди, аммо ичкаридан ҳеч қандай овоз эшитилмади. Аслида, шу пайтда бўроннинг шовқинидан бўлак нарсани эшитиб ҳам бўлмасди. Карим чол кўҳна пўстинига яхшилаб бурканиб, чап билаги билан кўзларини тўсди, бўйнини қисиб, ёни билан юрганча, кўчага чиқди.

Бу тўс-тўполон бўроннинг ичида Карим чолнинг думоғига таниш ҳид урилди, бунинг нефть ҳиди эканию кўҳна пўстиндан келаётганини ҳис этди. Қўйнинг терисидан тикилган бу пўстинни Карим чол жуда кўп вақтлардан бери киймасди. Шунинг учун бирдан ўзини худди ўша узоқ ўтмиш кунларида юргандек сезди: мана у ҳозир саҳарлаб ишга кетяпти, бир оздан сўнг автобусга ўтиради ва нефть конларининг ёнида тушиб қолади.

Бўронли, нотинч бу қиш тонгида пўстинга ўрнашиб қолган нефть ҳиди Карим чолнинг кўнглига бир ҳазинлик солди, уни бўшаштирди. Бу нефть исиди узоқ йилларнинг хотираси бор эди, гўёки улар пўстини билан бирга нафталинланиб, сандиқда ётгандек эди.

Кўчаларни, майдонларни жамики борлиқни буркаган қор бағрида Карим чол асл нефть бўйини ҳис этарди. У яна ҳис этдики, энди ҳеч қачон нефть конларида юрмайди, ҳеч қачон нефть фонтанига қўлини ботириб қидлаб кўролмайди.

Қиш тонгининг қоронғилигида кўчада қордан бошқа, бўроннинг увиллашидан бошқа ҳеч нарсаяўқ, ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун бўрон Карим чолнинг ёлғиз, ориқ, узун гавдасига илк дақиқаданоқ ҳужум бошлаганди. Чолнинг миясига шундай бир фикр келди: жонивор шамол ярадорларни, хасталарни, беморларни шу соатда топиб олади, ҳеч нарсадан қўрқмай-чекинмай осмону фалакка кўтариб уради. У кеча Маргарита Абрамовна қандай ўзига оро берганини эслади, бурама мўйлови остида жиндай жилмайиш кўринди.

«Маргарита Абрамовна ҳали ўрнидан туриб, патефонини ишга солишга улгурмаган бўлса керак».

Карим чол чап қўли билан юзини тўсганча, кўзларини юмиб, қорга бота-бота бир ёнини олдинга қилиб

борар экан, ўнг қўлидаги юкнинг оғирлигини сеза бошлади.

Бешмартабанинг ёнидаги бекатга келгунча қўлини юзидан олмади, трамвай бекатига келиб қўлини пастга туширди: трамвай у ёқда турсин, бирон нарсанинг ном-нишони кўринмасди. У пўстинга ўраниб боғ томон боқди. Кўча бўйидаги дарахтларнинг ярмидан кўпи қорнинг оғирлигидан, бўроннинг ҳужумидан синиб ётганини кўрди. Гўё бу дарахт қабристони эди, бу қабристон узра қор-бўрон ҳукмрон эди.

Карим чол чўп қўллари билан пўстини устидан ориқ болдирларига уриб:

— Во-ажабо! — деди.

У дарахтлар ҳаётида ҳам қонуният борлигини, булардан бўшашганлари қор-бўрон зарбидан синишларини ҳис этди, унинг ўзи баттар бўшашгандек бўлди.

У яна чап қўлини кўзига соябон қилиб, Совунчи бекати томон одимлай бошлади. Бояги дарахтлар унинг кўз олдидан кетмасди; чол тушундики, умри бўйи, яъни қолган кунларининг охиригача булар энди кўз олдидан кетмайди. Энди у Билгоҳдаги дарахтларни ўйлади, ўз қўли билан эккан, ўгли, неваралари, ёр-биродарлари учун ёдгор бўлиб қоладиган дарахтларни.

Карим чолнинг Билгоҳдаги боғи даранинг ичига жойлашган. Шунинг учун шамолдан анча паналанар эди. Буниси яхши эди, лекин ёмон томони ҳам бор эдики, анор, анжирларни барибир совуқ уриши мумкин эди. Шафтоли билан ўрикларга нафи ҳам тегиши мумкин бу қорнинг, лекин анор, анжирларни... Шунинг учун аслида бу қор-бўроннинг бўлмагани маъқул эди.

Совунчи бекатида одам кам эди, одам камлиги учун у бўш қалъага ўхшарди. Электр поезднинг овози бу бўш бекатга гўёки бир иссиқлик киритди.

Поезд жилди, шунда Карим чол ўнг қўли ёзилмаётганини сезди; ушлаб кетаётган боғламини ёнига қўйиш учун у ўнг қўлини ёза олмасди, чап қўли билан ўнг қўлини ушлаб, юкини тиззасига қўйди.

Карим чол поезднинг муз босган деразаларига қараб борар экан, кеча Жавонширнинг поездлар тўхтаган, деган гапини эслади. Буни эслар экан, кулимсиради ва шу аснонинг ўзида уйдагиларни хавотирга қўйганини ҳам ўйлади. Сўнгра эса Карим чол лсҳасланаётганини, ётгиси келаётганини ҳис этди. Ҳа, шу пайт-

да, қор-бўронни ёриб кетаётган поездда жисми-жони ором истаётганини сезди. Карим чол яна бир нарсани сездики, агар ҳозир ётса, ўзининг бекатидан ўтиб кетиши мумкин. У ўнг қўлини чап қўли билан уқалай бошлади, кўз олдига яна йиқилган дарахтлар келди, сўнгра яна қачонлардир отиб олган ўрдагини хотирлади, сўнгра эса унга Маргарита Абрамовнанинг муздек бармоқлари юзида кезгандек туюлди ва тўсатдан, негадир, бу қиш ўзининг охирги қиши бўлса керак, деган қарорга келди.

Поезддан тушган заҳоти шамол бир хуруж қилдики, Карим чолнинг оёқлари перрон қолиб, ғилдираклар орасига кириб кетай деди. Сўнгра шамол кетмакет шундай уввос солдики, бутун олам силкинаётгандек бўлиб кетди.

Турган гап эдики, бундай ҳавода станциядан хийла нарироқдаги бог тарафга на бир машина, на бир автобус юрарди. Карим чол яна чап қўлини букиб, бошига соябон қилди. Юзини беркитиб, измига зўрба-зўр бўйсунатган оёқларини бир-бир босиб, одимламоққа чоғланди.

Бу йўл даланинг тупроқли йўли эди. Чап тарафда боғлар, ўнг тарафда эса, ора-ораларига шом дарахтлари экилган қатор-қатор зайтунзор бор эди. Аммо ҳозир на тупроқ йўл, на зайтун, на шом дарахтлари, на боғлар кўринар, ҳаммаёқ қор эди, қиёмат қилаётган бўрон эди ва бу бўрон Карим чолни кўз очиришга қўймасди. Бирдан оёқларига қордан бошқа ҳам бир нарса илашаётганини сезди ва бу инининг эшигини қор босиб кўчада қолиб кетган ит экакини, бу ит унинг қўлидаги — уйда бир амаллаб йиғиб олган колбасами, сосисками, ҳар хил овқатлардан умидвор эканлигини тушунди. Карим чол кўзини оча олмас, бир сас-садо чиқара олмас ва яна шуни сезардики, тўхтаб, боғламни ечиб, итга бирон егулик олиб беришга мадори етмасди. Ит эса ундан қоладиганга ўхшамасди, боғламнинг ҳиди, одам тафти кетидан нақ дунёнинг чеккасига борадигандек эди.

Карим чолнинг богида бир ўриги бўлиб, соясида юз киши дам олса бўларди, ҳамиша боққа келаётганда узоқдан энг аввал ана шу ўрик кўринарди. Карим чол оёқлари остида итни эргаштириб, юзини ерга қаратиб борар экан, ўрик шу ердан кўриниши кераклиги-

ни ва боғига яқинлашиб қолганлигини пайқади, ҳамда энди оёғи остида бир эмас, икки ит уймалашиб юрганини сизди.

Итлар Карим чолнинг қўлидаги боғламдан бирон нарса тегиши мумкинлигини сезишганди. Шунинг учун мана шу узун оёқларнинг соҳибидан ортда қолишмасди. Улар билишарди. Оёқлар соҳибби билан бир жойга боришадик, у ерда иссиқ бўлади, шамолдан қутулишади, у ерда қоринлари тўяди.

Боғнинг қадимий темир дарвозаси атрофга машҳур эди, кўҳна мачит ёки кўҳна тегирмон каби бу ернинг обидаларидан ҳисобланарди. Дарвозанинг кичкина эшигини одам бўйи қор босганди ва Карим чол охириги кучини тўплаб, чап қўли билан қорни курай бошлади. У деярли ҳеч нарсани сезмаса ҳам, итлар ўзига ёрдам беришаётганини сизди. Улар олдинги оёқлари билан қорни у ёқ-бу ёққа итқитишарди.

Карим чол бу иш бугунги азоб-азиятнинг охиригиси эканлигини ўйлади, чунки Набран инининг эшиги шамолга тескари бўлиб, олдида бунчалик қор тўпланмаслиги аниқ эди.

У дарвоза эшигини итариб ичкари кирганида, бақриб юборганини, бунга қандай кучи етганини билмай қолди:

— Набран!

Шу дақиқадаёқ қулоғига итнинг гингшиган овози келди. Карим чол шу дақиқада ҳеч нарсани кўрмаса-да, бутун жисми карахт бўлса-да, ўзини ҳушсизликка ўхшаган уйқу босяпганини сизди. Шу уйқу остида содиқ Набрани бутун уч кун давомида йўлини интизор пойлаганини ўйлаб юраги ўртаниб кетди.

Бундан кейинги воқеалар, худди уйқусида содир бўлгандек эди: бояги итларнинг Набран ёнига суқилиб киришлари ҳам, ўзи боғламларни очиб уларга овқат қўйганлари ҳам...

Сўнгра эса уйқудан у бир дақиқага уйғонгандек бўлди ва Жавонширнинг овозини эшитди:

— Ота! Ота!

Кейин батамом уйқуга, ўша ҳушсизликка ўхшаган уйқуга кетди.

...Чорпоянинг ёнида ўтирган доктор ўрнидан туриб бир Аёзга, Аёз билан ёнма-ён турган укаларига қаради, бир Жавонширга, Фазилага, бир эшик олдида тур-

ган Маргарита Абрамовнага қаради, сўнгра бошқатдан Карим чолнинг қалин ёстиққа ботиб кетган юзига боқди:

— Зотилжам бу,— деди ва бир оз туриб қўшиб қўйди,— ўтиб кетади.

Жавоншир отасининг кўзлари юмуқ, хаста юзига қараб, юрагини қўрқув босди: ўтиб кетмаса-чи?..

Албатта, агар ҳозир Карим чол Маргарита Абрамовнанинг кўзларига ойнадан яна қарай олганида эди, бу кампирнинг ҳам юрагига ғулғула тушганини, охирги, ёлғиз мижозини йўқотишдан қўрқаётганини кўрган бўларди.

...Орадан икки кун ўтмай Бокуда қор тинди, шамол тўхтади, шундай ажойиб бир кун келдики, қойил қоларди киши. Ва бундан икки кун аввал Набран деган ит бўроннинг дастидан инига қамалиб қолиб овқатсиз, сувсиз ҳолда эгасини интизорлик билан кутганини ҳеч ақлига сиғдирилмасди.

УЛАРНИ ҲАМОН КУТИШЯПТИ...

Йигит бир неча дақиқадан бери остонада тарад-дудланиб турар, икки марта баланд овоз чиқариб салом берса-да, хатлар бўлимининг мудирини унга асло эътибор қилмай, столи устида ётган қоғозларни кўздан кечиришда давом этарди. Ўнг томонда, худди ўшанақа катта стол ортида қотмагина, малла сочли бир қиз ўтирарди. У қаламнинг учини чайнаб, дам йигитга, дам мудирга тикиларди. Қиз йигитнинг юз ифодасидан унинг нечундир кўнгли бузилиб турганини, лекин кириб, гап бошлашдан ийманаётганини ҳис этди. Қиз бир хил бўлиб кетди — у мудир шу ондаёқ бошини кўтариб, эшик олдида турган бу йигитнинг дардини тинглашини истарди.

— Бу ўртоқ сизнинг ҳузурингизга келганга ўхшайди,— жаранглади унинг ўсмирларга хос овози. Ўзи ҳам ҳали ёшгина эди...

Йигит бу қизни эндиgina пайқади: қиз унинг ёди-га магазин кўргазмасида турган, кўзлари очилиб-юмиладиган қўғирчоқни эслатди.

Мудир қоғозларни титишда давом этарди.

Шунда қиз яна такрорлади:

— Бу ўртоқ...

Бўлим мудирини стол устидан кўзини узиб, эшик олдида турган йигитга қаради. Йигит баланд бўйли, қадди-қомати келишган, катта соч қўйган эди. Юзи мулойим, қарашлари эса қишлоқчасига содда эди. Унинг чеккаларида кумуш толалари жингала-жингала бўлиб турарди. Мудир мана шу оқ толаларга синовчан

назар ташлаб, йигитнинг ёшини ўттиз бешларда бўлса керак, деб чамалади. У жингала сочларга яна бир қур қараб, ўзининг сочлари жуда сийраклашиб кетган бошини сийпалади ва ҳасрат билан чуқур хўрсинди. Соч қалин одамни кўрганда унинг одатда беихтиёр ғаш келарди. У ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонар экан, ёстиқ устида тўкилиб ётган соч толаларини кўриб, тепакал сочини қуёш тиғига тутиб юрадиган кунлари яқин эканини хавотирлик билан хаёлига келтирарди.

Нима учундир кейинги пайтларда умуман қуюқ сочилилар мудирнинг кўзига ёмон кўринадиган бўлиб қолганди. Ҳозир ҳам йигитга тикилиб турар экан, кўнглида бир оз ғашлик уйғонди. «Нима кераги бор унга бунақа қуюқ сочнинг? Барибир қадрига етмайди-ку!» — ўйлади мудир ҳамда зарда билан эшикка осиб қўйилган тахтачага қараб қўйди.

«Авторлар соат 14 дан қабул қилинади», деб ёзилганди у ерда. Шу туфайли мудир йигитни қайтариб чиқармоқчи эди-ю, бироқ унга яна бир бора кўз солди. Йигит почалари тор йўл-йўл шим ва елкалари кенг пиджак кийган, модадан қолган ингичка галстук тақиб олганди.

Мудир беихтиёр илжайиб қўйди: димогига нафталин ҳиди элас-элас урилгандай бўлди, лекин... модадан қолган бу костюм йигитга қуйиб қўйгандай ярашган, ингичка галстук ҳам ёпишиб турган эди.

— Сизга хат юборган эдим! — деди йигит шошиб-пишиб, гаплашмай қўйишлари ҳам мумкинлигини тушуниб тургандек.

— Қачон жўнатган эдингиз?

— Бир ҳафтача бўлди, назаримда...

Бу жавоб яна мудирнинг жигига тегди. «Бир ҳафта эмиш! — ўйлади у. — Редакцияга ҳар куни юзлаб хат келиб туришини бу анқов билмайди-да. Ҳаммасига ҳам шошилишча жавоб беришнинг имкони йўқ. Буни ишламаган одам тушунармиди?»

— Вақтида жавоб оласиз, — совуққина деди мудир.

Йигит ютинди, шунда оқ нейлон кўйлагининг ёқаси тагида ёнғоқдай кекирдаги ўйнаб кетди. У яна нимадир демоқчи эди-ю, бўлмади, огзи қуруқшаб қолганди. Қўли билан огзини беркитиб, бир неча бор йўталиб қўйди.

— Олисдан келгандим. Ишдан рухсат сўраб. Агар мумкин бўлса... — унинг овозида илтижо ва ҳадик аралаш эди.

Мудир лом-мим демади. Шунда малла сочли қиз қатъият билан стол тортмасини очиб, қалин дафтарни олди. Ўзбошимчалиги учун мудирдан ҳали ҳайфсан олиши ҳам мумкинлиги бир зум ҳаёлидан ўтди-ю, аммо шу дамнинг ўзида қайтиб дадилланди: «Баттар бўлсин!»

— Фамилиянгиз нима? — сўради у йигитдан.

Энди йигит умид учқунлай бошлаган содда кўзларини ундан узмасди.

Қиз дафтарни варақлай бошлади. Йигит эса унинг столи ёнига келиб, қизнинг елкаси оша дафтарга тикилиб турарди.

— Каберли қишлоғиданми? — сўради қиз бармоқларини бир жойга ниқтаб.

— Ҳа, ҳа, — хурсанд ишора қилди йигит. — Ўзим Каберлидан бўламан. Механизаторман.

У механизатор сўзини шу қадар фахр билан талаффуз қилдики, гўё шу касбнинг ўзи унга нисбатан ҳурмат уйғотишига ишончи комилдай эди, ахир журналларда механизаторлар, уларнинг олижаноб ишлари тўғрисида кўп ёзишади-ку!

Қиз ўрнидан туриб, эшиклари зич ёпилмайдиган эскигина шкафдан қаппайган папкани олди-да, зум ўтмай хатни топиб, уни бўлим мудирини олдида қўйди.

Бўлим мудирини хизматчисига совуққина назар ташлагач, ўқувчилар дафтари варағига ёзилган хатни ўқий бошлади:

«Ҳурматли редакция!

Журналингизнинг ўтган сонидан рангли бир расм босилган эди. Тагига «Ғалаба» деб ёзилганди. У расмда бизнинг армиямиз фашистлар армиясини қандай тор-мор келтиргани тасвирланган. Деворга аскарларимизнинг исмлари ёзилган эди. Булар ичида озарбайжонликлар ҳам бор экан. Шулардан менинг отам — Геюшев Магерамнинг ҳам исми бор.

Ҳурматли редакция, фикримча, ўша Геюшев Магерам албатта менинг отам, бошқача бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, бизда «Магерам» исмли одамлар кам, иккинчидан, шунинг учунки, 1945 йилда, уруш тугашига бир неча кунгина қолганда, биз отамнинг

дом-дараксиз йўқолгани ҳақида хабар олганмиз. Ҳурматли редакция, ўзингиз ўйлаб кўринг-чи, уруш тугашига бир неча кунгина қолганда отам қандай қилиб йўқолиши мумкин? Мен, отам — Магерам Абульфат ўғли Геюшевнинг Берлингача етиб борганига ишончим комил. Деворга у ўз исмини ёзган. Дастхати ҳам ўхшайди, ҳарфлар қинғир-қийшиқ ёзилган, чунки отам чадасавод киши эди.

Ҳурматли редакция, айтишадик, бизнинг Каберли қишлоғидан ҳеч ким Берлингача етиб бормаган эмиш. Мен бунга ишонмайман. Каберлидай катта қишлоқдан Берлингача етиб борадиган биронта мард киши йўқ эканми? Энди тушундим, Берлингача менинг отам етиб борган ва деворга ўз исмини ёзиб қолдирган. Деворга ўз исмини ёзганидан кейин унга нима бўлгани ҳақида биронта маълумот беролмайсизми? Нима учун у урушдан қайтмади? Сиздан тезда жавоб ёзиб юборишингизни ўтиниб сўрайман. Жавобини сабрсизлик билан кутаман. Мен онамга ҳали ҳеч нарса айтмадим. Ўзимнинг тахминларим тўғри чиққач, уни хурсанд қилмоқчиман.

Геюшев Гумбат Магерам ўғли.

Механизатор. Каберли қишлоғи.

20 март, 1973 йил».

Бу хат бўлим бошлиғининг ёдида бор эди. Бундан бир неча кун аввал ўзининг малла сочли ходимасига уни ўқиб бериб:

— Расм билан суратнинг фарқини билмаган бу одамга қандай жавоб ёзасан? — деб кулган эди.

Бўлим мудирини содда кўзларини мўлтиратиб турган қўллари чайир бу йигитга яна бир қараб олгач, юрагида унга нисбатан ҳамдардлик ва ачиниш ҳисси қалқиб кетди.

Унинг кўз ўнгида Совет Армиясининг эллик йиллиги олдидан журнал муқовасида босилган рангли расм жонланди. Рассом Теюбзоданинг моҳирлик билан чизган расми! Рейхстаг устида Қизил Байроқ ҳилпирапти, пастдаги деворда сон-саноксиз исм ва фамилиялар ёзилган.

Бўлим мудирини хатни ўйчанлик билан қизга узата туриб, иягини қашиб қўйди. У нимагадир ҳозир ўзини ноқулай аҳволга тушгандек сезарди. У бу йигитга бор гапни қандай тушунтиришини билмасди. Гапни

илиқ, кўнглига қаттиқ тегмайдиган қилиб тушунтириши керак, лекин у бунга мос сўзларни топа олмасди.

— Бу рассомнинг иши, бу сурат эмас,— деди охири у.— Бу ёлгон.

Малла сочли қизга ўзи бутун ҳаётида бундан шафқатсизроқ гапни ҳеч қачон эшитмагандек туюлди.

Йигитнинг катта-катта кўзлари янада каттароқ очилди. У яқинроқ келди-да, тираскларини столга тираганча, сўради:

— Қанақасига бу ёлгон бўлсин? Ахир у ерда отамнинг исми ёзилган-ку! Ёзувга кўзингиз тушиши биланоқ бу чаласавод одамнинг қўли эканлиги сезилиб турибди-ку...

Бўлим мудири бошини сарак-сарак қилди:

— У ерда ёзилган ҳамма исмларни рассом ўзи ўйлаб топган, тушунасанми? Бунга ижодий изланиш дейилади. Ахир Рейхстаг деворларида юзлаб солдатларнинг исмлари бор, рассом Теюбзода ҳаёлига қайси исм келса, ўшани ёзган...— У ўзини айбдордек ҳис этиб, жим бўлиб қолди.

— Бу бўлиши мумкин эмас!— ўз сўзида қатъий турарди йигит.— Теюбзода шунча исмни ўйлаб топиши мумкин эмас!

Қиз ҳам йигитга гап уқтиришга ҳаракат қилди.

— Тушунсангиз-чи, бу ҳаётдаги реал воқеаларга асосланган, лекин рассомнинг фантазияси, холос.

Йигит тўсатдан ўгирилганди, қиз ўзини орқароқ олишга мажбур бўлди. Чунки йигитнинг боягина мулоҳим ва соддалик билан боққан кўзларида энди қандайдир қаҳр-газаб, алам ва паришонлик акс этарди.

Бўлим мудири аввалгидек қогозга қараб ўтирарди, лекин энди нима ёзилганини кўрмасди.

«Уруш тугаганига ўттиз йил бўлай деяпти. Ўттиз йил! Лекин одамлар ҳамон кутишяпти!»— ўйларди мудир ҳаяжонланиб.

Йигит яна бир гал диққат билан редакция ходимлари юзига қараб чиқди-да, беҳосдан умиди пучга чиққанини ҳис этди, худди этакларига бир пуддан тош солиб қўйгандек, оёқларини зўрга судраб хонадан чиқиб кетди.

Эшик ёпилганидан кейин малла сочли қиз эшикни яна очиб, унинг орқасидан қаради. У йўлнинг нари-

ги бетига секин-аста ўтиб борарди. У ерда, майдончадаги тошдан қилинган панжарада ёшгина бир аёл ўтирарди. Йигит аёлнинг ёнига бориб ўтирди-да, тиззаларини қучоқлади. Аёл бошини тезгина у томонга буриб, унинг гап бошлашини кутиб турди, лекин йигитдан садо чиқмади, жувоннинг ўзи гапни уқди. Кейин у ҳам оёқларини қучоқлади-да, юзини кулранг осмонга қаратди.

ИНЖА ДАРАСИДА ЁЗ ЧОҒИ

Тез ёрдам бригадасининг бошлиғи ҳовлидаги соя-салқинда ўтирганча дастрўмоли билан терини артарди. У худди ҳозиргина ҳаммомдан чиққандай: юзи шолғомдай қизариб кетган, зўрға нафас оларди. «Бу бечораларга ҳам осон эмас. Ўликни тирилтириш ҳазил гапми?» Саяли буви четроқда, ўзини панароқ олиб, стулда ўтирганча дастрўмоли билан юзини елпиётган врачни томоша қиларди. Унинг юз-кўзидан ҳайратланаётгани шундоққина сезилиб турарди: ростдан ҳам ҳазилакам иш эмас. Қишлоқ фельдшери Саяли бувига гапириб берганди, Салоховнинг машинада жарга қулаб тушган қайнсинглисини «тирилтиришга» келган кўзойнакли, бақалоқ, буқоғи осилиб тушган қип-қизил юзли бу киши Бокудаги барча ўлик тирилтирувчиларнинг энг каттаси экан. Тасаддиғинг кетай, худонинг марҳамати кенг-да! Салоховни ўз қишлоқлари тугул нариги қишлоқда ҳам, районда ҳам, ҳаттоки Бокуда ҳам танимайдиган одам йўқ. Ахир у кичкина одаммас-да. Аммо қайнсинглиси қандай қилиб бу зумрашанинг машинасига минган экан, ақлинг бовар қилмайди. Нонушта қилгани булоқ бошига кетишаётиб, ергина юткур даранинг қаърига қулаб тушишибди. Ҳозир бу гапни қишлоқда ҳар мақомда бичиб-тўқишаётгандир. Не қилганда ҳам у Салоховнинг қайнсинглиси. Унга ўша зумрашанинг машинасига чиқишга бало бормиди, бундай хабарларни сурнай чалиб оламга ёйиб бўлмайди. Худо ўзи ас-расин! Ер юткур фельдшер на мол-ҳолнинг кунига

ярайди, на жамоага. Яхшиям эсларига келиб, Бокуга сим қоқишибди, врачни бу ёққа юборишибди, бўлма-са бечора қиз эртагача жойи ростонга кетарди. Уларнинг ҳаммасига, Салоховга, унинг қайнсинглисига, Бокудан келган врачга, ҳаммасига худонинг ўзи инсоф-тавфиқ берсин.

Саяли буви тонг қоронғисида қўлида офтоба билан ташқарига чиққан эди, боши устида алламбало товушни эшитди, осмонга қараса, чарх уриб айланаётган вертолёт экан. Қўни-қўшнилardan юз берган бахтсиз ходисани эшитганди. Ҳа, вертолётда врачлар келган бўлса керак, деб ўйлади. Устига-устак, фельдшер, марказдан бола-бақрага, арзимаган касалларга қарайдиган врач эмас, «ўликни тирилтирадиган» врач келади, леганди. Саяли буви бир жиҳатдан ваҳимага тушди, ўликни тирилтириш ҳазилакам иш эмас, аслини олганда шайтоннинг иши, худогаям хуш келмайди бу. Бошқа жиҳатдан Саяли буви қувонди ҳам, чунки Салоховнинг қайнсинглиси гунчадек экан! Шундай бир маъсума қизнинг ўлими худога ҳам манзур бўлмаса керак: усиз қаро ер дунё яралгандан бери қанчадан-қанча ёш умрларни нобуд этмади! Яна Саяли буви шунинг учун ҳам севинган эдики, олти ойдан бери уйда бош кўтаролмай ётган, анави ер юткур фельдшернинг дастидан аҳволи кундан-кунга ёмонлашаётган кекса эрининг дардига фақат ана шу Бокудан келган врач малҳам топиши мумкин. У шоша-пиша юзини ювиб, тўғри қишлоқ медпунктига чопди, зора Бокудан келган врачлардан уколми, дори-порими олиб қололса.

Фельдшер ҳам боядан бери ҳовлининг ўртасида турганича, бақалоқ врачдан кўз узмасди. Бу ер юткур врачнинг олдида жонини жабборга беришга ҳам тайёр турганига ўласанми, куясанми. Саяли буви на врачга яқинлашишга журъат қиларди, на бенаво фельдшерни чақира оларди. Фельдшер оқ шим, жун кўйлак кийиб олганди. Шаҳардан, райкомдан ёки ижрокўмдан бирор вакил келадиган бўлса, фельдшер худди биров билан яхши кийиниш устида бас бойлагандай ҳамиша оқ шим кияр, қўлига тақага ўхшайдиган соат тақиб олар, хизматга шай бўлиб, ким қандай юмуш буюришини пойлаб турарди. Аммо Саяли бувининг эрига келганда чорасиз эди. Одамларга дорининг ҳар бири-

ни бир сўмдан пулласса ҳам яшамагурнинг қўли енгил эмасди. Лоақал ҳозир бир бу ёққа қараса-чи, бояқиш Саяли буви интиқ бўлиб кетди-ку. Фельдшер ниҳоят, гўё Саяли бувининг кўнглидан ўтаётган гапларни эшитгандай бўлди-да, чапга бурилди, тахтлари чириб илма-тешик бўлиб кетган қурилманинг ёнида турган Саяли бувини кўриб, аввалига қош чимирди, сўнг секингина бошини лиқиллатди, бу — унинг бу ерларда нима қилиб юрибсан, дегани эди. Саяли буви имо билан қош-кўзини ўйнатди, врачга қараб, унинг медпуктга ўгирилиб турганини кўрида, фельдшерни ёнига чақириб, секингина: «Ҳой, ер юткур, бу ёққа келсанг-чи!» деди.

Фельдшер аввал врачга қаради, кейин қаддини ростлаб, Саяли бувига яқин келди.

— Нима бўлди, тирилдими? — сўради Саяли буви.

— Бўлмасам-чи! — деди фельдшер, гўё Салоховнинг қайнсинглиси чиндан ҳам ўлган эди-ю, уни шахсан ўзи даволагандай керилиб.

— Ё худо, ўзингга шукур!.. Айланай Маҳмуд, садағанг кетай, унга айт, бизга ҳам битта ҳукумат ни насидан берсин. Эҳтимол, бирорта ортиб қолгани бордир.

Фельдшернинг кўзлари олайди.

— Қанақа нина, нима деяпсиз ўзи?

— Чолимга укол қилишга-да, айланай.

— Бас қилинг! — Фельдшер шундай шивирладики, гўё оғзида снаряд портлагандай бўлди.

— Дардингни олай, жон Маҳмуд, сендан кўп нарса талаб қилаётганимиз йўқ, ҳурматингни бажо келтиряпмиз. Сен бир донасинигина сўраб ол, қолгани билан ишинг бўлмасин. — Саяли буви фельдшерга шундай аянчли қарадики, у бошини эгишга мажбур бўлди.

— Ўзиям ғалати аёлсиз-да, сўраётган нарсангизнинг нималигини ҳам билмаймиз.

Улар ҳали анча тортишишмоқчи эди-ю, аммо қарашса, врач ёнларида турган экан. Ердан чиқдими, осмондан тушдими қай йўсинда келиб қолгани ёлғиз худога аён. У баҳсга қулоқ солиб, кулимсираб турарди. Фельдшер дарҳол орқага тисарилиб, қўлларини чўнтагидан олди. Саяли буви шошиб рўмолини тузатди. Фельдшер энди киприкларини пирпиратиб, бир

чеккада анграйганича тургани учун, Саяли бувининг ўзи гап бошлади.

— Хуш келибсан, қоқиндик,— дея врачга мурожаат қилди у.— Умрингдан барака топкур, яхшиям ўз пойқадамнинг билан келиб қолибсан.

— Қизга қариндошмисиз, она?

— Йўқ, айланай, локин қариндошдан қатимиз кам... Қишлоқ жойда ҳамма бир-бирига қариндош. Илоҳим Салоховнинг умрларига умр берсин.

Врач бошини лиқиллатди, кейин сўради:

— Хўш, нима дейсиз?

— Садаганг бўлай, бизнинг чол ўтган наврўздан бери касалга чалинган. Барака топкур Маҳмуд қўлидан келганини қиялпти, лекин биронтаси эм бўлмапти.

Врач фельдшерга қаради.

— Касали нима?

— Властома... қора жигарда.

— Ёши нечада?

— Етмишдан ошди, ўргилай, лекин мана шу дарди бўлмаганда қиличдай эди,— деб жавоб берди Саяли буви.— Узуқун инқиллайди, уйқуси йўқ. Айнанай, жон дўхтир, ўша олиб келган ниналарингдан биттасини бер, чолимизга укол қилайлик, савоб бўлади. У ҳам ҳукумат одами, умрини тоғу тошда ўтказган, колхоз тузган, муштумзўрларнинг додини берган.

— Морфий беряпсизларми?— фельдшердан сўради врач.

— Ёйишдан, талаб қилаверишдан чарчаб кетдим, бизга ҳеч нарсa беришмаяпти.

— Бор, менинг номимдан бизнинг қизларга айт, бир-икки ампула беришсин.— Кейин Саяли бувига юзланди.— Укол қилишади, огриғи тўхтайди. Безовта бўлманг, буви, яхши бўлиб кетади.— Шундай деди-ю, хайрлашмасдан жўнаб қолди. Саяли бувининг тили танглайига ёпишгандай эди, анчадан кейин ўзига келиб, қўллари билан кўксига шапатилади.

— Вой, эсим қурсин, унга раҳмат дейишни ҳам унутибман,— дея кўзига ёш олди.— Айланай Маҳмуд, энди нима қиламиз?

— Ҳеч нима! Сиз уйга жўнанг, мен ниналарни олиб, орқангиздан етиб бораман.

Саяли буви келган йўли билан орқасига қайтди.

Қишлоқ ичидан кесиб ўтиб, асфальт йўлга чиқди-да, яқинроқ йўлдан юриб бир пасда уйига етиб келганини ҳам билмай қолди. Ғамданмиди, севинчданми — ўзи ҳам билмасди, — кавуш кийиб олган оёқлари қушдай енгил учар, тош-кесакка парво ҳам қилмас эди. Йўлда унга дуч келганлар, ҳайратланиб қараб, елкаларини қисишарди, аммо ҳеч нарса тушунишмасди. Кампирнинг қалбида илдиз отган умидлар уни шунчалик ўзгартириб, таниб бўлмас ҳолга келтирганини, сўлғин юзига дунё табассумини ёйганини улар қаёқдан билишсин; у чошиб бораркан, юраги нақ оғзидан чиқиб кетай, деб типирчилар: «Худо ўзинг асра, худо ўзинг асра, мени соғ-саломат уйга етказ», дерди.

У соғ-саломат уйига етиб келди. Зиначадан кўтарилиб, айвонда кавушларини ечди-да, уйга кирди. Чоли инграб, узала тушиб ётар, қўли чорпоядан осилиб тушган эди. Саяли буви эрининг ориқ қўлига қараб кўнгли ачиди ва чорпоя ёнига чўккалади.

— Чарказ, ҳў Чарказ?

— Кар эмасман-ку, намуноча бақирасан? — у эрининг ўктам, йўғон товушини эшитиб суюнди, эрининг овозида бир оз ўзгариш сезд.

— Бокудан келган дўхтир билан гаплашдим, сени тузатаман, деди. Анови ер юткур Маҳмудга нина берди, Салоховнинг қайнсинглисига қилинган уколдан. Маҳмуд ҳозир келади. Дўхтир, укол қилган заҳоти эринг тузалиб кетади, деди.

— Мени танирканми?

— Таниш ҳам гапми? Отингни айтган замон инжалик Чарказни танимайдиган одам ҳам борми, деди. — Саяли буви эрининг бармоқларини уқалай бошлади. — Бокуда ҳанузгача дардингдан беҳабар эканлар, бўлмаса аллақачон мени бу ерга юборишарди, деб айтди. Ўликни тирилтиришяпти-ку, отаси, сизнинг дардингиз нима бўпти!..

Чарказ бошқа ҳеч нарса сўрамади. Саяли буви кейинги пайтларда, яъни сўнгги икки ой ичида — чолининг беҳосдан бериб қоладиган саволларига, тўсатдан жимиб қолишларига ўрганиб қолганди. Чолининг оғриғи зўрайганда у атайлаб у-бу ҳақда гапириб, чолни чалгитишга уринарди. Эри жимиб қолганида — ҳушидан кетиб қолдими ёки ухлаётibdими билиш қийин бўлган пайтда, Саяли буви чордана қурганча чорпоя

ёнидаги шолча устига ўтириб унинг қўлини силарди. Шу ҳолатда узоқ ўтирар, эрининг инграшини тингларкан, ўтган-кетганлардан, узоқ-яқинлардан қувончли, гуссали воқеаларни эслар, ўз-ўзича кулиб қўяр, ҳар хил нарсаларни гапириб берар, лекин бир нарсага ҳеч тушунмасди, бу бедаво дард бутун дунёни айланиб келиб, нега унинг эрига ёпишиб олди. Бу қанақа бедаво дардки, Чарказ район касалхонасидан чиқиб келганидан кейин фельдшер қўлини пахса қилиб Саяли бувиға: «Бу худодан келган бало», деганди. Худонинг балоси фақат бизларни топибди-да. Ҳой бола, ҳой ер юткур! Кимга ёмонлик қилувдик, кимнинг оғзидан нонини тортиб олувдикки, худо шунча мавжудот орасидан фақат Чарказни топибди! Бас, нега собиқ ижрокўм — худо уни ўзи ёрлақасин, халқ бошига не кунларни солмади, локин унга худо ҳатто шамоллашниям раво кўрмади. Қайтанга бахт қушини бошига қўндириб, уни бошқа бир районга райпо қип қўйди. Фельдшернинг қўлидан келса шу жумбоқларга жавоб бермасмиди? Ҳой, раҳматликнинг қизи, темираткини қўтирдан ажрата олмайдиган бу одамдан нима умид қиляпсан? У баъзан шундай ўйларга борарди. Аммо дам ўтмай ўзига-ўзи таскин ҳам берарди: ҳой Саяли, бу дунёни ҳадеб алгов-далғов қилаверма, демак, худонинг шундай дарди бор экан, иложинг қанча! Беҳуда куйишдан не фойда... Локин Сояли буви шуни яхши биларди: Чарказдан сўнг уни ҳам қора тупроққа қўйишади. Фақат бу дунёдан Саяли бувининг биргина умиди қолганди, у ҳам бўлса эри эди.

Фельдшер Маҳмуд келди. Ичкари кириб атрофга қаради-да, баланд овоз билан:

— Вой-бў, уй мунча қоронғи?— деди.

Саяли бувининг ўрнига, уйғониб қолган Чарказ жавоб берди:

— Ёругда огриқ кучаяди, барака топкур. Дераза-га парда тутганмиз.

— Э, огриқни қўйсангиз-чи! Сизга бир нина олиб келдим, укол қилган заҳоти отдай бўлиб кетасиз. Нақ ўн етти яшар йигитга айланасиз-қўясиз. Саяли буви қолиб яна бошқага уйланиб олмасангиз, деб қўрқяман.

Саяли буви кулди. Чарказ ҳам. Саяли буви:

— Сен, қоқиндиқ, уни давола, мен ҳаммасига розиман,— деди.

Маҳмуд қўлидаги кичкина портфелини уйнинг ёлғиз деразаси олдида турган стол устига қўйди, қўллари ишқади, сўнг портфелини очди. Темир қутича ичидан битта ампула олиб, деразанинг тепасидан тунашаётган ёруққа тутди.

— Мен бунақасини ҳеч кўрмагандим!— Саяли буви унга яқин келиб кўзларини қисиб шишага қаради.

— Ҳой Маҳмуд,— дея шивирлади,— Салоховнинг қайнсинглисига қилинганиданми?

— Бўлмаса нима!

Чарказ суҳбатга аралашди:

— Маҳмуд, худо ҳаққи, айт, қиз ўлим ҳолатида экан, дейишади, тузатишдими уни?

— Ҳа, бўлмасам-чи! Боши бир ёқда, ичак-човоғи бир ёқда ётувди. Ювди, дорилади, кейин ҳаммасини жой-жойига тикиб қўйди.

Саяли буви шошиб сўради:

— Укол-чи, укол?

— Аввал укол қилди, уколсиз бўладими?

Саяли буви қўллари кўтарди:

— Ё раббано, берган кунингга шукур!

Чарказнинг кайфи жойида эди, гўё Маҳмуд келгандан сўнг унинг огриги бутунлай қолганди. Ҳазил қила бошлади:

— Маҳмуд, салоҳлик Содиқнинг сигирига қилган уколингдан йўқми, зора мен ҳам шифо топиб кетсам.

Маҳмуд кулди:

— Ростини айтсам, ўшанда тўйдан кейин бошим ғовлаб турувди. Билмайман, қайси уколни қилдим тилсиз жониворга!

— Содиқ роса бир ой овора бўлди-да, ўзиям. Келган заҳоти уколни Содиқнинг ўзига қилмоқчи бўлибсан, шу ростми?

— Қаёқдан билай, эрталаб боласи келиб, Содиқларникига тез етиб боришимни айтди. Ким касал, Содиқми, сигирими, билмасам. Яхшиям, уколни Содиққа қилмаганим.

— Ўлдирармиди?

— Албатта, нақ тил торттирмай...

Чарказ кулди, унинг хирилдоқ кулгисидан гўё кўкрагида човгун қайнаётгандек бўлиб эшитилди.

— Яшавор, Маҳмуд!

Маҳмуд Саяли бувига ўгирилди:

— Офтоба обкелинг, қўлимни ювай.

Чарказ яхши эшитмади.

— Нима деяпти?

— Ҳеч нарса, қўлини ювмоқчи.

Саяли буви чиқиб тезда офтоба олиб келди. Маҳмуднинг қўлларига сув қуйди. Маҳмуд қўлларини яхшилаб совунлади, бармоқларини бирма-бир ювиб чиқди. Саяли буви берган сочиққа артиниб, ампулани эҳтиётлик билан синдирди, олдиндан қайнатилган нинанинг шоколасини тўлдирди.

Чарказ,— Ё худо!— деб чорпояга ёнбошлади. Саяли буви эрининг кўйлаги енгини юқори кўтарди, Чарказ:

— Тўхта, балки бу ерга эмасдир?— деди. Саяли буви Маҳмудга қаради, Маҳмуд бошини силкиди.

— Қўлингизга қиламан, Чарказ бува, бу уколни юмшоқ ерга қилиб бўлмайди.— Саяли буви ҳам Маҳмуднинг сўзини қувватлади:

— Салоховнинг қайнсинглисига қилинган уколдан-ку, қўлингизга қилмай, қаерга қилсин?

— Рост айтасан,— деди Чарказ ҳам севиниб.

Фақат Маҳмуд уҳ тортиб, бошини қимирлатиб қўйди. Чунки у, Чарказ бувадан ҳам, Саяли бувидан ҳам яхши билардики, бутун дунёнинг ниналарию доридармонларини бир жойга йиққанда ҳам, бари-бир худо юборган бу дардга чора йўқ.

Укол қилиб бўлгач, Маҳмуд соатига қаради. Шошилмай игнани қутичага, қутичани портфелга жойлади. Нима учундир унга вақт секин ўтаётгандек туюлди. Бирдан Саяли бувининг ҳайрат тўла товуши эшитилди:

— Ҳой Маҳмуд, бу киши нега йиғлаяпти?— Маҳмуд шошиб беморнинг устига энгашди. Чарказ эса:

— Севинганимдан йиғлаяпман, Маҳмуд,— деди.— Айтганингдай, оғриқ қоляпти.

Маҳмуд яна соатига қаради, ҳали беш дақиқа ҳам ўтмаганди.

— Ҳали бу ҳеч гапмас,— деди,— кечқурун келиб яна укол қиламан. Туннинг қандай ўтганини билмай қоласиз.

Маҳмуд кетгач, Чарказ аёлидан сўради:

— Нега Маҳмуд хафа бўлиб кетди?

Саяли буви:

— Чарчаган шекилли,— деди,— ҳазилми, у эрталабдан буён дўхтир билан тиним билмайди. Чарказ, дардингни олай, оғриқ қолдими?

— Кўз ўнгим ёруглашди, хотин, ташқарида қор ёгяшtimi?

Саяли буви қўлини қўлига уриб қарсиллатди:

— Ё тавба, бу нима деганингиз, йилнинг шу пайтида ҳам қор ёғадими? Инжа дарасига ёз келди, ўргулай, ёз...— У яқинроқ келиб қалин кўрпани тортди-да, эрининг бўйни, бошини ёпиб қўйди.

— Хотин, чой бўлсайди.

— Ширин чой қилайми?— Саяли буви эрининг сарғайган юзига умид билан тикилди: неча ойдан бери Чарказ ширин чойга қиё боқмасди.

— Майли.

— Шукур!

Саяли буви чой қўйиш учун уйдан чиқмоқчи бўлганида, Чарказ тўхтатди.

— Ҳой, Саяли, бу ниналардан беш-олтитасини олиб қолгандирсан.

— Қайдан билай, кўп сўрасам дўхтирнинг жаҳли чиқади, деб ўйладим.

— Нима, ундан дунё сўрармидинг?

— Қайдам!— Саяли бувининг юраги орқасига тортиб кетди: нимадир нотўғри қилганини тушунди, шаҳардан келган ўша врач билан бошқача муомала қилганида бўлмасмиди. Ахир бунақа ниналар шоҳларга ҳам топилмайди-ку, шўринг қурсин Саяли!

— Ҳой, қанча пулимиз қолганди?

— Етмиш сўм.

— Йигирмасини қолдир. Эллигини олиб бор врачга. Ё олдин Маҳмуддан сўра... Йўқ, яхшиси врачнинг ўзига олиб бориб бер. Мени таниркан дединг-а?— Чарказ аёлининг кўзига тикилди. Саяли буви бу қарашга чидай олмади, бошини эгиб, эри сезиб қолмасин, деган мақсадда шошилиб тилга кирди:

— Бўлмаса-чи, ҳой эр! Бокуда кимни учратсанг, инжалик Чарказни сўрайди, деди. Мендан кўпдан-кўп салом айт, деди.

— Ундай бўлса нега қараб турибсан?

Саяли буви стол остидаги эски чамадонни очди,

ичидаги сочиқ, чойшаблар орасидан пулни топиб, санаб учта ўнталик, тўртта бешталик — бари эллик сўмни олди-да, кейин деди:

— Аввал чой қилиб берай.

— Йўқ, ўралашма, чойни қайтгач қўярсан.— Саяли буви эшикдан чиқаётганда, эрининг чақирган овози эшитилди.

— Ҳой, Саяли?

— Ҳа.

— Сени жуда қийнаб юбордим, мендан рози бўл.

Саяли буви ҳеч нарса демади, томогидан отилиб чиқаётган чинқириқни зўрға тутиб қолди.

...Саяли буви бу сафар ҳам йўлини қисқа солди, қишлоқнинг ичидан кечиб ўтиб, майсазорга чиқди, қачонлардир қора тоғдан қулаб тушган тош парчалари орасидан ёлғизоёқ йўлни топди. Бу ердан асфальт йўл ёқасидаги медпунктга унчалик узоқ эмасди. Худди шу пайт боши тепасида эрталабки гувиллашни эшитди. Бошини кўтариб, булутлар остида учиб бораётган таниш вертолётни кўрди. Агар Қоратоғ ўрмонидан кўчиб Саяли бувининг устига қулаганда у бунчалик қўрқмасди: бутун вужуди қақшаб, қалтирай бошлади. Қўлини қўйнига тиқиб пулини чангаллади. Вертолёт учиб кетаётган томонга қараб чопди. Саяли бувининг аламли қичқириги вертолётнинг гувиллашига қўшилиб кетди:

— Шошма, айланиб кетай. Шошма, ҳой дўхтир! Инжалик Чарказ ўлим тўшагида ётибди. Айланиб кетай, ҳой дўхтир! У ҳам ҳукумат одами, колхоз тузган, муштумзўрларнинг додини берган! Шошма!

Саяли буви роса югурди, лекин вертолётга етолмади. Майсазорга юзтубан йиқилди, орадан анча вақт ўтгач, чигирткаларнинг чириллашидан вертолётнинг кетиб қолганини билди. Ўрнidan туриб ўтирди, тиззаларини қучоқлаб олиб, бошини тиззалари устига қўйди. У ғангиб қолганди, уйига қайтиб боришини ҳам ё медпунктга бориб Маҳмудни топишини ҳам билмасди.

ДАШТ ГИЕҲЛАРИ

Айни туш пайти. Тандирдай қизиган асфальт йўлдан кўтарилаётган ҳовур худди алангадек жимирлаб, кўзни тиндирарди. Машинанинг очиқ ойнасидан кираётган шабада кабинада ўтирганларга роҳат бахш этиш ўрнига, аксинча уларнинг юзига иссиқ уриларди. Машинани бошқариб кетаётган ҳайдовчи — Ҳасаннинг йўлга тикилган кўзлари хумор тортиб, аста юмулиб борарди. Рулни тутган забардаст қўллари дам сайин терлар, шунинг учун у ора-сира бир қўлини кабинадан ташқарига чиқариб, уни шамолга тутарди. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган киши эса қора кўзойнак тақиб олган Салимзода эди. Узоқ йўл, бунинг устига ҳаво ёнаётгани уни ҳам лоҳас қилганди, қаттиқ ҳолдан тойгани сабаб, аста кўзларини юмди. Йўлга асфальт ётқизилган бўлса-да, тез-тез ўнқир-чўнқирликлар учраб турарди. Салимзода машина бундай жойлардан ўтаётганда кўзларини очар, Ҳасаннинг тер қуйилаётган гўштдор юзига жаҳл билан қараб: «Секинроқ юрсанг-чи» — деб тўнғиллаб қўярди. Йўлда тирик жон кўринмас, атроф жазирамада ҳансираётган тақир дашт ерлардан иборат эди. Буларни кўрган Салимзода биринчи марта бундай жазирамада командировкага чиққанлигидан пушаймон эди. Бунинг устига у ёнида қоп-қора терга ботганча пишиллаб ўтирган ҳайдовчи билан ҳам ҳали яхши синашта эмасди.

«Мол эгасига ўхшайди, деб бекорга айтишмайди. Собик қошчилигига ўхшаб, бу ўлгудай тўпори

экан...» — Салимзода шуларни хаёлидан ўтказаркан, чўнтагидан волидол чиқариб тили тагига ташлади ва энди бирмунча енгил тортгандай бўлди.

Аммо машина яна силкинди. Салимзода чўчиб тушди, ҳайдовчига қараб бақирди:

— Одамга ўхшаб ҳайдасанг-чи, ахир!

— Йўл ёмон бўлса, мен нима қилай?

— Йўл ёмон эмас, сен ўзинг ёмон ҳайдаяпсан.

Ҳасаннинг қорайган, кучли билагида томирлари ўйнай бошлади. Буни кўрган Салимзода илож-ноилож ғазабини ичига ютди.

«Бунақа одам билан эҳтиётроқ муомалада бўлиш керак,— хаёлидан ўтказди у,— қара, кўзлари қонга тўлиб турибди, мени ҳали ёҳудай даштда чавақлаб кетиши ёки ҳеч ким тополмайдиган чуқурроқ дарага олиб бориб ташлаши ҳам мумкин, болаларим эса отасиз етим бўлиб қолаверишади. Йў-ў-қ, шу ҳафтани бир амаллаб ўтказаман-да, командировкадан қайтишимиз биланоқ буйруқ чиқариб, уни ишдан ҳайдайман...»

Узоқдан йўлда тўхтаб турган бир машина кўзга чалинди. Машинага яқинлашганларида унинг такси эканлиги маълум бўлди. Машина ҳайдовчиси туфлисининг учи билан дами чиқиб кетган ғилдирак шинасини тепкиларди. У бошқа машина келаётганини кўриб, қўлини кўтарди. Ҳасан газдан оёғини олди, машина секинлаша бошлади. Салимзода кўзларини очиб сўради:

— Нима гап?

— Анави бечоранинг ғилдираги бўшаб кетибди, балки ёрдам қилармиз...

— Сен қандай ёрдам қиласан унга, ўзимизнинг ғилдирагимиздан олиб бермаймиз-ку!

— Шаҳарга етиб олгунча бериб турсак ҳам бўлади.

— Ўзимизники бўшаб кетса-чи, унда нима қиламиз? Ҳайда, кетдик!

Ҳасан газни босиб, ўзича бир нарсалар деб мингиллади, лекин Салимзода буни эшитмади. Ҳасан Салимзода билан ортиқча ҳа-ба қилмаганидан у кўнглида хурсанд эди. Унинг назарида Ҳасаннинг оғзидан чиқадиغان сўзлар ўзини олов бўлиб куйдирадигандек эди. «Йў-ў-қ, у менга шофер бўла олмайди, ўзбошим-

ча, такаббур. Шаҳарга эсон-омон қайтиб бораё, думини тугиб юбораман».

Машина яна қаттиқ силкинди, кўзлари юмилган Салимзода яна: «Секинроқ-да», деб қўйди. Машина шу заҳотиёқ юришини секинлатди. Буни кўрган Салимзода жаҳл билан ҳайдовчига қаради:

— Бунча тошбақага ўхшаб имиллайсан?

— Кўриб турибсиз, йўл ўнқир-чўнқир, ундан кейин ўзингиз ҳам секинроқ ҳайда дедингиз-ку?!

— Оббо, сен-эй... — Салимзоданинг кўзлари Ҳасаннинг бақувват, жундор билагига тушди, тагин унда бо-ягидек томирлар ўйнай бошлаган эди. Салимзода терлаган кўзойнагини олиб артди ва қайтиб тақиб олди.

— Бўтагинам, азизим, мен сенга ўнқир-чўнқир ерларда эҳтиётроқ бўлиб ҳайда дедим, холос. Ахир, бу поёнсиз чўлда ётиб қол, деганим йўқ-ку?!

Улар бир йўл муволишига етганларида қаршилари-дан кутилмаганда оғир юк машинаси чиқиб қолди. Ҳасан ҳайдовчиларга хос чаққонлик билан рулни ўнгга бурди, машина улар ёнидан бемалол ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Одамлар ҳам орқа-олдиларига қарамай ҳайдайдилар-да,— деди ранги оқариб кетган Салимзода.— Она сути оғзидан кетмаган болакайлар рулга ўтирганидан кейин шундай бўлади-да.

«Уфф... Томоғим қақраб кетди, аксига олиб иккимиз ҳам сув олмапмиз». Ҳасан индамайгина қўлини чўзиб, ўриндиқ тагидан бир шиша «Бодомли» сувини олди, узун бармоқларининг тирноғи билан шиша оғзини шундай очдики, қопқоқ отилиб машинанинг олдинги ойнасига тегди.

— Марҳамат.

Салимзода Ҳасаннинг қўлидан шишани олди.

— Сенда стакан йўқми?

— Йўқ.

Салимзода кафти билан номига шиша оғзини артди-да, «Бодомли»ни шиша-пишаси билан бошига кўтарди. Машина бир силкинди. Шиша унинг тишларига урилди. Сал бўлмаса, сув унинг кўксига тўкилаёзганди. Буни кўрган Ҳасан машинани тўхтатди. Салимзода «Бодомли»ни ярмисигача ҳузур қилиб ичди, қолган ярмисини Ҳасанга узатди. Ҳасан шишани бўшатгач, уни

йўлнинг четига иргитиб юборди. Тошларга урилган шиша чил-чил синиб, ҳар томонга сочилиб кетди.

Машина қўзғалиши билан Салимзода кўзларини юмиб, бир лаҳза тин олди-ю, лекин шу заҳотиёқ яна кўзларини очишга тўғри келди, негаки, Ҳасан чўзиб сигнал бера бошлаган эди. Уларнинг қаршисидан «Жигули» машинаси ҳам сигнал бериб келарди. Машинанинг олди ойнасига қўғирчоқ осиб қўйилган эди. Шу туришида қўғирчоқ гўё шамолда узилиб, учиб кетадигандек туюларди. Машинадаги йўловчилар келин-куёвлар экан. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган куёвнинг ҳам, орқа ўриндиқдаги икки қиз ўртасида кулиб келаётган келиннинг ҳам кўзлари йўлга тикилган эди.

— Тўй қиладиган пайтни топганларини қаранг буларнинг,— Салимзода худди ўзини зўрлаб уйлантиришаётгандек терс бурилиб олди.— Одамлар бундай иссиқда хотинлардан қочиб, музга кўкрак бериб ётишга тайёр-ку, бу аҳмоқ бўлса, ўзини оловга отяпти.

— Салқин тушгунича сабрлари чидамагандирда,— деди Ҳасан худди улар учун жавоб бергандек. Салимзода бошқа гапирмади. Кўзларини юмиб, ҳаттоки енгилгина хуррак ҳам ота бошлади. У энди ўзини Белгада¹ юргандек ҳис қила бошлади...

...Саҳар туриб қояларга чиқаётганмиш, ҳамма ёқ тинч, фақатгина йўлда иккита чол кўзга ташланармиш, холос. Бири полизда майда-чуйда ишлар билан банд — пуштани ўтоқ қиляпти, иккинчиси эса, шийпонда туриб, саманнинг оппоқ ёлларига ўхшаб тўлқинланаётган томон тикиляпти. Салимзода негадир бу чол бир пайтлар денгизчи ўтган бўлса керак, деб ўйлади. Чолга яқинроқ борганидан кейин эса унинг йўл-йўл пой-жома кийиб олганини кўрди. Чол эрталабки салқинга қарамай, енгларини шимариб олган эди. Салимзода унга салом берди. Чол совуқданми ёки кутилмаганда эшитилган нидоданми, бир сесканиб, Салимзода томон қаради:

— Нима дейсан?

— Мен сиз билан саломлашяпман,— деди Салимзода юраётган йўлида тўхтаб. Чол чуқур хўрсинди, қирғоққа урилаётган тўлқинларга, сўнг унга қаради, шийпондан тушди.

¹ Белга — Каспий соҳилидаги ёзда ҳордиқ чиқарадиган боғлар жойлашган қишлоқ.

У мана энди негaдир оёқлари қумга ботиб, сирғалиб-сирғалиб кетяпти. Шунинг учун Салимзода аввал туфлисини, кейин пайпоғини ечди. Майда, нам тортган қумга биринчи оёқ босиб илдам юаркан, беҳос сесканиб кетгaндек бўлди. Юришини тезлатиб, аста чопа бошлади.

Тонг қизара бошлади, бу қизил шафақ қумда акс этарди. Салимзода бир қоянинг устига чиқди. Қоянинг кўриниши ухлаб ётган йўлбарсни эслатарди. Оқ тўлқинлар Салимзоданинг оёқларига урилиб, яна орқага қайтиб кетар, панжалари орасида эса фақат кўпикларгина қоларди. Қоя тепасида чағалоқлар шовқин кўтариб учишар, вақт-вақти билан ўзларини денгиз тўлқинларига уришарди.

Узоқда, денгиз ўртасида бир кема кўринди...

— Вой-бўй, иссиқни қаранг-а!

Салимзода ҳайратланди; эрталабки салқин пайт бўлиб, яна боз устига денгиздан муздек шамол эсиб турган бўлса, иссиқ тўғрисида бундай гапиришга бало борми?!

Салимзода кўзларини очиб, бошда ҳеч нарса кўрмади. Денгиз ҳам, қоя ҳам кўздан йўқолган эди. Тердан хиралашган кўзойнагини ечди. Шундагина асфальт йўлдан кўтарилаётган иссиқ ҳовурни, Ҳасаннинг терлаган юзини кўриб, хаёллари тушга уланиб кетганини англади, унинг ўзини ҳам тер босганди. Юзини дастрўмоли билан артиб, кўзойнагини тақди.

— Ниҳоят, иссиқ ҳаво сенга ҳам таъсир қилибдида,— деди Ҳасаннинг бояги гапига жавобан.

Ҳасан ҳам юзидаги тер томчиларини артди.

Йўлнинг чап тарафида офтобда куйиб кетган дала-лар кўзга ташланарди, сарғайиб ётган похоллар чирсиллаб ёнар, бурқсиб кўтарилаётган кўкишранг тутун қилт этган шамол йўқлигидан жуда секин тарқалар, узоқдан эса, ер туман билан қопланганга ўхшаб кўри-нади.

Салимзода иссиқни бир оз эсдан чиқариш учун яна гўзал Белгани, у ердаги жонга роҳат багишлайдиган денгизни кўз олди-га келтира бошлади. Лекин қуруқ хаёллар унинг юрак ҳовурини босмади. Бундай иссиқда Ҳасан ҳам машинани зўрға бошқариб борарди. У чап қўлини машина ойнасидан чиқариб шамолга тутди, кўзлари эса фақат йўлга тикилган эди. Шу пайт бир-

дан унинг кўз олди жимирлаб, унга ранг-баранг гаройиботлар кўрина бошлагандек бўлди. Ҳозиргина шамолда қуриган қўли билан кўзларини артиб, диққат билан тикилишга уринди ва... бирдан машина гийқилади... Салимзода бошини олдидаги ойнага уриб олди. У чўчиб тушиб, зарбнинг оғригидан бақириб юборди:

— Одамга ўхшаб ҳайдайсанми, йўқми ўзи?

Ҳасан узр сўраш ўрнига Салимзодага қараб ғалати жилмайиб қўйди. Салимзода уни уриб юборишдан ўзини зўрга тийиб турарди. Ҳасан эса, ҳамон жилмарди.

— Анави ёққа қаранг.

Салимзода ҳафсаласизлик билан ўнг тарафга қаради ва ҳайратдан донг қотиб қолди: йўлнинг ўнг тарафида анвойи гуллару ям-яшил майсалар билан қопланган воҳа ўзини кўз-кўз қилиб, мана мен дегандек, ястаниб ётарди.

Ҳамроҳлар ўз кўзларига ишонмай тезда машинадан тушиб, воҳа томон югуришди. Икковлари ҳам табиатга ташналик билан, бир-бирларидан қизгангандай тез-тез нафас ола бошлашди. Ранг-баранг гуллардан, ям-яшил майсалардан одамни маёт қилувчи шундай ўткир ҳид таралар эдики, Салимзода ҳақиқатан ҳам улардан ҳид таралаётганини кўзи билан кўргиси келгандек кўзойнагини ечди. Ҳуркиб кетган сўфитўрғайлар чугурлаб, кўкатлар орасидан ҳавога кўтарилишди. Улар бош устида худди капалаклардек учиб, яна ҳам баландроқ, яна ҳам шўхроқ сайрай бошлашди. Салимзода лолақизгалдоқ билан қопланган бепоёнликка термулиб, ғамгин жилмайди.

— Эҳ-эй, менинг бундай далаларни кўрмаганимга неча йиллар бўлиб кетди-я!

Ҳасан ҳам ям-яшил далаларга, узоқдаги бир-бирига туташиб кетган баланд тоғларга қарар, у тўрғайларнинг сайрашидан бошқа ҳеч нарса эшитмаётганга ўхшарди. Йўқ, Ҳасан майсаларнинг ҳам, гулларнинг ҳам шивирлаган товушини эшитаётганди. Салимзода Ҳасаннинг ўз гапига қулоқ тутмаётганини сизди, шундан кейин ўзи билан ўзи гаплаша бошлади: «Роппароса ўттиз йил... Илмий ишлар мени жуда чеклаб қўйибди. Аввал кандидатлик, кейин докторлик диссертацияси.... Ниҳоят, мана, министрликка ишга ўтдим.— Салимзода далаларга тикилганича, хўрсинди.— Бола-

лик пайтимда, агар қадрдон далалардан узоқда яшайдиган бўлсам юрагим тарс ёрилса керак, деб ўйлардим, йўқ, инсон ўз букилмас иродаси билан ҳар қандай айрилиққа бардош бера олар экан. Яқин кишиларидан, қадрдон далалардан жудоликка ҳам бардош бераркан инсон!»

Улардан сал нарироқда бир ёввойи қуш учиб ўтди. У жуда қизиқ овоз чиқарарди: бипп-биби, бипп-биби. бипп-биби... Салимзода сал қолса овоз келган томонга чопёзди. Ҳасан турганлиги эсига тушиб, уялиб кетди.

— Ҳасан, сен биласанми, у нима деб сайрапти?

— Биламан.

— Ростданми?

— Ёрдам беринг, мени тутиб олишди, деяпти.

Салимзода Ҳасанга яқинроқ келди.

— Эҳ, бизнинг тўқайларда мана шундай ёввойи қушлар беҳисоб эди, эрталабдан-кечгача сайрайвериб, қулоқни битириб юборарди улар...

— Илгарилари мен ҳам тез-тез районларга чиқардим. Кейин эса бўлмай қолди. Сиздан олдинги бошлиқ огиркарвон одам эди, шаҳардан ҳеч узоқлашишни ёқтирмасди...

Шу пайт бояги қушлар шитирлаб учиб ўтиб, асфальт йўлдаги телеграф симига қўнишди. Улар учиб кетган жойда ногаҳон бир тулки пайдо бўлди, қушлар тулкини сезиб учиган экан. Тулки одамларга тўқнаш келганидан бир лаҳза довдираб қолгандек бўлди ва тезда орқасига қарамай қоча бошлади. Ҳасан эса Салимзодага қараб: «Эҳ-эй, қўйиб юборманг, ушланг уни»,— дея бақира бошлади. Унинг овозини эшитган тулки бирдан тўхтаб, атрофга олазарак қаради-да, бояги кишилар қувиб келишаётганини пайқаб баттар қочиб қолди. Буни кўриб, Салимзода шундай мириқиб кулдики, натижада чаккаларигача оғриқ турди. Кўз ёшларини артиб, деди: «Биз ҳам болалигимизда тулкини шунақа қўрқитар эдик».

Майин шамол эсди. Бу шамол тоғлардан пастга эсарди ва худди тоғдаги кўкатлар, гуллар, нам ерларнинг ҳамма хушбўй ҳидини йиғиб, ўзи билан олиб келарди. Улар секин атрофни айлана бошлашди. Бу ердаги ўтлар шу қадар барра, шу қадар майин эдики, уларнинг оёқлари тегини билан босилиб қолар, лекин сал вақт ўтмай яна қадини ростлаб оларди.

Ҳасаннинг оёқлари қўпол, бесўнақай эканига қарамай, болаларга ўхшаб жуда енгил одимлар, қип-қизил лолақизғалдоқларни эҳтиётлаб юарди. Уни кўриб Салимзода ҳам эҳтиётлик билан юра бошлади. Бирдан унинг кўнглида ҳайдовчи Ҳасандан: «Кечир, мен аҳмоқ боя сени хафа қилдим»,— деб кечирим сўраш истаги туғилди. Лекин Ҳасан унга эътибор бермас, унинг табиат гўзаллигига шайдо кўзларида нур порлар, қўлларида эса биттадан лолақизғалдоқ ушлаб туриб, уларни томоша қилар ва бундан завқланар эди. Шу туришида Ҳасан Салимзоданинг кўзига жуда ҳам кичкина, бўйи ҳам ёш болаларникидек бўлиб туюлди, ҳаттоки унинг хаёлига, бундай юмшоқ, титраб турган қўллар бундан кейин машинани бошқара олмайди, деган фикр келди. «Агар ҳайдаса ҳам энди у машинани бузиб қўяди, айттайлик ғилдираги чиқиб кетса, ўрнига бошқасини алмаштириб қўя олмайди». Салимзода шундай хаёллар билан Ҳасанга тикилар, Ҳасан эса ҳеч нимани сезмай турарди.

Ҳасан ҳалиям ўша қўлларидаги лолақизғалдоқлар билан овора эди. У буларни юзига босиб, кейин пуфлаб юборган эди, гулнинг япроқлари худди момақаймоқдек ҳар тарафга тўзиб кетди. Ҳасаннинг қўлида фақат лолақизғалдоқлар пояси-ю, учига худди тугмачага ўхшаш қора холигина қолди. Ҳасаннинг шу дамда кўм-кўк, юмшоқ майсалар устида бирпас чўзилиб ётгиси келар, лекин Салимзодадан уяларди.

Секин Салимзодага кўз қирини ташлади, Салимзода эса, унга ҳаяжонланиб қараб турар эди. Иккаласи ҳам бир-биридан кўзини олди. Ҳасан биринчи бўлиб секингина гап очди:

— Мен... Мен ҳов анави томонга бориб келмоқчиман.

Салимзода хурсанд бўлиб, дарров жавоб қайтарди:

-- Шундайми? Жуда яхши! Мен ҳам нарироққа бориб келмоқчийдим.

Аввал секин, кейин тез-тез юриб, иккаласи жарликка томон тушиб кетишди. Бу ердаги жарликлар кўм-кўк ўтлар билан қопланган, улар кўзни яшнатиб, дилга ҳузур бахш этар эди.

Салимзодадан йироқлашиши билан Ҳасан мукка тушиб ерга ётиб олди, юзига юмшоқ, кўм-кўк кўкат

лар ва хушбўй гулларни суриб, уларни бағрига босди. У бир нафас ҳамма нарсани унутди. Қўллари билан зах ерни қучоқлаб ётар, бу намлик юрак ҳовурини босиб, уни тинчлантирарди. Атрофига назар ташлаб, яна бир қанча сўфитўрғайларни кўрди. «Ана, қуёш ўзининг заррин нурлари билан бутун оламни иситмоқда: сўфитўрғайлар ҳам қуёшдан қочиб қутилгилари бору қанчалик уринишмасин, бундай қилишолмайди». У бошда шундай хаёлга борди. «Йўқ, сўфитўрғайлар бизнинг ёшлигимиз, болалигимиз!» — ўйлади шундан кейин. Кичкина пайтларида тез оқар Кура дарёсининг сатҳини тўлдириб, худди сўфитўрғайларга ўхшаб қичқириб, хурсандлик билан бир-бирларини сувга итариб, маза қилиб чўмилганларини эслади. Ҳақиқатан ҳам сўфитўрғайлар қуёш нурларида чўмилишмоқда, негаки улар қичқирмаяптилар, аксинча, жудаям иштиёқ билан сайраб, бу тиниқ, шаффоф табиат дарёси устида учяптилар.

Ҳасан яна ерни қучоқлади, яна унинг йўғон, тошдек қаттиқ кафтлари муздек бўлди. Бу салқинлик унинг бутун баданига тарқалар, роҳат бахш этар эди. Лекин бу сафар унинг юраги тинчланиш ўрнига тез ва қаттиқ ура бошлади. Бирдан у чуқур уҳ тортиб, ёш боладек йиглаб юборди. Бу болаларча кўз ёши бир лаҳза давом этди холос. Ҳасан довдираб қолди. Ростдан ҳам у йигладими? Орқасига ўгирилиб, қўли билан кўзларини сийпади, унинг бармоқлари нам эди.

Ҳасан ўтирган жойидан ирғиб турди. Югуриб чуқурликдан чиқди. Сал наридаги чуқурликда Салимзода гиламдек ёзилган майсаларнинг хушбўй ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олар, кўзлари эса қувончдан яшнарди. Улар бир-бирларига яқинлашганликлари сари Салимзода негадир ҳаяжонлана бошлади. Ердан кўзини узмасдан, Ҳасанга қаради. Шу заҳотиёқ тортиниш, ётлик аломатлари унинг юзидан йўқолди, чехраси ёришиб, жарангдор товуш билан сўради:

— Ҳасан, сен нима, гуллар ичида маст бўлиб ухлаб қолдингми, дейман?

Ҳасан қизаринқиради. Салимзода қўлини узатиб, унинг сочига ёпишиб қолган лолақизгалдоқ япроғини олди.

— Кўрдингми? Ия, елканг, орқанг ҳаммаси кўм-кўк бўлиб қолибди-ю?!

Ҳасан ҳам Салимзодани бошдан-оёғигача қараб чиқиб, чиройли жилмайди. Сўнг эса у ҳам қўлини узатиб, Салимзоданинг кумушранг сочига ёпишиб қолган сариқ гулни олди. Салимзода ўзини ажаблангансимон кўрсатиб: «Ия, бу нима ўзи?» — деб сўради. Ҳасан индамайгина Салимзодага бошдан-оёқ разм сола бошлади.

— Ия, сизнинг ҳам елкангиз кўм-кўк бўлибди-ку?

— Йўғ-эй? Бўлиши мумкин эмас!

Салимзода кафтларини бир-бирига уриб, хандон отиб кулиб юборди. Ҳасан ҳам унга қўшилишиб кулди. Кейин тўхтаб, иккаласи ҳам ўйланиб қолишди. Салимзода ҳайрон эди, қандай қилиб бу уч ҳафта ичида бир нарсага эътибор бермабди. Ҳасаннинг ақл тўла, ҳавас қилса арзийдиган, мана шу далалардек мусаффо кўзлари бор экан. Унинг эсига яна йўлдаги суҳбат тушди, дили ғаш тортиб, кўнглида Ҳасандан кечирим сўраш иштиёқи туғилди:

— Ҳасан!..

Ҳасан эса ҳеч нарсани билмаган, гўё ҳамма нарсани унутгандай, унга қараб жилмайди. Салимзода яна ажабланиб ҳайрон қолди:

«Қандай қилиб бу бир жуфт кўзга олам-олам маъно, шўх кулгилар сиққан экан».

Ҳасаннинг унга савол назари билан қараб турганини кўриб:

«Ҳа, дўстим, Ҳасан, мана шунақа гаплар», — деди Салимзода. Ҳасан ҳам чиройли кўзлари кулимсираб, Салимзоданинг сўзини такрорлади: «Ҳа, шунақа гаплар...»

ПОГОНСИЗ ШИНЕЛЬ

Оқшомдан шаҳар кўчаларида иссиқ шамол кеза бошлади. Гўё тандирлардан отилган олов уйдан уйга, майдондан майдонга ўтиб борарди. Бундай шамоллар бизнинг Шервонда, хусусан Дадакунаш қишлоғида аҳён-аҳёнда эсиб турарди. Эсганда ҳам иморатларга, муассасаларга зиён келтирар, дарахтларни қуп-қуруқ ёғочга айлантирарди. Бошқа кунлар дунё ўпирилса ҳам, Ғани пинагини бузмасди. Чунки, бундай пайтларда ҳеч кимга сув керак эмаслигини биларди. Аммо Ғанини бугун уйга шошилтирган нарса ёз чоғлари ўриб-йиғиб кун беткайига санжоб қилиб қўйилган пичан ғарамлари эди. Бу саёқ шамол ғарамларни бир зумда кўкка соvuриб юбориши мумкин. У ана шундан хавотирда эди. Тун қоронғисида чўпонларнинг бесўнақай катта телпакларини эслатувчи бу ғарамлар тўп-тўп бўлиб деворлар тағларига, дарвозахонага, чордоқ ён-верларига қадар сочилиб ётарди. Бу ғарамларни кимдир нари-бери йиғиб келиб, омонат тўплаб қўйгандек эди. Ғани пичанларни қучоқ-қучоқлаб молхонага олиб кириб босди. Ўғли Алшан ҳали ҳам ишдан қайтмаганди. Чироқлар ўчиб, симёғочдаги лампочкалар қур-қур қизариб қўярди холос. Шу пайт бирдан дарвозанинг кичик эшикчаси очилди. Алшан келган эди.

— Ассалому алайкум.

— Ҳа, ўғлим, сенмисан? Шамолни қара-я, кўз очиргани қўймайди.

— Чироқ нега ёнмаяпти?

— Мол-ҳолни ток-пок урмасин деб ўзлари ўчириб қўйишгандир-да.

Унинчи чироққа Алшан қаердандир қитдак лампамой топиб келди. Лампа-шишанинг ичига ўргумчак ин қўйган экан. Алшан пиликни чиқариб, текислади, гугурт чақди. Ғани гугуртнинг ёруғида ўғлининг ҳорғин юзини кўрди. Лампа-шишанинг ичини артиб, ёгонни ҳам тозалади Алшан.

Қўшни уйларнинг деразаларидан нур тараларди. Ота-бола ҳориган эдилар. Нарибери танаввул қилишгач, ўз ётоқларига кириб кетишди.

Тахмон ёнида ҳарбий папах ва погонсиз шинель осиглиқ турарди. Лампанинг хира нурида унинг тугмалари ялтирарди. Шинель баъзи бировларга аскарлик давридан ёдгор қолади. Ғани тогага эса бу шинель милиция идораларида ишлаган пайтларидан ёдгор эди. У шинелга қаради, постда турган пайтлари ўзи идорага қўлтиқлаб олиб борган одамлар эсига тушди. Бир неча йил аввал юз берган бир воқеани хотирлади. У пайтларда Алшан саккизинчи синфни битириб муаллимларнинг миннатидан отасини, ота даққиларидан эса ўз бошини қутқариб олмоқчи бўлиб юрарди. Қани энди ўша кўк кўз муаллимни ер ютсаю қўйса, дерди у. Мабодо ўша муаллим қиличини яланғочлаб Арабзанги сингари йўл бошида қаққайиб туриб олмаганда эди, Алшан бутунлай бошқача иш тутарди. Алшаннинг наздида Болакиши муаллим баайни булоқнинг устини ёптириб қўйган афсонавий девга ўхшаб кўринарди. Алшан қўлидаги кўзани булоқнинг кўзига яқинлаштирганда дев дабдурустдан ушнинг билагидан тутар, кўм-кўк кўзларини катта очиб, сўйлоқ тишларини кўрсатганча, қаҳ-қаҳ отиб куларди.

— Эшит, сенга учта саволим бор...

Алшан бу гапни эшитиб иситма тутган кишидай каловланиб қоларди. Дев ундан Эквадор ҳақида сўзлаб беришини, Курилл оролларини кўрсатишини талаб қиларди. Синфдошларидан айримлари баъзан муаллимнинг диққати бошқа ёққа чалғиганидан фойдаланиб, Алшанга Курилл оролларини кўрсатиб қўйишар, «дев»нинг дагдағасидан уни қутқаришарди. Аммо гап Эквадор ҳақида бергудек бўлганда, Алшан ҳамиша довдираб қолар, нажот истаб ўртоқларига боқар, ўртоқлари ёрдамида титроқ қўлини базўр Эквадорнинг устига қўярди. Шундан кейин Болакиши му-

аллим яна ғазаб отига миниб оларди. Ниҳоят ўзини босиб олгач, ётиги билан:

— Э-э, Алшанжон, бунақаси кетмайди. Бор, дарсингни тайёрлаб кел,— дерди. Жисмоний тарбия муаллимнинг отасига раҳмат, ўша имтиҳон пайти Болакиши муаллимнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб, бир амаллаб унинг кўнглини топди. Бундан келажақда машҳур спортчи етишиб чиқади, деб Алшанни роса мақтади. Шундай авраб ташладики, Болакиши муаллимнинг ишонмасликдан бошқа чораси қолмади. Тошдай юраги юмшаб, охири баҳо қўйиб беришга рози бўлди. Шу воқеадан кейин жисмоний тарбия муаллими бир куни постда турган Ғани тоғага деди:

— Ҳой биродар, Болакиши муаллимни бир амаллаб кўндирдим. Бўлмаса у ўзи осонликча эрийдиган одам эмас. Сен энди бунинг эвазига бир кичкина зиёфат қилиб бер. Пайсалга солма. Шу бозордан кейинги кун Қўшчинор павильонида бир мириқиб яйрайлик.

Ғани, икки кишини зиёфат қилишга қурбим етар, деб ўйларди кўнглида... Аммо бозордан кейинги кунги зиёфатга икки эмас, ўн икки киши йиғилади. Ана базму мана базм! Тўпланганлар ёрилгунларича еб-ичишиб, Ғанини роса чув туширишди. Алшан Болакиши муаллимнинг тазйиқидан халос этилди. Аммо ҳаммаша ўзгадан зиёфат ейишга ўрганганлар Ғанининг хонумонини куйдиришди. Бу зиёфат учун у нақ саксон сўмдан ажралди. Бироқ замонанинг зайли билан Болакиши муаллимнинг ҳам бошини кулфат эгди. Қайнисининг иши Ғанига тушди. У йўл варақасини олмасдан ўрмондан ёғоч ташир экан, қўлга илинди.

— Тўхта, тўхта!

Ҳайдовчи Ғанининг буйруғи билан газдан оёғини олди, машина деразасидан бош чиқариб тиржайди.

— Ғани тоға, келинг энди қўйиб юбора қолинг?

— Бу нима деганинг, нодон! Гувоҳноманг бўлмагандан кейин гинг демай туравер. Гувоҳноманг бўлганда бошимни қотириб ўтирмас эдим.

— Нима қиламиз бўлмаса?

— Бўлмаса...— Ғани тоға бош ва шаҳодат бармоғини бир-бирига ишқади.

— Ғани тоға, худо ҳаққи, ҳозир ёнимда йўқ. Бир куни хурсанд қиларман.

— Қуруқ гап қулоққа ёқмас. Поччангнинг пули кўп. Бир марта сен ҳам унинг қулоғини кесгин.

Ҳайдовчи йигит кўп тортишувлардан кейин ноилож машинасини қолдириб, поччасининг уйи томон йўл олди. Бўлган гапни айтди. Болакиши муаллим яқинда отпусқа пули олган эди. Қайнисига берди. Бу билан у гўё ўз қўзисини бўри оғзидан тортиб олган эди. Ғанининг кўнгли энди жойига тушди. Уни ҳаддан ташқари қувонтирган нарса Болакиши муаллимнинг киссасидан пул чиқариб ололгани эди. Ҳа, Ғани, бошқача қилиб айтганда, энди муаллимдан зиёфатининг ҳақини ундириб олганди. Аммо бир гал тун алламаҳал бўлганида қандайдир юк машинаси жуда катта тезлик билан Ғанининг ёнидан вағиллаб ўтиб кетди. У қўл кўтариб, машинани тўхтатмоқчи бўлди. Бироқ ҳайдовчи тўхтатмади. Ғани ғазабланди. Мотоциклини ишга солиб, ўзидан анча узоқлашиб кетган машинанинг изидан тушди. Ҳайдовчи ойнага қараб орқасидан қувиб келаётган Ғанини кўрди: «Келяпти» деди. Ёнидаги киши аста пичирлаб: «Секинроқ ҳайда, етиб келсин», деди. Ҳайдовчи машинани секинлатди. Ғани Кирдмон дарёси устидаги кўприкда уларга етиб олди. Ғани мотоциклини машина олдига ўтиб тўхтатди. Дафтарчасини чўнтагидан чиқариб, аввал машинанинг номерини ёзди. Кейин машина устига чиқди. Анор солинган қутиларни кўрди. Севинди. Бироқ одатича севинчини ичига ютди.

— Ҳа, ишларинг чакки эмас, ёш ўғлон, Ғани ўлган эмаски, сен унинг қўлидан қочиб қутулиб кетолсанг?! Чамаси анор олиб кетаётганга ўхшайсан, ўзиям ҳойнаҳой колхозчиларники, шундайми? Ҳужжатлари албатта уйда қолган, дерсан, шундайми?

Ҳайдовчи дилидан ўтган гапни Ғанидан эшитиб, кулди.

— Қайтар орқага, идорада гаплашамиз!

Ҳайдовчининг ёнида пахталик кийиб ўтирган киши кабинадан сакраб тушди. Милиция ходимини четга тортди...

Ғани шундан кейин ҳалиги кишини кўрсатиб:

— Омадинг бор экан. Бахгингга бу киши билан қариндош чиқиб қолдик. Тез жўнаб қол!— деди.

Ғани эртаси кун барвақт идорага келганда, кечаги кишини раиснинг хонасида кўрди. У милиция кийимида эди. Мийиғида кулиб турарди.

— Салом, қариндош!

Ғанининг нафаси ичига тушиб кетди. Милиция майори хонада у ёқдан-бу ёққа юрди, кулиб туриб, деди:

— Оқ сочинг билан уялмадингми?

Ғани ўзини йўқотиб қўйди, қилган ишидан тонди.

— Ўртоқ майор, мени ким биландир адаштирган-дирсиз?!

— Шуям иш бўлдимми? Ғарқ бўлаётган одам сомон чўпга тирмашмоқчи бўларкан, Ғани ака. Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши. Ўзингни ёш бола қилиб кўрсатма. Овозингни ҳам ёзиб олганмиз, расмга ҳам туширганмиз. Бутун қилмишларингнинг ҳаммасидан хабардормиз.

Ғани юлдузли телпагини қўлига олиб ўйнаб-ўйнаб милиция бошлиғининг кўзларига қаради. Ундан нажот излади. Бироқ унинг кўзларида музга ўхшаш совуқ бир ифодани кўрди. Ғани ҳеч нарсани очиқ гапириб бермади. Жим тураверди.

Милиция бошлиғи бир оз ўйланиб тургач, унга деди:

— Кетишинг мумкин, командир.

У яна нималар деди, Ғани буни эшитмади. Фақат эртаси куни шу нарсани билдики, уни милиция ишидан бутунлай бўшатишибди. Оддий ҳолларда бундай нуқсонлар учун ё ҳайфсан бериларди, ёки иш жойини ўзгартиришарди холос. Ҳозир эса... Ғани мотоциклини, гувоҳномасини, погонларини ва тўппончасини топширди. Ўйга қайтаркан одамлардан яширинар ва оёқларини зўрға судраб босарди... Не савдолар тушди менинг бошимга?

Хотини Алманиса уйда эди. Чучвара тугарди. То-воқдаги чучвараларнинг ҳар бири министрликдан келган майорнинг кўзларини эслатарди. Ғани уни ичида лаънатлар, ўзини қўярга жой тополмасди...

Ғанининг ёдига саноат моллари магазинида ишлаган йиллари, Алманиса вафотидан сўнг она қишлоғи Дадакунашга қайтиб келиб ишга жойлашган кунлари тушди. Хотираларга хотиралар қўшилиб кетди. Бир вақт қараса, шамол қурмағур бир тутам хашакни Ал-

шан ётган хонанинг деразасидан учириб кириб, Алшаннинг устига отди. У сесканди. Димоғига қуруқ хашакнинг таниш ҳиди урилди. Туриб, атрофга қулоқ солди. Итлар ҳурмас, одамларнинг гала-говурлари тинган эди. Қишлоқ юлдузли тун сукунатига чўмган эди. Қайтиб жойига кирди... Алшан район марказидаги мактабда ўқирди. У вақтлар Ғанининг отдан тушиб, мотоциклни янги минган кунлари эди. У пайтларда район марказида ҳозиргидек парк, майдон, кўчалар кўп эмасди. Одамларнинг аксари мол-ҳол сақлашар, пичан йиғиш билан машғул бўлишарди. Бир йили қишда ем-хашакларнинг баҳоси кўтарилиб кетди. Декабрнинг ўрталари эди. Алшанларга мактаб музейи учун қапа қуришга бир-икки қучоқ хашак керак эди, Алшан болаларнинг ёнида кўкрагини баланд кўтариб, мен олиб келаман, деди. Хашакни олиб кетаётганида, отаси уни кўриб қолди.

— Ҳой бола, хашакни қаёққа олиб кетяпсан? — деди.

— Мактабга, — деди ўгли.

— Мактабда ўт ўтлайсизларми ёки дарс ўқийсизларми?

— Қапа қуришимиз керак, дада, табиёт музейимиз учун.

— Бу ёқда моллар очидан қирилиб кетяпти-ку, сизлар бўлса қапа қурамиз дейсизларми. Қўй жойига, бас қилинглар бунақа бачкана ишларни.

Алшан хашакни яна жойига қўйиб, мактабга қайтди. Ўғли кетгандан кейин эса бир оздан сўнг Ғанининг ўзи хашакнинг катта бир боғламини орқалаб зудлик билан мактабга олиб бориб берди. Отасининг бу ишидан Алшан ҳам, ундан бир синф қуйида ўқийдиган Гулкўз ҳам ўзларида йўқ севиниб кетишди.

Ойша хола қизи Гулкўзни район марказидаги мактабга киритиб қўйганди. Ойша номигагина Дадакунашда ишларди. Аслида эса шаҳардан бери келмасди.

Дам олиш кунлари баъзан Алшан қишлоққа қайтаётганда Гулкўз билан ҳамроҳ бўлиб қоларди. Унинг қалбида муҳаббатга ўхшаган ажиб бир туйғулар чечак оча бошлади. Лекин бу туйғуларни у бир неча муддат юрагининг энг теран бурчакларида сир тутди...

Бир оздан кейин Ғанининг хириллаши эшитилди. У

туш кўрарди. Тушида осиглиқ турган кўк шинелнинг елкаларига погонлар тақиқлик, ўзининг мартабаси ҳам юқорилашган эди. Тўғон бошида навбатчилик қилиб турган эмиш. Таниш майор унга: «Анорзорим ёниб кетяпти, бир ҳовуч сув бер. Мен ҳам керак бўлиб қоларман...» деб ёлворармиш. Ғани ўтган ишларни эсга солар ва унга: «Наинки анорзоринг, ўзинг ёнсанг ҳам бир томчи сув бермайман» дермиш. Бирдан воқеалар ўзгариб, майор унинг дўстига айланиб қолармиш. Ҳамма Ғанига қараб: «Қойил сенга, азамат йигитсан, азамат!» — деб офаринлар айтармиш.

Алшан ҳам уйқуга кетди. Эрта тонгда отаси биринчи бўлиб уйқудан уйгонди. Шамол тинганди. Алшан ҳам ўрнидан турди. Деразадан аста ташқари мўралади. Шамол тинганига севинди. Ота-бола ўтириб нонушта қилишди. Алшан отасининг термосини қайноқ сувга тўлдирди. Ғани эса шинелини қозикдан олиб, билагига ташлади. Улар ҳовлидан чиқиб, бирга йўлга тушишди.

— Дада, анови клуб мудирини нега хафа қиял-сиз? Фарзалини айтяпман. У бечора уруш инвалиди. Бориб шиколт қилса, яхши бўлмайди ахир. Ўзингизга гап тегади. У бечора бошпана қуриб олмоқчи экан, гап тегади.

— Бечора бўлса, уйи куйсин. Ундан менга нима фойда?

— Ҳаммадан энди шунақа фойда тама қиласизми?

— Ишинг бўлмасин, ҳали гўдаксан, нимани биласан?..

Улар бошқа индашмади. Тош-шағал чиқадиган устахона ёнида ажралишди. Алшан йўл қураётган ўртоқларининг ёнига, Ғани эса тўғон бошига қараб кетди. Ғанининг кўзлари этаги уфқларга уланиб ётган тонг уйқусидаги олмазор боғларга тикилди. Нигоҳи тўғоннинг ўнг томонидаги томи шифер билан ёпилган қадрдон уйга тушди. Аста ўша ерга борди. Уй атрофида парча-парча шифер синиқлари сочилиб ётарди. Сал нарида эса эски қайрағочнинг шохи худди чиққан қўл каби осилиб турарди. У хона эшигини очди. Рутубатли ҳаво нафасини бўғди. Деразани ланг очиб юборди. Шинелни деворга қоқилган плакат устига осди.

Ғани тоғанинг папироси тугаган эди. У йўл ёқасидан икки қути «Аврора» олди. Кейин шитоб юриб, тўғон бошига борди. Дарахт тагида икки қизнинг капалак қувиб юрганини кўрди. Эғнида гулли читдан кўйлак, анов бири Темир тоғанинг ҳисобчи қизи, сочи елкасига тушган бошқа бири эса Ойшанинг қизи Гулкўз эди.

— Салом, қизлар,— деди Ғани тоға уларга яқинлашиб,— ҳа, бекорчиликдан капалак қувиб юрибсизларми?

— Холли капалаклардан диплом ёзаман, Ғани тоға,— деб жавоб берди Гулкўз.

— Сизларда, шунақа, капалак қувганларга диплом беришадими, қизим?

— Йўқ, Ғани тоға, унақа эмас...

Ғани тоға бошқа индамади. Қизлардан нарироққа бориб, бир туп олма дарахти остига чўзилди. Бу ер ям-яшил, ўт-ўланлар бир текис ўсган эди. Қизлар қаҳ-қаҳ отиб далани бошларига кўтаришди. Орқадан оёқ товуши эшитилди. Ғани ўғирилди. Келаётган Ойша эди. Салом-алик қилишди.

— Бирор гап йўқми? Она-бола ўзларингизни бозорга солиб сайрга чиқиб қопсизлар?!

Ойша унинг бу бемаза саволига жавоб бермади. Бир оз сукунатдан сўнг, ҳасратли оҳангда деди:

— Катталардан бирортаси кўриб қолса, нақ хонумонингни куйдириб юборади. Чинор томонда полизга сув тошиб кетипди. Менга қара, Ғани, мен бугун кеч-қурун анорзорни сугормоқчи эдим. Қалай, иложи борми?

— Ўтган ҳафта сугординг-ку?

— Гулини тўкиб юборадими, деб қўрқаман.

Ғани ёнидан дафтарчасини олиб, ўзининг шахсий сув жадвалига қаради.

— Бу сафар навбат бошқаларники.

Ойша ноз ва истиғно билан бодом кўзларини сузди. Ғанига, унинг эғнидаги усти гулли жакетига боқди. Ойша бу жакетни анор сотгани борганида шаҳардан совга қилиб олиб келган эди. Жакетнинг устидаги гуллар унинг назарида катталашаётганга ўхшади. Ҳар бири яхлит бир анорга айланди.

Ғани ўрнидан турди. Уйнинг деворига суяб қўйган «бел»ини нарига улоқтириб йўлга тушди. Ойша ҳам унинг изидан юрди. Ойша сўз қотди:

— Кутубхоначи Салим сенинг устингдан шикоят қилгани райкомга, янги секретарнинг олдига кетибди.

— Нима дединг?

— Ҳа, даладаги хотинлардан эшитдим.

— Тавба, янги секретарь ҳали курсисига ўтириб улгургани йўқ-ку, унинг олдига шикоят қилиб борганларига ўласанми?

— Шуни айтсанг-чи!

— Хабаринг бордир, мени юқорига кўтаришмоқчи.

— Сира хабарим йўқ.

— Худо ҳаққи. Биласанми, қаерга кўтаришмоқчи? Маиший хизмат кўрсатиш комбинатига. Ё бугун, ё эрта ишга тушади.

— Ёмон бўлмайди. Қанақа ишга кўтаришмоқчи?

— Ҳозирча бунисини билмайман.

— Ҳамма гап шунда-да, сен яхшилаб гаплашиб ол. Балки сени сув ишига олишар.

Ойша дала шийпонига қайтди. Қоронги тушган эди. Ғани тоға папирос тутатди. Ётмоқчи бўлди, ястаниб оёқларини узатди, ўриндиққа ўрнашиб, кўзларини юмди.

Ариқ сувининг жилдираши уни ухлатиш учун гўё сеҳрли бир алла айтгандай бўларди. Ғанини уйқу элитди. Худди шу пайт аллаким дарахт шохларини эҳтиёткорлик билан оралаб ўтиб, тўгон бошига яқинлашди. Дарвозага калит солди, мурватини бураб, темир дарвозани аста кўтарди. Сув шариллаб оқди. Сувнинг қулоғини очган одам уни хор-хасдан тозалай-тозалай Ғани ётган ердан секин ўтиб кетди. Ой нурлари Ғанининг юзини ёритди. Ғани уйғониб кетди, аммо кўзларини очолмади. Тўгоннинг шовуллаши эшитилди. Чўчиб, чайқала-чайқала ўрнидан турди.

— Епирай, бу яна қанақа ўзбошимчалик бўлди, тавба? Бу одамлардан ҳам тўйдим тоза. Билмадим, булар мени алдашяптими ёки ўзларини.

Сув кетаётган томонга йўл олди, четан деворли бир уйнинг олдига тўхтади. Эгасини чақириб, ҳовлига ўтди. Қўл фонарини ёқди. Подачи Ҳазини кўрди, ўқрайиб:

— Ҳой, бемаза, сенмисан,— деди.— Бу нима қилганинг? Биласанми, ҳозир ғўзаларнинг айни сувга ташна пайти, бунақаси бўлмайдиде, ахир. Акт тузиб, эрта билан идорага бераман, зарарини меҳнат кунингдан ушлаб қолишади. Ушанда биласан, Ғани аканг кимлигини...

Ҳази унга яқинлашиб, секингина ёлворган товуш билан деди:

— Ғани тоға, дардингни олай, хафа бўлма, кўряпсан-ку экинларим қовжираб кетди. Шу келган бир ариқча сув менга кифоя.

— Мажлисларда гапни роса олиб қочасан, булбулга ўхшаб чахчахлаб сайрайсан. Уни-бунини танқид қилиб, ўртага совуқчилик соласан. Қараб тур, эрта билан мен ҳам масалангни мажлисга қўяман.

Ҳази Ғанининг қуруқ сўзга юмшамаётганини кўриб, уйда эҳтиётга сақлаб қўйган бир шиша мусалласни олиб чиқди-да, унинг қўлтиғига қистирди... Баҳс тугади.

— Ўзинг бўлгандан кейин, сувни Ойша холанинг боғига очиб юбор.

— Хўп бўлади.

— Ҳази, ҳой Ҳази, бу телба Мугининг маҳалласи эмасми?

— Ҳа-да, ана, ўзи ётибди.— Ҳази қоронғиликда қўли билан ҳовлидаги чордоқни кўрсатди.

— Ундай бўлса, нега сен унинг маҳалласини сугоряпсан?

— Тенг шерикка байлашиб олганман. Экилмаган ер эди. Ҳамма ёқни чим босиб кетадиган. Бир ишлов бериб ўзимга тўй харажатини чиқариб олмоқчи эдим.

Ғани папирос тутатди. Юзи наъматак сингари қизарди.

— Сен бола, сигирларни ёвшанзорга ҳайдабсан-а?

— Нима бўлипти?

— Сутидан заҳар тами келяпти.

Ғани «бел»ни елкасига ташлаб оёғидаги резинка этикларини тапиллата-тапиллата ҳовлидан чиқди.

Маҳалладан узоқлашиб, буғдойи янги ўриб олинган шудгорга кирганда, шишанинг муҳрли оғзини омбурдай бақувват тирноқлари билан очди. Кўзини кўкда кулиб турган ойга қадаб, чап қўли билан ши-

шанинг тубидан ушлаб карнай қилди. Қултилладиб ичди. Бўшаган шишани турган жойидан нарига, ўтлоқ томонга улоқтирди. Унинг қулоғига шишанинг чарс этиб сингани эшитилди. Афтидан, у тошга тегиб чил-чил бўлган эди. Экинзордаги қушлар уйқусидан уйғониб, париллаб ҳар томон учди. Чумчуқлар нок дарахтининг шоҳларига сочма ўқдай патир-путур сочилишиб қўнишди.

Ғанининг кўзлари сузилиб, боши айланди. Бирдан кўзларига Алманиса кўринди. У Ғани билан юзма-юз туриб олиб эрини қутқиларди.

Ғанининг оёқлари юришдан тўхтади. Унга маъюс тикилиб қаради. Хотини ҳеч ўзгармаган эди. Ҳамон ўша юриши, ўша туриши эди. Йиғлаганда кўз ёшидан кичрайган кўзлари, кулганда шакар лаблари, кетмондан қабарган қўллари ўша-ўша. «Сен ҳечам ўзгармабсан, Алманиса, менинг сочларим сен кетгандан кейин оқарди». Ғанининг қўл-оёқлари бўшашиб кетди, мош-гуруч мўйлови устига кўз ёшлари оқиб тушганини сезмади. У жуда ўртаниб кетган эди. Алманиса ғамгин қиёфада кулимсиб турар, турган жойидан қўзгалмас эди. У эрининг оёқларини қучоқлаб ёлворди:

— Ғани, ёмон ишларга қўшилма, ахир сен мунақа ичмас эдинг-ку, сенга нима бўлди?

Ғани тўғон бошига қайтди.

...Бу пайтда Ҳази экинзорларини суғориб бўлган эди. Сув йўлини тузата-тузата Ойша холанинг анорзор боғи тарафга ўтди. Ҳовли этагидаги тахта курсида икки кишининг қораси кўринди. Улар алланималар тўғрисида суҳбатлашар эди. Ҳази уларнинг сўзларига зимдан қулоқ солди. Бирини овозидан таниди. Бу Гулкўз эди. Сув ариқда ётган барглари оқизиб Гулкўзнинг товонларини яларди.

Улар ўринларидан туришди. Қиз шошиб ҳовлига ўтди. Рашк Ҳазининг томоғидан бўғди. У қўл фанорини ёқиб, йигитнинг юзига тутди.

— Бу ўзингмисан, Алшан?

— Ҳалиям одамларни кутиб турибсанми, Ҳази?

— Ҳа, мол кутишдан чарчадим.

Рўпарадан келган машинанинг фараларидан таралаётган нур ҳар иккисининг юзига тушди. Гаплари чала қолди. Усти ёпиқ машинанинг орқасидан қара-

дилар. Машинанинг қизил чироқлари қоронғиликда аллавақтгача ўчмади. Машина тўғон томон борар эди. У ҳар юз қадамда тўхтаб, ундан тушган икки киши пахтанинг сувини текшириб кўрарди. Улар тўғон бошида тўхташди, Ғани тоға югуриб машинанинг олди-га чиқди. Бевақт келган меҳмонлар билан қўл бериб кўришди. Сув хўжалиги бўлим бошлиғини таниди. Бошлиқ:

— Бу киши бизнинг мироб бўладилар,— деб илова қилди,— ўзлариям эски милиция ходимларидан.

Райком секретари эса боятдан бери Ғани тоғанинг елкасига ташлаб олган, оҳордан тушиб, ўнгиб кетган погонсиз шинелидан нигоҳини олмас эди. У кўзларини катта-катта очиб:

— Э, биз эскитдан танишмиз-ку,— деди.

Ғани тоға гўё уйқудан уйгонгандай бўлди. У бундан бир неча йил бурунги майорни хотирлади.

Секретарь:

— Иш бошлаганимга ҳали бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ, бироқ ҳозирдан уч киши сенинг устингдан шикоят қилиб келди. Бу ерда ҳам сен сувнинг олди-бердисига аралашиб кетганмишсан, қариндошим Ғани...— деди.

Ғани бундоқ қараса, янги секретарь ўша майорнинг худди ўзгинаси. Пахталик кийган кишини, Ғирдон кўприги устида учрашган инспекторнию милиция идорасидаги қилган суҳбатларини хотирлади. Секретарь бошлиққа юзланиб, деди:

— Демак, қишлоқдаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишга тушяпти, шундайми? Бу биродарни сиз химчистка цехига юборинг, ўрнига бирор виждонли одамни қўйинг! Сув пок одамни ёқтиради.

Улар гапларини тугатиб, машинага минишди. Ғани тоға секретарь билан бошлиқнинг ўзи тўғоннидаги гапларини аниқ эшитди. Яна қўлга тушди. Машина тўғоннинг устидан ўтиб, Кўкбулоқ қишлоғи томон йўл олди. Ғани тоға турган жойида тошдай қотиб турарди. Унинг назарида гўё ҳозир қор ёғиб, тўғоннинг устини муз қоплаётганга ўхшарди. Совқотди. Шинелига ўралиб машинанинг орқасидан маънос мўлтиради. Фарадан таралган зиё қоронғилик кўксини ёриб, ол-

диндаги ўтлоқ бўйлаб сузар эди. Кечанинг қўйнидан ҳашаротларнинг ҳазин наъмаси эшитиларди. Узоқда, катта йўлдан бир оз берида эса аллаким «Сона булбуллари» қўшиғини хиргойи қиларди. Ғани овозни таниди. Бу Алшаннинг овози эди.

КИТОБ МУАЛЛИФЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

СУЛАЙМОН РАҲИМОВ

(1900 йил)

Озарбайжон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, романист ва жамоат арбоби.

Ёзувчининг қаламига — «Шамо», «Сочлар», «Она ҳайкали», «Кавказ бургути» эпоеялари, «Меҳмон», «Моҳтобон», «Медальон», «Ўз қўлинг билан», «Шукрон ва Юлдуз» қиссалари ҳамда кўплаб ҳикоя ва мақолалар мансуб.

Сулаймон Раҳимовнинг асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

МИРЗА ИБРОҲИМОВ

(1911 йил)

Прозаик, драматург, адабиётшунос. Озарбайжон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти ҳамда республика Давлат мукофотлари лауреати.

Мирза Иброҳимов «Шундай кун келади», «Сувлар туташганда», «Парвона» каби романларнинг, «Ҳаёт», «Мадрид», «Муҳаббат», «Қишлоқи», «Алангаланаётган гулхан» номли пьесаларнинг ҳамда кўплаб қисса, ҳикоя, очерк ва мақолаларнинг муаллифи.

Мирза Иброҳимов ўз асарларида асосан инқилоб мавзусига мурожаат қилади, шунингдек, озарбайжон халқининг ҳозирги кундаги ҳаётини тасвирлайди.

Ёзувчининг асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

АЛИ ВАЛИЕВ

(1901 йил)

Озарбайжон халқ ёзувчиси, Республика Давлат мукофоти лауреати.

Али Валиев «Турачлига йўл», «Қадрдон дўстлар», «Бизнинг Чичаклида», «Будаг менинг замондошим», «Қаҳрамон» каби романларнинг, шунингдек, «Журналист қишлоққа боради», «Гулшан», «Моҳир Гурбат», «Ёруғликка», «Излар Қорабоғда қолди» номли қиссалар ҳамда кўплаб ҳикоя, очерк, мақолаларнинг муаллифи.

Али Валиев ўз асарларида асосан озарбайжон қишлоқлари ҳақида ёзади.

Али Валиевнинг асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

АБУЛҲАСАН АЛЕКПЕРЗОДА

(1906 йил)

Абулҳасан озарбайжон ёзувчиларининг кекса авлодига мансуб. Бир қатор роман ҳамда қиссаларнинг муаллифи. Шу жумладан, «Кўтарилишлар», «Қулаётган дунё», «Дўстлик қалъалари», «Бахт» каби романларнинг, «Тамаши кампирнинг набираси», «Уятчанг» номли қиссаларнинг ҳамда кўплаб ҳикоя ва очеркларнинг муаллифи.

Абулҳасан ўз асарларида, асосан, замонавий қишлоқ ҳаётини тасвирлайди, шунингдек, Улуғ Ватан уруши мавзусига ҳам мурожаат қилади.

Абулҳасаннинг асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

МИР ЖАЛОЛ

(1908 йил)

Прозаик, адабиётшунос, «Тирилган одам», «Ёш йигитнинг манифести», «Янги шаҳар», «Бизни йўлларимиз қаёққа олиб боради» каби романларнинг ҳамда бир нечта ҳикоялар тўпламининг муаллифи.

«Фузулий поэзияси», «Мамадқулизода реализми», «Самад Вургун» каби илмий рисолалар ҳам Мир Жалол қаламига мансуб.

Мир Жалол Озарбайжоннинг инқилобий ўтмиши ҳамда замонавий мавзуларда қалам тебратади.

Ёзувчининг баъзи бир асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

ИЛЁС АФАНДИЕВ

(1914 йил)

Прозаик ва драматург. Озарбайжон ССР Давлат мукофотининг лауреати.

Илёс Афандиев «Ёрқин йўл», «Кўклам сели», «Отаевлар оиласи», «Сен мен билан доим биргасан», «Ёндирилган кундаликлар», «Ғалати йигит», «Богдан садолар» номли пьесалар ҳамда «Богдан садолар», «Қизил кўприк», «Сув бўйидаги мажнунтол», «Сариқайноқ ва Валехе ҳақида эртаклар» сингари романлар ва кўплаб ҳикоя, очерклар ёзган.

Илёс Афандиевнинг асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

АНВАР МАМАДХОНЛИ

(1913 йил)

Прозаик, драматург. «Шарқ тонги», «Аланга», «Ширвон гўзали» каби пьесалар, «Лайли ва Мажнун», «Бобек» номли кино-сценарийлар ҳамда кўпгина қисса ва ҳикоялар муаллифи.

А. Мамадхонли асосан замонавий мавзуда лирик асарлар ёзади, шунингдек, тарихий мавзуда ҳам қалам юритади. Бадиий ижод билан бир вақтда таржима билан ҳам шуғулланади. У Лев Толстой, Максим Горький, Оноре де Бальзак ва бошқаларнинг асарларини ўз она тилига таржима қилган.

А. Мамадхонлининг бир қатор асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

МУСАЕВ ГИЛМАН (ИЛКИН)

(1914 йил)

Прозаик. Мирза Фатали Охундов номли Республика Давлат мукофоти лауреати. Гилман «Қалъадаги қўзғолоқ», «Шимол шамолли» номли романларнинг, «Учтепалик болалар», «Ҳаётнинг энг гўзал дамлари», «Денгиз ҳар доим ҳам кўм-кўк бўлавермайди», «Тоғлик квартал» каби қиссалар ҳамда кўпгина ҳикояларнинг муаллифи.

Илкин ўз асарларида асосан, Озарбайжон ва хусусан, Бокудаги инқилоб тарихи ҳақида ёзади.

Ёзувчининг бир қатор асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

СУЛАЙМОН ВАЛИЕВ

(1916 йил)

Прозаик. Сулаймон Валиев «Тугунлар», «Триглав, Триглав», номли романларнинг, «Мўйловдор ога», «Кулик» каби қиссаларнинг ҳамда «Марварид ёмғир», «Каспийдаги чироқлар», «Воболар, оталар, набиралар» ва бошқа ҳикоялар тўпламларининг муаллифи.

Сулаймон Валиев ўз асарларида Боку нефтчилари ҳақида, шунингдек, Улуғ Ватан уруши мавзусида қалам тебратади.

Езувчининг асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

ИСМОИЛ ШИХЛИ

(1919 йил)

Прозаик, адабиётшунос. Унинг биринчи асари — «Докторнинг ҳикояси» — 1947 йилда матбуотда босилган.

Исмоил Шихли «Йўллар айри тушди», «Асов Кура» романларининг ҳамда «Тоғлар гулдурайди», «Керчь сувларида» номли қиссалар, шунингдек, кўпгина ҳикояларнинг муаллифи.

Асосан, тарихий ва ҳарбий мавзуларда ёзади.

Асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

«Бу дунёда Самад Вургун бор» фильмини яратганлиги учун республика комсомоли мукофотининг лауреати унвониغا сазовор бўлган.

БАЙРАМ БАЙРАМОВ

(1918 йил)

Прозаик. «Хазина», «Тўсиқлар», «Менинг ишчи оғам», «Ёзилмаган китоб» сингари романлар, «Франгиз», «Сарибобо», «Елгиз одам», «Кўзсиз узук» каби қиссаларнинг ҳамда кўпгина ҳикоя, очеркларнинг муаллифи.

Байрам Байрамов ўз асарларида асосан замонавий озарбайжон қишлоқлари ва уларнинг одамлари ҳақида ёзади.

Байрам Байрамовнинг бир қатор асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

ҲУСАЙН АББОСЗОДА

(1922 йил)

Прозик. Аббосзода ўз адабий фаолиятини Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлган даврида бошлаган. Ҳусайн Аббосзода «Генерал», «Гирдоблар», «Мансур», «Йироқдан келган меҳмон», «Шоколадчи қиз», «Солдат ёлғиз қолди», «Уйга соя тушяпти», «Эшик тақиллади», «Қорадоғдаги воқеа», «Тўлқин шовуллаган жойда», «Қаердасиз, месъё Абель» каби роман ва қиссаларнинг, шунингдек, кўплаб ҳикояларнинг муаллифи.

Ҳусайн Аббосзода ўз асарларида асосан замонавий шаҳар ҳаёти ва уруш даври ҳақида ёзади.

Ҳусайн Аббосзоданинг асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

САЛОМ ҚОДИРЗОДА

(1923 йил)

Прозаик, драматург. Салом Қодирзода «Қиш кечаси», «Бизнинг қишлоқда бир гўзал бор», «Бу ерда инсон яшаган», «Сув париси Моряна», «46 та бинафша», «Юлдузлар милтирайди» каби роман ҳамда қиссаларнинг, шунингдек, «Ширин бола зиёфат ютди», «Ҳамиша хоним», «Қаердасан, бўйдоқлик ҳаётим» пьесаларининг ва кўпгина ҳикояларнинг муаллифи.

Салом Қодирзода бир вақтнинг ўзида ҳам лирик, ҳам ҳажвий асарлар яратмоқда.

Ёзувчининг асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

САЙФИДДИН ДОҒЛИ

(1921 йил)

Прозаик, драматург. Сайфиддин Доғли «Баҳор ўғли», «Кеджил дарвозаси», «Ким кимни дафн этади...», «Дача ташвишлари» каби роман ва қиссалар муаллифи.

Озарбайжон театрларида унинг «Янги квартира муборак», «Янги келин», «Соялар шивири» номли пьесалари қўйилган.

Сайфиддин Доғлининг ижодида сатира ва юмор алоҳида ўрин тутди.

Ёзувчининг бир қатор асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

ХОЛИДА ҲОСИЛОВА

(1923 йил)

Прозаик. Ҳосилова асосан болалар, шунингдек катталар учун ҳам ёзади. Холида Ҳосилова «Унутмайман», «Унинг тақдири», «Дали-чойнинг суви», «Кўнгил куйлайди» каби қисса ҳамда кўпгина ҳикояларнинг муаллифи.

Холида Ҳосилова ўз қисса ва ҳикояларида шу куннинг муҳим ахлоқий-этик проблемаларини кўтариб чиқади.

Ёзувчининг бир қатор асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

ЮСУФ АЗИМЗОДА

(1917 йил)

Прозик, таржимон ва драматург. Азимзода «Иккинчи ҳаёт», «У бегона эмас» каби романларнинг, шунингдек, «Пирмамад уста», «Қалдирғочга жавоб беринг» номли қиссалар, «Онажон», «Апрель тонги», «Насриддин», «Қўшинлар» номли пьесалар ҳамда кўпгина ҳикоялар ва очеркларнинг муаллифи.

У ўз асарларида асосан ишчилар ҳаёти ва уруш мавзусига мурожаат қилади.

Азимзода озарбайжон тилига Достоевский, Тургенев, Максим Горький, Константин Симонов, Олесь Гончар ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини таржима қилган.

АЛАВИЙЯ БОБОЕВА

(1921 йил)

Алавийя Бобоева «Одамлар ва тақдирлар», «Қайдасан, дўстгинам, қайдасан...» романларининг муаллифи. Детюниздат нашриёти Алавийя Бобоеванинг болалар учун ёзган биринчи ҳикоялар тўпламини «Менинг ўқитувчим» номида 1950 йили нашр қилганди.

Уша вақтдан бери Бобоеванинг йигирмадан ортиқ китоблари, юқорида номлари зикр қилинган роман ҳамда қиссаларни ўз ичига олган ҳолда нашр қилинган.

Бобоеванинг асарлари СССР халқларининг кўпгина тилларига таржима қилинган, шунингдек, булғор, чех, француз ва бошқа тилларда ҳам нашр этилган.

ГУЛҲУСАЙН ҲУСАЙН УҒЛИ

(1923 йил)

Прозаик. Унинг биринчи ҳикояси («Онам») 1944 йили босилган бўлиб, биринчи насрдаги шеъри («Бинафша ҳақидаги афсона») 1946 йили эълон қилинган.

У асосан замонавий мавзуда ёзади. Унинг қаламига ўн етти-та ҳикоялар тўплами, насрий шеър ва қиссалар («Бир ҳаётнинг юлдузи», «Насрий назмлар», «Инсон», «Сандиқча», «Танланган асарлар» ва Ҳоказолар) мансубдир.

Ёзувчининг кўпгина ҳикоялари ва насрий шеърлари СССР халқларининг тилларига таржима қилинган.

ЧИНГИЗ ҲУСАЙНОВ

(1929 йил)

Прозаик, адабиётшунос. Чингиз Ҳусайнов «Момиш. Мамад, Муҳаммад» романининг, «Исмини айтмади», «Қайнсингил» қиссалари ҳамда бир қатор ҳикояларнинг муаллифи.

Чингиз Ҳусайнов ўз асарларида асосан шаҳар ҳамда шаҳарликлар ҳақида ёзади. У Бокуда туғилиб-ўсганлиги учун ҳам шаҳар ва унинг проблемаларини яхши билади. У ўз асарларида ҳозирги куннинг ўткир ахлоқий-этик масалаларини кўтариб чиқади.

У адабиётшунос сифатида ҳозирги замон озарбайжон адабиёти ҳақида кўпгина мақолалар ёзган.

Ёзувчининг айрим асарлари СССР халқларининг тилларига таржима қилинган.

СОБИР АҲМЕДОВ

(1930 йил)

Прозаик. У «Орон», «Кўринмас тўлқин» деган романлар, «Қон қуйиш станцияси», «Тепаликдаги излар», «Жамил» номли қиссалар ва кўплаб ҳикоялар яратган.

Собир Аҳмедов ўз асарларида кўпроқ замонавий озарбайжон қишлоғи ва унинг одамлари ҳақида ёзади.

Ёзувчининг бир қатор асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

ВИДОДИ БОБОНЛИ

(1927 йил)

Видоди Бобонли асосан проза жанрида ижод қилади. Ёзувчининг адабий фаолияти 1948 йилдан бошланган. Унинг биринчи ҳикояси 1953 йилда нашр қилинганди («Портфель»).

Бобонли «Виждон жим турганда» ва «Ҳаёт бизни синамоқда» романларининг ҳамда «Келин», «Баҳорги аёз» қиссалари ва кўпгина ҳикоя, очеркларнинг муаллифи.

Ёзувчи асосан замонавий мавзуда қалам тебратadi.

Унинг асарлари рус, украин, арман, татар ва СССР халқларининг бошқа тилларига таржима қилинган.

МАҚСУД ИБРОҲИМБЕКОВ

(1935 йил)

Мақсуд Иброҳимбеков проза ва драма жанрида ижод қилади. Республика Давлат мукофотининг лауреати. Мақсуд Иброҳимбеков «Акамдан яхшиси йўқ эди», «Бойқуш учиб келди», «Ҳамма яхшиликлар учун ўлим», «Ким Трусковецга боради» номли қиссаларнинг муаллифи. Унинг «Мезозой тарихи» пьесаси, «Болаликнинг охири куни», «Тимка билан бизнинг нефть» киносценарийлари ҳам маълум.

Мақсуд Иброҳимбеков асарлари асосида кинофильмлар намойиш қилиниб, театр постановкалари қўйилган.

Ёзувчининг асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

РУСТАМ ИБРОҲИМБЕКОВ

(1939 йил)

Рустам Иброҳимбеков драматург, прозаик сифатида шуҳрат қозонган. У «Тўққизинчи Тизма тоғда», «Унутилган август» қиссаларининг, «Кўк эшик ортидаги аёл», «Йўлбарсмисол», «Ўз йўлинг билан», «Қумдаги уй» пьесалари ҳамда «Саҳронинг жанговар қуёши», «Жануб шаҳарларидан бирида», «Ўшанда мен йўқ дегандим» сингари киносценарийларнинг муаллифидир.

Рустам Иброҳимбеков ўз асарларида замонавий шаҳар ва унинг одамлари ҳақида ёзadi.

Ёзувчининг асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

ЭЛЧИН
(1942 йил)

Элчин асосан проза жанрида ижод қилади. У бир нечта қисса ва ҳикоялар тўпламларининг муаллифи: «Минг бир кеча», «Очиқ ойна», «SOS», «Кумуш ранг, зарғалдоқ ранг», «Мана шу жойлардан поездлар юради», «Болададашнинг биринчи севгилиси», «Бир учрашув тарихи», «Кумуш ранг арава».

Унинг сценарийлари асосида иккита бадиий фильм яратилган.

Элчин танқидчилик соҳасида ҳам ижод этади, у кўпгина мақолалар ҳамда «Танқид ва проза» монографиясининг муаллифи.

Элчиннинг асарлари СССР халқлари ва хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

ИСИ МАЛИКЗОДА
(1934 йил)

Маликзода асосан проза жанрида 1958 йилдан бери ижод қилади. У «Бегона она», «Бўялмаган қанотлар», «Уйдаги эркак», «Қопқонда», «Қудуқ» каби қисса ҳамда ҳикояларнинг муаллифи.

Маликзода кўпроқ ёшларга бағишлаб ёзади.

Иси Маликзоданинг асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

ЮСУФ САМАД ЎҒЛИ (ВЕКИЛОВ)
(1936 йил)

Юсуф Самад ўғли проза ва драма жанрида ижод қилади. Ёзувчи «220 номерли хона», «Галактика» сингари ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Шунингдек, «Менинг етти ўғлоним», «Ҳамроҳ шамол» киносценарийлари ҳам шу муаллиф қаламига мансуб.

Юсуф Самад ўғли асосан ўз тенгдошлари, уларнинг муҳаббатлари, изланишлари ҳақида ёзади.

Ёзувчининг бир қатор асарлари СССР халқлари ҳамда хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилинган.

СОБИР ОЗАРИЙ
(1938 йил)

Прозаик Собир Озарий «Яланг қоя», «Йўлдаги тўй», «Кулранг тоғ ҳикояси», «Биринчи туртки» қиссалари ҳамда бир қатор ҳикоялар муаллифи.

Собир Озарий асосан замонавий озарбайжон қишлоқлари ҳақида ёзади.

Ёзувчи, шунингдек, бадиий таржима билан ҳам шуғулланади.

Собир Озарийнинг асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

АМИР МУСТАФОВ

(1936 йил)

Амир Мустафоев 1954 йилдан бери проза жанрида ижод қилиб келади. Унинг биринчи ҳикояси «У келди» ҳам 1954 йили нашр қилинганди. Мустафоев «Доғларжининг оқ қайинлари», «Қировчойнинг куз қўшиғи» қиссалари ҳамда кўпгина ҳикояларнинг муаллифи.

Ёзувчи асосан ёшлар ва ўсмирлар учун ёзади.

Унинг асарлари рус ва арман тилларига таржима қилинган.

Э л ч и н .	
Озарбайжон ҳикояси ҳақида сўз. <i>Ҳ. Маҳмудова</i> таржимаси	3
С у л а й м о н Р а ҳ и м о в . Келин қалъа. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси	5
М и р з а И б р о ҳ и м о в . Почталъон. <i>Миад Ҳакимов</i> таржимаси	12
А л и В а л и е в . Меҳр. <i>Гулнора Турсунова, Файзи Шоҳисмоил</i> таржимаси	27
А б д у л ҳ а с а н А л е к п е р з о д а . Учрашадиган жой. <i>Саидаҳмад Худойбергандов</i> таржимаси	39
М и р Ж а л о л . Ҳолва деган билан оғиз чучимас. <i>Жўрахон Насриддинова</i> таржимаси	52
И л ё с А ф а н д и е в . Чор девор. <i>Мирзиёд Мирзоидов</i> таржимаси	57
А н в а р М а м а д х о н л и . Ойдин кечада. <i>Мирзиёд Мирзоидов</i> таржимаси	67
Г и л м а н И л к и н . Фламинго. <i>Шафоат Пирмуҳамедова</i> таржимаси	73
С у л а й м о н В а л и е в . Губкин ва Юсуф. <i>Ҳабиба Мансурова</i> таржимаси	85
И с м о и л Ш и х л и . Туманли тун. <i>Неъмат Аминов, Пошали Усмон</i> таржимаси	99
Б а й р а м Б а й р а м о в . Чақмоқ тош. <i>Назми Фозилова</i> таржимаси	107
Ҳ у с а й н А б б о с з о д а . Биллур сиёҳдон ва бинафшаранг «Жигули». <i>Зоҳир Азлам</i> таржимаси	120
С а л о м Қ о д и р з о д а . Метаморфоза. <i>Назира Жўраева</i> таржимаси	131
С а й ф и д д и н Д о ғ л и . «Дала чучвараси». <i>Тоҳир Малик</i> таржимаси	140

Холида Ҳосилова. Қизил опа. Ҳасан Тўрабеков таржимаси	151
Юсуф Азимзода. Қўшиқларим менинг. Зоҳир Аълам таржимаси	162
Алавиё Бобоева. Лоалар очилганда. Ҳикоят Маҳмудова таржимаси	169
Гулҳусайн Ҳусайн ўғли. Насрий назмлар. Маҳкам Маҳмудов, Файзи Шоҳисмоил таржимаси	177
Чинғиз Ҳусайнов. Оғир доvon. Тоҳир Малик таржимаси	186
Собир Аҳмедов. Топишмоқлар кечаси. Назира Жўраева таржимаси	193
Видоди Бобонли. Қариялар. Неъмат Аминов, Пошали Усмон таржимаси	199
Мақсуд Иброҳимбеков. Баҳор нашидасидан бир шингил. Лола Тожиева таржимаси	209
Рустам Иброҳимбеков. Ҳайвонга муҳаббат. Лола Тожиева таржимаси	225
Элчин. Қиш эртаги. Зоҳир Аълам таржимаси	229
Иси Маликзода. Уларни ҳамон кутишяпти. Ҳабиба Мансунова таржимаси	244
Юсуф Самад ўғли. Инжа дарасида ёз чоғи. Ҳикоят Маҳмудова таржимаси	250
Собир Озарий. Дашт гиёҳлари. Дилбар Каримова таржимаси	260
Амир Мустафоев. Погонсиз шинель. Жўрахон Насриддинова таржимаси	270
Ҳусайн Аббосзода. Китоб муаллифлари тўғрисида қисқача маълумот	283

На узбекском языке

ЖЕМЧУЖИНА

Рассказы азербайджанских писателей

Редактор *О. Мухторов*
Рассом *В. Немировский*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *М. Холматова*

ИБ № 1237

Босмахонага берилди 14.XII—78 й. Босишга рухсат этилди 10.04.79. Формати $84 \times 108^{1/3}$. Босма л. 9,25. Шартли босма л. 15 54. Нашр. л. 14,45. Тиражи 15000. Р—08960. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 234—78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, 1979 йил. Заказ № 1209. Баҳоси 1 с. 10 т.

Дурдона: Озарбайжон ёзувчиларининг ҳикоялари. [Тўпловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳусайн Аббосзода; Сўзбоши муаллифи Элчин].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 С 296 б.

Ўзбек ва озарларни азалдан биродар халқлар деса бўлади. Қўлингиздаги китобни ҳам мана шу дўстлик шаънига тузилган хушбўй бир гулдаста дейиш мумкин.

Ҳемчужина.

С(А3)